

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

АХБОРОТ-КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИ

Каталоглаштириш қоидалари

Расмий нашр

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология
ва сертификатлаштириш агентлиги

Тошкент

Сўз боши

1 «UNICON.UZ» - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази давлат унитар корхонаси («UNICON.UZ» ДУК) томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

2 Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида стандартлаштириш бўйича 7-сон техник қўмита томонидан КИРИТИЛГАН

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)нинг 2016 йил 22 январдаги 05-739-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

4 БИРИНЧИ МАРТА КИРИТИЛГАН

Ўзбекистон ҳудудида ушбу стандарт ва унга киритилган ўзгартиришларнинг амалга киритилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) тўғрисидаги ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичда эълон қилинади. Ушбу стандарт қайта кўриб чиқилганда ёки бекор қилинганда тегишли ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичида эълон қилинади.

«Ўзстандарт» агентлиги ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий эълон қилиш мутлақ ҳуқуқига эга

Мундарижа

1	Қўллаш соҳаси.....	1
2	Норматив ҳаволалар.....	1
3	Атамалар ва таърифлар.....	2
4	Каталоглаштиришнинг умумий қоидалари.....	2
4.1	Библиографик ёзув структураси	2
4.2	Библиографик ёзув сарлавҳаларининг турлари.....	19
4.3	Библиографик ёзувдан фойдаланиш нуқталари.....	79
5	Ахборот-кутубхона ресурсларининг айрим турларини каталоглаштириш	99
5.1	Китоблар ва брошюралар.....	99
5.2	Эски босма нашрлар.....	142
5.3	Ноталар.....	175
5.4	Картографик материаллар.....	213
5.5	Тасвирий материаллар (тасвирий асарлар ва бошқа графика).....	241
5.6	Электрон ресурслар.....	271
5.7	Овозли ёзувлар.....	291
5.8	Кинофильмлар ва видеоёзувлар.....	299
5.9	Микрошакллар.....	317
5.10	Серияли ва бошқа давомли ресурслар.....	334
А	илова (маълумот учун) Ахборот-кутубхона ресурслари учун тузилган библиографик ёзувларга мисоллар	375
В	илова (маълумот учун) Библиографик ёзувдаги сўзлар ва сўз бирикмаларини қисқартириш алоҳида ҳолатларининг рўйхати	411

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими АХБОРОТ-КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИ Каталоглаштириш қоидалари

Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫЕ РЕСУРСЫ Правила каталогизации

System of standards on information, librarianship and publishing.
Information-library resources. Cataloguing rules

Киритиш санаси 2016-02-01

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт ахборот-кутубхона ресурсларининг барча турларини каталоглаштиришга қўйиладиган ягона талабларни белгилаб беради.

Стандарт ахборот-кутубхона муассасалари, илмий-техник ахборот органлари, давлат библиография марказлари, нашриётлар, бошқа библиография қилувчи муассасаларда ишлаб чиқариладиган ахборот-кутубхона ресурсларини каталоглаштиришга тааллуқлидир.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.5-98 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Журналы, сборники, информационные издания. Издательское оформление публикуемых материалов

ГОСТ 7.11-2004 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Библиографическая запись. Сокращение слов и словосочетаний на иностранных европейских языках

ГОСТ 7.12-93 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Библиографическая запись. Сокращение слов на русском языке. Общие требования и правила

ГОСТ 7.51-98 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Карточки для каталогов и картотек. Каталогизация в издании. Состав, структура данных и издательское оформление

ГОСТ 7.76-96 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Комплектование фонда документов. Библиографирование. Каталогизация. Термины и определения

ГОСТ 7.80-2000 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Библиографическая запись. Заголовок. Общие требования и правила составления

О‘з DSt 1214:2009 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот-кутубхона фаолияти, библиография. Атамалар ва таърифлар

О‘з DSt 1215:2009 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик ёзув. Библиографик тавсиф. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари

О‘з DSt 2310:2011 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Электрон нашрлар. Асосий турлари ва чиқувчи маълумотлар

О‘з DSt 2317:2011 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Нашрлар, чиқувчи маълумотлар. Умумий талаблар ва расмийлаштириш қоидалари

Изоҳ - Ушбу стандартдан фойдаланилганда ҳавола қилинган стандартларнинг Ўзбекистон ҳудудида амал қилишини жорий йилнинг 1 январигача бўлган ҳолати бўйича тузилган стандартларнинг тегишли кўрсаткичи ва жорий йилда эълон қилинган тегишли ахборот кўрсаткичлари бўйича текшириш мақсадга мувофиқдир. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, у ҳолда ушбу стандартдан фойдаланилганда алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиш лозим. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, у ҳолда унга ҳавола қилинган қоида, ушбу ҳаволага тааллуқли бўлмаган қисмида қўлланилади.

3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда ГОСТ 7.76, О‘з DSt 1214, О‘з DSt 2310 бўйича атамалар қўлланган.

4 Каталоглаштиришнинг умумий қоидалари

4.1 Библиографик ёзув структураси

4.1.1 Асосий қоидалар

Ахборот-кутубхона ресурслари учун уларни каталоглаштириш жараёнида ҳужжат - ёзув объекти тўғрисидаги уни библиографик қидириш мақсадида идентификация қилиш, унинг таркиби ва мазмунини очиқ бериш имконини берадиган, маълумотларни қайд қилувчи библиографик ахборотни ўз ичига олган библиографик ёзув яратилади.

Библиографик ёзув таркибига заруратга кўра сарлавҳа, индекслаш атамалари (таснифлаш индекслари ва предмет рубрикалари), ҳужжатни сақлаш шифри, аннотация (реферат), бошқа библиографик ёзувлар билан

боғлиқликлари тўғрисидаги маълумотлар ва ундан фойдаланишни таъминловчи ҳужжат тўғрисидаги бошқа қўшимча ахборот билан тўлдирилувчи библиографик тавсиф киради.

Библиографик тавсиф таркибига O‘z DSt 1215 (4.4)га мувофиқ библиографик элементларни уз ичига олган саккизта соҳа киради.

Соҳалар ва элементлар O‘z DSt 1215 (5.1)да келтирилган рўйхатга мувофиқ белгиланган кетма-кетликда ва аввалдан белгиланган белгилар билан бирга келтирилади.

Библиографик ёзувни тузиш жараёнида ёзувга кириш, уни қидириш ва идентификация қилишни таъминловчи, яъни фойдаланиш нуқталарининг функциясини бажарувчи маълумотларни аниқлаш зарур.

Фойдаланиш нуқталарини танлаш ҳужжатнинг тури, чиқувчи маълумотлар ёки шунга ўхшаш маълумотларнинг (электрон ва бошқа китоб шаклида бўлмаган ресурслар учун) мавжудлиги, таркиби ва жойлашувини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Шахсларнинг исмлари ва ташкилотларнинг номлари, ҳужжатларнинг рақамли ва ҳарфли белгилари, географик номлари; сарлавҳалар, жумладан бир хиллаштирилган сарлавҳалар ва библиографик ёзувнинг бошқа элементлари фойдаланиш нуқталари сифатида қаралади. Фойдаланиш нуқталари учун маълумотлар ҳужжатда ва бошқа манбаларда (маълумотга эга нашрлар, нуфузли файллар, метамаълумотлар ва шу кабиларда) жойлаштирилган ахборотдан ўзлаштирилади.

Сарлавҳаларни тузиш қоидалари ушбу стандартнинг 4.2-бандида келтирилган. Фойдаланиш нуқталарини танлаш қоидалари ушбу стандартнинг 4.3-бандида келтирилган.

4.1.2 Библиографик ёзув объекти

Библиографик ёзув объекtlари ҳужжат тури, ҳужжатдаги қисmlар сони, унга фойдаланиш режими, унинг тугалланганлик даражаси, физик ташувчининг турига боғлиқ равишда турларга бўлинади.

Библиографик ёзув объекtlари бўлиб ҳар қандай ташувчиларда эълон қилинган (жумладан депонирланган) ва эълон қилинмаган ҳужжатлар – китоблар, серияли ва бошқа давомли ресурслар, ноталар, картографик ва тасвирий материаллар, аудиовизуал, норматив ва техник ҳужжатлар, микрошакллар, электрон ресурслар, уч ўлчамли бадий ва табиий объекtlар ва бошқалар; уларнинг таркибий қисmlари; бир жинсли ва турли жинсли ҳужжатлар гуруҳлари ҳисобланади.

Қисmlарнинг сонига кўра битта қисмдан ташкил топган объекtlар (бир қисмли объекtlар) ва икки ёки ундан кўпроқ қисmlардан ташкил топган объекtlарни (кўп қисмли объекtlар) ажратиб кўрсатадилар.

Бир қисмли объект бўлиб – мустақил бир марталик ҳужжат ёки битта физик ташувчидаги кўп қисмли ҳужжатнинг алоҳида физик бирлиги (бир томли ҳужжат ёки кўп томли ҳужжат, серияли ёки бошқа давомли

ресурснинг алоҳида томи (нашри), тўла ҳужжатнинг алоҳида компоненти) ҳисобланади.

Кўп қисмли объект бўлиб – бир хил ёки турли физик ташувчиларда сақланувчи алоҳида физик бирликларнинг тўпламидан иборат бўлган ҳужжат (кўп томли ҳужжат, комплект ҳужжат, серияли ёки бошқа давомли ресурс) ҳисобланади.

Объект бир қисмли ҳужжатнинг таркибий қисми ёки кўп қисмли ҳужжат бирликлари ҳам бўлиши мумкин.

Фойдаланиш режими бўйича физик ташувчилардаги маълумотларни ўз ичига олувчи локал фойдаланиш (сезиш мумкин бўлган) объектлари ва компьютер тармоқларида ёки компьютер винчестерида жойлаштирилган ахборотни ўз ичига олувчи масофадан фойдаланиш (сезиб бўлмайдиган) объектларига ажратилади.

Тугалланганлик даражаси бўйича объектлар тугалланган ва интеграцияланувчи объектларга ажратилади.

Тугалланган объектлар тугалланган монографик ҳужжатлардан ҳамда одатда рақамлаштириладиган, нашрлар сони чекланмаган ва тугаллаш муддати аввалдан белгиланмаган серияли ва бошқа давомли ресурсларнинг алоҳида тугалланган нашрларидан иборат.

Интеграцияланувчи объектлар алоҳида чиқарилмайдиган, балки бирлаштириладиган, бир бутунга айланадиган (матн, маълумотлар, саҳифалар кабиларни қўшиш, олиш, алмаштириш, кўчириш йўли билан аввал мавжуд бўлган ресурсга қўшиладиган) янгиланишлар ёрдамида қўшилади ва ўзгартирилади.

Физик ташувчининг тури бўйича объектлар қоғозли ташувчидаги (машинада ёзилган матн, босма матн, нусха, қўл ёзма, электрон-ҳисоблаш машинасида босиб чиқарилган материал, Брайл шрифтида бажарилган ҳужжат), микроташувчилардаги (микрофиша, микрофильм ва бошқа микрошакллар), киноплёнкадаги ташувчилардаги (кинофильм, диафильм), магнитли ташувчилардаги (магнитли тасма, магнитли тасмага эга бўлган кассета, магнитли диск, видеокассета, аудиокассета, микрокассета), перфоташувчилардаги (перфокарталар), оптик (лазерли) ташувчилардаги (компакт дисклар, видеодисклар), голографик асосдаги ва бошқа ташувчилардаги объектларга ажратилади.

4.1.3 Библиографик ёзувлар турлари

4.1.3.1 Библиографик ёзувлар қуйидаги турли белгиларига кўра турларга бўлинади:

- объект тури;
- ёзув структураси;
- элементлар тўпламининг тўлиқлиги;
- фойдаланиш нуқтасининг танланиши;
- ёзувлар сони;

- ўзгаришлар характери.

4.1.3.2 Объектнинг турига кўра китоблар, серияли ва бошқа давомли ресурслар, ноталар учун библиографик ўзувлар, картографик ва тасвирий материаллар, аудиовизуал, норматив ва техник ҳужжатлар, микрошакллар, электрон ресурслар, уч ўлчамли сунъий ва табиий объектлар ва бошқаларга ажратилади.

4.1.3.3 Библиографик ўзувнинг структурасига кўра ўзувлар бир босқичли ва кўп босқичли библиографик ўзувларга ажратилади.

Бир босқичли ўзув битта босқичдан иборат бўлади, у бир қисмли ҳужжатдан; тугалланган кўп қисмли тўлиқ ҳужжатдан; алоҳида физик бирликдан ҳамда кўп қисмли ҳужжатнинг физик бирликлари гуруҳи тўпламидан тузилади.

Кўп босқичли ўзув икки ва ундан кўпроқ бўлган иерархик равишда боғлиқ босқичлардан иборат бўлади ва у кўп қисмли ҳужжатдан (кўп томли ва комплект ҳужжатдан, серияли ёки бошқа давомли ресурсдан) ёки алоҳида физик бирликдан ҳамда кўп қисмли ҳужжатнинг физик бирликлари гуруҳидан – кўп томли, комплект ҳужжат, серияли ёки бошқа давомли ресурснинг бир ёки бир неча томларининг тўпламидан (алоҳида нашр, сонлардан) тузилади

Кўп босқичли ўзувнинг биринчи босқичида (умумий қисмда) барча учун ёки физик бирликлар – кўп қисмли ҳужжат таркибига кирувчи томларнинг (алоҳида нашрлар, сонларнинг) кўпи учун умумий бўлган маълумотлар келтирилади.

Кўп босқичли ўзувнинг иккинчи босқичида (спецификацияда) алоҳида физик бирликлар – кўп қисмли ҳужжат таркибига кирувчи томларга (алоҳида нашрлар, сонларга) тегишли бўлган маълумотлар келтирилади.

Агар иккинчи босқичдаги маълумотлар, физик бирликлар гуруҳига, тўпламига тегишли бўлса, алоҳида физик бирликлар тўғрисидаги маълумотлар учинчи босқичда келтирилади.

Бир босқичли ўзувни келтириш қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.8 ва 4.1.9-бандларида, кўп босқичли ўзувни келтириш қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.10-бандида келтирилган.

4.1.3.4 Элементлар тўпламининг тўлиқлигига кўра қисқа, кенгайтирилган ва тўлиқ ўзувлар бўлади.

Қисқа ўзув фақат мажбурий элементлардан ташкил топади.

Кенгайтирилган ўзув мажбурий ва айрим факультатив элементлардан ташкил топади.

Тўлиқ ўзув мажбурий ва маълумотлари ҳужжатда мавжуд бўлган ёки ҳужжатдан ташқаридаги манбалар бўйича аниқланиши мумкин бўлган барча факультатив элементлардан ташкил топади.

4.1.3.5 Фойдаланиш нуқтасининг танланишига боғлиқ равишда ўзувлар асосий ва қўшимча ўзувларга ажратилади. Асосий фойдаланиш нуқтасига асосий библиографик ўзув, қўшимча фойдаланиш нуқталарига –

қўшимча библиографик ёзувлар мос келади. Фойдаланиш нукталарини танлаш қоидалари ушбу стандартнинг 4.3-бандида келтирилган.

4.1.3.6 Ёзувлар сонига кўра объект учун битта ёки бир нечта ёзувлар тузилган бўлиши мумкин. Бир қисмли объектга, одатда, битта ёзув тузилади, кўп қисмли объектга битта ёзув тузилиши ёки икки ва ундан кўпроқ бўлган иерархик боғлиқ ёзувлар тўплами тузилиши мумкин.

4.1.3.7 Хужжатнинг чиқувчи маълумотларидаги ўзгаришларнинг хусусиятларига кўра аввалги библиографик ёзувдан (агар ўзгаришлар жиддий бўлмаса) фойдаланиш ҳамда янги ёзув тузиш (агар ўзгаришлар катта, жиддий бўлса) мумкин. Чиқувчи маълумотлардаги ўзгаришлар турли хилдаги кўп томли ва давомли ресурслар учун хосдир, шунинг учун катта ва кичик ўзгаришларни аниқлаш ва янги ёзувларни яратиш мезонлари ушбу стандартнинг 5.10-бандида келтирилган.

4.1.4 Пунктуация

Библиографик ёзувдаги пунктуация О‘з DSt 1215 (4.7) га мувофиқ келтирилади.

4.1.5 Ахборот манбалари

Библиографик ёзувни тузиш учун қуйидагилар асосий ахборот манбаи ҳисобланади: нашр қачон ва қаерда чиқарилганлиги тўғрисидаги асосий маълумотлар ва уларга ўхшаш маълумотлар – титул варағи, титул экрани, этикетка, наклеяка ва шу кабиларни ўз ичига олган хужжат элементи (элементлари). Нашр қачон ва қаерда чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотларни расмийлаштириш ГОСТ 7.5, О‘з DSt 2310, О‘з DSt 2317 га мувофиқ амалга оширилиши керак.

Хужжатнинг ҳар бир тури учун ахборотнинг асосий манбаи аниқланади:

- титул варағи ва унинг турлари (жумладан бирлаштирилган титул варағи);
- газетанинг биринчи ва охири саҳифаси;
- карта титули (картуш, карта варағининг юқори, қуйи ва ён майдонлари);
- магнитли фонограмма, грампластинка этикеткаси, кинофильм, диафильм, диапозитив, видеоёзув, компакт-диск титрлари
- электрон ресурс титул экрани, асосий меню, дастур тўғрисидаги маълумотлар, файл номи, уй саҳифаси
- тасвири нашрнинг олд ва (ёки) орқа томони
- хужжат таркибий қисми матнининг биринчи ва охири саҳифалари.

Агар юқорида эсга олиб ўтилган манбалардан бир нечтасидан фойдаланилса, уларнинг комбинациясига ягона бош манба сифатида қаралади.

Агар асосий ахборот манбаи мавжуд бўлмаса, унда манба O'z DSt 1215 (4.8)дан танланади, шунингдек босма ёки электрон шаклдаги ҳужжатлардан ва бошқа илова қилинадиган материаллардан фойдаланилади. Бундай ҳолатларда ахборот манбаи изоҳда кўрсатилади.

Ҳужжатларнинг айрим турлари учун белгилаб берилган манбалардан фойдаланиш ушбу стандартнинг 5-бўлимида келтирилган.

Библиографик ёзув сарлавҳаси учун ахборот манбаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ушбу стандартнинг 4.2-бўлимида келтирилган.

Ахборот-кутубхона ресурсларининг барча турлари учун библиографик ёзувларга мисоллар А иловада келтирилган.

4.1.6 Библиографик ёзув тили

4.1.6.1 Асосий қоидалар

Библиографик ёзувни тузиш жараёнида тилнинг қуйидаги асосий тушунчаларини фарқлай билиш керак.

- ҳужжат асосий матнининг тили ҳужжат тили ҳисобланади;
- ахборотнинг бош манбаида жойлаштирилган маълумотлар тили ҳужжатнинг чиқувчи маълумотлари тили ҳисобланади.

- каталогизатор библиография қилувчи муассаса тилида ифодаладиган маълумотларнинг: библиографик ёзув сарлавҳасидаги белгиларни идентификация қиладиган маълумотларнинг, библиографик таърифнинг айрим соҳалари ва элементлари маълумотларининг, шунингдек ҳаволалар, маълумот ва шу кабилар тили каталоглаштириш тили ҳисобланади:

- ушбу стандартнинг 4.2.3.3-бандига мувофиқ тил ташкилот номини ўз ичига олган сарлавҳа тили ҳисобланади;

- библиографик ёзув тили, жумладан библиографик тавсиф тили ва сарлавҳа тили бўлиб библиографик ёзувнинг барча ёки кўпгина элементлари келтирилган тил ҳисобланади;

- библиографик ёзув тилига, одатда, ҳужжатнинг чиқувчи маълумотларининг тили мос келади.

Библиографик ёзув тўлиқлигича ёки унинг алоҳида элементлари бошқа тилнинг графикасига транслитерация қилинган ҳолда ёки бошқа тилга таржима қилинган ҳолда келтирилиши мумкин. Транслитерация тегишли тилларни транслитерация қилишнинг халқаро ёки миллий қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Библиографик ёзувни ёки унинг алоҳида элементларини бошқа тилга таржима қилиш фойдаланувчи учун ушбу ёзувдан фойдаланиш нуқталари сонини ошириш мақсадида амалга оширилади. Одатда, ҳужжатнинг ўзининг чиқувчи маълумотларида мавжуд бўлган таржимадан фойдаланилади ёки у бошқа нуфузли манба – миллий библиография, маълумотнома ва шу кабилар бўйича аниқланади.

4.1.6.2 Библиографик ёзув тилини танлашнинг умумий қоидалари

Агар ҳужжатдаги матн ва чиқувчи маълумотлар турли тилларда берилган бўлса, библиографик ёзув тилини танлаш қуйидаги қоидалар бўйича амалга оширилади:

- агар матн бир тилда, чиқувчи маълумотлар эса бошқа тилда берилган бўлса, библиографик ёзув чиқувчи маълумотлар тилида тузилади:

*Мисол**

Минералогический атлас Польши [Карты] / Геол. ин-т ; науч. ред. Р. Осика. – 1:2 000 000. – Варшава : [б. и.], 2008. – 1 атл. (7 отд. карт, 17 с. текста) : цв. ; 22х31 см. – Геогр. назв. на картах пол.

(Чиқиш маълумотлари ва афсона рус тилида, атласнинг хариталаридаги географии кномлар поляк тилида, ёзув рус тилида тузилган)

- агар матн бир тилда, чиқувчи маълумотлар эса параллел равишда икки ёки ундан кўпроқ тилларда, жумладан ҳужжат матни тилида ҳам берилган бўлса, тавсиф ҳужжат матни тилида тузилади:

Мисоллар

Ходимлар бўйича менежернинг стол китобчаси [Текст] = Настольная книга менеджера по персоналу / А. А. Рискүллаев ; сўз боши Д. Н. Жаҳонгирова. – Тошкент : Norma, 2009. – 432 б. ; 20 см. – («Норма маслахатчи» газетаси кутубхонаси ; 5 сони). – Тит. в. парал. рус тилида. – 3000 нусха. – ISBN 978-9943-316-45-4 : 10000 сўм.

(Матн ва муқова ўзбек тилида)

Spiders of Tuva, South Siberia [Текст] = Пауки Тувы, Южная Сибирь / Yu. M. Marusik, D. V. Logunov, S. Koponen ; Rus. akad. of sciences, Far East branch, North-East sci. center, Inst. for biol. problems of the North. – Magadan : [s. n.], 2000. – 252, [1] с. : ил., карты, табл. ; 21 см. – Библиогр.: с. 236–251. – Данные тит. л. парал. рус.

(Матн ва муқовадаги маълумотлар инглиз тилида)

Агар ҳужжат матни аралаш ёки бир нечта тилларда параллел равишда ва чиқувчи маълумотлар аралаш ёки бир нечта тилларда параллел равишда берилган бўлса, библиографик ёзув тилини танлаш қуйидаги қоидалар бўйича амалга оширилади:

- агар ҳужжатда матнлар ва чиқувчи маълумотлар орасида матн ва барча чиқувчи маълумотлар библиография қилувчи муассаса тилида мавжуд бўлса, библиографик ёзув тилини танлашда шу тил афзал кўрилади.

Мисол

Ванг, Фанг.

Оғзаки хитой тилида гаплашамиз [Матн] = Учимся говорить по-китайски : оғзаки хитой тилидан қўлланма / Ф. Ванг ; Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ТошДШИ қошидаги Конфуций номидаги ўзбек-хитой

* Библиографик ёзувларнинг ҳақиқий ҳолатини яққол тасвирлаш мақсадида ушбу ва ўхшаш мисолларда бундан буён стандартнинг матнида мисолларни рақамлашдан фойдаланилмайди.

институту ; таржимон: А. Каримов . – Тошкент : Fan va texnologiya, 2011. – 224 б. ; 20 см. – Матн ўзб., хитой ва рус тилида. – Парал. тит. в. хитой ва рус тилида. – 100 нусха. – ISBN 978-9943-10-517-1 : 7000 сўм.

- агар ҳужжатда библиография қилувчи муассаса тилида матн ва нашр қачон ва қаерда чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаса, библиографик ёзув, параллел чиқувчи маълумотлар мавжуд бўлганда ушбу ҳужжат эълон қилинган мамлакат тилида тузилади.

Мисол

Književnost & nasilje [Текст] = Literature & violence / XXXI Beogradski međunar susret pisaca ; prired. Moma Dimić. – Beograd : Udruženje knjiž. Srbje, 2000. – 150, [1] с. : ил., портр. ; 21 см. – (Biblioteka međunarodni beogradski susret pisaca / Udruženje knjiž. Srbje). – Предисл. парал. серб., англ. – Часть текста и рез. англ.

(Чикиш маълумотлари параллел равишда серб ва инглиз тилларида кўрсатилган)

- агар ҳужжат бир неча тиллардаги матнлар ва чиқувчи маълумотлар билан турли мамлакатларда эълон қилинган бўлса, бироқ бунда ушбу ҳужжат эълон қилинган мамлакат тилидаги чиқувчи маълумотлар мавжуд бўлмаса, библиографик ёзув биринчи кўрсатилган чиқувчи маълумотлар тилларида тузилади.

Ёзувни параллел равишда тилларнинг ҳар бирида тузишга йўл қўйилади.

Агар чиқувчи маълумотлар барча тилларда тўлиқ бўлмаса, кўпроқ тўлиқ маълумотлар берилган тил танланади.

Мисол

Перед новыми угрозами [Текст] = Facing new dangers : заметки молодого исследователя : сб. ст. / Лариса Рыбкина. – Москва : Междунар. отношения, 2000. – 172, [1] с. : карты ; 20 см. – Текст англ. – Предисл. рус. – Данные тит. л. частично парал. англ. – ISBN 5-7133-0969-X.

Чет тилларини ўрганиш учун мўлжалланган ва биттаси ўқувчининг она тили бўлган икки ёки ундан кўпроқ тиллардаги чиқувчи маълумотларга эга дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни тузишда ўқувчининг она тилига мос бўлган тил танланади.

Мисоллар

Английский язык для менеджеров [Текст] = English text-book for managers : учеб. курс в 3 ч. / Абдуллаев Н. В., Тошматова Л. Ф. – 2-е изд., испр. и доп. – Ташкент : Фан, 2000. – 127 с. ; 29 см. – Текст англ. – Библиогр.: с. 127. – Описание сост. по обл. – Данные тит. л. англ.

Il russo corso base [Текст] / Ju. G. Ovsienko = Русский язык для начинающих / Ю. Г. Овсиенко. – Mosca : Russkij jazyk, 2003. – 457, [1] с. ; 21 см. – Парал. тит. л. рус. – Загл. обл.: Русский язык для начинающих (для говорящих на итальянском языке). – ISBN 5-200-03146-X.

Ўша тиллардаги чиқувчи маълумотларга эга бўлган кўп тиллардаги луғатлар учун библиографик ёзувларни тузишда давлат тилидаги маълумотлар мавжуд бўлса, библиографик ёзув сифатида ушбу ҳужжат

эълон қилинган мамлакатнинг давлат тилига мос келувчи тил танланади; агар бундай маълумотлар мавжуд бўлмаса – биринчи бўлиб кўрсатилган маълумотлар тили танланади.

4.1.6.3 Турли соҳалар ва элементларда тилни қўллаш қоидалари

Хужжат тили ва (ёки) графикасида қуйидаги соҳалардаги маълумотлар келтирилади:

- сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси, «Материалнинг умумий белгиланиши» элементи бундан мустасно;

- нашр соҳаси,

- чиқувчи маълумотлар соҳаси, «Тарқатувчи функцияси тўғрисидаги маълумотлар» элементи бундан мустасно;

- сериялар соҳаси.

Библиография қилувчи муассаса тили ва (ёки) графикасида қуйидаги соҳалардаги маълумотлар келтирилади:

- ўзига хос маълумотлар соҳаси;

- физик характеристикалар соҳаси;

- изоҳлар соҳаси, ўзига хос саравҳалар, сарлавҳалар ва цитаталар вариантлари бундан мустасно;

- стандарт рақами соҳаси, «Асосий сарлавҳа» элементи бундан мустасно.

4.1.7 Қисқартмалар. Орфография. Сонлар

4.1.7.1 Қисқартмалар

Библиографик ёзувнинг барча маълумотлари тўлиқ шаклда тақдим этилиши мумкин. Агар библиография қилувчи муассаса чиқувчи шакллардаги айрим сўзлар ва сўз бирикмаларини қисқартиришга қарор қилса, бу қисқартмалар ГОСТ 7.11 ва ГОСТ 7.12 га жавоб бериши керак.

Библиографик ёзувлардаги сўзлар ва сўз бирикмаларини қўшимча равишда қисқартириш В иловада келтирилган.

Сўзларни қисқартиришнинг бош шарти бўлиб уларни бир маънода тушуниш ва қисқартирилган сўзларнинг шифрдан тўғри чиқарилишини таъминлаш ҳисобланади. Тавсиф матни маъносини бузиши ёки нотўғри талқин қилиниши, уни тушунишни қийинлаштириши мумкин бўлган ҳолларда сўзларни қисқартирмаслик керак.

Мисол

- *(Тайны истории в романах, повестях и документах : век V до н. э.)*

а не

- *(Тайны истории в романах, повестях и документах : в. V до н. э.)*

(ГОСТ 7.12 бўйича «век» (аср) сўзи қисқартирилади, аммо ушбу ҳолда маънони тушуниш ва сўзни очиб ёзиш қийин, қисқарган сўз «в» предлоги билан аралашиб кетиши мумкин)

Агар ахборот манбаида ГОСТ 7.11 ва ГОСТ 7.12 томонидан белгиланганига қараганда қисқароқ бўлган қисқартма келтирилган бўлса, у библиографик ёзувда шундайлигича келтирилади.

Мисоллар
.–Тошкент : ТГЮИ, 2012

.– Тошкент : ТГТУ, 2012

Қисқартмалар охирида нукта тил грамматикасига мувофиқ қўлланади. Агар гап, физик катталиклар бирликларининг қисқартирилган белгилари: с (сония), дақ (дақиқа), с (соат), мм (миллиметр), кг (килограмм) кабилар билан тугамаса, улардан кейин нукта қўйилмайди.

Қисқартмалар минимал бўлиши керак, айниқса сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси, чиқувчи маълумотлар соҳаси ва сериялар соҳасида.

Ҳар қандай соҳадаги ҳар қандай сарлавҳаларни (қисқартма ахборот манбаининг ўзида мавжуд бўлган ҳолларда бундан мустасно) ва материалнинг умумий белгиланишини қисқартиришга йўл қўйилмайди. Битта сўздан иборат бўлган сарлавҳага тегишли бўлган маълумотларни қисқартиришга йўл қўйилмайди.

Тавсифнинг алоҳида соҳалари ва сарлавҳада қисқартириш қоидаларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.2 ва 5-бўлимларида келтирилган.

Алоҳида ҳолатларда, масалан, жуда узун бўлган сарлавҳа ёки сарлавҳага тегишли бўлган узун маълумотларни ёзишда алоҳида сўзлар, ибораларни тушириб қолдириш каби қисқартириш усули қўлланади. Библиографик ёзувда маълумотларнинг бир қисмини тушириб қолдириш кўп нукта билан белгиланади, агар у аввалги элементларда келтирилган ёки кейинги элементларда келтириладиган бўлса.

Тушириб қолдирилган маълумотлар квадрат шаклидаги қавсларга олинган «ва бошқ.» сўзлари билан алмаштирилган ҳолда маълумотлар миқдорини чеклаш ҳам библиографик ёзувда қисқартириш усулларида бири ҳисобланади.

Мисол

Первая неотложная помощь [Текст] / О.В. Захаренко [и др.]
(ҳужжатда муаллифларнинг сони учтадан кўп, шунинг учун уларнинг биринчиси келтирилган, қолганлари тушириб қолдирилган – бу квадрат қавслардаги «и др.» (ва бошқ.) сўзлари билан белгиланган)

Ахборот манбаида мавжуд бўлган айрим маълумотларни библиографик ёзувда келтирмаслик ва уларнинг тушириб қолдирилганлигини ҳеч қандай тарзда белгиламаслик мумкин, масалан, факультатив элементлар; муаллифларнинг исмларидаги қариндошликни билдирувчи сўзлар (қизи ва бошқ.); орденлар, фахрли, ҳарбий ва илмий унвонларнинг номлари; ташкилот мулкчилиги шаклини билдирувчи атамалар; маъқуллаш, рухсат бериш тўғрисидаги маълумотлар ва шу кабилар.

Қисқартма сўзларнинг бир хиллаштирилган шакллари ва уларнинг эквивалентлари турли тилларда O'z DSt 1215 (4.10.2)га мувофиқ келтирилади.

4.1.7.2 Орфография

Библиографик ёзувда орфография қоидаларига O'z DSt 1215 (4.11) га мувофиқ риоя қилинади.

4.1.7.3 Сонлар

Библиографик ёзувда сонларни келтириш қоидаларига O'z DSt 1215 (4.11.4) га мувофиқ риоя қилинади.

4.1.8 Бир босқичли библиографик тавсиф структураси.

Бир қисмли ҳужжатлар

4.1.8.1 Асосий қоидалар

Соҳаларнинг бир босқичли библиографик таърифлар учун аввалдан белгиланган кетма-кетликда ва аввалдан белгиланган тиниш белгилари билан келтириладиган мажбурий ва факультатив элементларни ўз ичига олувчи тўплами O'z DSt 1215 (5.1)га мувофиқ келтирилади.

4.1.8.2 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси

Соҳанинг белгиланган элементлари (тавсиф объектининг асосий сарлавҳаси, материалнинг умумий белгиланиши, бошқа сарлавҳалар (параллел, бошқа), сарлавҳага тегишли бўлган маълумотлар ва тавсиф объекти бўлган ҳужжатни яратишга масъул бўлган шахлар ва (ёки) ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар O'z DSt 1215 (5.2)да берилади.

Ҳар бири ўзининг сарлавҳасига эга бўлган, тўплам ёки ҳужжатнинг умумий сарлавҳаси бўлмаган бир нечта асарлардан ташкил топган тавсиф объектларини асарлари битта ташувчида жойлашган тўпламлар ёки ҳужжатлар комплектларига ёки асарлари ҳар хил ташувчиларда жойлашган тўпламлар ёки ҳужжатлар комплектларига бўлиш мумкин.

Барча асарлари битта ташувчида жойлашган умумий сарлавҳаси бўлмаган тўплам тавсифини тузишда сарлавҳа соҳасидаги ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасидаги библиографик маълумотлар O'z DSt 1215 (5.2.7.1)да берилади.

4.1.8.3 Нашр соҳаси

Нашр соҳаси O'z DSt 1215 (5.3) га мувофиқ ушбу нашрнинг ўша асарнинг аввалги нашрига нисбатан ўзгаришлари ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

4.1.8.4 Ўзига хос маълумотлар соҳаси

Ўзига хос маълумотлар соҳаси O'z DSt 1215 (5.4)га мувофиқ келтирилади ва картографик материаллар, ноталар, серияли ва бошқа давомли ресурслар, норматив ва техник ҳужжатларнинг алоҳида турлари, электрон ресурслар, микрошаклларни тавсифлашда қўлланади.

Ушбу соҳа мазмуни ва элементларини келтириш қоидалари ушбу стандартнинг 5-бўлимида келтирилган.

4.1.8.5 Чиқувчи маълумотлар соҳаси

Соҳа элементлари (нашр қилиш ва (ёки) тарқатиш жойи; ношир ва (ёки) тарқатувчининг номи; тарқатувчи вазифалари тўғрисидаги маълумотлар; нашр қилиш ва (ёки) тарқатиш санаси; тайёрланган жойи, тайёрловчининг номи, тайёрлаш санаси)ни келтириш O‘z DSt 1215 (5.5)га мувофиқ амалга оширилади.

4.1.8.6 Физик характеристикалар соҳаси

Соҳа элементлари (материалнинг ўзига хос белгиланиши ва хажми; бошқа физик характеристикалар; ўлчамлари; илова қилинган материал)ни келтириш O‘z DSt 1215 (5.6)га мувофиқ амалга оширилади.

4.1.8.7 Сериялар соҳаси

Серия соҳасини келтириш O‘z DSt 1215 (5.7)га мувофиқ амалга оширилади.

4.1.8.8 Изоҳлар соҳаси

Изоҳлар соҳасини келтириш O‘z DSt 1215 (5.8)га мувофиқ амалга оширилади.

4.1.8.9 Стандарт рақам (ёки унинг муқобиллари) ва фойдаланиш мумкин бўлган шартлар соҳаси

Стандарт рақам соҳасини келтириш O‘z DSt 1215 (5.9)га мувофиқ амалга оширилади.

4.1.9 Бир босқичли библиографик тавсифни тузиш структураси.

Кўп қисмли тўлиқ ҳужжатлар

Кўп қисмли ҳужжатнинг бир босқичли тавсифи яқунланган кўп қисмли ҳужжат учун ёки айрим физик библиографик тавсифнинг жами учун O‘z DSt 1215 (6.2.6)га мувофиқ тузилади.

4.1.10 Кўп босқичли библиографик тавсиф структураси

4.1.10.1 Асосий қоидалар

Кўп босқичли тавсиф умумий сарлавҳа остида бирлаштирилган алоҳида физик библиографик тавсифлар – томлар (алоҳида нашрлар, сонлар) тўғрисидаги маълумотларнинг жамидир. Кўп босқичли библиографик тавсиф (ёки библиографик тавсифлар тўплами) ичида иерархик боғланиш ўрнатилган, у формат воситаларида тегишли алоқа майдонлари орқали амалга оширилади.

Кўп босқичли тавсиф икки ва ундан кўп алоҳида физик библиографик тавсифлардан ташкил топган ҳужжат учун тузилади. Биринчи босқичда (умумий қисмда) бутун ҳужжат учун умумий маълумотлар келтирилади, иккинчи ва навбатдаги босқичларда (спецификация) ҳар бир алоҳида

физик бирликка – ҳужжат томига (нашри, сонига) ёки ҳужжатлар гуруҳига тааллуқли маълумотлар келтирилади.

Алоҳида физик бирлик, шунингдек якунланган гуруҳ, алоҳида физик бирликлар жами ёки якунланган кўп қисмли ҳужжат учун фақат биринчи босқичдаги тавсифдан иборат умумий бир босқичли тавсиф тузилиши мумкин. Кўп қисмли ҳужжатнинг бир босқичли тавсифини тузиш қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.9-бандида келтирилган.

Тавсиф соҳалари ва элементлари исталган босқичда бир босқичли тавсифни тузиш қоидалари бўйича келтирилади. Кўп босқичли тавсифнинг фақат биринчи босқичида тавсифдан олдин сарлавҳа келтирилиши мумкин. Иккинчи босқичда сарлавҳа қўлланилмайди. Ҳар бир босқич учун мажбурий ва факультатив тавсиф элементларнинг тўплами тавсиф объектининг томларида (нашрлари, сонлари)да мавжуд маълумотлар таҳлили асосида аниқланади. Кўп босқичли тавсифда пунктуация ушбу стандартнинг 4.14-бандида келтирилган умумий қоидалар билан белгиланади.

Серияли ва бошқа давомли ресурслар, ҳужжатларнинг бошқа махсус турлари ҳамда уларнинг таркибий қисмларига кўп босқичли тавсиф тузишнинг махсус қоидалари ушбу стандартнинг 5.10-бандида кўриб чиқилади.

Биринчи ва иккинчи босқичлардан иборат кўп босқичли тавсифнинг тузилиши ва таркиби кўп босқичли тавсифнинг факультатив элементлари курсив билан ажратиб кўрсатилган соҳалар ва элементлар схемасида тақдим этилган.

Биринчи босқич (Умумий қисм)

Асосий сарлавҳа [*Материалнинг умумий белгиланиши*] = *Параллел сарлавҳа* : сарлавҳага тегишли бўлган маълумотлар / жавобгарлик тўғрисидаги дастлабки маълумотлар ; *жавобгарлик тўғрисидаги кейинги маълумотлар*. – Нашр тўғрисидаги маълумотлар = *нашр тўғрисидаги параллел маълумотлар* / нашрга тегишли бўлган, жавобгарлик тўғрисидаги дастлабки маълумотлар ; *нашрга тегишли бўлган жавобгарлик тўғрисидаги кейинги маълумотлар*, нашр тўғрисидаги қўшимча маълумотлар. – Ўзига хос маълумотлар. – Нашрнинг биринчи жойи ; *нашрнинг кейинги жойлари* : ношир ва (ёки) тарқатувчи номи [*тарқатувчининг вазифалари тўғрисидаги маълумотлар*], нашр қилиш ва (ёки) тарқатиш санаси (*тайёрлаш жойи* : *тайёрловчи номи, тайёрлаш санаси*). – Материал ва ҳажмнинг ўзига хос белгиланиши : *физик характеристикалар тўғрисидаги бошқа маълумотлар* ; *ўлчамлар + илова материали тўғрисидаги маълумотлар*. – (Серия ёки кичик сериянинг асосий сарлавҳаси = *Серия ёки кичик сериянинг параллел сарлавҳаси* : *серия ёки кичик серия сарлавҳасига тегишли бўлган маълумотлар* / *серия ёки кичик серияга тегишли бўлган жавобгарлик тўғрисидаги дастлабки маълумотлар* ; *серия ёки кичик серияга тегишли бўлган, жавобгарлик тўғрисидаги кейинги маълумотлар*, ушбу серия ёки кичик серияга

берилган серияли ҳужжатнинг халқаро стандарт рақами (International Standard Serial Number - ISSN); серия ёки кичик сериянинг нашр қилиш рақами). – *Изоҳ.* – Стандарт рақам (ёки унинг муқобили) = *Асосий сарлавҳа : фойдаланиш мумкин бўлган шартлар ва (ёки) нархи (соҳа элементларига бўлган қўшимча маълумотлар).*

Иккинчи босқич (Спецификация)

Томнинг (нашрнинг, соннинг) белгиланиши ва тартиб рақами : Асосий сарлавҳа [*Материалнинг умумий белгиланиши*] = *Параллел сарлавҳа : сарлавҳага тегишли бўлган маълумотлар / жавобгарлик тўғрисидаги дастлабки маълумотлар ; жавобгарлик тўғрисидаги кейинги маълумотлар.* – Нашр тўғрисидаги маълумотлар / нашрга тегишли бўлган жавобгарлик тўғрисидаги дастлабки маълумотлар, нашр тўғрисидаги қўшимча маълумотлар. – Махсус маълумотлар. – Нашрнинг биринчи жойи ; *нашрнинг кейинги жойи* : ношир ва (ёки) тарқатувчининг номи, нашр қилиш ва (ёки) тарқатиш санаси (*тайёрлаш жойи : тайёрловчининг исми, тайёрлаш санаси*). – Материалнинг махсус белгиланиши ва ҳажми: *физик характеристикалар тўғрисидаги бошқа маълумотлар ; ўлчамлар + илова материали тўғрисидаги маълумотлар.* – (Серия ёки кичик сериянинг асосий сарлавҳаси : *Серия ёки кичик сериянинг параллел сарлавҳаси : серия ёки кичик серия сарлавҳасига тегишли бўлган маълумотлар / серия ёки кичик серияга тегишли бўлган жавобгарлик тўғрисидаги дастлабки маълумотлар, ушбу серия ёки кичик серияга берилган серияли ҳужжатнинг халқаро стандарт рақами (International Standard Serial Number - ISSN); серия ёки кичик сериянинг нашр қилиш рақами).* – *Изоҳ.* – Стандарт рақам (ёки унинг муқобили) : *фойдаланиш мумкин бўлган шартлар ва (ёки) нархи (соҳа элементларига бўлган қўшимча маълумотлар).* – *Кўрсаткичлар. Иловалар.*

Кўп босқичли тавсифнинг иккинчи босқичига мос бўлган тавсифлар чиқувчи шаклларда биринчи босқичдаги тавсифлардан кейин келтирилади. Янги сатрдан бошлаб ёзишда ҳар бир том (нашр, сон) тўғрисидаги маълумотлар охирида нуқта қўйилади, сараланган тарзда ёзишда – томлар (нашрлар, сонлар) тўғрисидаги маълумотлардан олдин нуқтали вергул белгиси қўйилади.

Иккинчи босқичдаги тавсиф томлар (нашрлар, сонлар) каби физик бирликлар рўйхати, ушбу ҳужжатга тегишли бўлган кўрсаткичлар ва иловалар ҳамда кўп қисмли ҳужжат қисмлари тўғрисидаги бошқа библиографик маълумотларни ўз ичига олади. Кўрсаткичлар ва иловалар тўғрисидаги маълумотлар тавсиф охирида асосий физик бирликлар тўғрисидаги маълумотлардан кейин келтирилади.

Иккинчи босқичда маълумотларни қисқартирилган шаклда ёзишга йўл қўйилади. Бунда том (нашр, сон) ва халқаро стандарт рақами (Халқаро стандарт китоб рақами (International Standard Book Number – ISBN) ёки

ISSN ва ISMN) дан ташқари бошқа томлар (нашрлар, сонлар) тўғрисидаги маълумотларнинг барчаси ёки бир қисми тушириб қолдирилади. Энг қисқа шакл бўлиб асосий тартиб бирликларини кўрсатиш ҳисобланади.

Қуйидагилар кўп босқичли тавсиф объектлари ҳисобланади:

а) бундайлар сифатида аввалдан маълум сондаги томлар: асарлар тўплами, танланган асарлар, алоҳида асарлар ва шу кабиларнинг маълум сони аввалдан кўзда тутилган нодаврий матнли ҳужжатларга кўп томли монографик ҳужжатлар каби қаралади. Том деганда том, қисм, нашр, тўплам, дафтар кабилар сифатида тушуниладиган алоҳида физик бирлик тушунилади;

б) бундайлар сифатида давомийлиги аввалдан белгиланмаган вақт давомида, мунтазам равишда ёки материалларнинг жамланиши бўйича, одатда рақамланган ва санаси қўйиладиган бир хил сарлавҳали нашрлар билан чиқадиган ҳужжатлар: газеталар, журналлар, сони белгиланган ёки санаси қўйилган тўпламлар, бюллетенлар, йилномалар, сериялар, янгиланадиган ҳужжатлар ва ҳоказолар сифатида қараладиган серияли ва бошқа давомли ресурслар. Нашр сифатида сон, том, китоб, қисм каби белгиланувчи алоҳида физик бирлик тушунилади;

с) ноталар, картографик ва тасвирий материаллар, аудиовизуал, норматив ва техник ҳужжатлар, икки ва ундан кўп бир хил ёки турли физик ташувчиларда икки ва ундан кўпроқ қисмларда эълон қилинган электрон ресурслар (жумладан, мультимедиа);

д) микрошакллар тўпламлари;

е) алоҳида физик бирликларда нашр қилинган, мустақил сарлавҳаларга эга бўлган кўп қисмли ҳужжатлар кўрсаткичлари ва уларга берилган иловалар.

Бутун тавсиф объекти ахборот манбаи бўлиши мумкин. Тавсиф томлар (нашр, сонлар) гуруҳи бўйича ёки битта том (нашр, сон) бўйича тузилиши мумкин.

Кўп томли ҳужжат ёки серияли ҳужжат учун мавжуд бўлган томлардан (нашрлар, сонлардан) биринчиси ахборот манбаи бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда асосий элементлардан маълум тартибда фойдаланиладиган серияли ҳужжатнинг мавжуд томларидан (нашри, сонларидан) охиргиси бўлиши мумкин. Ҳужжатнинг бошқа томларидан (нашридан, сонларидан) олинган библиографик маълумотлардан қўшимча равишда фойдаланилади. Тавсиф учун етишмаётган библиографик маълумотлар маълумотномалар ва бошқа ахборот манбаларидан ўзлаштирилади.

Агар кўп босқичли тавсиф битта том (нашр, сон) бўйича ёки томлар (нашрлар, сонлар) гуруҳи бўйича тузилса ва маълумотларнинг хусусиятлари бўйича уларнинг умуман тавсиф объектига ёки фақат ушбу томга (нашрга, сонга) тегишлилигини аниқлаш қийин бўлса, маълумотлар биринчи босқичдаги тавсифда келтирилади.

Кейинги томларда (нашрларда, сонларда)ги маълумотларнинг ўзгаришлари одатда иккинчи босқичдаги тавсифларда кўрсатиб ўтилади; зарурат бўлган ҳолларда ўзгаришлар биринчи босқичдаги тавсифнинг изоҳлар соҳасида кўрсатилиши мумкин. Агар кейинги томларда (нашрларда, сонларда) маълумотлар жиддий равишда ўзгартирилган бўлса, аввалроқ тузилган тавсиф ўрнига янги кўп босқичли тавсиф тузилиши мумкин.

Сарлавҳа ўзгарган ҳолларда, одатда, ҳар бир ҳужжат учун ўзгартирилган сарлавҳа билан тавсиф тузилади. Зарур бўлган ҳолларда барча томлар (нашрлар, сонлар)нинг жами учун, жумладан ўз сарлавҳасини ўзгартирган томлар тўпламига ҳам ўзгаришларни биринчи босқичда акс эттирган ҳолда ягона тавсиф тузилади

Барча босқичдаги тавсифларда тавсиф тили одатда, умуман объекти тўлиқ нашр қилинган чиқувчи маълумотларга мос бўлиши керак.

Агар томлар (нашрлар, сонлар) турли тилларда нашр қилинган бўлса, биринчи босқичдаги тавсиф томларнинг (нашрларнинг, сонларнинг) аксарияти ёки биринчи келиб тушган томнинг (нашрнинг, соннинг) маълумотлари чиқарилган тилда тузилади.

4.1.10.2 Биринчи босқичдаги тавсифда элементларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Биринчи босқичдаги тавсифда элементларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари O‘z DSt 1215 (6.2) да келтирилган.

Серия соҳасидаги элементлар қуйидаги хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

- серия соҳасида биринчи босқич тавсифида кўп қисмли ҳужжат тўғрисидаги умумий маълумотлар келтирилади, агар тавсиф объектининг барча томлар (нашрлар, сонлар) ёки уларнинг кўпчилиги кўп қисмли ҳужжат таркибига кирса.

Мисол

. – (Тайны истории : ТИ. Век XX)

- серия нашрининг сони биринчи босқичдаги тавсифда кўрсатилади, агар у тавсиф объекти учун тўлалигича умумий ҳисобланса. Агар тавсиф объектининг ҳар бир томи (нашри, сони) серия ёки кичик сериянинг мустақил сони ҳисобланса, унда сони иккинчи босқичдаги тавсифларда кўрсатилади. Биринчи босқичдаги тавсифда сон ўрнига кўп нукта қўйилади.

Мисол

. – (Дикорастущие растения Средней Азии ...)

4.1.10.3 Иккинчи босқичдаги тавсифларда элементларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Иккинчи босқичдаги тавсифларда элементларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари O‘z DSt 1215 (6.2) да келтирилган.

Серия соҳасидаги элементлар қуйидаги хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

- серия (кичик серия) нашрининг сони иккинчи босқичда келтирилади, агар тавсиф объектининг барча томлари (нашрлари, сонлари) битта серия (кичик серия)нинг нашрлари ҳисобланса. Сонидан олдин кўп нукта ва нукта билан вергул қўйилади.

Мисоллар

Қисм 4 : Давлат молияси тизими. – 2002. – 340 б. – (... ; № 21)

Ч. 2 : Волновые пакеты. – 2001. – 22 с. : ил. – (... ; № 479)

Ч. 1 : Схемы телевизоров Sumsung. – 2014. – 29 с. : ил. – (... ; № 1641 ... ; 4)

- кичик серия тўғрисида маълумотлар, агар улар ҳар бир томда (нашрда, сонда) турлича бўлса;

- серия тўғрисидаги барча маълумотлар, агар унинг таркибига фақат алоҳида томлар (нашрлар, сонлар) кирса.

4.1.10.4 Кўп босқичли библиографик тавсифни тузишнинг алоҳида ҳолатлари

Алоҳида томлар (нашрлар, сонлар) кўп босқичли тавсифда қандайдир белги бўйича тавсиф объектида мавжуд бўлган маълумотларга мувофиқ гуруҳларга бирлаштирилиши мумкин. Томлар (нашрлар, сонлар) учун сарлавҳа ва бошқа умумий маълумотлар иккинчи ва кейинги босқичлардаги тавсифлардан аввал биринчи босқичда тегишли элемент учун ўрнатилган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисол

Полное собрание сочинений [Текст] : в 100 т. / Л. Н. Толстой ; [редкол.: ... Л. Д. Громова-Опульская (гл. ред.) и др.] ; тексты и коммент. подгот. Л. Д. Громова-Опульская ; Рос. акад. наук, Ин-т мировой лит. им. А. М. Горького]. – Москва : Наука, 2000. – 22 см.

Художественные произведения : в 18 т.

Т. 1 : 1850–1856 / [ред. К. Н. Ломунов]. – 2000. – 508, [3] с., [1] л. портр. : факс. – Содерж. разд.: Произведения 1851–1856 гг. ; Неоконченное ; Прил.: Детские сочинения ; Комментарии. – Библиогр. в коммент: с. 375–491. – Указ. произведений Л. Н. Толстого: с. 492–493. – ISBN 5-02-011824-9.

Электрон каталогда сарлавҳа ва томлар (нашрлар, сонлар) гуруҳи учун умумий бўлган маълумотлар биринчи босқичдаги тавсифнинг изоҳлар соҳасида келтирилиши мумкин.

Иккитадан кўпроқ босқичларга эга бўлган кўп босқичли тавсиф бўлимлар, бўлинмалар, кичик серияар ва ҳоказоларга бўлинадиган кўп қисмли ҳужжат учун тузилади.

Кўп босқичли тавсифнинг биринчи босқичи кўп қисмли ҳужжатни тўлиқ характерловчи маълумотларни ўз ичига олади.

Кўп босқичли тавсифнинг иккинчи босқичи умуман ҳар бир бўлим, бўлинма, ҳар бир кичик серия ва шу кабилар тўғрисидаги маълумотларни

ўз ичига олади; иккинчи босқичлар сони бўлимлар, бўлинмалар, кичик сериялар ва шу кабиларнинг сонига тенг бўлади.

Кўп босқичли тавсифнинг учинчи босқичи ҳар бир бўлим, бўлинма, кичик серияларнинг томлари (нашрлари, сонлари) тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади; учинчи босқичлар сони ҳар бир бўлим, бўлинма, кичик сериялардаги томлар (нашрлар, сонлар) сонига тенг бўлади.

Мисол

Дюма, А. (отец). Собрание сочинений [Текст] : в 50 т. / А. Дюма ; сост.: В. Бережков [и др.] ; гл. ред. В. Бережков. – Москва : Арт-Бизнес-Центр, 2002– . – 21 см. – ISBN 5-7287-0001-2.

Т. 14–15 : Граф де Монте-Кристо / науч. ред. Ф. Рябов. – 2004.

Ч. 1–3. – 685 с. : ил. . – ISBN 5-7287-0001-3.

Ч. 4–6. – 621 с. : ил. . – ISBN 5-7287-0001-1.

4.2 Библиографик ёзув сарлавҳаларининг турлари

4.2.1 Асосий қоидалар

Библиографик ёзув сарлавҳаси ГОСТ 7.80 га мувофиқ тузилади.

Сарлавҳда маълумотлар келтирилишининг тўлиқлигини библиографик ёзув тузиладиган муассаса белгилайди.

Сарлавҳа маълум ахборот массивидаги фойдаланиш нуқталарининг ҳам асосий, ҳам қўшимча вазифасини бажариши мумкин. Фойдаланиш нуқталарини танлаш тўғрисида маълумотлар ушбу стандартнинг 4.3-бўлимида келтирилган.

Сарлавҳа библиографик ёзувларни умумлаштириш ва тартибга солиш учун библиографик тавсифдан олдин кўрсатилади. Каталог карточкаларида, библиографик кўрсаткичларда, рўйхатларда, компьютер мониторинг экранида ва ҳ. тақдим этилган библиографик ёзув сарлавҳасини расмийлаштириш ГОСТ 7.51га мувофиқ келтирилади.

Библиография қилувчи муассаса тилида эълон қилинган ҳужжатлардаги (жумладан таржима қилинган) ёзувларда сарлавҳа библиография қилувчи муассаса тилида тузилади, агар бунинг учун маълумотлар бўлса.

Бир тилдан бошқасига (библиография қилувчи муассаса тилидан ташқари) таржима қилинган ҳужжатлар библиография қилувчи муассаса вазифаларига кўра сарлавҳа қуйидагича кўрсатилиши мумкин:

- асосан муаллиф томонидан фойдаланиладиган тилда;
- библиография қилувчи муассаса тегишли бўлган мамлакат тилида;
- асар яратилган мамлакат тилида.

4.2.2 Шахс исмини ўз ичига олган сарлавҳа

4.2.2.1 Сарлавҳа учун шахс исмининг шаклини танлаш

Шахс исмини ўз ичига олган сарлавҳа структурасини тузиш қоидалари ГОСТ 7.80 га мувофиқ келтирилади.

Сарлавҳада шахс исми одатда библиографик тавсиф тилида келтирилади.

Шахс исмини библиография қилувчи муассаса жойлашган мамлакатнинг давлат тилидаги транслитерациясида, транскрипциясида кўрсатишга йўл қўйилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

М. Горки
(болг. тили)

L. Tolstoy
(ингл. тили)

John Ronald Reuel Tolkien

Сарлавҳада:

Горки, М.
ёки
Горький, М.

Tolstoy, L.
ёки
Толстой, Лев Николаевич.

Tolkien, John Ronald Reuel.
ёки
Толкин, Джон Рональд Руэл.

Шахс исми унинг асарларининг таржималарида турлича транскрипция қилинадиган ҳолларда сарлавҳа учун ягона, стандартлаштирилган шакл қабул қилинади.

Агар биттадан ортиқ тиллардан фойдаланувчи шахс исми унинг асарларида турли тил шаклларида ифодаланган бўлса, сарлавҳа учун ушбу муаллифнинг кўпгина асарлари тилига мос келувчи шакл танланади.

Шубҳалар бўлган ҳолларда шахс яшайдиган ёки фаолият кўрсатадиган мамлакатнинг нуфузли маълумотнома манбаларида кўрсатилган энг машҳур исм шакли танланади.

«Ота», «она», «ўғил», «қиз», «катта», «кичик» сўзлари, титул ва бошқа идентификация қилувчи белгилар сарлавҳа тилида, библиография қилувчи муассаса тили ёки лотин тилида келтирилиши мумкин.

Турли ҳужжатларда турли шаклларда келтириладиган шахс исми сарлавҳада шахс энг кўп даражада машҳур бўлган ва унинг кўпгина асарлари нашр қилинган ёки нуфузли маълумотнома манбаларида кўрсатилган шаклда келтирилади. Агар буни аниқлашнинг иложи бўлмаса, шахс исмининг ҳужжатда кўрсатилган шакли келтирилади.

Агар исм шаклидаги фарқлар орфография ўзгаришлари билан боғлиқ бўлса, сарлавҳада шахснинг сўнгги вақтларда нашр қилинган асарларида кўрсатилган исмининг шакли келтирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Николай Новиковъ

Лукианъ

Сарлавҳада:

Новиков, Николай Иванович.

Лукиан.

Агар шахс исми шаклидаги фарқлар ҳужжатдаги йўл қўйилган хатоликлар билан боғлиқ бўлса, сарлавҳада тўғри шакли келтирилади. Шахс исмининг ҳужжатда кўрсатилган хато шакли тўғрисидаги маълумотлар изоҳлар соҳасида келтирилади.

Агар шахс фамилияси ва (ёки) шахсий исмини ўзгартирган бўлса, сарлавҳада одатда унинг янги фамилияси ва (ёки) исми келтирилади, ушбу шахс эски фамилияси ва (ёки) шахсий исми билан кенг даражада машҳур бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Анатолий Яковлевич Кузнецов
(дастлабки исми)
Александр Иванович Кузьмин
(янги исми)

Кузьмин, Александр Иванович.

Анна Васильевна Петрова
(дастлабки исми)
Анна Васильевна Петрова-Добронравова
(янги исми)

Петрова-Добронравова, Анна Васильевна.

Агар шахс асарни нашр қилишда тахаллусдан фойдаланган бўлса, сарлавҳада одатда, тахаллус қуйидаги қоидаларни ҳисобга олган ҳолда ҳужжатда кўрсатилган шаклда келтирилади:

- агар шахс фақат тахаллус билан машҳур бўлса ёки ўз асарларини фақат тахаллус остида нашр қилган бўлса, хаттоки унинг асл исмини аниқлашга муваффақ бўлинган ҳолларда ҳам сарлавҳада унинг асл исми эмас, балки тахаллуси келтирилади.

Мисоллар

Яшин, Комил.

(авторнинг ҳақиқий исми: *Комил Нуъмонов*).

Ахматова, Анна Андреевна.

(Муаллифнинг ҳақиқий исми: *Анна Андреевна Горенко*).

Агар турдош от тахаллус ҳисобланган ҳолларда, агар шахснинг асл исмини аниқлаш муваффақ бўлинса, сарлавҳада шахснинг асл исми келтирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Зубило

Олеша, Ю. К.

Ам-мо:

Eulex

Eulex.

- агар шахс бир нечта тахаллусдан фойдаланган бўлса ва асарларини асл исми билан нашр қилмаган бўлса, сарлавҳа учун энг машхур тахаллуси танланади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

**Якуб Колас (тахаллус)
Тарас Гуца (тахаллус)
Тарас Гушча (тахаллус)**

Колас, Якуб.

**(Муаллифнинг ҳақиқий исми:
Константин Михайлович Миц-
кевич)**

**Макнуна (тахаллус)
Комила (тахаллус)**

**Нодира.
(муалифнинг ҳақиқий исми).**

- агар шахс ўз асарларини асл исми ва бир ёки бир нечта тахаллус остида нашр қилган бўлса, бироқ тахаллуслардан бири билан машхур бўлса, сарлавҳада тахаллуси келтирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

**М. Е. Салтыков-Щедрин (тахал-
лус)
Н. Щедрин (тахаллус)
П. Карманов (тахаллус)**

**Салтыков-Щедрин, Михаил Евге-
фович.**

М. Е. Салтыков (асл исми)

- агар шахс ўз асарларини асл исми ва бир ёки бир нечта тахаллус остида нашр қилган бўлса, бироқ асл исми билан машхур бўлса, сарлавҳада асл исми келтирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

**Н. Гоголь (асл исми)
В. Алов (тахаллус)**

Гоголь, Николай Васильевич.

**А. П. Чехов (асл исми)
Антоша (тахаллус)
Брат моего брата (тахаллус)
Антоша Чехонте (тахаллус)**

Чехов, Антон Павлович.

Шахс исмининг қайси шакли билан кўпроқ даражада машхур эканлигини аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолларда ҳам сарлавҳада шахсининг асл исми келтирилади.

Мисол**Ахборот манбаида:**

**О. Касатонова (асл исми)
Оксана (тахаллус)**

Сарлавҳада:

**Касатонова, Ольга Владими-
ровна.**

- агар шахс ўзининг бир турдаги асарларини асл исми билан, бошқа турдаги асарларини (масалан, илмий ишлар ва бадиий адабиёт асарлари) эса тахаллуси остида нашр қилган бўлса, аниқ бир асарнинг библиографик ёзуви сарлавҳасида шахс ушбу ҳужжатни нашр қилиш учун танлаган исм шакли келтирилади.

Мисоллар**Ахборот манбаида:**

Кир Булычев

И. В. Можейко

И. Грекова

Е. С. Вентцель

Сарлавҳада:

**Булычев, Кир.
(бадиий адабиёт асарларидаги тахал-
лус)**

**Можейко, Игорь Всеволодович.
(тарих бўйича ишлардаги ҳақиқий исм)**

**Грекова, Ирина.
(бадиий адабиёт асарларидаги тахал-
лус)**

**Вентцель, Елена Сергеевна.
(математика бўйича ишлардаги
ҳақиқий исм)**

- агар бир хил тахаллусдан бир нечта шахс фойдаланган бўлсалар, сарлавҳада уларнинг асл исмлари (ёки шахс қайси исм билан машҳур бўлган бўлса, ўша шакли) келтирилади.

Мисоллар**Ахборот манбаида:**

**Н. П. Вагнер
Вагнер (Кот-Мурлыка)
Кот Мурлыка**

**Н. И. Собоьщиков-Самарин
Кот-Мурлыка (Н. И. Собоьщи-
ков-Самарин)**

Сарлавҳада:

Вагнер, Николай Петрович.

**Собоьщиков-Самарин, Николай
Иванович.**

- агар жамоа тахаллуси остига яширинган бир нечта шахслар алоҳида асарларни ўзларининг асл исмлари остида ҳам нашр қилган бўлсалар, ушбу алоҳида ишларга библиографик ёзув тузишда сарлавҳада шахснинг асл исми кўрсатилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Козьма Прутков
(**А. К. Толстой ҳамда ака-ука А.
М. ва В. М. Жемчужниковлар-
нинг жамоа таҳаллуси**)

Прутков, Козьма.

А. К. Толстой

Толстой, Алексей Константинович.

- агар шахс исми ўрнига ҳужжатда криптонимлар (қисқартирилган фамилиялар, исм-шарифларнинг бош ҳарфлари, ҳарфлар бирикмаси, юлдузчалар (астерисклар) ва бошқа белгилар) келтирилган бўлса, уни аниқлаш мумкин бўлган бўлса, сарлавҳада шахснинг асл исми келтирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Николай-он

Даниельсон, Н. Ф.

В. Ш-ов

Шишков, В. Я.

-ий-ъ

Огарев, Н. П.

К. А.***

Коровьев, А. Р.

4.2.2.2 Сарлавҳада шахс исмини келтириш қоидалари

Шахс исми сарлавҳада бош келишида, танланган ахборот манбаида кўрсатилган шаклда келтирилади. Бунда замонавий орфография қоидаларига риоя қилинади, бироқ шахс исми элементлари ўртасидаги белгилар сақлаб қолинади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Разсохин

Рассохин.

Жан Жак Руссо
Жан-Жак Русо

Руссо, Жан-Жак.

О'Генри
ОГенри

О'Генри.

Шахс фамилияси сарлавҳанинг бошланишида келтирилади ва одатда исми (исмлари), тўлиқ исми ва шарифи, исм-шарифларнинг бош ҳарфларидан вергул билан ажратилади.

Мисоллар

Пак, Чжэ Ву.

Абдурасулов, А. П.

Содда фамилиялар, шахсий исмлар ёки лақаблар фамилия сифатида сарлавҳада улар ҳужжатда қандай берилган бўлса, шу шаклда келтирилади.

Мисоллар

Бунин, Иван Алексеевич.

Софокл.

Димитрий Ростовский.

Қўш фамилиялар, жумладан иккиталик фамилиялар сарлавҳада тўлиқ ва улар ҳужжатда берилган кетма-кетликда келтирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Рамон Гомес де ла Серна

Гомес де ла Серна, Рамон.

В. И. Немирович-Данченко

*Немирович-Данченко, Влади-
мир Иванович.*

Э. Стругальска-Голя

Стругальска-Голя, Э.

Агар шахс қўш фамилия қисмларининг бирортаси билан машҳур бўлган бўлса, сарлавҳада фақат шу қисми кўрсатилади.

Мисол

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

М. И. Голенищев-Кутузов

*Кутузов, Михаил Илларионо-
вич.*

Агар асар бир хил фамилияли икки ёки учта шахс томонидан яратилган бўлса ва ушбу фамилия ахборот манбаида кўплик сонда келтирилган бўлса, шахс исмини аниқлашга муваффақ бўлинган ҳолларда сарлавҳада биринчи бўлиб кўрсатилган ёки шахс исмларининг алифбо тартибида биринчи бўлиб турган шахснинг фамилияси, исми (исмлари) ва шарифи келтирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Братья Вайнеры

Вайнер, Аркадий Александрович.

Братья Гримм

Гримм, Якоб.

Ольга и Александр Лавровы

Лаврова, Ольга Александровна.

Агар шахслар исмларини аниқлашга муваффақ бўлинмаган бўлса, сарлавҳада маълумотлар улар ахборот манбаида қандай берилган бўлса, шундайлигича келтирилади.

Мисол

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

А. и К. Ивановы

Ивановы, А. и К.

Агар ахборот манбаида икки шахс фамилияларидан ташкил топган сохта тузилган фамилия келтирилган бўлса, сарлавҳада биринчи бўлиб кўрсатилган шахснинг фамилияси, ўз исми (исмлари) ва шарифи келтирилади.

Мисол

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Буало-Нарсежак

Буало, Пьер.

Агар ахборот манбаида оила, уруғ, сулола, клан ва ш.к.ларнинг авлодининг исми бўлган фамилия кўпликда келтирилган бўлса, сарлавҳада бу фамилия танитувчи белгилардаги тегишли тушунтиришлар («сулола» ёки «оила») билан келтирилади.

Мисоллар

Романовы (династия).

Мережковские (семья).

Астафьевы (семья).

Тахаллуслар, жумладан тўқима фамилия ва тўқима ёки шахснинг ўзининг асл исмидан ташкил топувчи жамоа тахаллуслари сарлавҳада асл фамилиялар учун қабул қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Леся Украинка

Украинка, Леся.

G. Sand

Sand, George.

Козьма Прутков

Прутков, Козьма.

Абдулла Қодирий

Қодирий, Абдулла.

Агар тахаллус шахснинг ўз исмини ўз ичига олмаса, у сарлавҳада хужжатда қандай берилган бўлса, шундай шаклда келтирилади.

Мисоллар

Майронис.

Эль Греко.

Братья Азовские.

4.2.2.3 Сарлавҳада ҳукмдорларнинг исмларини келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳукмдорлар (императорлар, шоҳлар, қироллар, ҳукмдор князлар, герцоглар ва ш.к.)нинг исмлари сарлавҳада одатда шахсий исми шаклида келтирилади.

Ҳукмдорларнинг бир хил исмлари библиографик ёзув сарлавҳасида шахсий исмдан кейин рим рақамлари билан келтириладиган тартиб сонлари билан фарқланади.

Идентификация қилувчи белгиларда унвони ва мамлакат ёки ҳукмдор ҳукумронлик қиладиган бошқа ҳудуд номидан ҳосил бўлган географик сифат кўрсатилади; ҳаёти саналари келтирилиши мумкин.

Ҳукмдорлар номлари сарлавҳада қуйидаги шаклларга эга бўлиши мумкин:

а) фақат шахсий исм.

Мисоллар

Жан (вел.герцог люксембург.).

Беатрикс (королева нидерланд.).

б) тартиб сони қўшилган шахсий исм;

Мисоллар

Екатерина II (имп. рос.).

Елизавета II (королева англ.).

Ренье III (князь монак.).

с) шахсий исм ва исм-шариф ёки иккинчи шахсий исм.

Мисоллар

Алексей Михайлович (царь рус.).

Елизавета Петровна (имп. рос.).

Иван Александр (царь болг.).

д) шахсий исм ва лақаб.

Мисоллар

Иван Калита (князь рус.).

Александр Македонский (царь макед.).

Alfred the Great (король англ.).

е) шахсий исм ва фамилия.

Мисоллар

Борис Годунов (царь рус.).

Василий Шуйский (царь рус.).

f) тартиб сонига эга шахсий исм ва иккинчи исм, фамилияси ёки лақаби билан.

Мисоллар

Ханс Адам II фон Лихтенштейн (князь лихтенштейн.).

Алексей I Комнин (имп. визант.).

Boleslaw I Chrobry (король пол.).

Хукмдор исмининг бир нечта шакли мавжуд бўлган ҳолларда сарлавҳа учун сонга эга бўлган шахсий исм танланади, рус ўлка князларининг исмлари бундан мустасно .

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Иоанн Васильевич

Иван IV (царь рус.).

Иван Грозный

Иван IV

Петр Великий

Петр I (имп. рос.).

Петр I

Агар ҳукмдор исми таркибига сон кирмаса, бир нечта исм ёки лақаб мавжуд бўлган ҳолларда сарлавҳа учун ҳукмдор энг машҳур бўлган исм танланади

Мисол

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Князь Дмитрий Донской

Дмитрий Донской (князь рус.).

Димитрий Иоаннович Донской

Агар ҳукмдорнинг ҳаёти давомида унвони ўзгарган бўлса, одатда сарлавҳада охиригиси келтирилади.

Мисол

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Князь Симеон

Симеон (царь болг.).

Царь Симеон

Рус ўлка князларининг исмлари сарлавҳада ҳукмдор энг машҳур бўлган шахсий исм сифатида келтирилади. Шахсий исмга лақаб қўшилиши мумкин. Идентификация қилувчи белгиларда унвон («князь») географик сифат ва ҳаёти саналари биргаликда келтирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Рюрик

Рюрик (князь рус. ; –879).

Св. Ольга (Елена)

Ольга (княгиня рус. ; –969).

Княгиня Ольга

**Князь Володимир Всеволодович
Мономах
Великий князь киевский Владимир
Всеволодович
Владимир II Мономах**

**Владимир Мономах (князь рус. ;
1053–1125).**

**Великий князь Александр Невский
Князь Александр Ярославич Нев-
ский
Св. Александр I Ярославич Нев-
ский**

**Александр Невский (князь рус. ;
1220–1263).**

Подшолик қилган Романовлар уйига тегишли бўлган буюк князларнинг исмлари сарлавҳада исми ва шарифи шаклида келтирилади, идентификация қилувчи белгиларда эса унвони («буюк князь») географик сифат ва ҳаёти саналари биргаликда келтирилади.

Мисоллар**Ахборот манбаида:****Сарлавҳада:**

**Князь Олег Константинович
Великий князь Олег Константи-
нович**

**Олег Константинович (вел. князь
рос. ; 1892–1914).**

**Романов Константин Констан-
тинович
К. Р.
Великий князь Константин**

**Константин Константинович
(вел. князь рос. ; 1858–1915).**

Европалик подшолик қилган уйларнинг оила аъзоларининг исмлари сарлавҳада шахсий исм шаклида географик сифат илова қилинган унвони кўшилган ҳолда келтирилади; ҳаёти саналари ҳам кўрсатилиши мумкин.

Мисоллар

Чарльз (принц уэл. ; 1948–).

Амалия (принцесса саксон. ; 1794–1870).

Альберт (принц монак. ; 1958–).

Агар подшолик қилган оила аъзоларидан бири ушбу мамлакат ҳукмдориға айланса, сарлавҳада унинг янги унвони кўрсатилади ва унинг асарлари ушбу сарлавҳа остида жамланади. Сарлавҳанинг аввалги шаклидан илова қилинади.

4.2.2.4 Сарлавҳада руҳонийлар исмларини келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Руҳонийлар (папалар, патриархлар, епископлар, поплар ва ш.к)нинг исмлари библиографик ёзув сарлавҳасида руҳонийнинг шахсий исми

(зарурат бўлганда – сон билан), фамилияси ёки лақаби шаклида келтирилади.

Рухоний исмидаги сонлар рим рақамларида келтирилади.

Идентификация қилувчи белгиларда рухонийнинг дунёвий исми ва ҳаёти саналари кўрсатилиши мумкин, унинг диний мансаби, яна хизмат қилган жойи номидан ҳосил қилинган географик сифат ҳам келтирилиши мумкин.

Мисоллар

Эшон Бабахан ибн Абдулмажидхан (муфтий ; 1858-1957).

Хусейн ибн Али, (имам ; 626-680).

Игнатий (Брянчанинов Д. А. ; 1807–1867).

Иоанн (экзарх Болгарский).

Таниқли рухонийларнинг исмлари сарлавҳада улар энг таниқли бўлган ёки черков номидан эълон қилинган кўринишда келтирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Абу Абдуллах Мухаммад ибн аль-Хасан аш-Шайбани

Мухаммад аш-Шайбани. (факих ; 749–805).

*Габдулвахид Сулейманов
Габдулвахид б. Сулейман б. Салюк
Габдулвахид бен Сулейман бен Салюк*

Сулейманов, Габдулвахид. (муфтий ; 1786-1862).

*Иоанн Златоуст
Иоанн Златоустый
Иоанн Златоуст, архиепископ Константинопольский*

Иоанн Златоуст (347–407).

Никон Черногорец монах Черной горы близ Антиохии (2-я половина XI в.)

Никон Черногорец (2-я пол. 11 в.).

*Иоанн Лествичник
Иоанн Лествица
Иоанн, игумен Синайской Горы, Лествица*

Иоанн Лествичник (–ок. 606).

Рим папасининг исми сарлавҳада унга черков томонидан берилган шахси исм ва сон шаклида келтирилади. Идентификация қилувчи белгиларда унинг диний мансаби ва ҳаёти саналари кўрсатилади.

Мисол

Иоанн Павел II (папа ; 1920–2005).

Рим папасининг католик черков томонидан тан олинмаган исмига идентификация қилувчи белгиларда «антипапа» сўзи ва папалик тахтида ўтирган йиллари келтирилади

Мисоллар

Бенедикт XIII (антипапа с 1394 по 1423).

Феликс V (антипапа с 1439 по 1449).

Агар шахснинг диний мансабида диний шахсга мурожаат қилинганда қабул қилинган «отец», «мать», «сестра», «брат» сўзларидан бошқа маълумотлар бўлмаса, ушбу сўзлар идентификация қилувчи белгилар сифатида келтирилиши мумкин. Иложи борица уларни диний шахс ҳаёти саналари билан тўлдирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Сестра Иоанна

Иоанна (сестра).

Ам

мо:

**Отец авва Дорофей
Преподобный Дорофей Палестинский**

**Дорофей Палестинский
(авва ; –620).**

Сарлавҳада, агар бошқа маълумотлар бўлмаса, фақат диний шахснинг шахсий исми (диний ёки оқсуякларга оид исми) келтирилиши мумкин. Бундай ҳолатларда ҳаётининг саналари идентификация қилувчи белгилар бўлиб ҳисобланади.

4.2.2.5 Сарлавҳада турли халқлар шахслари исмларини келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Рус тилида ёзадиган кўпгина шахсларнинг исмлари фамилияси, шахсий исми ва отасининг исмидан ташкил топади. Сарлавҳада улар умумий қоидалар бўйича кўрсатилади.

Мисоллар

Сагдуллаев, Ахмад Анварович.

Аминова, Рахима Ходиевна.

Рус тилида ёзадиган шахслар фамилияларининг олд қўшимчалари (ван, ван дер, вандер, де, де ла, фон, фон дер ва шу кабилар) сарлавҳада фамилиядан олдин ҳужжатда берилган шакл ва кетма-кетликда келтирилади.

Мисоллар

Ван-дер-Варден, Б. Л.

Вандер Флит, Е. К.

Де ла Барт, Ф. Г.

Славян гуруҳи тиллари (украин, белорус)да, турк гуруҳига (олтой, тува, хакас, чуваш, ёкут) кирувчи айрим тилларда, кўпгина фин-угор тиллари (Волга бўйи, Шимол халқлари тиллари)да ҳамда молдован ва арман тилларида ёзадиган шахсларнинг исмлари одатда фамилияси, исми ва отасининг исмидан ташкил топади. Сарлавҳада улар умумий қоидалар бўйича кўрсатилади.

Мисоллар

Тичина, Павло Григорович.
(укр. тили)

Палкин, Эркемен Матынович.
(алт. тили)

Кенин-Лопсан, Монгуш Борахович.
(тувин. тили)

Кымъытвал, Антонина Александровна.
(чукот. тили)

Грузин, бурят тиллари, Доғистон, Шимолий Кавказ халқларининг тилларида, эрон гуруҳи, турк гуруҳига кирувчи кўпчилик тиллар (олтой, тува, хакас, чуваш, ёкут тилларидан ташқари) ҳамда фин, карел, қалмоқ тилларида ёзадиган шахс исмлари одатда отасининг исмига эга бўлмайди ва фамилия ва шахсий исмидан (исмлардан) ташкил топади. Сарлавҳада улар умумий қоидалар бўйича кўрсатилади.

Мисоллар

Мәрданов, Раиф.
(тат. тили)

Пэрэныкьо, Мурад.
(адыг. тили)

Рабаданов, Хиясан.
(даргин. тили)

Ҳужжатда шахсий исмнинг турли шакллари (миллий – отасининг исмисиз ва русча – шахсий исми ва отасининг исми билан) мавжуд бўлган ҳолларда сарлавҳада миллий шакли келтирилади, шахснинг кўпчилик асарлари исмнинг русча шакли остида нашр қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Титул варақда:

Гамзатов, Расул.

Расул Гамзатов

Чиқиш маълумотларидан олдин:

Расул Гамзатович Гамзатов

Титул varaқда:
Шарафиддинов Озод
Чиқиш маълумотларида:
Шарафиддинов Озод Обидович

Шарафиддинов, Озод.

Шахс энг машхур бўлган исм шаклини аниқлашнинг иложи бўлмаган ҳолларда сарлавҳада ахборот манбаида кўрсатилган исм келтирилади.

Айрим халқларда шахсларнинг исмларида учрайдиган қондошликни билдирувчи сўзлар – «оглы» (ўғли) ва «кызы» (қизи) исм-шарифларнинг бош ҳарфлари ўрнига тўлиқ исмларни қўлловчи ахборот массивлари учун ёзувлар сарлавҳаларида сақланади. Бошқа ҳолларда улар тушириб қолдирилиши мумкин.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Исмайлов Исрафил Закир оглы

**Исмайлов, Исрафил Закир
оглы.**

**Селимханова Марьям Ахмед
Кызы**

**Селимханова, Марьям Ахмед
кызы.**

Физули Мухаммед Сулейман оглы

Физули, М. С.

Касымова Солмаз Али кызы

Касымова, С. А.

Эргаш Жуманбулбул ўғли

Жуманбулбул, ўғли Эргаш.

«Хоним» сўзи ҳам тушириб қолдирилади, у исмнинг қисми бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Мисол

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Тамара Ханум

Тамара Ханум.

«Тер» юкламаси сарлавҳада фамилиядан олдин ҳужжатда берилган шаклда келтирилади.

Мисоллар

Тер-Григорьянц, В. В.

Тертеретян, А. Е.

«Зода» («заде») юкламаси сарлавҳада фамилиядан кейин ҳужжатда берилган шаклда келтирилади (қўшилган ҳолда, дефис орқали, бош ёки кичик ҳарфлар билан).

Мисоллар

Азимзаде, Алим Аслан оглы.

Мамед-Заде, Г. Р.

Турсун-заде, М.

Фамилияга эга бўлмаган ёки ўзининг исми (исмлари) билан кўпроқ даражада машҳур бўлган шахсларнинг исмлари сарлавҳада ўз исми ва (ёки) лақаби ёки жой номи ёки фамилияси қўшилган ўзининг исми шаклида келтирилади.

Мисоллар

Джамбул.

Зульфия.

Саид Ахмад.

Абдулла Қаҳҳор.

Ғафур Ғулом.

Ўзининг исми фамилия сифатида қўшиқчи-шоирларнинг исмлари қатнашган сарлавҳаларда қўлланилади.

Мисол

Алескер (ашуг).

Хорижий европа тилларида ёзадиган кўпгина шахсларнинг исмлари одатда фамилия ва ўзининг исмидан (исмларидан) ташкил топади. Улар сарлавҳада умумий қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Curtis, Hillman.

Greene, G.

Eluard, P.

Шахсларнинг исмларидаги олд қўшимчалар, артиклар, олд кўмакчилар, артикли олд кўмакчилар, юкламалар сарлавҳада сақланади.

Тилнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ равишда улар одатда фамилия олдидан бош ҳарфлар билан ёки олд қўшимчалардан ташқари шахс фамилияси ва исмидан (исмларидан) кейин кичик ҳарфлар билан келтирилади.

Роман тилларида ёзадиган шахсларнинг фамилияларидаги артикл сарлавҳада фамилия олдидан келтирилади.

Мисоллар

La Feuvre, C.

La Ripa.

Герман тилларида ёзадиган шахсларнинг фамилияларидаги артикл сарлавҳада шахс фамилияси ва шахсий исмидан (исмларидан) кейин келтирилади.

Mucol

Kinderen, T. H. der.

Одий, артикл билан қўшилмаган олд кўмакчи сарлавҳада, одатда, фамилиядан кейин исм-шариф бош ҳафлари ёки исмлар билан келтирилади.

Mucоллар

Goethe, J. W. von.

Balzac, H. de.

Santos, R. dos.

Итальянча di, de, d’ олд кўмакчилари ҳамда сарлавҳада фамилиядан олдин келтириладиган бельгиялик муаллифларда мавжуд бўлган van (фламандча) ва de (французча) олд кўмакчилари бундан мустасно.

Фамилиядан олдинги олд кўмакчи муаллиф фамилиядан олдин қўйилувчи олд кўмакчига эга бўлган фамилия билан кўпроқ машҳур бўлган ҳолларда ҳам кўрсатилади.

Mucоллар

De Sanctis, F.

Di Gugliermo.

De Coster, C.

Van der Wee, H.

Артикль билан қўшиб ёзиладиган ёки чамбарчас боғланган олд кўмакчилар, одатда, сарлавҳада ўзининг фамилиядан олдинги ўрнини сақлаб қолади.

Испан ва португал тилларида ёзадиган шахслар фамилиялари бундан мустасно.

Mucоллар

Zur Nieden, E.

Vanden Berghen, C.

Saint, Sainte, Santa, San, Santo, St., O’, Mac, Mc, M’, Fitz каби юкламалар фамилия билан қўшиб ёзиш усулидан қатъи назар сарлавҳада доимо шахс фамилияси олдида сақланиб қолади.

Mucоллар

Saint-Exupery, A. De.

San Cristoval, E.

O'Sullivan, V.

MacLeish, A.

McKee, K. N.

FitzRoy, O.

Фамилияга қўшиб ёзилган ёки у билан дефис орқали бирлаштирилган артиклар ва (ёки) олд кўмакчилар сарлавҳада ҳужжатда берилган шаклда келтирилади.

Мисол

Delacroix, E.

Агар шахс исми таркибига бошқа шахснинг фамилияси ёки турмушга чиққан аёл исми таркибига – унинг қизлик фамилияси (асарлари инглиз тилида тақдим этилган шахсларнинг исмларида) кирса, сарлавҳада ушбу фамилиялар муаллифнинг иккинчи шахсий исми сифатида келтирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Donald Dwight Hook

Hook, Donald Dwight.

Mamie Goldsmith Gamoran

Gamoran, Mamie Goldsmith.

Агар турмушга чиққан аёлнинг исми ҳужжатда эрининг шахсий исми (исмлари) шаклида «Mrs.», «m-me», «Frau» каби сўзлар билан кўрсатилса, уларни аниқлаш мумкин бўлганда сарлавҳада эрининг фамилияси ва хотинининг исми (исмлари) ёки хотинининг исмини аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолларда «Mrs.», «m-me», «Frau» каби идентификация қилувчи белгилар қўшилган ҳолда эрининг фамилияси ва исми келтирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Mrs. Charles Meredith

Meredith, L. A.

m-me Victor Duruy

Duruy, Victor (m-me).

Асарлари хорижий тилларда тақдим этилган шахсларнинг исми (исмлари) сарлавҳада умумий қоидалар бўйича келтирилади. Агар шахснинг шахсий исми унинг асарларининг турли нашрларида бир хил бўлмаган миқдорда ва турлича кетма-келикда келтирилса, сарлавҳа учун шахс энг кўп даражада машҳур бўлган шахсий исмлари ва кетма-кетлик олинади.

Агар шахс асосан ўзида мавжуд шахсий исмларнинг бири билан машҳур бўлса, сарлавҳада фамилиядан кейин фақат шу шахсий исми келтирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Bernard Shaw
George Bernard Shaw

Shaw, Bernard.

Ф. Шиллер
И. Х. Ф. Шиллер

Шиллер, Фридрих.

4.2.3 Ташкилот номини ўз ичига олган сарлавҳа

4.2.3.1 Ташкилот номини ўз ичига олган сарлавҳа структурасини келтириш

Ташкилот номини ўз ичига олган сарлавҳа структурасини келтириш ГОСТ 7.80га мувофиқ амалга оширилади.

Ташкилот номи – давлат муассасалари, илмий ва ўқув юртлари, жамоатчилик бирлашмалари, корхоналар ва ш.к.ларнинг номлари учун унинг фаолият қўлами ва мавжудлик давридан қатъи назар ушбу ташкилотни идентификация қилиш имконини берувчи умумлаштирувчи атама ҳисобланади.

4.2.3.2 Ташкилот номини сарлавҳада келтириш

Сарлавҳадаги ташкилот номига ушбу ташкилотни бошқалардан фарқловчи идентификация қилувчи белгилар қўшилиши мумкин.

Сарлавҳада асар учун интеллектуал жавобгарликни ўз зиммасига олувчи ташкилот номи ёки унинг номидан ушбу асар нашр қилинган ташкилот номи келтирилади. Сарлавҳада муаллиф, тузувчи, ғоя муаллифи, муҳаррир, нашр қилувчи, тарқатувчи, таъсисчи, ҳада қилувчи, ҳомий ва ш.к. сифатида қатнашувчи; ҳужжатда айтиб ўтилган ташкилот номи («персоналия») ифодаланиши мумкин.

Ҳужжатда мавжуд бўлмаган ташкилот номи библиография қилувчи муассаса томонидан ифодаланиши ва сарлавҳа сифатида келтирилиши мумкин эмас.

Номлари сарлавҳада келтириладиган ташкилотлар шартли равишда доимий ва вақтинчалик фаолият олиб боровчи (доимий)ларга бўлинади.

Қуйидагилар доимий ташкилотлар ҳисобланади:

а) қонун чиқарувчи ҳокимият органлари: парламент (масалан, Олий Мажлис; Федерал Йиғилиш, Федерация Кенгаши, Давлат Думаси; ўлка, вилоят, шаҳар думаси, кенгаш), конгресс ва ҳ.;

в) ижро этувчи ҳокимият органлари: ҳукумат, вазирлар маҳкамаси, вазирликлар, қўмиталар, бошқармалар, департаментлар, муниципалитетлар, префектуралар, маъмуриятлар ва ҳ.;

с) суд ҳокимияти органлари: судлар (масалан, Олий Суд, Конституцион Суд, Олий Арбитраж Суди), прокуратура, нотариат ва ҳ.;

- d) давлат раҳбарлари, олий мансабдор шахслар;
- e) давлат қуролли кучларининг бош хизматлари;
- f) элчихоналар, консулликлар ва ҳ.;

g) сиёсий партиялар ва жамоатчилик ташкилотлари: ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, уюшмалар, лигалар; касаба уюшмалари; ҳар хил: илмий, техник, савдо, маориф, спорт, ҳомийлик ташкилотлари ва жамиятлар;

h) муассасалар ва корхоналар: молия-кредит (масалан, банклар, жамғарма кассалари ва ҳ.); ҳўжалик, ишлаб чиқариш, транспорт, савдо; кооператив ташкилотлар, колхозлар, совхозлар; фабрикалар, заводлар, фирмалар, бирлашмалар, трестлар, синдикатлар, акциядорлик жамиятлари, саноат ва савдо корпорациялари, комбинатлар, темир йўллар, савдо палаталари, биржалар, босмахоналар, нашриётлар, китоб савдоси корхоналари ва ҳ.;

i) илмий ташкилотлар ва ўқув юртлари (академиялар, илмий-тадқиқот институтлари, лабораториялар, архивлар, ботаника ва зоология боғлари, клиникалар, обсерваториялар, қишлоқ ҳўжалик ва бошқа тажриба станциялари, олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари ва ҳ.);

j) маданий-маориф ташкилотлари (кутубхоналар, музейлар, галереялар, театрлар, маданият уйлари, техника уйлари ва ҳ.);

k) ҳарбий муассасалар, ҳарбий қисмлар;

l) халқаро ташкилотлар: БМТ ва унинг махсус ташкилотлари (ЮНЕ-СКО ва бошқ.), Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар (лигалар, кенгашлар, бирлашмалар, комиссиялар, иттифоқлар, уюшмалар);

m) диний ва черков ташкилотлари ва уюшмалари: черковлар, бутхоналар, диний уюшмалар, диний орденлар, монастирлар, миссиялар, биродарликлар ва ҳ.;

n) лойиҳалар, дастурлар, тизимлар, тармоқлар.

Конгресслар, съездлар, кенгашлар, анжуманлар, сессиялар, симпозиумлар, семинарлар, экспедициялар, делегациялар, кўрғазмалар, ярмаркалар, фестиваллар, спартакиадалар, олимпиадалар, ҳафталиклар, турнирлар, танловлар, ўқишлар, қандайдир тадбирлар кунлари кабилар чекланган мавжудлик даврига эга бўлган вақтинчалик ташкилотлар бўлиб ҳисобланади.

Ташкилот номини ўз ичига олган сарлавҳаларга яна шартли равишда юрисдикция номидан кейин бир хиллаштирилган шаклда келтириладиган қонун ҳужжатлари ва бошқа айрим расмий ҳужжатлар (конституциялар, қонунлар, шартномалар, ҳарбий уставлар ва дастурлар) номларини ўз ичига олган сарлавҳалар ҳам киритилади

Ташкилот номини ўз ичига олган сарлавҳаларда «юрисдикция» атамаси ташкилотнинг ҳокимлик ва бошқа ваколатлари амал қиладиган ҳудудларни белгилаш учун қўлланади.

Маълумотларнинг ёзилиш усулига боғлиқ равишда сарлавҳалар тўғридан-тўғри ёки инверсияланган бўлиши мумкин.

Тўғридан-тўғри сарлавҳада сўзлар кетма-кетлиги ахборот манбаида берилган кетма-кетликка мос келади. Инверсияланган сарлавҳада сўзлар кетма-кетлиги ахборот манбаида берилган кетма-кетликдан фарқ қилади: унинг номига кирувчи алоҳида сўзлар сарлавҳа охирига ёки бошига ёки идентификация қилувчи белгиларга кўчирилиши мумкин.

Мисол

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Материалы первой научно-практической конференции гимназистов [гимназии № 4 г. Оренбурга]

Гимназия (4 ; Оренбург). Научно-практическая конференция гимназистов (1 ; 2000).

Ташкилот номини ўз ичига олган сарлавҳа тузилиши бўйича содда ёки мураккаб бўлиши мумкин.

Содда сарлавҳа битта бўғиндан ташкил топади. У таркибий бўлинмаларга ва бошқарувчи ташкилот номига эга бўлмаган ташкилот номини ўз ичига олади.

Мисоллар

Ўзбекистон китоб палатаси.

Совет Федерации профсоюзов Узбекистана.

Australasian political studies association.

Мураккаб сарлавҳа икки ва ундан кўпроқ бўғинлардан ташкил топиши мумкин. У таркибий бўлинмалар билан биргаликда ташкилот номини ўз ичига олиши ёки бошқарувчи ва тасарруфидаги ташкилотлар номларидан ташкил топади.

Мисоллар

Республика Узбекистан. Министерство финансов. Управление финансов агропромышленного комплекса.

Ташкентский государственный технический университет. Факультет нефти и газа.

International federation of library association. Section of national libraries.

Ташкилот номи қатнашган сарлавҳада қуйидаги тиниш белгиларидан фойдаланилади:

- нуқтадан – ташкилот номидаги бўғинларни ажратиш учун;
- вергулдан – ташкилот турини аниқловчи сўзлардан олдин (инверсиялашда)

Идентификация қилувчи белгилар одатда ташкилотларнинг бир хил номларини фарқлаш зарур бўлган ҳолларда қўлланилади.

Ташкилот номини ўз ичига олган сарлавҳада идентификация қилувчи белгилар сифатида тартиб рақам, сана (саналар), географик ном, давлат (давлат субъектлари) раҳбарларининг исмлари ҳамда юқорида санаб ўтилган белгиларнинг бирлашмаси келтирилиши мумкин.

Ташкилот номидаги рақам одатда бир типдаги ёки бир хил номдаги ташкилотларга берилувчи ташкилотнинг тартиб рақами ёки вақтинчалик ташкилотнинг тартиб рақами билан ифодаланиши мумкин.

Мисоллар

Ташкентская средняя школа (173).

Ўзбекистон Республикаси илмий-амалий конференцияси (6;2009).

Агар ташкилотнинг тартиб рақами унинг номига ажралмас қисм сифатида тўлиқ ёки қисқартирилган шаклда кирса, идентификация қилувчи белгилардаги тартиб рақами сарлавҳада кўрсатилмайди

Мисол

«WA-2», международная корпорация.

Сана (саналар) доимий ташкилотга асос солинган йил ёки мавжуд бўлган йилларни ёки вақтинчалик ташкилот: анжуман, съезд, кенгаш кабилар ўтказилган йилни ифодалайди.

Ташкилот мавжуд бўлган йилларни билдирувчи иккита сана чизикча билан ажратилади.

Мисоллар

Бухарская искусствоведческая экспедиция (2000–2001 ; пос. Гаждумак / пос. Джовгари, Респ. Узбекистан).

«Дорихона дунӣси», газета (2000–2010 ; Самарканд).

Доимий ташкилотнинг асос солинган йили ва мавжуд бўлиш йиллари сарлавҳада бир хил номдаги ташкилотларни ёки ўхшаш номдаги ёки жойлашган манзили ҳам ўхшаш бўлган фаолияти соҳаси ўхшаш ташкилотларни фарқлаш зарур бўлган ҳолларда, шунингдек фаолияти тарихий ўтмишда амалга оширилган ташкилотлар учун сарлавҳада келтирилади.

Мисоллар

Ташкентское спортивно-оздоровительное общество (2003).

Чиланзарское спортивно-оздоровительное общество (2000–2007 ; Ташкент).

Ташкентское физкультурное спортивно-оздоровительное общество (2008).

Вақтинчалик ташкилотларни тузиш йили доимо кўрсатилади, сана вақтинчалик ташкилот номининг ажралмас қисми сифатида тўлиқ ёки қисқарган шаклда ташкилот номига кирадиган ҳоллар бундан мустасно.

Мисол

«Садоводство-2005», торговая ярмарка сельскохозяйственной техники и оборудования (Фергана).

Бир хил анжуманлар битта шаҳарда ва битта йилда ўтказилганда йиллар билан биргаликда улар ўтказилган ой ва санаси ҳам кўрсатилиши мумкин.

Географик ном ташкилот тегишли бўлган мамлакат номи, ташкилот жойлашган ёки анжуман, съезд, кенгаш ва ш.к. ўтказилган шаҳар ёки бошқа исталган жой номи билан кўрсатилиши мумкин.

Ташкилотнинг жойлашган ўрни идентификация қилувчи белгиларда доимо келтирилади, қуйида санаб ўтиладиган ҳоллар бундан мустасно.

Жой номи бош келишида келтирилади, «шаҳар» сўзи ном олдидан кўрсатилмайди, бироқ «станция» (ст.), «поселка» (пос.), «қишлоқ» (қ.) каби шаҳар даражасидан паст бўлган маъмурий бирликларни билдирувчи сўзлар кўрсатилиши мумкин.

Мисоллар

Центр геномики и биоинформатики (Кибрай. р-н, Тошкент. обл., Респ. Узбекистан).

Архитектура-қурилиш институти (Тошкент).

Институт проблем региональной экономики (Санкт-Петербург).

«Карагандацемент», производственное объединение (пос. Актау).

Маъмурий-ҳудудий бўлинишнинг битта даражасини билдирувчи иккита географик ном (масалан, иккита шаҳар) бир-бирларидан кўрсатилган белгидан олдин ва кейин бўш жой қўйилган қия чизик билан ажратилади.

Мисол

«Вестник здоровья Узбекистана», газета (Тошкент / Самарканд).

Агар географик номлар учта ва ундан кўпроқ бўлса, идентификация қилувчи белги сифатида фақат биринчиси «и др.», «ва бошқ.» ёки «etc.» (лотин графикасидан фойдаланувчи тиллар учун) сўзлари ёки уларнинг бошқа тиллардаги эквивалентлари қўшилган ҳолда келтирилади.

Мисол

«Замонавийлик контекстида педагогика фани ва унинг методологик муаммолари», республика илмий-назарий конференция (2 ; 2005 ; Тошкент ва бошқ.).

(Конференция учта шаҳарда бўлиб ўтди: Тошкент, Самарқанд, Бухоро).

Географик номдан идентификация қилувчи белги сифатида мураккаб сарлавҳада ташкилот юрисдикциясини аниқлаштириш учун фойдаланилади.

Мисоллар

Cambridge (Engl.).

Cambridge (Mass.).

San Antonio (Tex.).

Saint Paul (France).

Идентификация қилувчи белгилардаги ташкилотнинг жойлашган жойи куйидаги ҳолларда сарлавҳада кўрсатилмайди:

а) агар ташкилот давлат ҳокимияти органи бўлса;

Мисоллар

Ўзбекистон Республикаси. Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Ўзбекистан Республикаси. Олий Мажлис.

Great Britain. Parliament. House of Commons.

Canada. Parliament.

б) агар ташкилот номига (жумладан қисқартирилган шаклда келтирилган) кирадиган географик ном у жойлашган жой номига ёки вақтинчалик ташкилот ўтказилган жой номига мос келса.

Мисоллар

Тошкент автомобиль йўллари институти.

Тошкент антропология илмий мактаби.

«Бийскэнергомаш», производственное объединение.

«Анапа», курорт.

Ташкентский международный симпозиум по медицине (3 ; 2000).

«Экология и безопасность жизни», бухарский областной научно-практический семинар (2007).

«New York times», newspaper.

New York city ballet.

Tokyo conference on reproductive physiology (7 ; 2010).

Ташкилот номида шаҳар ёки бошқа аҳоли пункти номини ўз ичига олмаса, ташкилотнинг жойлашган жойи кўрсатилади;

Мисоллар

Удмуртский государственный университет (Ижевск).

Невский институт языка и культуры (Санкт-Петербург).

Българска народна банка (София).

University of California (Berkeley).

British museum (London).

с) агар ташкилот жамоатчилик ташкилоти мақомига эга бўлса ва унинг фаолияти бу номда акс этган умумдават, умумреспублика ёки халқаро хусусиятларга эга бўлса.

Мисоллар

Союз писателей Узбекистана.

Ассоциация банков Узбекистана.

Всемирный боксерский совет.

Международная ассоциация академий наук.

Европейский гуманитарный университет.

«Ростелеграф», акционерное общество.

National gas association of Australia.

Vietnam federation of trade unions.

European speech communication association.

d) агар ташкилот халқаро ёки трансмиллий фирма, корпорация, бирлашма ҳисобланса (улар одатда турли шаҳар ва мамлакатлар, идоралар, бўлинмаларга эга бўладилар).

Мисол

PBC international, inc.

Давлат (давлат субъекти) раҳбарининг исми идентификация қилувчи белгиларда монархлар, президентлар ва бошқа давлат (давлат субъектлари) раҳбарлари номидан нашр қилинган ҳужжатлар учун тузилган ёзувларнинг сарлавҳаларида ушбу стандартнинг 4.2.3.6-бандига мувофиқ келтирилади.

Мисол

Ўзбекистон Республикаси. Президент (1991– ; И. А. Каримов).

Бир нечта идентификация қилувчи белгилар мавжуд бўлган ҳолларда улар одатда қуйидаги кетма-кетликда келтирилади: тартиб рақами, санаси (саналар), географик номи.

Мисоллар

«Ўзбекистон ва БМТ: тажриба ва ҳамкорлик истиқболлари», республика илмий-назарий конференция (3 ; 2007 ; Тошкент).

«Лучшие проекты по международному сотрудничеству в сфере образования», республиканский конкурс (2 ; 2000–2001 ; Ташкент).

Olympic Games (29 ; 2008 ; Beijing, China).

National city bank (1 ; New York).

United Nations. General assembly. Session (58 ; 2003–2004 ; New York).

Давлат раҳбарлари номидан нашр қилинган ҳужжатларга тузилган ёзувларнинг сарлавҳаларида идентификация қилувчи белгиларни келтириш кетма-кетлиги ушбу стандартнинг 4.2.3.6 бандига мувофиқ келтирилади.

Агар идентификация қилувчи белгилардан бири аниқлаштирувчи вазифаларни (масалан, поселка ва вилоят номи, шаҳар ва штат номи, йил ва ой белгиси) бажарувчи иккита (ёки ундан кўпроқ) таркибий қисмдан ташкил топса, идентификация қилувчи белгиларнинг иккинчисидан (ва ундан кейингиларидан) олдин вергул қўйилади.

Мисоллар

«Давлат ва нодавлат музейлари: тажриба, муаммолар ва ечимлар», конференция (16 ; 2008; Андижон, Ўзбекистон).

Республика Узбекистан. Олий Мажлис (2005–2009). Заседание (2007, декабрь).

Средняя общеобразовательная школа (1 ; Самарканд, Узбекистан).

«Дружба», ассоциация крестьянского хозяйства (с. Старая Отрада, Куюргазин. р-н, Респ. Башкортостан).

Reunion internacional de nutricion parenteral y enteral (5 ; 2002 ; Lloret del Mar, España).

4.2.3.3 Ташкилот номини ўз ичига оладиган сарлавҳа тили

Сарлавҳада ташкилот номи, одатда, библиографик тавсиф тилида келтирилади.

Сарлавҳада ташкилот номи ҳам қуйидагича келтирилиши мумкин:

а) ташкилот тегишли бўлган мамлакатнинг давлат тилида;

в) ташкилот тегишли бўлган мамлакат расмий нашрларида устувор бўлган тилда;

с) халқаро ташкилотнинг расмий ишчи тилида.

Сарлавҳадаги маълумотларни турли тиллар ва (ёки) турли графикаларда келтиришга йўл қўйилади.

Мисол

Gesellschaft für Nephrologie (BRD). Joint scientific meeting (32 ; 2006 ; Berlin).

(Сарлавҳанинг биринчи бўғини немис тилида, иккинчиси – инглиз тилида берилган)

Идентификация қилувчи белгилар сарлавҳа тили ёки библиография қилувчи муассаса тилида келтирилиши мумкин.

Мисоллар

«Энергодиагностика и condition monitoring», международная конференция (3 ; 2000 ; Нижний Новгород).

International symposium on logic programming (2000 ; San Diego, Calif.).

ёки

«Walt Disney», company (CША).

«International Rectifier», фирма (CША).

«Hitachi», исслед. ин-т (Япония).

«Citytelerate», агентство (Киев).

(Сарлавҳалардаги маълумотлар аралаш графикада – латин ва кирилл графикаларида ҳамда икки тилда – инглиз ва рус тилларида берилган)

Агар ҳужжатда давлат тилига ўтирилган расмий таржима мавжуд бўлмаса, давлат ҳокимияти органи бўлган ташкилот номи давлат тилида кириллча транскрипцияда келтирилиши мумкин.

Мисоллар

Республика Узбекистан. Олий Мажлис.

Республика Бурятия. Народный Хурал.

Республика Таджикистан. Маджлиси Оли (Парламент).

Федеративная Республика Германия. Бундестаг.

4.2.3.4 Сарлавҳа учун ташкилот номининг шаклини танлаш

Агар ташкилот номи ҳужжатда ва бошқа манбаларда турли шаклларда келтирилган бўлса, сарлавҳа учун расмий шаклдаги ном танланади.

Агар ташкилот номининг расмий шакли аниқланмаган бўлса, сарлавҳа учун ҳужжатда кўрсатилган шакл танланади. Агар ҳужжатда ташкилот номининг бир нечта шакли келтирилган бўлса, биринчи бўлиб кўрсатилган ёки қандайдир усулда ажратиб кўрсатилган шакли афзал кўрилади.

Агар ташкилот номи шакллари ўртасидаги фарқлар орфографиянинг ўзгаришлари билан боғлиқ бўлса, сарлавҳада номининг охириги вақтда нашр қилинган ҳужжатларда кўрсатилган шакли келтирилади.

Мисол

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Deutscher Straßen-und

Deutscher Strassen-und Ver-

Агар ташкилот қайта ташкил этилган бўлса ва бунинг оқибатида ўз номини ўзгартирган бўлса, сарлавҳада материални нашр қилиш вақтидаги номи келтирилади.

Агар ташкилот (жумладан юрисдикция) ўз мавжудлигининг турли даврларида турлича номларга эга бўлса, сарлавҳада материал нашр қилинган вақтда қабул қилинган ном кўрсатилади.

Ташкилотнинг ахборот массивидаги турлича номлари изоҳдаги ва маълумотномалардаги ёзувлар билан боғланади.

Мисол

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Министерство по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан

Республика Узбекистан. Министерство по развитию информационных технологий и коммуникаций.

Ҳавола ёзувлари (қўшимча фойдалана олиш нуқталари):

Республика Узбекистан. Государственный комитет связи, информатизации и телекоммуникационных технологий.

Республика Узбекистан. Узбекское агентство связи и информатизации.

4.2.3.5 Сарлавҳада ташкилот номини келтириш қоидалари

Сарлавҳада ташкилот номи бош келишиқда, танланган ахборот манбаида кўрсатилган шаклда келтирилади.

Сарлавҳанинг асосий қисми учун ташкилот номи ифодаланмайди ва турли ахборот манбаларидан тузилмайди.

Ахборот манбаидаги ташкилот номи сарлавҳада келтирилмайдиган қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин:

а) ташкилот мукофотланган орденларнинг номлари; номлари ташкилотга берилган шахсларнинг фахрий, ҳарбий ва илмий унвонлари;

б) хорижий ташкилотлар номларидаги биринчи артикль, агар бу тил грамматикасига зид бўлмаса;

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

The National Gallery of art, Washington

National gallery of art (Washington).

El Museo de arte moderno de Bogotá

Museo de arte moderno (Bogotá).

The Victoria & Albert museum

Victoria and Albert museum (London).

с) ташилотнинг ҳукукий структурасини кўрсатувчи атамалар: ЁАЖ, МЧЖ, МЧШ, ФДМ, ЁТАЖ, ОТАЖ, е. V., A. G., Ltd, SA, Inc., GmbH, VEB, г. у. ва ҳ..

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

National bank of Australasia, ltd.

National bank of Australasia.

EB Elektro-Apparate-Werke

Elektro-Apparate-Werke (Berlin).

Ташилотнинг ҳукукий структурасини кўрсатувчи атамалар унинг номига улар ташилот номининг таркибий қисми бўлган ҳолларда кўрсатилади (яъни фақат шу сўзларнинг мавжудлиги берилган ном остида ташилот назарда тутилишини кўрсатса).

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Polyconomics, inc., Morristown, N. J.

Polyconomics, Inc. (Morristown, N. J.).

D. W. Thorpe ltd., Melbourne

Thorpe, D. W., Ltd (Melbourne).

Telenorma GmbH, Frankfurt a. M.

Telenorma, GmbH (Frankfurt a. M.).

Маълумотларнинг ёзилиш усулига боғлиқ равишда сарлавҳалар тўғридан-тўғри ёки инверсияланган бўлиши мумкин.

Тўғридан-тўғри сарлавҳада ташилот номидаги сўзлар кетма-кетлиги ахборот манбаида берилган кетмакетлик билан бир хил бўлади. Инверсияланган сарлавҳада сўзлар кетма-кетлиги ахборот манбаида берилганидан фарқ қилади: унинг номига кирувчи алоҳида сўзлар сарлавҳа боши ёки охирига ёки идентификация қилувчи белгиларга кўчирилиши мумкин; ташилот номига ҳужжатга мавжуд бўлмаган географик сифат кўшилиши мумкин.

Мисол

Гимназия (4 ; Оренбург). Науч.-практ. конф. гимназистов (1 ; 2000).

Ташилот номини инверсия қилиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади.

- давлат ҳокимияти органларининг номи сарлавҳада юрисдикция номидан кейин ушбу стандартнинг 4.2.3.6-бандига мувофиқ иккинчи бўғинда келтирилади.

- қонун ҳужжатларининг (конституция, қонунлар) ҳамда шартномалар, ҳарбий уставлар ва қўлланмалар номлари бир хиллаштирилган шаклда сарлавҳада юқорида санаб ўтилган ҳужжатларнинг ваколатлари қўлланиладиган юрисдикция номидан кейин

ушбу стандартнинг 4.2.3.6-бандига мувофиқ иккинчи бўғинда келтирилади.

Мисоллар

Ўзбекистон Республикаси. Қонунлар.

Республика Узбекистан. Конституция (1992).

Республика Татарстан. Договоры.

Чувашская Республика. Законы.

Российская Федерация. Военные уставы и наставления.

Агар давлат ҳокимияти органи бўлмаган ташкилот номи маъмурий-худудий тузилма даражаларини билдирувчи сўзлар: «шаҳар», «муниципиал», «вилоят», «ўлка», «республика» каби сўзлар билан бошланса, сарлавҳа бошида ҳужжатда мавжуд бўлмаган географик сифат келтирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Городской центр развития дополнительного образования, Бухара

Бухарский городской центр развития дополнительного образования.

Шаҳар эндокринология маркази, Тошкент

Тошкент шаҳар эндокринология маркази.

Областной художественный музей, Южно-Сахалинск

Сахалинский областной художественный музей (Южно-Сахалинск).

Республиканский музей изобразительных искусств, Каракалпакстан

Каракалпакский республиканский музей изобразительных искусств.

Республиканский совет профсоюзов, Чувашия

Чувашский республиканский совет профсоюзов.

Агар ташкилот номи одатда қавсларга олинган яқка тартибдаги номга эга бўлса, у сарлавҳада биринчи бўлиб келтирилади, ундан кейин, агар ташкилот юқори ташкилотнинг таркибий бўлинмаси бўлмаса, вергул қўйган ҳолда ташкилот тури кўрсатилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Акционерное общество «Toshshahartransxizmat»

«Toshshahartransxizmat», акционерное общество.

Литературное объединение

«Юлдузчи», литературное объеди-

«Юлдузчи», Хива

нение (Хива).

Футбольная команда «Пахтакор»

«Пахтакор», футбольная команда (Ташкент).

Акциядорлик жамияти «Фотон»

«Фотон», акциядорлик жамияти.

«Asaka» davlat-aksiyadorlik tijorat banki

«Asaka», davlat-aksiyadorlik tijorat banki (Toshkent).

Фирма Bourns

Bourns, фирма (Риверсайд, Калифорния).

Новая гуманитарная академия «Гелан»

«Гелан», новая гуманитарная академия (Москва).

Newspaper «The New York times»

«New York times», newspaper.

The Beatles

Beatles, ensemble (Great Britain).

Агар ташкилот номи эмас, балки муассаса ёки ташкилотга берилган шахс исми қўштирноққа олинган бўлса (хорижий ташкилотлар учун хос хусусият), сарлавҳада маълумотлар тўғридан-тўғри тартибда келтирилади.

Мисол

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Висш селскостопански институт «Г. Димитров», София

Висш селскостопански институт «Г. Димитров» (София).

Агар ташкилот номига ташкилот тартиб рақамини билдирувчи сон кирса, ушбу рақам одатда идентификация қилувчи белги сифатида келтирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

XII Международная конференция «Современные проблемы проектирования и строительства инженерных коммуникаций» (Самарканд, 20 - 21 мая 2014 г.)

«Современные проблемы проектирования и строительства инженерных коммуникаций», международная конференция (12 ; 2014 ; Самарканд).

3-я городская краеведческая конференция, г. Калуга

Калужская городская краеведческая конференция (3 ; 2000).

Научная этнографическая, археолого-историко-краеведческая конференция «II Минаевские чтения» (20 марта 2003 г., г. Ставрополь)

«Минаевские чтения», научная археолого-этнографическая, историко-краеведческая конференция (2 ; 2003 ; Ставрополь).

Ташкилот номининг таркибий қисми ҳисобланувчи тартиб рақамлари ва сонлар улар ахборот манбаида қандай берилган бўлса, шундайлигича кўрсатилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

***Производственное объединение
«Третий государственный
подшипниковый завод»***

***«Третий государственный под-
шипниковый завод», производственное
объединение (Саратов).***

Идоравий бўйсунувидаги (тасарруфидаги) ташкилот ёки ташкилот таркибий бўлинмасининг номи сарлавҳада қуйида келтирилган қоидалар бўйича келтирилади.

Идоравий бўйсунувидаги ташкилот ёки ташкилотнинг таркибий бўлинмаси номининг хусусиятларига боғлиқ равишда (якка тартибдаги ёки стереорип, доимий ёки вақтинчалик ҳисобланишига кўра) содда ёки мураккаб сарлавҳа келтирилади.

Агар идоравий бўйсунувидаги ташкилот ёки ташкилотнинг таркибий бўлинмаси номини бошқарувчи ташкилотни кўрсатмасдан ёки ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатилмаган ҳолда идентификация қилиш мумкин бўлса, содда сарлавҳа тузилади, унда фақат идоравий бўйсунувидаги ташкилот ёки ташкилотнинг таркибий бўлинмаси номи келтирилади.

Агар ташкилот номини бошқарувчи идора ёки ташкилот тўлиқ номини кўрсатмаган ҳолда идентификация қилиш мумкин бўлмаса, икки (ёки ундан кўпроқ) бўғиндан ташкил топган мураккаб сарлавҳа тузилади, ундаги биринчи бўғинда бошқарувчи идора ёки ташкилот тўлиқ номи, иккинчи бўғинда эса - идоравий бўйсунувидаги ташкилот ёки ташкилотнинг таркибий бўлинмаси номи келтирилади.

Бошқарувчи ташкилот номи ёки ташкилотнинг тўлиқ номини сарлавҳада биринчи бўғинда келтириш зарур:

– агар бир хил номга эга бўлган идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар ёки ташкилотнинг таркибий бўлинмалари мавжуд бўлса;

– агар идоравий бўйсунувидаги ташкилот икки ёки ундан кўпроқ ташкилотларга бўйсунса ва бошқарувчи ташкилотлардан бирини (одатда биринчи бўлиб кўрсатилган ёки қандайдир усулда ажратиб кўрсатилган) кўрсатмасдан туриб идентификация қилиб бўлмаса.

Идоравий бўйсунувидаги ташкилот ёки ташкилот таркибий бўлинмасининг номи иккинчи (ва кейинги) бўғинда тўғридан-тўғри тартибда келтирилади, ушбу ном доимий ёки вақтинчалик ташкилот рақамини билдирувчи сондан бошланадиган ҳоллар бундан мустасно. Бу ҳолда рақам идентификация қилувчи белгиларда келтирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

**«Санъатишунослик» кафедраси
Ўзбекистон давлат санъати
институтини**

**Ўзбекистон давлат санъати инсти-
тутини. «Санъатишунослик» кафедраси.**

**Кафедра «Информационно-
библиотечные системы» Таш-
кентского университета ин-
формационных технологий**

**Ташкентский университет инфор-
мационных технологий. Кафедра «Ин-
формационно-библиотечные системы».**

**Кафедра «Управление судном»
Государственной морской ака-
демии им. академика С. О. Ма-
карова**

**Государственная морская академия
им. С. О. Макарова (Санкт-Петербург).
Кафедра «Управление судном».**

**2-й съезд Вавиловского о-ва ге-
нетиков и селекционеров**

**Вавиловское общество генетиков и
селекционеров. Съезд (2 ; 2000 ; Санкт-
Петербург).**

**10-я юбилейная научно-
практическая конференция Го-
родской детской многопро-
фильной больницы № 9
г. Екатеринбург**

**Екатеринбургская городская детская
многопрофильная больница (9). Научно-
практическая конференция (10 ; 2005).**

Идоравий бўйсунувидаги ташкилот сифатида, одатда, ташкилот иерархиясидаги энг кичик бўғин қаралади. Сарлавҳадаги оралик бўғинлар одатда тушириб қолдирилади, улар идоравий бўйсунувидаги ташкилотни идентификация қилиш учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

**Управление развития детского
спорта Министерства народно-
го образования Республики Узе-
бекистан**

**Республика Узбекистан. Управле-
ние развития детского спорта.**

**Петербургский научный центр
РАН. Северо-западная секция со-
действия развитию экономиче-
ской науки**

**Российская академия наук. Севе-
ро-западная секция содействия разви-
тию экономической науки.**

Вақтинчалик ташкилотларнинг номлари сарлавҳада қуйидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда келтирилади:

- вақтинчалик ташкилот номи қатнашган сарлавҳа содда ёки мураккаб, тўғридан-тўғри ёки инверсияланган бўлиши мумкин. Вақтинчалик ташкилот номига сарлавҳада кўрсатилган кетма-кетликда қуйидаги идентификация қилувчи белгилар қўшилади: агар ушбу

маълумотлар ушбу стандартнинг 4.2.3.6-бандига мувофиқ ахборот манбаида келтирилган бўлса, вақтинчалик ташкилот тадбирини ўтказиш рақами, йили ва жойи.

Мисоллар

Форум молодых ученых-экономистов (2010 ; Самарканд).

Международный математический конгресс (2012 ; Цюрих).

Александровские чтения (6 ; 2000 ; Москва).

- агар вақтинчалик ташкилот тадбирини ўтказиш йили ёки жойи ушбу вақтинчалик ташкилот номининг таркибий қисми бўлган ҳолларда улар идентификация қилувчи белгиларда кўрсатилмайди;

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

XIII международная научно-практическая конференция «Иновация-2008» (Ташкент, 23 октября — 25 октября 2008 г.)

«Иновация-2008», международная научно-практическая конференция (13 ; Ташкент).

«Истиқлол ва миллий тарих-2006» мавзuidaги илмий-амалий конференция материаллари, 28-29 декабр

«Истиқлол ва миллий тарих-2006», илмий-амалий конференция (Андижан).

Рекомендации Омской областной научно-практической конференции по качеству строительства

Омская областная научно-практическая конференция по качеству строительства (2007).

- агар вақтинчалик ташкилот номида қўштирноққа олинган тематик ном қатнашса, сарлавҳада у биринчи ўринга чиқарилади.

Мисол

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

IV илмий-амалий конференция «Банклар. Стандартлар. Сифатлар» (июнь, 2010 й., Тошкент)

«Банклар. Стандартлар. Сифатлар», илмий-амалий конференция (4 ; 2010 ; Тошкент).

- агар вақтинчалик ташкилот номидаги тематик ном «мавзусидаги», «муаммоси бўйича» каби сўзлар билан бирга келса, сарлавҳада маълумотлар тўғри тартибда келтирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Материалы научно-практической конференции на тему «Проблемы диагностики и лечения фибрилляции

Научно-практическая конференция на тему «Проблемы диагностики и лечения фибрилляции

предсердий»

предсердий» (2014 ; Ташкент).

Материалы международного семинара по вопросу: «Международное право, законодательство РУз по проблемам авторского права и смежных прав»

Международный семинар по вопросу: «Международное право, законодательство РУз по проблемам авторского права и смежных прав» (2003 ; Хива).

Вақтинчалик ташкилот номига кирган қандайдир муҳим санага, ташкилот ёки шахс юбилейига бағишланганлик тўғрисидаги маълумотлар одатда сарлавҳада сақлаб қолинади, вақтинчалик ташкилот тартиб рақамига эга бўлган ёки бағишланганлик билан бир қаторда номда унинг тематикаси ҳам мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда бағишланганлик тўғрисидаги маълумотлар сарлавҳада тушириб қолдирилади.

Мисоллар

Ахборот манбаида:

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига ва Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган ёш олимлар халқаро илмий конференция материаллари

Материалы международной научной конференции, посвященной 70-летию АГТУ

Материалы конференции, посвященной 90-летию со дня рождения члена-корреспондента РАН Агнии Васильевны Десницкой 16–17 апреля 2002 года

Сарлавҳада:

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига ва Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган ёш олимлар халқаро илмий конференцияси (2006 ; Тошкент).

Международная научная конференция, посвященная 70-летию АГТУ (2000 ; Астрахань).

Конференция, посвященная 90-летию со дня рождения А. В. Десницкой (2002 ; Санкт-Петербург).

Агар вақтинчалик ташкилот номи стереотип хусусиятга эга бўлса (конгресс, съезд, кенгаш, анжуман, сессия, симпозиум, кўргазма, делегация, экспедиция, ярмарка, фестивал, спартакиада, олимпиада, ҳафталик, турнир, танлов ва бошқалар), мураккаб сарлавҳа тузилади.

Агар китоб стереотип номга эга бўлса ёки китобнинг номи ноинформатив бўлса, асосий сарлавҳа таркибига китобнинг титул саҳифасига қўшимча сарлавҳа маълумотлари сифатида жойлаштирилган маълумотлар киритилиши мумкин.

Мисоллар

Физика. 8 класс

Физика. 9 класс

New English. 4. Student book

New English. 4. Teacher's book

New English. 4. Tests and quizzes

New English. 4. Workbook**New English. 4. Skills book**

Шубҳали ҳолларда асосий сарлавҳа ва сарлавҳага тегишли маълумотларни фарқлашда асосий сарлавҳа танланади.

Асосий сарлавҳа «ёки» боғловчиси билан боғланадиган ва бош ҳарфлар билан ёзиладиган муқобил сарлавҳани ўз ичига олиши мумкин. «Ёки» боғловчисидан аввал вергул қўйилади.

Мисоллар

Обретение воли, или Как взрослеют люди и народы

«Чўнтак фоли», ёки Зукколик ва ўткир ақл санъати

Агар асосий сарлавҳа одатда ёзувнинг мустақил элементлари (муаллиф исми, ташкилот номи, асар жанри, нашр турининг кўрсатилиши ва бошқ.) ҳисобланадиган маълумотларни грамматик жиҳатдан ажралмас қисм сифатида ўз ичига олса, у ушбу маълумотлар билан биргаликда келтирилади ва кейинчалик ушбу маълумотлар такрорланмайди.

Мисоллар

Мартин Хайдеггер сам свидетельствует о себе и о своей жизни

Орловскому научно-медицинскому обществу 140 лет

Агар китоб муаллиф исмидан (ташкилот номидан) ташқари бошқа сарлавҳага эга бўлмаса, у асосий сарлавҳа сифатида келтирилади.

Мисоллар

Михаил Юрьевич Лермонтов

Музей А. Ахматовой

Асосий сарлавҳадан кейин келтирилган хронологик ва географик маълумотлар грамматик жиҳатдан асосий сарлавҳа билан боғланмаган, шунингдек ахборот манбаида улар олдида бошқа белгилар мавжуд бўлмаган ҳолларда вергул билан ажратилади.

Мисоллар

Ўзбекистон миниатюраси, 2000-2005 йй.

1000 великих битв, XI – нач. XX в.

Материалы международной научной конференции «Физическая культура и спорт: вопросы теории и инновационные методы преподавания», 25–28 июня 2009 г., Ташкент

Аммо:

Боярская книга 1639 года

Узбекистан в годы независимости (1991–2010 гг.)

Десять лет, которые потрясли... 2001–2010

Алло, Санкт-Петербург! 2008

2) китоб учун тузилган ёзувдаги материалнинг умумий белгиланиши сифатида [Матн] атамаси ёки унинг бошқа тиллардаги эквивалентидан фойдаланилади. Брайл шрифтида нашр қилинган китоблар учун [Брайл шрифти] атамасидан фойдаланилади. Маълумотлар асосий сарлавҳадан кейин бош ҳарфларда квадрат шаклидаги қавсларга олинган ҳолда ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида берилган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Афористические юморизмы для знатоков и профессионалов [Текст] : с ил. и объяснениями по возможности

Букварь [Шрифт Брайля] : учебник

Китоб учун тузилган ёзувдаги материалнинг умумий белгиланиши одатда қўлланмайди, материалларнинг турли хилларидаги ёзувларни ўз ичига олувчи аралаш ахборот массиви учун тузиладиган ҳоллар бундан мустасно;

3) китобнинг параллел сарлавҳаси асосий сарлавҳанинг бошқа тилдаги ёки бошқа графикадаги эквиваленти сифатида китобнинг асосий сарлавҳаси билан бир хил шакл ва келтириш қоидаларига эга бўлади. Параллел сарлавҳадан олдин тенглик белгиси қўйилади.

Параллел сарлавҳа ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Оборотная сторона полуночи [Текст] = The other side of midnight

Короли-чудотворцы [Текст] = Les rois thaumaturges

Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар [Матн] = Шедевры архитектурной эпиграфики Узбекистана

4) сарлавҳага тегишли бўлган, китобнинг асосий сарлавҳасини очиб ва тушунтириб берадиган маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Сарлавҳага тегишли маълумотлардан олдин икки нукта белгиси қўйилади.

Сарлавҳага тегишли бўлган ҳар бир кейинги бир хил бўлмаган маълумотлар ёки бир хил бўлмаган маълумотлар гуруҳлари ҳам улардан аввал икки нукта белгиси қўйилган ҳолда келтирилади.

Мисол

Предпринимательство [Текст] : очерки прошлого, настоящего, будущего : монография

Сарлавҳага тегишли бўлган, китобнинг титул варағида (ёки бошқа ахборот манбаида) ҳеч қандай тиниш белгиларисиз кўрсатилган ёки нуқта билан ажратилган маълумотлар ёзувда бир-биридан вергуллар билан ажратилади.

Мисол

Московская область [Текст] : карман. атлас : автомобилисту, пешеходу, туристу

Агар ахборот манбаида ушбу маълумотлар бошқа тиниш белгилари билан ажратилган бўлса, улар тавсифда такрорланади.

Мисоллар

Италия [Текст] : Рим – Милан – Венеция – Флоренция : путеводитель

Общество [Текст] : социология, экономика, политика

Сарлавҳага тегишли бўлган, китобнинг турли элементлардан олинган маълумотлар гуруҳи, одатда, қуйида кўрсатилган кетма-кетликда жойлаштирилади:

– асарнинг муаллифи ёки нашриёт томонидан берилган, асосий сарлавҳа билан грамматик жиҳатдан боғланмаган бошқа (бошқача) сарлавҳаси. Сарлавҳага тегишли бўлган бошқа маълумотлардан фарқли ўлароқ бошқа сарлавҳа доимо бош ҳарфлар билан, сўзлари қисқартирилмасдан келтирилади;

Мисоллар

Коко Шанель [Текст] : Маленькое черное платье

И дольше века длится день [Текст] : (Буранный полустанок)

– китобнинг тематикаси ёки мазмуни тўғрисидаги маълумотлар;

Мисоллар

Проверьте свои способности [Текст] : задачи, головоломки, тесты

Оптимизация развития отрасли промышленности в экономическом районе [Текст] : (развитие хим. пром-сти в Сред.-Азиат. р-не)

Очерки истории высшей медицинской школы в Одессе [Текст] : (к 100-летию Мед. Ун-та)

Проблемы применения Семейного кодекса [Текст] : коммент. к закону

- нашр тури, нашрнинг ўзига хос хусусиятлари, адабий жанрининг характеристикаси;

Мисоллар

БГПУ и народное образование на Алтае [Текст] : (тез. докл. Науч.-практ. конф., посвящ. 65-летию Барнауль. гос. пед. ун-та)

Цветы в нашем доме [Текст] : 600 видов комнат. растений, 500 цв. ил. и 38 табл. : метод. пособие

Иван Алексеевич Бунин [Текст] : крат. библиогр. указ. : учеб.-справ. пособие по курсу рус. лит. критики XX в.

Дизели Д-50 и Д-50Л [Текст] : единые нормы времени на разраб. и сборку при капит. ремонте

От года к году [Текст] : очерки и повести

– қайси китобхонлар учун мўлжалланганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

Мисоллар

Почему улетает аист [Текст] : стихи : для ст. дошкол. возраста

Иностранный капитал в России в конце XIX – начале XX вв. [Текст] : учеб. пособие по истории нар. хоз-ва России : для студентов специальностей 06.08 и 07.09 всех форм обучения

– китобнинг бошқа тилдан таржима қилинган, қайта ишланганлиги, шарҳларга эгалиги ёки шарҳлар тўплами эканлиги ва шу кабилар тўғрисидаги маълумотлар;

Мисоллар

В горах Ештеда [Текст] : романы, рассказы : [пер. с чеш.]

Критика чистого разума [Текст] : с вариантами пер. на рус. и европ. яз.

– расмларнинг мавжудлиги ёки уларнинг ўзига хослиги тўғрисидаги маълумотлар;

Мисол

Правила дорожного движения [Текст] : для шк. : со многими ил.

– тасдиқланганлиги ва амалга киритилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

Мисол

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси [Матн] : 2012 йил 1 февралгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан

– ушбу китобнинг бошқа нашри билан боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Мисоллар

Природа Южного Урала [Текст] : учеб. пособие – прил. к учеб. «Природоведение»

33 коттеджа [Текст] : кат. проектов : прил. к журн. «Комфорт»

Хужжатни тасдиқлаган ташкилот номи ва тасдиқланган санасини ўз ичига олган тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотлар сарлавҳага тегишли маълумотлар сифатида расмий, норматив ва йўриқнома характеридаги

китобга ёзув тузишда ахборот манбаида мавжуд бўлган шаклда келтирилади.

Тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотларда расмий шахснинг фамилияси ва лавозими мавжуд бўлганда ташкилот номи билан биргаликда ёзувда фақат ташкилот номи келтирилади.

Мисол

Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йизма жилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида [Матн] : 3.09.07 Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган

Норматив материалларга хос бўлган рақамли ёки ҳарфли белги (одатда индекс, рўйхатга олиш рақами, тасдиқланган йили, ташкилот номини ўз ичига олувчи), шунингдек сарлавҳага тегишли маълумотлар сифатида келтирилади. Белгилашда мавжуд бўлган белгилар ёзувга ўзгаришларсиз кўчирилади.

Мисол

Об утверждении инструкции о порядке осуществления контроля почтовых, курьерских отправлений на предмет почтовой безопасности [Текст] : постановление Государственного комитета связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан : 21 января 2013 г., № 6-мх : зарег. Министерством юстиции РУз 18 февраля 2013 г., рег. № 2428

Агар сарлавҳага тегишли бўлган маълумотлар китобда бир неча тилларда параллел равишда келтирилган бўлса, ёзувда, одатда маълумотлар асосий сарлавҳа учун танланган тилда келтирилади. Қолган маълумотлар тушириб қолдирилиши мумкин.

Зарур бўлган ҳолларда ёзувда сарлавҳага тегишли бўлган барча параллел маълумотлар уларни ҳар бир параллел сарлавҳадан кейин ўша тилда кўрсатган ҳолда икки нуқта белгисидан кейин келтирилади. Турли тиллардаги параллел маълумотлар гуруҳлари бир-бирларидан тенглик белгиси билан ажратилади;

5) жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар китобни яратиш ва нашр қилишга тайёрлашда иштирок этган шахслар ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Улар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар титул сарлавҳасида ёки бошқа ахборот манбаида берилган шаклда қуйидаги қоидалар ҳисобга олинган ҳолда ёзилади.

Шахсий исм (исмлар) ёки исми ва шарифи титул саҳифаси ёки унинг ўрнини босувчи ахборот манбаида берилгани каби тўлиқ ёки қисқа шаклда (исми ва шарифининг бош ҳарфлари кўринишида) келтирилиши мумкин.

Ёзувда шахсларнинг илмий даражалари, илмий, фахрий ёки ҳарбий унвонлари, мутахассисликлари ва лавозимлари тўғрисидаги маълумотлар

ҳамда мукофотлари ва унвонлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилиши мумкин.

Муаллифлар жамоалари аъзоларининг исмлари, боблар, қисмлар ёки бўлимлар муаллифларининг исмлари жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда умумий қоидалар бўйича келтирилади.

Китоб безашнинг тури элементларида муаллиф (муаллифлар) ва бошқа шахслар исмларининг турлича ўқилишлари изоҳлар соҳасида келтирилади.

Агар нашрда шахс исмида хатоликка йўл қўйилганлиги аниқланса, хато шакли келтирилади, кейин эса квадрат шаклидаги қавсларга олинган ҳолда тўғри шакли «яъни» тушунтириши билан кўрсатилади.

Мисоллар

/ сост. Амикова [т. е. Аминова] О. В.

/ разраб. Васильев В. [т. е. Б.] М.

Агар жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар аввалдан белгиланмаган манбадан келтирилса, улар квадрат шаклидаги қавсларга олинади. Агар квадрат шаклидаги қавслар ичида ўз навбатида ўзи ҳам квадрат шаклидаги қавсларга олинган ҳолда келтирилиши керак бўлган маълумотлар (масалан, «ва бошқ.» каби қисқартмалар) мавжуд бўлса, квадрат шаклидаги қавсларнинг иккинчи жуфтлиги одатда тушириб қолдирилади.

Мисоллар

/ [подгот. Вязовский А. Е. и др.]

/ [Л. Л. Кофанов ; отв. ред.: Ю. П. Красовский и др.] ; Рос. акад. наук, Ин-т всеобщ. истории, Центр изучения рим. права

Муаллифлардан ташқари, барча бошқа шахслар учун уларнинг китобни яратиш ва нашр қилишга тайёрлашдаги вазифалари кўрсатилиши керак.

Мисоллар

Журналист [Текст] : роман / А. Константинов при участии Н. Сафонова

Живительная благодарность [Текст] / Луиза Хей и ее друзья

Продажа ради успеха [Текст] : искусство завершения сделки / Ричард Денни ; [пер. П. Быстров]

История крестовых походов [Текст] : пер. с фр. / Г. Мишо ; с грав. Г. Доре

Атлас лекарственных средств [Текст] / авт. идеи П. В. Лелякин

Жавобгарлик тўғрисидаги дастлабки маълумотлардан олдин қия чизиқ қўйилади; маълумотларнинг кейинги гуруҳлари бир-бирларидан нуқта вергул билан ажратилади. Гуруҳ ичидаги бир хил маълумотлар вергул билан ажратилади.

Мисоллар
/ *Стюарт Аткинсон ; под ред. Ш. Эванс ; пер. с англ. И. И. Викторовой ; ил. Г. Байнза*

/ *Н. Н. Агафонова, Т. В. Богачева, Л. И. Глушкова ; под. общ. ред. А. Г. Калпина ; [авт. вступ. ст. Н. Н. Поливаев] ; М-во общ. и проф. образования Рос. Федерации, Моск. гос. юрид. акад.*

Ахборот манбаида кўрсатилган грамматик белгилар ёзувда сақлаб қолинади.

Агар ахборот манбаида умумлаштирувчи сўзлардан кейин шахсларнинг номлари олдида тиниш белгилари ва грамматик боғланишлар бўлмаса, ёзувда санаб чиқиш белгиси – икки нуқта қўйилади.

Мисоллар
/ *отв. ред.: Ф. Н. Корчагин, А. Ю. Егоров*

/ *фот.: Е. И. Никитин [и др.]*

Бир-бирлари билан ўзаро грамматик жиҳатдан боғланмаган жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларни библиографик ёзувнинг нашр қилинадиган шаклларида маълум кетма-кетликда: аввал – шахслар – асарларнинг муаллифлари тўғрисидаги маълумотлар, кейин – бошқа шахслар (тузувчилар, муҳаррирлар, таржимонлар ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар, кейин эса – ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни келтириш тавсия қилинади. Чикувчи маълумотларда муаллиф (муаллифлар) кўрсатилмаган китобга ёзувни тузишда биринчи ўринда ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни келтириш тавсия қилинади.

Мисоллар
Логика объяснения [Текст] / Карл Густав Гемпель ; [пер. с англ., сост., вступ. ст. и прил. Назаровой О. А.]

Стратегия социологического исследования [Текст] : описание, объяснение, понимание социал. реальности : учеб. для студентов вузов / В. А. Язов в сотрудничестве с В. В. Семеновой ; Ин-т социологии РАН

Мониторинг сейсмогенных зон Хабаровского края [Текст] / [Ф. Г. Корчагин и др. ; отв. ред. Ф. Г. Корчагин] ; Рос. акад. наук, Дальневост. отд-ние, Ин-т тектоники и геофизики им. Ю. А. Косыгина

Виктор Иванович Лихоносов [Текст] : библиогр. указ. / Междунар. акад. информатизации, Краснодар. регион. отд-ние [и др.] ; [сост.: Л. М. Завалова и др.]

Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда иловалар ва ушбу материалнинг муаллифи фамилияси билан грамматик боғлиқ бошқа қўшимча материаллар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Мисоллар
/ *И. А. Гончаров ; с прил. ст. Н. А. Добролюбова «Что такое обломовщина»*

/ В. Д. Аракин ; с прил. крат. граммат. очерка, сост. М. И. Стеблин-Каменским

Муаллифлар жамоаси, муҳаррият ва шу кабилар тўғрисидаги маълумотларда унинг вазифаси аниқлаштирилган ҳолда раҳбар исмини ажратиб кўрсатиш тавсия қилинади; бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

/ [коллектив авт. под рук. А. П. Турчина ; Н. К. Виноградов и др.]

/ [авт. коллектив: Фетисов А. Н. (рук.) и др.]

/ [редкол.: П. С. Соркин (гл. ред.) и др.]

/ под науч. рук. Ямпольского С. М.

Муҳаррир-тузувчининг фамилияси тавсифда у таҳрир ҳайъати таркибида келтирилганлиги ёки алоҳида жойлаштирилганлигидан қатъи назар доимо кўрсатилади.

Мисол

/ [редкол.: Н. С. Карташов (пред.) и др.] ; составитель и ред. В. М. Оськина

Сарлавҳага ёки маълумотларга киритилган шахсларнинг исмлари ёки ташкилотларнинг номлари аввалдан белгиланган ахборот манбаида кўрсатилмаган ҳолларда жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда келтирилмайди.

Мисол

Стихотворения Сергея Есенина [Текст] / ил. Е. Харламова

Агар ташкилот номи сарлавҳада ёки сарлавҳага тегишли маълумотларда, акроним кўринишида тўлиқ бўлмаган шаклда ёки фақат таркибий бўлинма томонидан тақдим этилган бўлса, жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда ташкилотнинг ахборот манбаида кўрсатилган тўлиқ номи келтирилади.

Мисоллар

Тверская вышивка в собрании Загорского музея [Текст] : каталог / Загорский гос. ист.-художеств. музей-заповедник

Каталог мировой коллекции ВИР [Текст] / ВАСХНИЛ, ВНИИ растениеводства им. Н. И. Вавилова

Вопросы хирургической гастроэнтерологии [Текст] : сб. науч. работ Каф. госпит. хирургии / Самар. мед. ин-т

Агар жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар китобда бир нечта тилларда параллел равишда кўрсатилган бўлса, ёзувда одатда асосий

сарлавҳа учун танланган тилдаги маълумотлар келтирилади. Қолган маълумотлар тушириб қолдирилиши мумкин.

Зарур бўлган ҳолларда ёзувда жавобгарлик тўғрисидаги барча параллел маълумотлар қуйидаги қоидаларга амал қилинган ҳолда келтирилади.

Китобда параллел сарлавҳалар (сарлавҳага тегишли бўлган параллел маълумотлар) мавжуд бўлган ҳолларда жавобгарлик тўғрисидаги ҳар бир параллел маълумотлар ҳар бир параллел сарлавҳадан (сарлавҳага тегишли бўлган параллел маълумотлардан) кейин ўша тилда аввал қия чизик белгиси қўйилган ҳолда кўрсатилади. Турли тиллардаги параллел маълумотлар тўпламлари аввал тенглик белгиси қўйган ҳолда келтирилади.

Мисол

Биотестирование природных и сточных вод [Текст] : сб. науч. тр. / ВНИИ мор. рыб. хоз-ва и океанографии ; редкол.: С. А. Патин (отв. ред.) [и др.] = Bioassays of natural and industrial waters : proceedings / All-Russian research inst. of marine fisheries a. oceanography ; ed. board: S. A. Patin (ed.-in chief) [et. al.]

Агар бир тилдаги жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар параллел маълумотлардан ташқари фақат шу тилдаги қўшимча маълумотларни ҳам ўз ичига олса, ёзувда улар сарлавҳа ва ушбу тилдаги унга тегишли бўлган маълумотлардан кейин келтирилади.

Мисол

Современные проблемы механики и авиации [Текст] : сб. ст. / Рос. акад. наук [и др.] ; редкол.: М. А. Лаврентьев (пред.) [и др.] = Modern problems of mechanics and aviation / Russ. acad. of sciences [etc.]

Параллел сарлавҳалар мавжуд бўлмаганда жавобгарлик тўғрисидаги параллел маълумотлар асосий сарлавҳа учун танланган тилдаги жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлардан кейин келтирилади. Жавобгарлик тўғрисидаги ҳар бир параллел маълумотлардан олдин тенглик белгиси қўйилади.

Мисол

Основные международные правовые акты по вопросам предоставления социальных пособий [Текст] / Рос. фонд соц. реформ = Russ. fund of social reforms = Russe fond des reformes sociales

5.1.2.3 Нашр соҳаси ушбу нашрнинг ўша асарнинг аввалги нашрига нисбатан ўзгаришлари ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.3–бандига мувофиқ келтирилади.

Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари бўлиб титул варақ, нашр қачон ва қаерда чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, нашр қилинадиган маълумотлардан олдин бериладиган маълумотлар ҳисобланади.

Нашр тўғрисидаги маълумотлар ахборот манбаида мавжуд бўлган ифодалар ва кетма-кетликда келтирилади, араб рақамлари (у китобда қандай кўрсатилган бўлишидан қатъи назар) билан кўрсатиладиган тартиб

рақамлари бундан мустасно. Рақамга дефис белгисидан кейин грамматика қоидаларига мувофиқ тегишли қўшимча (ёки нукта) қўшилади.

Мисоллар

. – *Репр. воспр. изд. 1910 г.*

. – *2-е изд., доп. / под ред. О. К. Скобелкина*

. – *Выходит 3-м изд.*

. – *3-е изд., факс. воспр. (с пер. на англ. яз.) лондон. изд.*

Китоб биринчи нашр ҳисобланиши тўғрисидаги маълумотлар улар титул varaғида кўрсатилган ҳолларда келтирилади.

Мисоллар

. – *Изд. 1-е*

Китобнинг аввалги наشري билан боғлиқ бўлмаган нашрнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи маълумотлар, масалан: «расмли нашр», «рангли расмли нашр», «юбилей наشري», «биргаликдаги нашр» ва шу кабилар тавсифда сарлавҳага тегишли бўлган маълумотлар сифатида келтирилади.

5.1.2.4 Чиқувчи маълумотлар соҳасининг элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандига мувофиқ қоидалар бўйича келтирилади. Титул varaғи, нашр қилинадиган ва нашр қилишдан олдин келтириладиган маълумотлар соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари ҳисобланади.

Чиқувчи маълумотлар соҳаси китобни нашр қилиш ва тайёрлаш жойи ва вақти, шунингдек унинг ношири ва тайёрловчиси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади:

а) нашр қилиш жойи ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича ахборот манбаида кўрсатилган шакл ва келишида, зарур бўлган ҳолларда тушунтиришлар қўшилган ҳолда келтирилади.

Нашр қилиш жойи сифатида китобни тайёрлаш жойи кўриб чиқилмайди.

Мисоллар

. – *Ташкент*

. – *Наманган ; Фергана*

. – *Издано в Бухаре*

. – *Издано в Самарканде*

. – *В Ташкенте*

б) ношир, тарқатувчининг исми (номи) ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича ахборот манбаида кўрсатилган шакл ва келишида келтирилади.

Ташкилотнинг «нашриёт», «нашриёт уйи», «нашриёт гуруҳи», «ношир» каби сўзлар билан ифодаланган нашр қилиш функциялари тўғрисидаги маълумотлар одатда қўштирноққа олинadиган тематик ном мавжуд бўлганда тушириб қолдирилади.

Мисоллар

. – Тошкент : Фан

. – Москва : Изд. дом на Страстном

. – Волгоград : Изд-во Волгоград. гос. ин-та повышения квалификации и переподгот. работников образования

. – Санкт-Петербург [и др.] : Питер : Питер бук

Агар қўштирноққа олинган тематик ном нашр қилиш фаолияти асосий ҳисобланмайдиган ташкилотга тегишли бўлса, ёзувда ношир сифатида келтириладиган ташкилот номида унинг мақомини белгилаб берувчи сўзлар сақланади.

Мисол

: Общественный центр «Судебно-правовая реформа»

Ташкилот номи атоқли от сингари хаттоки биринчи сўзи ўхшаш: нашриёт, типография, литография ва шу кабилар бўлган ҳолларда ҳам бош ҳарфлар билан ёзилади.

Мисоллар

: Тип. «Труд»

: Журн. «Военные знания»

: Всерос. центр медицины катастроф «Защита»

: Изд-во центра психофиз. совершенствования «Единение»

Китобнинг турли элементларида кўрсатилган нашриёт номи турлича ўқилган ҳолларда титул саҳифасида келтирилган маълумотлар афзал кўрилади.

Мисоллар

: Пожкнига

: Росспэн

Агар китобнинг титул саҳифасида маълумотлар бош ва кичик ҳарфларни ажратиш қийин бўлган шрифтлар билан келтирилган бўлса, ношир номи ахборот манбаларидан фойдаланиш тартибига амал қилган ҳолда аниқлаштирилади.

Агар ноширнинг номи аввалдан белгиланган манбада грамматик қоидаларга зид бўлган шаклда келтирилган бўлса, ёзувда ахборот манбаида берилган ношир номининг шакли сақланади.

Мисоллар

: Наука и Техника

: Когито-Центр

: ЧеРо

Агар ношир сифатида ташкилот номи кўрсатилган, шунингдек ушбу ташкилот эгасининг исми келтирилган бўлса, ташкилот номидан кейин эгасининг фамилияси кичик қавсларга олинган ҳолда кўрсатилади.

Мисол

. – Москва : Юринформцентр (Тихомиров)

Агар китобда ноширнинг номи кўрсатилмаган бўлса, нашриёт сифатида қуйидагилар келтирилиши мумкин:

- агар китоб ушбу ташкилотнинг полиграфик корхонаси томонидан нашр қилинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса, сарлавҳадан аввал келтириладиган маълумотларда кўрсатилган ташкилот (сарлавҳадан аввал келтириладиган маълумотларда фақат битта ташкилот номи келтирилиши шарти билан);

- муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш белгисида кўрсатилган ташкилот;

- аннотация қилинган карточка макетида ношир сифатида кўрсатилган ташкилот;

- агар китобда келтирилган ISBN, шунингдек ҳукумат, университет типографиялари ва махсус типографияларнинг номлари ташкилотга тегишли бўлса, полиграфия корхонаси. Бошқа ҳолларда китобни нашр қилиш амалга оширилган типография номи ноширнинг номи ўрнига келтирилмайди.

Мисоллар

. – Ташкент : тип. Национального ун-та

. – Chicago : Univ. of Chicago press

. – New York : Free press

Агар нашр қилувчи-ташкилот ва китобни нашр қилиш учун топшириқ берган ёки нашр қилишни топширган ёки қўллаб-қувватлаган ташкилот тўғрисида грамматик жиҳатдан боғлиқ маълумотлар мавжуд бўлса, бу ибора тўлалигича ношир тўғрисидаги маълумотлар сифатида келтирилади.

Мисоллар

: Heinemann educational books on behalf of the Commis of the Europ. Communi- ties

: *Penguin books in assoc. with the Atlant. inst.*

Ташкилотнинг нашр қилувчи ёки фақат босиб чиқарувчи ҳисобланиши ноаниқ бўлган ҳолларда у ношир сифатида келтирилади.

Тарқатувчи, дистрибьютор ва шу кабиларнинг вазифалари тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Агар ахборот манбаида китобнинг тарқатувчиси тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса, унинг вазифалари тўғрисидаги маълумотлар тарқатувчининг исмидан (номидан) кейин квадрат қавсларга олинган ҳолда, манбада берилган шаклда кўрсатилади: «[тарқатувчи]», «[дистрибьютор]», «[jobber – улгуржи сотувчи]», «[whole-seller – йирик улгуржи сотувчи]» ва ҳ..

Мисол

. – Москва : Рус. яз. : *Международ. кн. [распространитель]*

Титул саҳифасида кўрсатилган нашр қилиш жойи, ноширнинг номи китобнинг бошқа элементларида мавжуд бўлган маълумотлардан фарқ қилган ҳолларда чиқувчи маълумотлар соҳасидаги маълумотлар соҳа учун аввалдан белгиланган барча ахборот манбаларидан (титул варағи, нашр қачон ва қаерда чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ва улардан олдин бериладиган маълумотлардан) ягона манба сифатида фойдаланган ҳолда тўлиқ ҳажмда келтирилади. Бошқа манбалардан ўзлаштирилган маълумотлар изоҳлар соҳасида келтирилади.

Агар китобнинг нашр қилиш жойи ва ноширнинг исми (номи) тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаса, ёзувда квадрат қавсларга олинган ҳолда «[Ж.с.]» (жойсиз), «[н.с.]» (ноширсиз) қисқартмалар ёки уларнинг латин шаклидаги эквивалентлари «[S. l.]» (sineloco), «[s.n.]» (sine nomine) келтирилади. Нашр қилиш жойи ва ношир тўғрисидаги маълумотлар мажбурий бўлганлиги учун «[Ж.с.]», [н.с.] қисқартмаларини келтириш ҳам мажбурий ҳисобланади;

с) нашр қилиш, тарқатиш ва шу кабиларнинг санаси ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандига мувофиқ қоидалар бўйича келтирилади.

Нашр қилиш санаси сифатида китоб нашр қилинган йил келтирилади. Агар китобда уни нашр қилиш билан боғлиқ бўлган саналар мавжуд бўлмаса, нашр қилиш йили сифатида фараз қилинган нашр қилиш санаси квадрат қавсларда сўроқ белгиси билан кўрсатилади. «[Й. с.]» (йилсиз) белгиси ёзувда келтирилмайди.

Мисол

, [2004?]

Титул саҳифаси ва муқовада (жилдда) нашр қилиш йилини кўрсатишдаги фарқ титул саҳифасида кўрсатилган йилдан кейин думалоқ қавсларга олинган ҳолда кўрсатиб ўтилади.

Мисоллар

, 2004 (обл. 2003)

, 2003 (пер. 2002)

Агар китобда дастлабки чиқувчи маълумотлар ўрнига янги маълумотларга эга бўлган наклейка ёпиштирилган бўлса, соҳада наклейкадаги чиқувчи маълумотлар келтирилади ва изоҳлар соҳасида маълумотлар манбаи кўрсатилади. Титул варағи ёки муқовада чиқувчи маълумотлардан ташқари наклейка ёки штампдан олинган маълумотлар ҳам мавжуд бўлган ҳолларда улар ҳам изоҳлар соҳасида кўрсатилади.

Агар китоб қайта босилган ёки репродукция қилинган нашр бўлса, чиқувчи маълумотлар соҳасида қайта босишнинг (репродукция қилишнинг) чиқувчи маълумотлари ёзилади, қайта босиш (репродукция қилиш) учун асос бўлган асл китобнинг чиқувчи маълумотлари эса изоҳлар соҳасида келтирилади.

Мисоллар

Вечер [Текст] : стихи / Анна Ахматова ; [предисл. М. Кузьмина ; послесл. Н. Котрелева]. – Репр. воспр. изд. 1912 г. – Москва : Книга, 2000

Хороший тон [Текст] : сб. правил и советов на все случаи жизни общественной и семейной : в 5 отд. – Репр. изд. – Москва : Слово, 2000

(Изоҳлар соҳасида асл нусханинг чиқиш маълумотлари белгилаб қўйилади)

Нашр қилинган йилни аниқлаб бўлмаганда у титул варағи орқа томонининг ўнг паст қисмида жойлаштирилган муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисидаги маълумотлар (копирайт)дан олинади. Ушбу ҳолда йилдан олдин қуйидаги «copyright»дан: «cop.» ёки «с» қисқартмалари қўйилган бўлиши мумкин;

d) тайёрлаш жойи, тайёрловчининг исми ва тайёрлаш санаси ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандига мувофиқ қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

. – [Б. м. : б. и.], 2004 (Смоленск : Смол. гор. тип., 2007)

. – [Б. м. : б. и.], печ. 2003 (Санкт-Петербург : Печ. двор)

Тайёрлаш йили, одатда, титул саҳифасида кўрсатилган нашр қилиш йили ва босишга рухсат берилган йил ўртасида фарқ бўлганда кўрсатилади.

Мисол

. – Москва : Энергоатомиздат, 2003 (2004)

5.1.2.5 Физик характеристика соҳасининг элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандига мувофиқ қоидалар бўйича келтирилади. Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб бутун китоб ҳисобланади.

Физик характеристика соҳаси китоб тақдим қилинган физик шакл белгисини унинг ҳажми ва ўлчамлари, китобнинг бир қисми ёки унга иловалар ва илова қилинган материалнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда ўз ичига олади:

а) бир томли китоб материалининг ўзига хос белгиси сифатида саҳифалар, варақлар, устунлар келтирилади, улардан аввал келадиган рақамлар эса ушбу белгилар сонини, яъни ҳажмини билдиради.

Комплект ва варақли матнли нашрларга, шунингдек биттадан ортиқ физик бирликдан (бир нечта брошюра, папкадан) ташкил топувчи китоб нашрлари учун ёзувларда, пагинация қилиш бошида ушбу бирликларнинг сони ва материалнинг ўзига хос белгиси (том, қисм, дафтар, варақ, брошюра, папка ва ҳ.), кейин эса думалоқ қавсларга олинган ҳолда – саҳифаларни пагинация қилиш ва бошқа маълумотлар керакли тушунтиришлар билан кўрсатилади.

Мисоллар

. – 1 л. (слож. в 16 с.)

. – 2 тетр. (215 отд. л.)

. – 3 бр. в обертке (8, 12, 10 с.)

. – 1 папка ([26] отд. л.)

. – 1 обертка ([2] отд. л., слож. в 5, [1] с.)

Янгиланиб турувчи алмашинувчи варақларга эга бўлган китобга тузилган ёзувда фақат томлар сони думалоқ қавсларга олинган «алмашинувчи в.» ёки «loose-leaf» сўзлари билан бирга кўрсатилади.

Мисоллар

. – 1 т. (сменные л.)

. – 1 в. (loose-leaf)

Агар китобнинг ҳар бир саҳифаси рақамланган бўлса ёки унда фақат варақнинг бир томони рақамланган бўлса, мос равишда саҳифалар ёки варақлар сони кўрсатилади.

Мисоллар

. – 115 с.

. – 96 л.

Агар китобда устунлар рақамланган ва ҳар бир саҳифа пагинация қилинмаган бўлса, устунлар сони келтирилади.

Мисол

. – 1285 стб.

Соҳада охирги рақамланган саҳифада (варақда, устунда) кўрсатилган колонцифр келтирилади. Саҳифаларни пагинация қилиш китобда мавжуд бўлган рақамлашга боғлиқ равишда араб ёки рим рақамлари ёки ҳарфлар билан келтирилади.

Мисоллар

. – 488 с.

. – *LXX л.*

. – *XX с.*

. – *XIV смб.*

. – *A – F с.*

Агар китобнинг рақамланиши араб ёки рим рақамларидан фарқ қиладиган бошқа рақамлар ёрдамида амалга оширилган бўлса, ёзувда саҳифалар (варақлар, устунлар) сонини араб рақамларида келтириш тавсия қилинади. Саҳифаларни (варақлар, устунларни) рақамлаш усули изохда таъкидлаб ўтилиши мумкин.

Умумий рақамлаш билан бирлаштирилган саҳифаларни турлича белгилашларда умумий пагинация кўрсатилади. Масалан, китобда жами 102 та саҳифа бўлсин, улардан биринчи 10 та саҳифа рим рақамлари билан, кейинги саҳифалардаги санокнинг давоми араб рақамлари билан рақамланган бўлсин. Соҳада 102 б. келтирилади.

Агар охириги саҳифага (вараққа, устунга) қўйилган охириги рақамда матбаа хатоси мавжуд бўлса, соҳада матбаа хатоси билан берилган рақамлаш, кейин эса квадрат қавсларга олинган ҳолда аввал «яъни» сўзи билан тўғри рақам келтирилади.

Мисол

. – 420 [м. е. 320] с.

Агар рақамланган саҳифалардан (варақлар, устунлардан) ташқари (китобнинг битта ёки бир нечта жойида) рақамланмаган саҳифалари (варақлари, устунлари) мавжуд бўлса, улар жамланади ва рақамлаш қаторининг охирида араб рақамларида келтирилади.

Мисоллар

. – XIX, [5] с.

. – 104, [25] с.

. – 125, [2] с.

. – 8, 101, [1] с.

. – X, 40, [8] с.

Китобга ёзув тузишда нашр қачон ва қаерда чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, матбаа хатолари рўйхати, нашриёт эълонлари, рефератлар, аннотациялар, реклама жойлаштирилган рақамланган саҳифалар (варақлар, устунлар) ҳамда ҳеч қандай матнни ўз ичига олмаган саҳифалар (варақлар, устунлар) ҳисобга олинмайди.

Китобда икки ёки учта алоҳида рақамлашлар мавжуд бўлганда улар қандай ктма-кетликда берилган бўлса, шундай кетма-кетликда келтирилади ва бир-биридан вергул билан ажратилади.

Мисоллар

. – 242, VII с.

. – II, 40, XIX л.

. – 25, V, 125 стб.

Агар китобнинг бир қисми саҳифалар бўйича, бошқаси эса варақлар ёки устунлар бўйича рақамланган бўлса, соҳада маълумотлар китобда берилган кўриниш ва кетма кетликда ёзилади.

Мисоллар

. – 115 с., 25 л.

. – 16 с., 48 стб.

. – 8 л., 115 с.

Китобда тўрт ва ундан кўпроқ алоҳида пагинация мавжуд бўлганда уларни келтиришнинг қуйидаги усулларида фойдаланиш мумкин:

– «алоҳ. паг.» (алоҳида пагинациялаш) сўзлари билан умумий ҳисобланган саҳифалар сони;

Мисол

. – 158 с. *разд. паг.*

– пагинациялаш асосий (устунлик қилувчи) қаторининг саҳифалари (варақлар, устунлар) сони ва ундан кейин квадрат шаклидаги қавсларга олинган ҳолда бошқа қаторлардаги умумий (жами) саҳифалар сони;

Мисол

. – 510, [35] с.

– материалнинг ўзига хос равишда белгиланиши ва «алоҳ. паг.» сўзлари.

Мисоллар

. – 1 т. *(разд. паг.)*

. – 1 бр. *(разд. паг.)*

Пагинация таркибига фақат рақамланган ёки алоҳида рақамланган саҳифалар (варақлар, устунлар)да жойлаштирилган расмларни ўз ичига олган саҳифалар (варақлар, устунлар) ҳам кириди. Уларнинг сони уларнинг китобда жойлашишидан қатъи назар пагинация қаторининг охирида кўрсатилади.

Мисоллар

. – 16 с., 4 л. ил.

. – 218 с., [10] л. ил.

Алоҳида (қўшимча варақ) варақларда жойлаштирилган, шунингдек полиграфик жихатдан мустақил шакллантирилган ва у билан бирга фойдаланиш учун китобга илова қилинган расмларга илова қилинган материал сифатида қаралади.

Пагинацияда муқова ҳисобга олинмайди, унда матн тугалланган ҳоллардан ташқари.

Мисол

. – 420, 15 с., *включ. обл.*

Агар китобнинг босилган нусхаси, иловаси, бошқа алоҳида қисмида мустақил пагинация ва шу билан бир қаторда умумий пагинацияси мавжуд бўлса, фақат алоҳида пагинация келтирилади, умумий пагинация эса изоҳларда кўрсатиб ўтилади.

Мисол

. – 15 с.

(Изоҳда: в оттиске также указаны страницы общей пагинации книги)

Агар китобнинг ушбу қисмлари ҳам тегишли бўлган умумий пагинациягина мавжуд бўлса, унда у ушбу қисмларнинг пагинацияси сифатида ёзилади.

Мисоллар

. – С. 15–18

. – С. XI–XIX

Пагинацияда ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлганда (барча саҳифалар рақамланган, матн эса варақнинг фақат битта саҳифасида ёки фақат варақлар рақамланган, матн эса варақнинг ҳар иккала тарафида бўлса) рақамланган саҳифалар ёки варақлар сони кўрсатилади, ўзига хос хусусиятлар эса изоҳларда кўрсатиб берилади.

Мисоллар

. – 48 с.

(Изоҳда: текст напечатан на одной стороне листа)

. – 24 л.

(Изоҳда: текст напечатан на обеих сторонах листа)

Агар китобнинг библиографик ёзув тузиладиган нусхасида саҳифалар (варақлар, устунлар)нинг бир қисми йўқлиги аниқланган бўлса, пагинацияда охириги рақамланган саҳифа (варақ, устун) кўрсатилади, изоҳларда эса китобнинг нуқсонлилиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Мисол

. – 88 с.

(Изоҳда: с. 12–16 отсутствуют)

Агар китобда қарама-қарши йўналишларда рақамланган саҳифалар (варақлар, устунлар) гуруҳи мавжуд бўлса, пагинациялар қатори ёзув тузиш учун танланган титул варағидан бошлаб «қар.-қ. паг.» (қарама-қарши пагинация) сўзлари билан кўрсатилади.

Мисол

. – XII, 120, 115 с. *встреч. паг.*

б) китобнинг физик характеристикаси тўғрисидаги бошқа маълумотлар сифатида китобнинг умумий пагинациясига киритилган саҳифалардаги матнлар орасида жойлашган расмларнинг мавжудлиги кўрсатилади.

Умумий пагинацияга киритилмаган саҳифалар (варақлар, устунлар), расмлар тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 5.1.2.5 а)-бандида келтирилган.

Расмлар тўғрисидаги маълумотлар саҳифалар (варақлар, устунлар) тўғрисидаги маълумотлардан кейин «расм.» (расмлар) сўзидан бошлаб келтирилади; китоб характеристикаси учун энг муҳим бўлган тоифалардаги расмлар (жумладан, рангли расмлар) алоҳида ажратиб кўрсатилиши мумкин.

Мисоллар

. – 258 с. : *ил., 10 цв. ил.*

. – 112 л. : *ил., портр.*

. – 318 с. : *ил., карты*

. – 85 с. : *цв. ил.*

Агар расмлар уларнинг аниқ турлари билан ифодаланган бўлса, «расм.» сўзини тушириб қолдириш мумкин.

Мисоллар

. – 212 с. : *портр., карты*

. – 88 л. : *факс.*

. – 101 с. : *табл.*

Агар китобнинг барча саҳифалари расмларга эга бўлса, бу ҳам таъкидлаб ўтилиши мумкин.

Мисол

. – 225 с. : *ил. ; 21 см*

с) китобнинг ўлчамлари ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандига мувофиқ қодалар бўйича кўрсатилади. Одатда муқованинг (жилднинг) баландлиги ўлчанади. Агар ўлчам қаср сонни ташкил этса, унда сон бутун сонга келтирилиб яхлитлаб олинади.

Мисоллар

. – 225 с. : *ил. ; 21 см*

. – 344 б. : *расм ; 14 см*

Агар китобнинг ўлчами ва шакли оддатдагидек бўлмаса, масалан, эни бўйидан узунроқ бўлса, икки ўлчам – китоб муқовасининг (жилдининг) баландлиги ва эни келтирилиши мумкин;

Мисол

; 13x20 см

d) илова қилинган материал тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Китобга илова қилинган материал сифатида китоблар, брошюралар, варақли нашрлар (жумладан расмлар) ҳамда исталган ташувчидаги алоҳида нашр қилинган, бироқ ушбу китоб билан биргаликда фойдаланиш учун мўлжалланган асарлар бўлиши мумкин.

Илова қилинган материаллар бир нечта бўлиши мумкин; уларнинг ҳар бири тўғрисидаги маълумотлар плус белгиси билан маълум қилинади.

Мисоллар

. – 118 с. ; 21 см + 2 бр. (15, 20 с. : ил.)

. – 280 с. : ил., *черт.* ; 26 см + 6 отд. л. карт

. – 145 с. : ил. ; 21 см + 1 вк.

5.1.2.6 Сериялар соҳаси библиографик ёзув тузилаётган китоб кирадиган серияли нашр тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.7, 4.1.10.2, 4.1.10.3-бандларида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари бўлиб китобнинг титул варағи, муқоваси, корешоги, нашр қилинадиган ва нашр қилинадиган маълумотлардан олдин бериладиган маълумотлар ҳисобланади.

Агар ёзув алоҳида том (қисм, нашр) учун унинг хусусий сарлавҳаси остида тузилаётган бўлса, сериялар соҳасида кўп қисмли китоб нашри тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилиши мумкин. Бунда қуйидаги ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинади:

- сериянинг асосий сарлавҳаси сифатида кўп томли нашрнинг умумий сарлавҳаси келтирилади.

- сарлавҳага тегишли маълумотлар сифатида нашрдаги томлар сони тўғрисидаги маълумотлар келтирилиши мумкин.

Мисол

. – (*Избранное* : в 5 т. ; т. 2)

- серияга тегишли бўлган жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда умуман кўп томли нашр учун жавобгар бўлган шахслар ёки ташкилотлар номлари келтирилади;

Мисол

. – (Собрание сочинений : в 5 т. / И. Ильф, Е. Петров ; т. 2)

- ISSN ўрнига умуман кўп томли нашрга берилган ISBN келтирилади.

Мисоллар

. – (Избранные произведения : в 3 т. / Г. К. Честертон, ISBN 5-280-01202-5 ; т. 3)

. – (История завоевателя мира, ISBN 5-319-00944-5 ; т. 2) (Библиотека репринтных изданий)

5.1.2.7 Изоҳлар соҳасининг элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.8-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари бўлиб исталган манбалар (китобнинг ичидаги ҳамда ундан ташқаридаги) ҳисобланади; шу сабабли изоҳлар соҳасида келтириладиган маълумотлар квадрат қавсларга олинмайди.

Изоҳлар соҳаси тавсифнинг бошқа соҳаларида кўрсатилмаган китоб характеристикасининг исталган жиҳатига тегишли бўлиши мумкин: уни безашнинг ўзига хос хусусиятлари, мазмуни, бошқа нашрлар ёки бошқа асарлар билан боғлиқликлари ва х.:

а) изоҳлар тавсифнинг алоҳида соҳалари ва элементларига тегишли бўлиши ёки китобни тўлиқ таърифлаши мумкин. Изоҳлар батафсил тарзда санаб ўтилиши мумкин эмас. Китобга ёзувлар тузишда энг кўп даражада тавсиф соҳаларига қуйидагича изоҳлар тузилади:

- асл нусха ёки таржима ёки мослаштириш амалга оширилган нашр сарлавҳаси (бу маълумотлар қўшимча фойдаланиш нуқтаси ҳисобланади) тўғрисидаги; китобда мужассамланган асар тили тўғрисидаги ҳамда у титул саҳифасига жойлаштирилмаган ҳолларда асосий сарлавҳа манбаи тўғрисидаги изоҳлар.

Мисоллар

. – Загл. ориг.: *Масонство в его прошлом и настоящем* / под ред. С. П. Мельгунова и Н. П. Сидорова

. – Пер. изд.: *Mozziconi / Luigi Malerba. Torino, 1975*

. – Текст англ., нем., фр.

. – Парал. рус., англ., нем.

. – Загл. указано на обл.

. – Загл. установл. по справ.: *Указатель заглавий произведений художественной литературы, 1801–1975. Т. 6*

- китобнинг титул саҳифасидан ташқари бошқа элементларида мавжуд бўлган сарлавҳа вариантлари тўғрисидаги изоҳ (ушбу маълумотлар қўшимча фойдаланиш нуқтаси ҳам ҳисобланади).

Мисоллар

. – Загл. обл.: Сонник

. – Загл. корешка: Библиофильские редкости

- аввалги китоб нашрининг сарлавҳаси ёки китобнинг аввалги нашрининг бошқа сарлавҳаси тўғрисидаги изоҳ. Агар улар ўзгарган бўлса, изоҳга аввалги нашр муаллифларининг исмлари ҳам киритилиши мумкин.

Мисоллар

. – Загл. 3-го изд.: Веселый спутник

. – 4-е изд.: Альбом чертежей опалубки и форм для монолитных и сборно-монолитных железобетонных конструкций / С. Г. Рабинович, В. Д. Топчий

. – Изд. также под заглавиями: Песнь о багровом цветке ; Песнь об огненно-красном цветке

- параллел сарлавҳалар тўғрисидаги изоҳлар сарлавҳа соҳасида кўрсатилмаган параллел сарлавҳаларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Мисоллар

. – Парал. загл. также англ.

. – Парал. загл. также англ., нем., пол.

- сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасига кирувчи бошқа элементлар тўғрисидаги изоҳларда асарни таърифловчи маълумотлар: муаллифлар ва нашр учун жавобгар бўлган бошқа шахслар ва муассасалар тўғрисидаги, нашрнинг безалиши тўғрисидаги, тасдиқланиши тўғрисидаги каби маълумотлар келтирилиши мумкин.

Мисоллар

. – Авт. являются также: К. Л. Ломов, С. П. Говорук, И. П. Павлов, Н. Н. Сухих, И. В. Никоненко

. – В работе над книгой принимали участие: В. К. Тогос, К. Н. Шмаров, Н. К. Сорокин, Э. П. Красков

. – Авт. 2-го изд.: Л. Л. Окунь, Т. Р. Прохоров, Ю. П. Свешников

. – Подлинное имя авт.: Бианки Анатолий Валентинович. Установл. по изд.: Словарь псевдонимов русских писателей, ученых и общественных деятелей / Масанов И. Ф. Москва, 1956. Т. 1. С. 84

. – В надзаг. также: МГУ, МГУК, ГПНТБ

. – Авт. указан на обл.

. – Утв. также: М-во рыб. хоз-ва Рос. Федерации, М-во связи РФ

- нашр соҳасидаги изоҳларда нашр тарихи тўғрисидаги, кўчириб босиш, репринт нашр, алоҳида нусхаси олинган асл нашр тўғрисидаги маълумотлар ва шу кабилар бўлиши мумкин.

Мисоллар

. – *Вых. дан. ориг. 2-го изд.: Санкт-Петербург ; Москва : Вольф, 1899*

. – *Факс. воспр. изд.: Домик в Коломне. Москва, 1929*

. – *Отт. из кн.: Radovi simpozijma o srpsko (jugoslovensko) – rumunskim odnozima (Vršac, 22-23.V. 1970). Pančevo, 1971. С. 181–188*

- чиқувчи маълумотлар соҳасига берилган изоҳларда тегишли соҳаларга киритилмаган ноширлар, тарқатувчилар тўғрисидаги маълумотлар, маълумотларнинг наклеикадан олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, титул саҳифасидаги ва китобнинг бошқа элементларидаги чиқувчи маълумотларнинг турлича ўқилиши тўғрисидаги маълумотлар бўлиши мумкин.

Мисоллар

. – *Место изд. на обл.: London-Paris*

. – *Вых. дан. взяты с наклейки*

. – *В вых. дан. также: Новосибирск, Иркутск, Томск*

- физик характеристика соҳасига берилган изоҳлар пагинациянинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар ва (ёки) илова қилинадиган материал тўғрисидаги қўшимча маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.

Мисоллар

. – *Текст на одной стороне л.*

. – *На противоположащих с. паг. дублируется*

. – *Парал. паг.*

. – *Загл. прил.: Методические материалы*

. – *Влож. с прил. в общую папку*

. – *Кн. не сброшю.*

- библиографик ёзув объекти ҳисобланган китоб кирадиган серия соҳасига берилган изоҳларда серия асосчиси тўғрисидаги, титул саҳифасидаги ёки китобнинг бошқа элементидаги серия сарлавҳасининг турлича ўқилишлари тўғрисидаги қўшимча маълумотлар, серия соҳасига киритилмаган жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар берилиши мумкин;

- стандарт рақам (ёки унинг муқобили) ва фойдалана олиш шартлари соҳасига изоҳларда зарур бўлган ҳолларда китобда кўрсатилган рақамлар (ISBN рақамидан ташқари) келтирилиши керак.

б) умуман китобга берилган изоҳларда китоб тавсифининг бошқа соҳалари ва элементларига киритилмаган ҳар қандай маълумотлар берилиши мумкин.

Китобнинг машҳур сана ёки воқеага бағишланганлиги ёки тўғриланганлиги тўғрисидаги изоҳ ушбу маълумотлар китобнинг мазмуни билан боғлиқ бўлмаган ва сарлавҳага тегишли маълумотларга жойлаштирилмаган ҳолларда келтирилади (ёзувда келтирилмайдиган шахсий характердаги бағишловлардан ташқари). Маълумотлар уларнинг китобдаги жойлашган ўрнини аниқлаштирувчи иборалардан кейин келтирилади.

Мисоллар

. – *На обл.: К 200-летию Большого театра*

. – *На тит. с.: 30 лет комбинату «Прогресс»*

Кириш иборалари келтирилмайди, агар «Бағишланган», «Бағишланади» сўзлари маълумотларга киритилган бўлса.

Мисол

. – *Посвящается освоению космоса*

Изоҳда тўпламнинг мазмуни (тўлиқ ёки қисман) очиб берилиши ёки алоҳида аҳамиятга эга бўлган айрим асар ажратиб кўрсатилиши мумкин. Келтириладиган маълумотлар сони – библиография қилувчи муассаса ихтиёрига кўра белгиланади.

Маълумотлар, одатда, китобда берилган кетма-кетликда санаб ўтилади.

Битта муаллифнинг тўпламнинг турли қисмларида жойлаштирилган асарлари изоҳларда бирлаштирилиши мумкин. Айрим асарлар изоҳларда ҳам бирлаштирилиши мумкин, масалан, жанри бўйича.

Изоҳ аниқлаштиришлар қўшилиши мумкин бўлган «Мазм.», (мазмуни) сўзлари билан бошланади.

Мисоллар

. – *Содерж. авт.: И. Бунин, Н. Гоголь, И. Тургенев, И. Гончаров, И. Крылов*

. – *Содерж. статьи: А. Брюно, В. Энди, В. Дюка*

. – *Содерж. воспоминания о: М. Волошине, М. Цветаевой, О. Мандельштаме, В. Маяковском, М. Булгакове*

Муаллифлар ёки материаллари ёки улар тўғрисидаги материаллар китобга кирган шахсларнинг фамилияларини санаб ўтишда улар бир-бирларидан вергул ёрдамида ажратилади.

Мисол

. – **Содерж. авт.: В. Баринов, Г. Беляков, Т. Попов, В. Рыбак, Я. Шаин**

Битта муаллифнинг асарларини, шунингдек боблар, бўлимлар ёки циклларни санаб ўтишда улар бир-бирларидан нукта вергул ёрдамида ажратилади.

Мисоллар

. – **Содерж. пьесы: Чайка ; Три сестры ; Иванов**

. – **Содерж. циклы: Строки в пути ; На родине моей ; Думы о жизни ; По народным мотивам**

Турли муаллифларнинг асарларини ёки муаллифлари кўрсатилмаган асарларни санаб ўтишда асарлар тўғрисидаги маълумотлар нукта билан ажратилади.

Мисол

. – **Содерж.: На дне / М. Горький. Казаки / Л. Толстой. Попрыгунья / А. Чехов. Ася / И. Тургенев**

Агар китобнинг мазмуни қисман очиб берилган бўлса, бу изоҳлар матнидан маълум бўлиши керак.

Мисоллар

. – **Содерж.: Антоновские яблоки ; Суходол ; Захар Воробьев ; Братья и др. произведения**

. – **Содерж. рассказы: Трудный день ; Научись держать лопату / Ю. Енов. Катя ; Малышок ; Зайчишка / Н. Шербуха и рассказы др. авторов**

. – **Из содерж.: Тринадцать колоколов : поэма**

. – **В содерж. поэмы: Шадринск ; Смена дней ; Улица ; Сюжет**

. – **В кн. также: Миллон терзаний : крит. этюд / Гончаров И. А.**

. – **В прил.: Вольность : ода**

Изоҳларда китобда маълумотга эга аппаратнинг (библиографик рўйхат ёки кўрсаткич, ёрдамчи кўрсаткич ва бошқа материалларнинг) мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар қуйидагилар ҳисобга олинган ҳолда жойлаштирилиши мумкин:

1) маълумотга эга материалнинг тематик сарлавҳаси қисқартирилмайди, намунавий сарлавҳалар эса айрим сўзлар қисқартирилган ҳолда келтирилади. Маълумотга эга материал тузувчисининг исми у китоб муаллифининг (тузувчисининг) исмидан фарқ қилган ҳолларда келтирилади. Материалнинг жойлашган ўрни тўғрисидаги

маълумотларда материал жойлашган биринчи ва сўнги рақамланган саҳифалар келтирилади. Агар материал рақамланмаган ёки қисман рақамланган саҳифаларга жойлаштирилган бўлса, унинг жойлашган ўрни тегишли сўзлар билан белгиланади.

Мисоллар

. – *Что читать о Вологде и области / Э. А. Волкова: с. 170–183*

. – *Основные работы Монжа и литература о нем: с. 178–183*

. – *Предм. указ.: с. 315–325*

. – *Указ. имен: с. 120*

. – *Библиогр. в конце кн.*

2) «библиографик», «адабиётлар рўйхати», «адабиётлар кўрсаткичи» каби намунавий сўзлардан ташкил топувчи ёки китобда умуман номланмаган адабиётлар рўйхати (кўрсаткичи)нинг сарлавҳаси изоҳларда «Библиогр.» (библиография) қисқартма сўз билан белгиланади;

Мисоллар

. – *Библиогр.: с. 120–123*

. – *Библиогр. в предисл.*

. – *Библиогр. на 3-й с.*

. – *Библиогр. / Н. К. Латыпов: с. 291–299*

3) агар рўйхатнинг тематик сарлавҳаси мавжуд бўлса, бироқ унга унинг туруни аниқловчи сўзлар кирмаган бўлса, изоҳ «Библиогр.» сўзи билан ҳам бошланади.

Мисол

. – *Библиогр.: Фантастика Урала и Сибири: с. 205–209*

Тематик сарлавҳаларга эга бўлган бир нечта рўйхат мавжуд бўлганда улар тўғрисидаги маълумотлар ҳар бири алоҳида изоҳда берилиши ёки уларнинг барчаси битта изоҳга бирлаштирилиши мумкин.

Мисоллар

. – *Труды П. П. Блонского: с. 384–390. – Литература о Блонском: с. 391–398*

ёки

. – *Библиогр.: с. 384–398*

4) изоҳларда рўйхатдаги (кўрсаткичдаги) саҳифалар сони ва номлар сони ёки фақат сарлавҳалар сони ёки фақат саҳифалар сони келтирилиши мумкин.

Мисоллар

. – *Библиогр.: с. 40 (25 назв.)*

ёки

. – *Библиогр.: 25 назв.*

. – *Библиогр.: с. 165–172*

5) китобда бошқа материаллар (нотোগрафик, фильмографик ва бошқ.) рўйхатининг мавжудлиги тўғрисидаги изох библиографик рўйхатларнинг мавжудлиги тўғрисидаги изохларни келтириш қоидалари бўйича келтирилади.

Мисоллар

. – *Фильмогр. в конце текста*

. – *Нотогр. / сост. К. Л. Любина: с. 103–109*

6) изохда китоб бошқа асарнинг давоми, бошланиши, тўлдирилиши ёки иловаси эканлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиши мумкин.

Мисоллар

. – *Является 2-й книгой трилогии «Мы из Сибири»*

. – *Прил. к журн. «Мой сад». 2001. № 9*

7) агар ёзувни тузиш учун титул саҳифасидан фойдаланилмаган бўлса, ахборот манбаининг ўзгариши тўғрисидаги изох.

Мисол

. – *Описание сост. по обл. На тит. с. только загл. серии*

8) изохда мукованинг мавжудлиги тўғрисидаги, тираж тўғрисидаги, китоб тиражини полиграфик расмийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги, аниқ китоб нусхасининг ўзига хос хусусиятлари, нуқсонлилиги ва шу қабилар тўғрисидаги маълумотлар бўлиши мумкин.

Мисоллар

. – *В пер.*

. – *500 экз.*

. – *Экз. деф.: нет с. 8–12*

. – *С. 12–16 отсутствуют*

. – *Экслибрис Б. Шереметьева*

. – *2 бр., влож. в папку*

. – *С автогр.*

Мукованинг мавжудлиги тўғрисидаги изох ушбу соҳада фақат ёзувда китобнинг ISBN рақами келтирилмаган ҳолларда келтирилади. ISBN рақами мавжуд бўлган ҳолларда мукова тўғрисидаги маълумотлар ундан кейин кўрсатилади;

9) китобнинг тиражи тўғрисидаги изоҳ барча бошқа изоҳлардан кейин келтирилади. Тираж тўғрисидаги маълумотлар араб рақамлари билан «нус.» (нусха) қисқартма сўзи қўшилган ҳолда келтирилади. Ёзувда китобнинг умумий тиражи кўрсатилади.

10) тиражнинг алоҳида босилган қисмлари билан чиққан нашрларга ёзувлар тузишда китобнинг умумий тиражи, кейин эса думалоқ қавсларга олинган ҳолда – босилган қисмининг тиражи келтирилади.

Мисол

. – 300000 экз. (2-й з-д 101–200 тыс.)

11) агар китобда тиражнинг бир қисми турли тилларда нашр қилинганлиги ёки турлича мақсадларга эга эканлиги кўрсатилган бўлса, бу думалоқ қавсларга олинган ҳолда кўрсатиб ўтилади.

Мисоллар

. – 6000 экз. (англ. – 4500 экз., фр. – 1500 экз.)

. – 10000 экз. (для рус. школ – 6000 экз.)

5.1.2.8 Китобнинг стандарт рақами (ёки унинг муқобили) соҳасида ISBN ҳамда ундан фойдалана олиш шартлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.9-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Air de l'opéra «Joconde» [Ноты] : «По свету долго я скитался...»

Elegie auf das Jahr 1830 [Ноты] = Элегия на 1830-й год : «В колыбели встречен ты...»

Дева Мария [Ноты] : «Ave Maria...»

- нашр тематикаси, мазмуни ва мақсади.

Мисоллар

Голос детворы [Ноты] : чуваш. нар. песни для детей

Новоселье [Ноты] : муз. альбом, изданный Миллером и Грессером

Jazz-book [Ноты] : ноты, тексты, гармония

«Nirvana» [Ноты] : история группы, ноты, тексты, переводы, фотоматериалы

Музыкальная грамота [Ноты] : учеб. для 1-го кл.

- мусиқа жанри, мусиқа шакли, тури сарлавҳага боғлиқ бўлган бошқа маълумотлар билан грамматик жиҳатдан боғлиқ бўлиши мумкин.

Мисоллар

Метаморфозы [Ноты] : муз.-мимический триптих по Овидию

Сорочинская ярмарка [Ноты] : (по Гоголю) : неоконч. опера М. П. Мусоргского

Асарнинг ҳамоҳанглиги исталган манбада кўрсатилган бўлса, у ёзувда келтирилади, бироқ зарур бўлган ҳолларда ҳамоҳанглик нотали матнни таҳлил қилиш асосида аниқланиши мумкин. Ҳамоҳангликнинг белгиланиши у нотали нашрда қандай кўрсатилган бўлса, шундайлигича ёзилади (агар предлог бўлса, у билан биргаликда). Агар ҳамоҳанглик ифодаланса, унинг белгиси квадрат қавсларга олинган ҳолда замонавий анъаналарга мос тарзда келтирилади. Мажор ҳамоҳанглик бош ҳарфлар билан, минор ҳамоҳанглик – кичик ҳарфлар билан ёзилади. «Мажор» ва «минор» сўзлар ва уларнинг бошқа тиллардаги эквивалентлари В иловага мувофиқ қисқартирилади. Агар ҳамоҳанглик сарлавҳага тегишли бўлган бошқа маълумотлар ёки асосий сарлавҳа билан грамматик жиҳатдан боғлиқ бўлса, ундан олдинги аввалдан белгиланган икки нукта белгиси тушириб қолдирилади.

Мисоллар

Польский [Ноты] : en si-bémol min.

Deuxième quintuor [Music] : (Ut)

Две мазурки [Ноты] : Des, Fis

Менуэт [Ноты] : (Эс-дур)

Менуэт [Ноты] : из симфонии Es-dur

аммо:

Симфония соль минор № 40

Ижро воситалари мусикали асар (нотали нашр) тавсифининг мажбурий элементи ҳисобланади. Кўпчилик ҳолларда ижро воситаларидан кейин (олдин) «учун» (for, für, pour, dla, per, para, для ва бошқ.) предлоги келади. Предлог кичкина ҳарфлар билан ёзилади. Сўзлар В иловада келтирилган қоидалар бўйича қисқартирилади. Агар ижро воситалари ахборот манбаида кўрсатилмаган ёки етарли даражада тўлиқ кўрсатилмаган бўлса, улар нотали матнни таҳлил қилиш асосида ифодаланади ва квадрат қавсларга олган ҳолда ёзилади. Нашрнинг турли элементларида ижро воситалари турлича кўрсатилган ҳолларда нотали матнга энг кўп даражада мос бўлган маълумотлар танланади. Бошқа таърифлашлар изоҳларда ёзилади.

Мисоллар

Пятый сборник пьес и песен [Ноты] : для 4 медных инструментов (2 корнета Б, альт Эс, баритон Б)

Гусли [Ноты] : сб. духовных песен с нотами : для общего пения и хорового исполн.

Марш деревянных солдатиков [Ноты] : для скрипки с фп. в первой или третьей позиции

Лети, моя песня [Ноты] : (песни оренбург. самодеят. композиторов) : [для пения (соло, хор) с сопровожд. фп. и баяна]

Романс [Ноты] : для сопрано [с фп.]

Мусикали-сахна жанрларидаги асарларда (опера, балет, оперетта ва бошқ.) ахборот манбаида нотали матнни таърифлаш шакли тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда ижро созларини кўрсатилмаслигига йўл қўйилади. Яна ижро воситалари ўқув нашрларида (сольфеджио, мусика тарихи бўйича хрестоматиялар, мусика дарсликлари ва бошқ.) ва ижро воситалари асосий сарлавҳанинг таркибий қисми бўлган ҳолларда ҳам келтирилмайди.

Мисоллар

Каменный гость [Ноты] : опера в 3 д. – Партитура

Музыкальный букварь [Ноты] : для мл. возраста

Органная прелюдия и fuga

Асар асл нусхасининг ижро воситалари ва унинг ишлов берилган нусхасининг (қайта ишлангани, инструментровка, аранжировка, транспозиция ва бошқ.) ижро воситаларини фарқлаш лозим. Асл нусхадаги асарнинг ижро воситалари сарлавҳага тегишли бўлган маълумотларда, ишлов бериш тўғрисидаги маълумотлар – жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда кўрсатилади. Агар ахборот манбаида асарга ишлов берилиши тўғрисида кўрсатмалар мавжуд бўлмаса, ижро воситалари тўғрисидаги мавжуд маълумотлар сарлавҳага тегишли бўлган маълумотларда ёзилади.

Мисоллар

Сборник пьес и транскрипций [Ноты] : для баяна

Концерт [Ноты] : для скрипки и фп.

Овоз диапазони яккахон вокал асарларига ёзувлар тузишда кўрсатилади. Диапазон тўғрисидаги маълумотлар ижро воситалари тўғрисидаги маълумотлардан кейин келтирилади. Ахборот манбаида диапазон тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда у вокал сатрини кўриб чиқиш асосида шакллантирилади ва квадрат қавсларга олган ҳолда ёзилади. Товуш диапазони лотин ҳарфлари билан, октавалар эса – араб рақамлари билан белгиланади.

Агар ахборот манбаида овознинг хусусияти кўрсатилса (юқори, ўрта, паст, бас, тенор ва ҳ.), диапазонни келтирмасликка йўл қўйилади; у болалар қўшиқлари учун тузилган ёзувларда ҳам кўрсатилмайди.

Мисоллар

Жаворонок [Ноты] : для голоса с фп. : [e¹–f²]

Опус ва асар рақами улар ахборот манбаида қандай кўрсатилган бўлса, шундайлигича тиниш белгилари билан ёки уларсиз келтирилади. Сонлар араб рақамлари билан (эски босма нашрларда рим рақамлари ҳам қўлланади) келтирилади. op. (opus), ac. (асар), oeuv. (oeuvre), Werk энг кенг тарқалган опус белгилари ҳисобланади. Опус тўғрисидаги маълумотлар ижро воситалари ва овоз диапазонидан кейин келтирилади.

Мисоллар

Детская сюита [Ноты] : для фп. в 4 руки : соч. 65

24 прелюдии [Ноты] : для фп. : соч. 11, метр. 2, № 7–12

Quatuor à cordes [Music] : op. 35a

Klavier-Trios zu 4 Händen [Music] : Op. 1 N 1–3

Six duos concertants [Music] : pour 2 violons : oeuv. 19 (premier oeuv. de duos)

Soldaten-Tänze [Music] : für das Piano-Forte : 173-tes Werk

Опус ичидаги рақам ва асарнинг тартиб рақамини фарқлаш лозим. Асарнинг тартиб рақами асосий сарлавҳанинг ажралмас қисми ҳисобланади, у аввалдан белгиланган белгиларсиз келтирилади.

Мисол

Бразильская бахиана № 5

Агар ахборот манбаида асл нусхасининг опуси эмас, балки ишлов берилган нусхасининг опуси кўрсатилган бўлса, у ишлов берган муаллиф фамилиясидан кейин жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда ёзилади ва вергул билан ажратилади. Тематик кўрсаткич рақами. Бу композитор асарига унинг ижодини ўрганувчи тадқиқотчи томонидан берилган ва композиторнинг барча асарларининг тематик кўрсаткичида эълон қилинган рақамдир. Тематик кўрсаткич рақами ёзувда ахборот манбаида қандай кўрсатилган бўлса, шундай кўринишда келтирилади. Агар бу элемент мавжуд бўлмаса, у зарур бўлган ҳолларда шакллантирилади ва анъанавий ёзувда квадрат қавсларга олинган ҳолда келтирилади (KV, Kex., Köch., BWV ва ҳ.).

Битта тематик кўрсаткичнинг бир нечта рақамлари вергул билан; турли кўрсаткичларнинг белгилари ва рақамлари – нуқта вергул билан ажратилади.

Мисоллар

Фантазия и соната [Ноты] : до мин. : для фп. : KV 475, 457

Concerto [Music] : in la min. : per violoncello, archi e cembalo : R.V. 24 ; F.3 N 4

Парча олинган қилинган асар (асарлар тўплами) сарлавҳаси тўғрисидаги маълумотлар асосий сарлавҳадан ва материалнинг умумий белгисидан кейин ёки бадиий инципитдан кейин ёзилади. Одатда, асар сарлавҳасидан кейин «Қуйидагилардан» сўзи (de, del, dell, aus, from ва хок.) қўйилади. Ушбу сўз кичик ҳарфлар билан ёзилади ва аввалги маълумотлардан икки нуқта белгиси билан ажратилади. Ахборот манбаида мавжуд бўлган кичик қавслар сақланади. Бутун асар сарлавҳаси қўштирноққа олинган ҳолда бош ҳарфлар билан (ёки сарлавҳа намунавий бўлса, кичик ҳарфлар билан) келтирилади.

Мисоллар

Балетная музыка [Ноты] : из оперы «Фауст»

Вальс Джульетты [Ноты] : «Жить беспечно...» : из оперы «Ромео и Джульетта»

Прелюдия [Ноты] : из «Маленьких прелюдий и фуг»

Фуга (Ричерката) 6-голосная [Ноты] : № 2 из «Музыкального приношения»

Litany of supplication [Music] : from «Liturgia Domenistica»

Манбада «қуйидагилардан» сўзи мавжуд бўлмаганда маълумотлар улар ёзув мазмунини бузмаган ҳолларда ахборот манбаидаги каби ёзилади.

Мисол

Et incarnatus est [Ноты] : месса си мин., № 15

Асар парчаси ва парча олинган ўша асар (асарлар тўплами) ўртасидаги боғланишларни тушунтирувчи маълумотларни ифодалашга йўл қўйилади. Бу ҳолда улар квадрат шаклидаги қавсларга олинган ҳолда ёзилади.

Мисол

Вальс [Ноты] : [на мотивы оперетты] «Веселая вдова»

Агар бутун асарнинг сарлавҳаси тўғрисидаги маълумотлар ундан олинган парча сарлавҳаси билан чамбарчас боғлиқ бўлса, «-дан» қўшимчасидан кейин икки нукта белгиси қўйилмайди.

Мисол

Татарская песня А. Пушкина из «Бахчисарайского фонтана»

[Ноты] : «Дарует небо человеку...»

Бағишловлар тўғрисидаги ёки асарнинг (нашрнинг) қандайдир воқеага тўғриланганлиги тўғрисидаги маълумотлар титул саҳифасида ёки муқовада сарлавҳадан кейин кўрсатилган бўлса, келтирилади. Нашрнинг бошқа жойларида келтирилган маълумотлар изоҳларда ёзилади.

Мисол

Поэма-вальс [Ноты] : памяти Александра Вампилова

Сарлавҳага тегишли маълумотларни улар сериялар соҳасига жойлаштирилган маълумотларга ўхшаш бўлса, уларни келтирмасликка йўл қўйилади;

4) жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Ноталардаги жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар гуруҳини қуйида кўрсатилган тартибда ёзиш тавсия қилинади.

Муסיқа, ўқув қўлланма асл нусхасининг муаллифлари тўғрисидаги маълумотлар. Ушбу маълумотлар мажбурий ҳисобланади. Муаллифнинг исми ахборот манбаида кўрсатилгани каби унинг вазифаси аниқлаштирилган («...муסיқаси», «муסיқа муаллифи...», «...асари», «...ёзган», «...ноталарни басталаган», «...қуйи» ва бошқ.) ёки аниқлаштирилмаган ҳолда ёзилади. Аввалдан белгиланган манбада кўрсатилган барча муаллифларнинг исмлари келтирилиши мумкин. Муаллифлар сони ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандига мувофиқ қисқартирилиши мумкин. Фахрий номи, илмий даражаси, унвони, мутахассислиги кабилар одатда тушириб қолдирилади. Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар билан грамматик жиҳатдан боғлиқ маълумотлар (масалан, ижро воситалари, бағишловлар ва бошқ.) улар ахборот манбаида

кўрсатилган кўринишда келтирилади. Номалум муаллифлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда кўрсатилади.

Мисоллар

Сонаты [Ноты] : для фп. / В. Моцарт

Три менуэта [Ноты] : для фп. / Бах–Петри

Музыка [Ноты] : учеб. для учащихся 2 кл. / Е. Д. Критская, Г. П. Сергеева, Т. С. Шмагина

Орфей и Эвридика [Ноты] : опера-трагедия в 3 актах / Христоф Глук [т. е. Глюк]

Федул с детьми [Ноты] : опера в 1 д. / муз. Мартина и Паскевича

Парафразы [Ноты] : 24 вариации и 15 пьес... / А. Бородин [и др.]

Утешение [Ноты] / музыку посвящает князю Николаю Романовичу Ухтомскому А. Есаулов

1812 [Ноты] : торжеств. Увертюра : для большого орк. / соч. по случаю освящения храма Спасителя П. Чайковским

Ломоносов, или Стихотворец рекрут [Ноты] : опера-водевиль в 3 д. / музыка собрана из разнородных песен, маршей и вальсов для фп. г. Антонолини

Бадий матн, сюжет, либреттоларнинг муаллифлари тўғрисидаги маълумотлар мусика муаллифининг исмини келтириш қоидалари бўйича келтирилади.

Мисоллар

/ сл. Дельвига

/ сюжет заимств. из драмат. хроники «Тушино» А. Н. Островского с сохранением многих стихов подлинника

/ сл. и муз. А. Бородина

/ tiré de la nouvelle de Prosper Mérimée

/ либретто А. Мельяка и Л. Галеви

Асарнинг асл нусхасини ижодий қайта ишлаган муаллифлари тўғрисидаги маълумотлар, яъни қайта ишлаш, ишлов бериш, таҳрир қилиш, охирига етказиш, тугаллаш, каденциялар тузиш, халқ ижодкорлиги асарларининг ёзувлари, бадий матннинг таржимаси тўғрисидаги маълумотлар мусика ва бадий матн муаллифлари исмларидан кейин улар ахборот манбаида берилган кўринишда келтирилади. Асарнинг асл нусхаси қайта ишлангани тўғрисидаги маълумотлар жавобгарлик тўғрисидаги дастлабки маълумотлар (масалан, аноним асарга ишлов беришда) бўлиши ёки мусика муаллифлари тўғрисидаги маълумотлар

билан грамматик жиҳатдан боғланган бўлиши мумкин. Асарнинг асл нусхасига ишлов бериш тўғрисидаги маълумотлар муайян исмларни ўз ичига олмаслиги мумкин.

Мисоллар

/ муз. С. Василенко ; сюжет Касьяна Голейзовского ; перелож. для фп. в 2 руки авт.

/ перелож. на два голоса и фп. Кашиным ; аранж. для одного голоса

/ соч. гг. Кауэра и Давыдова ; переделан для 2 скрипок г. Куцимом

/ муз. М. Мусоргского ; сост. и прораб. по автогр. композитора и доп. не изд. до сих пор картинами, сценами, фрагм. и вариантами Павел Ламм

/ соч. Ц. Кюи ; либретто по Пушкину ; перелож. для пения с фп.

/ Ж. Бизе ; фортеп. перелож. с пением

/ запись З. Багирова с игры на таре Мансура Мансурова

/ муз. К. М. фон Вебера ; с речитативами Г. Берлиоза ; text von F. Kind ; рус. пер. А. Аврамовой

Нашрни босиб чиқаришга тайёрлаш ва маълумот берадиган аппаратни тайёрлаш учун жавобгар бўлган шахслар ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар.

Мисоллар

/ Г. Ф. Раупах ; Моск. гос. консерватория, Ин-т нем. культуры в Вост. Европе

/ Челяб. обл. орг. Всерос. муз. о-ва, Ассоц. деятелей клас. гитары, Челяб. высш. муз. училище им. П. Чайковского

/ муз. Сарти, Пашкевича и Каноббио ; [вступ. ст.] «Объяснение на музыку» Н. Львова

/ муз. Жоржа Бизе ; под ред. [и с предисл.] Дм. Рогаль-Левицкого

/ подгот. к печати – «Рус. Арт Технологии»

Ижрочилар (солистларнинг исмлари ва ижрочи жамоаларнинг номлари) тўғрисидаги маълумотлар улар титул саҳифаси ёки муқовада кўрсатилган ҳолларда келтирилиши мумкин. Агар ижрочилар тўғрисидаги маълумотлар ёзув объектининг бошқа элементларида келтирилган бўлса, улар изоҳларда кўрсатилади.

Мисол

/ F. Waltz ; сыгранный в первый раз оркестром Александринского театра февраля 6-го, в бенефис г-жи В. Самойловой

Умумий сарлавҳага эга бўлмаган тўпламда маълумотларни келтириш қоидалари тўғрисида маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2–бандида белгилаб берилган.

Мисол

Сюита [Ноты] : памяти Темботе Керашева : (из 5 ч.) : для дух. орк. ; Вокальный цикл : 11 песен о Темботе Керашеве : для голоса и фп. / Каплан Туко ; сл. Юрия Крючкова

Луч надежды [Ноты] : «Месяц светел серебрится...» : романс А. Ф. Вельмана : [для голоса с фп.] / муз. Беллини. Русская песня : «По небу тучи громовые ходят...» / сл. и мелодия Дельвига ; положена на фп. [с пением] И. А. Рупини

5.3.2.3 Нашр соҳаси

Нашр соҳасининг элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.3-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

5.3.2.4 Ўзига хос маълумотлар соҳаси

Ўзига хос маълумотлар соҳаси мусиқа асарлари учун тузиладиган ёзувларда қўлланади. У «нотали матнни баён қилиш шакли» деб аталувчи элементни ўз ичига олади. Соҳа маълумотлари ушбу стандартнинг 4.1.8.4–бандига мувофиқ қоидалар бўйича келтирилади.

Соҳа сахна, симфоник, вокал-симфоник, хорли ва нота матнини тавсифлашнинг турли шаклларида (партитура, дирекцион, овозлар, клавир ва бошқ.) фойдаланиш мумкин бўлган бошқа мусиқа асарларига ёзувлар тузишда мажбурий ҳисобланади.

Аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб титул саҳифаси ёки муқова ҳисобланади. Нота матнини баён қилиш шакли тўғрисидаги маълумотлар улар ноталарда берилган кўринишда ёзилади. Ушбу соҳадаги сўзлар ва сўз бирикмалари қисқартирилмайди.

Манбада маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда улар нота матнини таҳлил қилиш йўли билан ифодаланади ва квадрат кавсларга олинган ҳолда ёзилади. Уларни ифодалаш учун қуйидаги белгилар ва уларнинг бошқа тиллардаги эквивалентларидан фойдаланилади: партитура; партитура ва овозлар; хорли партитура; партитура ва клавир; партитура, клавир ва овозлар, партитура, клавир ва партия, партиялар (партия), овозлар, дирекцион; дирекцион ва овозлар, клавир.

Зарур бўлган ҳолларда маълумотлар аниқлаштирувчи сўзлар билан тўлдирилади.

Мисол

. – Партитура [1-го произведения]

Агар нота матнини баён қилиш шакли тўғрисидаги маълумотлар сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасида ёки нашр соҳасида учраса, нота матнини баён қилиш шакли тўғрисидаги маълумотлар ўзига хос маълумотлар соҳасида ўрнатилган шаклда такрорланади.

Мисоллар

Партитурное собрание четырехголосных мелких пьес [Ноты]

... – [Хоровая партитура]

Partition des marches militaires des gardes impériales russes [Music]

... – [Partition]

Clavier Auszug von Mozart's Zauberfloete [Ноты] ... – [Клавиш]

5.3.2.5 Чиқувчи маълумотлар соҳаси

Соҳа нотали нашрни босиб чиқариш ва тайёрлаш жойи ва вақти, шунингдек унинг ношири ва тайёрловчиси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари бўлиб нота матнининг титул саҳифаси, титул варағининг орқа томони, биринчи ва охири саҳифаларнинг паст қисмидаги маълумотлар ҳисобланади. Қўшимча маълумотлар учун нашр тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ҳақиқий маълумотларни ўқиш мумкин бўлмаган ҳолларда наклейкадаги нашр тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади. Наклейка тўғрисидаги маълумотлар изоҳларда эслатиб ўтилади.

Нашр қилиш жойи ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандига мувофиқ қоидалар бўйича келтирилади.

Ношир (тарқатувчи)нинг исми ёки нашриётнинг номи ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. «Нота нашриёти» сўз бирикмаси тушириб қолдирилади.

Мисоллар

: АНТАО

: Нот. б-ка «Экономик» (А. Соколовой)

: Музсектор Госиздата

: Гос. изд-во, Муз. сектор

: издание М. Бернарда

: издано авт.

: chez Dalmas

: у К. Р. Клевера, бывший И. Пеца

Агар титул саҳифасида (муқовада) ношир кўрсатилмаган, фақат нотали нашрнинг тарқатилиши (сотилиши, сақланиши) тўғрисидаги маълумотларгина келтирилган бўлса, ушбу маълумотлар ношир тўғрисидаги маълумотлар ўрнига ўтади. Шунингдек, тарқатувчи

тўғрисидаги маълумотлар ношир тўғрисидаги маълумотлар билан бир қаторда келтирилиши мумкин.

Мисоллар

. – [Б. м.] : издание авт. : склад Л. Валящик

. – Воронеж : склад изд. у авт.

. – Санкт-Петербург : продается в кн.-муз. маг. Д. Федорова

Босиб чиқариш тўғрисидаги маълумотлар ношир тўғрисидаги маълумотларни ўрнини олмайди. Ношир ва босиб чиқарувчи кўпинча битта шахс ҳисобланган эски босма нашрлар бундан мустасно. У ҳолда матбаачининг исми ёки босмаҳонанинг номига ношир сифатида қаралади.

Мисоллар

. – Санкт-Петербург : гравировано и печатано у Пеца

. – Санкт-Петербург : в Тип. Горного училища

Нашр санаси тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Тайёрлаш жойи, тайёрловчининг (босмаҳонанинг) номи ва тайёрлаш санаси ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

5.3.2.6 Физик характеристика соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб умуман нотали нашр ҳисобланади.

Нотали нашр битта физик бирлик (китоблар, варақлар) ва бир нечта физик бирликлар (партиуралар, партиялар, варақлар) кўринишида нашр қилиниши мумкин.

Битта физик бирлик кўринишида нашр қилинган нотали нашрда маълумотларни келтириш қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

. – [35 с.]

. – С. 35–90

. – 80 с.

. – 135 с., 1 л. портр.

. – 1 л. (слож. в 6 с.)

Бир нечта физик бирликлар кўринишида нашр қилинган нашрларда партиялар, партитуралар, дирекционлар, варақлар вазн у кабиларнинг умумий сони материалнинг махсус белгисидан аввал келтирилади. Сўзлар В иловада мувофиқ қоидалар бўйича қисқартирилади. Физик белгиларнинг

махсус белгилари вергул билан ажратилади. Саҳифалар сони думалок қавсларга олинган ҳолда келтирилади.

Мисоллар

. – 1 *партит.* (15 с.), 2 *парт.*

. – 2 *партит.* (22, 22 с.)

. – 1 *дирекцион* (17 с.), 6 *парт.*

. – 1 *партит.* (15 с.), 1 *клавир* (36 с.)

. – 1 *папка* (12 *отд. л.*)

Агар нашр учтадан ортиқ партитура, партия ва дафтарларни ўз ичига олса, ҳар бир бирликдаги саҳифалар сонини келтирмасликка йўл қўйилади. Бу ҳолда «алоҳ. паг.» (алоҳида пагинация) сўзлари билан саҳифаларнинг умумий сони ёзилади. Кўп миқдордаги партиялар мавжуд бўлган ҳолларда саҳифаларнинг умумий сонини кўрсатмасликка йўл қўйилади.

Мисоллар

. – 1 *партит.* (15 с.), 4 *парт.* (8 с. *разд. паг.*)

. – 16 *тетр. в обертке* (64 с. *разд. паг.*)

. – 24 *парт.*

Бошқа соз (масалан, фортепиано) жўрлигидаги, яккахон соз (овоз) партиясига эга бўлган яккахон овоз (соз) учун ёзилган асарга ёзув тузишда «партит.» (партитура) сўзи ёзилмайди, партияни эса «парт.» сўзи билан белгиланади.

Мисол

. – 16 с., 1 *парт.* (1 с.)

Агар бир нечта созлар партиялари битта саҳифада (варақда) нашр қилинган бўлса, уларнинг сони ҳамда улар саҳифаларининг умумий сони умумий қоидалар бўйича кўрсатилади.

Мисоллар

. – 2 *парт.* (1 с.)

. – 2 *парт.* (2 с.)

Умумий пагинацияга эга бўлган қўшилган партияларда партиялар сони ва саҳифаларнинг умумий сони кўрсатилади.

Мисол

. – 18 *парт.* (52 с.)

Нашрда дублет партиялар мавжуд бўлган ҳолларда барча партияларнинг ҳақиқий сони кўрсатилади. Дублетлик тўғрисидаги маълумотлар изоҳларда келтирилади.

Агар физик характеристика соҳасида созлар рўйхатини кўрсатиш зарур бўлса, соз номи саҳифа кўрсаткичидан олдин келтирилади.

Мисол

. – 1 парт. (фп., 14 с.)

5.3.2.7 Сериялар соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Аввалдан белгиланган манба сифатида нотали тўлиқ нашр ҳисобланади.

Мисол

. – (*Musicalia Danubiana*, ISSN 0230-8223)

Агар ёзув алоҳида том учун унинг хусусий сарлавҳаси остида тузилса, сериялар соҳасида, шунингдек кўп томли нотали матн тўғрисидаги маълумотлар ҳам келтирилиши мумкин. Бунда сериянинг асосий сарлавҳа сифатида кўп томли нашрнинг сарлавҳаси келтирилади. Серия сарлавҳасига тегишли бўлган маълумотларда кўп томли тўлиқ нашрга ҳам тегишли бўлган маълумотлар келтирилади. Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда бутун кўп томли нашр учун жавобгар бўлган шахсларнинг исмлари келтирилади. Серия нашрининг сони сифатида алоҳида том, дафтар ваш у кабиларнинг рақами ёзилади.

Мисол

. – (*Избранные сонаты : для фп. / Людвиг ван Бетховен ; под ред. Б. Гольденвейзера ; тетр. 2*)

Кўп қисмли саҳна асарларидан олинган рақамланган парчаларга ёзувда сериялар соҳасида бутун асарнинг сарлавҳаси; серия нашрининг сони сифатида эса – парча номери келтирилади.

Мисол

. – (*Борис Годунов : опера в 4 д. с прологом / М. П. Мусоргский ; под ред. Павла Ламма ; № 5*)

5.3.2.8 Изоҳлар соҳаси

Соҳалар ва элементларга келтириладиган изоҳлар ушбу стандартнинг 4.1.8.8-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб исталган манба: тўлиқ нашр ва нашрдан ташқари манбалар ҳисобланади. Изоҳлар соҳасига тегишли маълумотлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

а) изоҳлар тавсифнинг алоҳида соҳалари ва элементларига тегишли бўлиши ёки тўлиқ нотали нашрни характерлаши мумкин. Қуйидаги изоҳлар энг кўп даражада учрайди:

1) тавсифнинг алоҳида соҳалари ва элементларига изоҳлар

- сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасига изоҳлар.

Оригинал сарлавҳаси тўғрисидаги изоҳ ахборот манбаидаги сарлавҳа асарга композитор томонидан берилган сарлавҳадан фарқ қилган ҳолларда келтирилади. Шу ернинг ўзида ахборот манбаи кўрсатилади.

Мисол

. – *Загл. ориг.: Szene für Sopran. Установл. по тит. л. дублетного изд.*

- ёзув объектида мавжуд бўлган сарлавҳа вариантлари тўғрисидаги изоҳ.

Мисоллар

. – *Загл. обл.: Французские сюиты*

. – *Загл. перед нот. текстом: Первая соната*

- параллел сарлавҳалар тўғрисидаги изоҳ.

Мисол

. – *Парал. загл. англ., нем.*

- ижро воситалари тўғрисидаги изоҳ.

Мисоллар

. – *Состав орк. указан на с. 2*

. – *Имеется фортеп. перелож. хоровой партитуры*

. – *На тит. л. проспект изд. для различ. средств исполн.*

. – *На тит. л.: с сопровожд. орк. или фп.*

- бадийи ва нотали инципитлар тўғрисидаги изоҳ.

Мисоллар

. – *Перед арией речитатив: «...»*

. – *Сцена начинается словами: «...»*

. – *Тит. л. с нотными инципитами*

- ёзув объектида муаллиф исми нотўғри келтирилган ҳолларда муаллифнинг ҳақиқий исми тўғрисидаги изоҳ келтирилади. Шу ернинг ўзида ахборот манбаи кўрсатилади.

Мисоллар

. – *Подлин. авт. 2-го и 3-го произведений: Л. Шнейдер. Установл. по кн.: Köchel*

. – *Авт. в изд. не указ. Установл. по кн.: ...*

. – *Произведение приписывается В. А. Моцарту*

- ёзув объектида муаллиф исмининг жойлашган ўрни тўғрисидаги изоҳ.

Мисол

. – *Авт. указ. в предисл.*

- тавсифнинг аввалги соҳаларида кўрсатилмаган шахсларнинг исмлари тўғрисидаги изоҳ.

Мисоллар

. – *Авт. очерка на суперобл.:*

. – *Из репертуара Н. Плевицкой*

2) нашр соҳасига изоҳлар.

Мисоллар

. – *На обл. ошибочно: 3-е изд.*

. – *Перепеч. с изд.:*

. – *Репр.*

. – *Факс. изд.*

3) ўзига хос маълумотлар соҳасига изоҳлар.

Мисол

. – *Хоровая партитура двухстрочная*

4) чиқувчи маълумотлар соҳасига изоҳлар

Мисоллар

. – *Дата изд. установл. по кн.:*

. – *На вых. дан. наклейка:*

. – *На обл. штамп изд-ва*

. – *Датируется по сведениям о деятельности издателя*

. – *На обл. место изд.:*

. – *На правах рукоп.*

5) физик характеристика соҳасига изоҳлар.

Мисоллар

. – *Нот. текст на одной стороне л.*

. – *Старославян. паг.*

. – *Влож. партия виолончели*

. – *В числе партий 2 дублетные*

. – *Сольная партия в 2 экз.*

. – *Портр. на суперобл.*

. – *Загл. прил.:*

. – *Авт. прил.:*

б) сериялар соҳасига изоҳлар.

Мисол

. – *Парал. загл. сер. груз., англ.*

б) асар (нашр)нинг яратилиш тарихи тўғрисидаги изоҳ мусиқани яратиш санаси, бағишлов, биринчи ижро, асар (нашр)нинг қандайдир ҳодисага тўғриланганлиги ва шу қабилар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин. Маълумотлар ёзув объектининг турли элементларидан олинади ва қисқа шаклда ифодаланади.

Мисоллар

. – *Соч. и 1-е исполн.: 1928 г.*

. – *Посвящ. В. В. Стасову*

. – *Посвящ.: à W. Sokalsky*

. – *Посвящ. памяти Ф. Листа*

. – *Приурочено к конкурсу Париж. консерватории 1935 г.*

. – *К 60-летию Кемер. обл.*

с) чиқувчи маълумотлар ва ҳужжат матни тили тўғрисидаги изоҳ нотали нашр тили тавсиф тилидан фарқ қилган ёки тиллар бир нечта бўлган ҳолларда келтирилади. Тил тўғрисидаги барча изоҳлар нуқта билан ажратилади. Шу ернинг ўзида ёзув қайси манбадан тузилганлиги кўрсатилади.

Мисоллар

. – *Парал. рус., укр.*

. – *Лит. текст лат., нем.*

. – *Лит. текст евр. в лат. транслит.*

. – *Сведения перед нот. текстом и лит. текст фр., нем.*

. – *Варианты текста укр.*

. – *Описание сост. по переводу*

. – *Тит. л. фр. обл. рус.*

д) нашр мазмуни тўғрисидаги изоҳ нашрни ташкил қилувчи алоҳида материаллар (матнлар, маълумотнома аппарати ва бошқ.) тўғрисидаги маълумотлар ҳамда мазмуннинг қисқача тавсифини ўз ичига олади.

Мисоллар

. – *Эпиграф: стихотворение Уланда*

- . – *Перед нот. текстом либретто*
- . – *Крат. биогр. справки о композиторах: с. 12*
- . – *Нотогр. «Сочинения А. Аренского»: обл.*
- . – *Сб. содержит фольклор Топкин. и Яшкин. р-нов Кемер. обл.*
- . – *Описание танца: с. 2*
- . – *Со ст. Р. Шумана «Жизненные правила для музыканта»*

Тўпламнинг тўлиқ мундарижаси, яъни асарлар рўйхати ёки кўп қисмли асар қисмларининг рўйхатини изоҳларда янги сатрдан келтириш тавсия қилинади. Бунда «Мун.» (Мундарижа), «Бўл.» (Бўлим), «Муал.» (муаллифлар), «Қисмлар» каби кириш сўзлари санаб ўтиладиган асарлардан икки нукта билан (икки нукта олдида бўш жойсиз) ажратилади. Аввалдан белгиланган белгилардан ушбу стандартнинг 5.3.2-бандида келтирилган қоидалар бўйича фойдаланилади;

е) турли композиторларнинг асарлари нукта белгиси билан ажратилади. Битта композиторнинг асарлари ҳамда халқ ижодиёти асарлари нукта вергул билан ажратилади. Бағишловлар, яратиш санаси, биринчи ижро ва шу кабилар тўғрисидаги маълумотлар ҳар бир асарнинг сарлавҳасига тегишли бўлган маълумотларда келтирилади.

Мисоллар

. – *Содерж.: Семеро у костра / В. Боков ; сл. В. Сидорова. Марш / В. Васильев ; сл. В. Васильева. Городок / В. Красновский ; сл. Н. Заболоцкого*

. – *Части: 1. Пастораль ; 2. Балет ; 3. Менуэт ; 4. Фуга*

. – *Авт.: Дауров А., Мамчуев М., Хубиев Х., Байчекуев А. и др.*

ф) алоҳида асарлар тўғрисидаги маълумотларни бирлаштирувчи сўзлар остида, масалан, мусиқа муаллифининг исми, цикл номи ва ҳ. остида тўплаш тавсия қилинади. Бирлаштирувчи сўзлардан кейин икки нукта белгиси қўйилади. Маълумотлар гуруҳлари нукта белгиси билан ажратилади. Маълумотлар гуруҳларининг кетма-кетлиги аниқ белгиланмайди.

Мисол

. – *Содерж.: На сл. Б. Окуджавы: Ваше благородие, госпожа Разлука; Кавалергарды, век недолог. На сл. Л. Дербенева: Вулкан страстей; Есть только миг*

г) нотали матнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги изоҳ.

Мисоллар

. – *Мензур. нотация*

. – *Табулатура*

. – Старославян. письмо с киноварными пометами

h) нусханинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги изоҳлар полиграфик безаш, босиш усули, муқова, автограф, экслибрис, приплетлар, нуқсонлар ва шу кабиларнинг мавжудлиги каби маълумотларни ўз ичига олади.

Мисоллар

. – В пер.

. – Кожаный пер. с метал. застежками

. – Страницы в рамках из грав. деталей

. – Грав. тит. л.

. – 3 тома сплетены

. – Ксерокоп.

. – Отпеч. множ. аппаратом

. – С автогр. авт. и Б. В. Асафьева

. – Экз. деф.: нет партии скрипки

. – Припл. к:

i) тираж тўғрисидаги изоҳда тираж нашрда берилган шаклда кўрсатилади. Агар умумий тираж тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлса, тиражнинг алоҳида босилган қисмлари, тиражнинг қўшимча босилишлари тўғрисидаги маълумотларни келтирмасликка йўл қўйилади.

Мисоллар

. – 200 экз.

. – 2-я тыс. экз.

. – 2001–3000 экз.

5.3.2.9 Стандарт рақам (ёки унинг муқобиллари) ва фойдалана олиш шартларининг соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.9-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Соҳа учун аввалдан баён қилинган ахборот манбаи бўлиб тўлиқ нота нашри ҳисобланади.

Халқаро стандарт рақам. Хорижий нашрларда ISBN билан бир қаторда нотали нашрнинг стандарт рақами (International Standard Music Number – ISMN) ҳам қўлланади. У ёзувда нашрда кўрсатилган шаклда келтирилади. Халқаро стандарт рақам думалоқ қавсларга олинган

тушунтирувчи маълумотлар билан, масалан, (vol. 1) кабилар билан келтирилиши мумкин.

Мисоллар

. – ISMN M-003-02786-9

Нашриёт рақами. Агар нота нашрида Халқаро стандарт рақами мавжуд бўлмаса, унинг муқобили сифатида нашриёт рақамини (агар у ҳужжатда мавжуд бўлса) келтиришга йўл қўйилади. Нашриёт рақамининг рақамли ёки ҳарфли белгисидан аввал «Нашр. №» сўзлари келтирилади. Ёзувда нашриёт рақамини келтириш факультатив ҳисобланади. Агар нашриёт рақами тахта рақами билан бир хил бўлса, «Нашр. №» сўзлари тушириб қолдирилади, рақамнинг ўзига эса тахта рақами сифатида қаралади.

Мисол

. – Изд. № 4547a

Тахта рақами. У Халқаро стандарт рақам ёки нашриёт рақамидан кейин келтирилади. Нотали нашрларда тахта рақами ҳар бир саҳифанинг қуйи қисмида нота матни остига жойлаштирилади. Тахта рақами манбада берилган шаклда олдин «Т.р» сўзларини қўшган ҳолда келтирилади. Эски босма нашрларга тегишли бўлмаган ва тахта рақамининг ҳарфли қисмига эга бўлган нашрларда ҳарфли қисм ношир исмининг бош ҳарфларига мос келган ҳолларда ҳарфли қисм тушириб қолдирилади.

Тахталарнинг бир нечта рақами вергул билан ажратилади. Агар улар кетма-кет келса, тахтанинг биринчи ва сўнгги рақами тире белгиси билан бирлаштирилади.

Мисоллар

. – Н. д. 56778

. – Н. д. Л. 221 А

. – Н. д. 15738, Т. 325

. – Н. д. 25867– 25870

Агар тавсиф объектида юқорида санаб ўтилган рақамлар бир нечта бўлса, ҳар бир рақамдан аввал нуқта ва тире белгиси қўйилади.

Мисоллар

. – Изд. № 3116. – Н. д. 9296

. – ISMN M-041-37012-5. – Н. д. 42310

5.3.3 Ноталар учун кўп босқичли библиографик ёзувни шакллантириш қоидалари

5.3.3.1 Кўп босқичли библиографик ёзувнинг тузилиши ва боғлиқлиги

Кўп босқичли библиографик ёзув кўп қисмли нотали хужжат учун тузилади:

а) композиторларнинг бир нечта томлардаги (нашрлар, дафтарлар ва бошқ.) асарлар тўпламлари.

Мисол

Собрание сочинений [Ноты] / Шостакович Д. Д.

б) умумий сарлавҳа ёки опус остида бирлаштирилган бир нечта томларда нашр қилинган асарлар тўпламлари

Мисоллар

Сонаты узбекских композиторов [Ноты]. – Вып. 1–2

Славянские рапсодии [Ноты] : ор. 45 № 1–3

Hollywood [Ноты] : лучшие песни из лучших амер. фильмов : в 3 кн.

с) қисмлари алоҳида физик бирликларда (опералар, сюитлар, цикллар) нашр қилинган кўп қисмли мусиқа асарлари.

Мисоллар

Воевода [Ноты] : опера в 3 д.

Т.1А : Действие 1. – 325 с.

Т.1Б : Действие 2. – 186 с.

Т.1В : Действие 3. – 213 с.

д) нотали журналлар ва журналларга мусиқали иловалар.

Мисоллар

Азиатский музыкальный журнал

Нотное приложение к журналу «Аккорд» [Ноты]. – 2011–2014

е) давомли нотали нашрлар, яъни номаълум вақт оралиқларида чиқувчи ва умумий сарлавҳа билан бирлаштирилган нашрлар.

Мисоллар

Новые произведения зарубежных композиторов [Ноты]. – Вып. 1–3

Новый хит [Ноты]. – 2009–

ф) серияли нотали нашрлар.

Мисол

Библиотека студента-хормейстера [Ноты]. – Вып.1–24

Кўп қисмли нотали нашрлар учун тузилган кўп босқичли ёзув тузишда барча босқичлардаги элементлар ушбу стандартнинг 5.1.3, 5.3.1–5.3.3–бандларида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Сарлавҳа кўп қисмли ёзувнинг фақат биринчи босқичида тавсифдан олдин келиши мумкин. Иккинчи босқичдаги ёзувда сарлавҳа қўлланмайди.

Биринчи босқичдаги ёзувни тузишнинг умумий қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.10.2–бандида келтирилган.

Иккинчи босқичдаги ёзувни тузишнинг умумий қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.10.3–бандида келтирилган.

5.3.3.2 Ноталар учун тузилган кўп босқичли ёзувнинг биринчи босқичидаги элементлар таркиби ва уларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси ушбу стандартнинг 4.1.10.2–бандида баён қилинган қоидалар ҳамда ноталар учун ушбу стандартнинг 5.3.2–бандига мувофиқ бир босқичли ёзув тузиш қоидалари бўйича келтирилади:

а) асосий сарлавҳа.

Мисоллар

Библиотека для духовых инструментов

Педагогический репертуар для скрипки и фортепиано

Альт ва виолончель учун педагогик репертуар

б) параллел сарлавҳа.

Мисол

Детская музыкальная библиотека [Ноты] = Bibliothèque musicale des enfants

с) сарлавҳага тегишли маълумотлар.

Мисоллар

Педагогический репертуар для виолончели [Ноты] : 1 кл. ДМШ

Собрание сочинений [Ноты] : в 42 т.

Гитара и гитаристы [Ноты] : ежемес. муз.-лит. журн.

*Русские народные песни [Ноты] : в 3 кн. с прибавлением вновь не-
которых песен*

д) жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар.

Мисоллар

Собрание романсов и песен [Ноты] : [в 2 ч.] / соч. А. Варламова

*Народные песни и инструментальные наигрыши адыгов [Ноты] : [в 3 т.] / под
ред. Е. В. Гиппиуса ; Кабард.-Балк. ин-т истории, филологии и экономики*

Les luthistes espagnols du XVIe siècle [Music] : [in 2 Bd.] / [notes biogr., expl. de la tablature, observ. gen.] von G. Morphy ; mit 5 Taf. u. einem Vorw. von F. A. Gevaert ; fr. Text rev. von Ch. Malherbe ; dt. übers. von H. Riemann

Нашр соҳаси элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.3-бандига мувофиқ қоидалар бўйича келтирилади.

Элементлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) ўзига хос маълумотлар соҳаси такрорланган ҳолларда биринчи ўзига хос маълумотлар соҳасига нотали матнни баён қилиш шакли, иккинчисига – рақамлаш тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Нота матнини баён қилиш шакли у барча томлар (нашрлар, дафтарлар ва бошқ.) учун умумий бўлган ҳолларда биринчи босқичда бир босқичли ёзувлар тузиш қоидаларига мос тарзда келтирилади.

Мисол

Борис Годунов [Ноты] : опера в 4 д. с прологом. – Партитура

Т. 1 : Пролог ; Действия 1–3. – 547 с.

Т. 2 : Действия 4–5. – 459 с.

Рақамлаш тўғрисидаги маълумотлар фақат серияли нотали нашрларда келтирилади.

Мисоллар

Русская музыка [Ноты] : для дух. орк. / под ред. Н. Назарова. – Партитура и голоса. – Вып. 1–

Русская симфоническая музыка [Ноты]. – Партитура. – Вып. 1–21

Рақамлаш тўғрисидаги маълумотларда серияли нашрни босиб чиқаришнинг бошланиши ва тугаши тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Белгилар биринчи рақамланган нашрда келтирилган шаклда келтирилади. Араб рақамларидан фойдаланилади, сўзлар қисқартирилади.

Нашрни рақамлаш тугалланган ва тугалланмаган бўлиши мумкин. Тугалланган рақамлашда биринчи ва охирги нашр белгилари тире белгиси билан бирлаштирилади; тугалланмаган рақамлаш эса – тире белгисидан кейин сўнгги сон белгиси ўрнига 4 та белги ўрни бўш қолдирилади. Нашрдаги узилишлар кўрсатилади.

Мисоллар

. – Вып. 1–12

. – № 1–24

. – Т. 1–4

. – Янв.–дек.

. – 2000–2005

. – [Vol. 2–]

. – [1812–]

. – № 1–5, 7–9

2) соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Серияли нотали нашр ёки нотали журнал учун тузилган биринчи босқичдаги ёзувда нашр қилиш санаси рақамлаш соҳасидаги саналарга мос келиши мумкин. Бундан қатъи назар нашр қилиш санаси доимо чиқувчи маълумотлар соҳасида келтирилади.

Мисол

Нувеллист [Ноты] : муз. журн. для фп. – 1839–1915. – St. Petersburg : M. Bernard, 1839–1915

3) физик характеристика соҳаси элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандида баён қилинган қоидалар бўйича қуйидаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда келтирилади.

Биринчи босқичдаги ёзувда ўлчам тўғрисидаги маълумотларни ҳар доим келтириш тавсия қилинади. Агар алоҳида физик бирликларнинг ўлчами кўпчилик нашрлар (томлар ва ҳ.)га мос келмаса, тире белгиси билан бирлаштирилган энг кичик ва энг катта ўлчамлар кўрсатилади.

Мисол

; 30–34 см

4) серия соҳасининг элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.7-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади

Мисол

Новые фортепианные произведения зарубежных композиторов [Ноты]. – Вып. 1–7. – Москва : Композитор, 2007–2011. – 29 см. – (Концертный репертуар пианиста)

5) изоҳлар соҳасининг элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.8-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Изоҳлар қуйидаги тартибда ёзилади:

- бутун объект тавсифи соҳалари ва элементларига бериладиган изоҳлар.

Мисоллар

. – Загл. с 1906 г.: Музыка для всех

. – Подзаголовок с 1901 г.: Ежемес. нот. журн. для фп. и пения и муз.-театр. газета

. – Ред.: с 1839 г. М. Бернард, 1881–1893 гг. А. Бернард

- нашрнинг даврийлиги тўғрисидаги изоҳлар (нотали журналлар ва бошқа серияли нашрлар учун).

Мисоллар

. – Ежемес.

. – 24 номера в год

. – Перерыв в изд.:

- иловалар, маълумот апаратининг мавжудлиги тўғрисидаги изоҳлар.

Мисоллар

. – *Нотогр. в каждом томе*

. – *Биогр. справки на суперобложках*

- нашр тили тўғрисидаги изоҳлар.

Мисол

. – *Тит.л.: вып. 1–5 фр.; вып. 6–10 рус., фр.*

- нашриёт беағи, томлар гуруҳининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги изоҳлар.

Мисоллар

. – *Тканевый пер. в т. 2*

. – *3 т. сплетены*

- агар изоҳлар барча нашрлар учун умумий бўлса, тираж тўғрисидаги изоҳлар.

Мисол

. – *300 экз. (каждый вып.)*

- айрим томларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги изоҳлар.

Мисоллар

. – *Т. 3 вышел под загл.:*

. – *Место изд. т. 4:*

. – *Изд-во вып. 3 не указ.*

6) стандарт рақами (ёки унинг муқобиллари) ва фойдалана олиш шартлари соҳасининг элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.9–бандида баён қилинган қоидалар бўйича ҳамда бир босқичли ёзувни шакллантириш қоидалари бўйича келтирилади.

5.3.3.3 Ноталар учун тузилган кўп босқичли ёзувнинг иккинчи босқичидаги элементлар таркиби ва уларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Иккинчи босқичдаги ёзувда соҳалар ва элементларни келтириш қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.10.3–бандидаги талабларга жавоб бериши керак. Нотали ёзувларда иккинчи босқичдаги ёзувда сарлавҳа қўлланмайди.

Кўп босқичли ёзувнинг иккинчи босқичида ноталар учун ёзув тузишнинг ўзига хос хусусиятлари:

- кўп томли (серияли) нашрларнинг алоҳида нашрларида сериялар тўғрисидаги маълумотлар иккинчи босқичдаги ёзувда келтирилади.

Мисол

Новые сочинения зарубежных композиторов [Ноты] : для скрипки соло. – Вып. [1]–7. – Москва : Композитор, 2003–2009. – 29 см.

Вып. 3. – 2004. – 72 с. – (Концертный репертуар скрипача).

- ўзига хос маълумотлар соҳасида маълумотлар улар ушбу томга тегишли бўлган ва биринчи босқичдаги ёзувда келтирилмаган ҳолларда келтирилади.

Мисол

Т. 3, вып. 1 : Сорочинская ярмарка. – Клавираусцуг

Т. 3, вып. 2 : Сорочинская ярмарка. – Партитура

Муסיқа асарлари тўпламларида шарҳлар, яратиш тарихи ва бошқа маълумот аппаратиға ўз ичига олган илова қилинган материали кўпинча алоҳида том сифатида нашр қилинади. Унга иккинчи босқичдаги ёзув тузиш қоидалари бўйича алоҳида ёзув тузилади ёки унинг маълумотлари илова қилинган материал тегишли бўлган томнинг физик характеристикаси соҳасига киритилади.

Мисоллар

Bd. 2 : Messen. – 2005. – XXV, 330 с. + Kritische Berichte

Kritische Berichte. – 2008. – 87 с. : ил., факс. ; 23 см

ёки:

Bd. 2 : Messen. – 2005. – XXV, 330 с. + Kritische Berichte (2008. 87 с.)

Агар кўп томли ёзув объекти хусусий сарлавҳаға эға бўлган томлар гуруҳлари кирадиган умумий сарлавҳа остидаги бўлинмалардан ва алоҳида томлардан ташкил топса, унда ҳар бир бўлинма (иккинчи босқич) ва ҳар бир томға (учинчи босқич) ёзув тузилади.

Мисол

Neue Ausgabe sämtlicher Werke [Ноты] / Wolfgang Amadeus Mozart. – Ser. 1–10. – Kassel ; Basel : Bärenreiter, 2005– . – 33 см.

Ser. 1 : Geistliche Gesangwerke. Wgr. 1 : Messen und Requiem. Abt. 1 : Messen.

Bd. 6 : Einzelsätze und Fragmente. – 2010. – XXXI, 109 с. : факс.

Иккинчи босқичдаги ёзув қисқартирилган бўлиши мумкин. Фақат асосий маълумотларни кўрсатишға йўл қўйилади.

Мисол

New music [Music] : a quart. of mod. compositions. – Vol. 1–14. – San Francisco : The New music soc. of California, 2008–2015.

Vol. 1, N 1–3. – 2008.

Vol. 2, N 1–3. – 2008–2009.

5.3.3.4 Ноталар учун библиографик ёзув тузишнинг ўзига хос хусусиятлари

Кўп қисмли нотали ҳужжатнинг алоҳида қисмига ҳам кўп босқичли, ҳам бир босқичли ёзув тузиш мумкин.

Кўп босқичли ёзув ушбу стандартнинг 5.1.1–5.1.3–бандларида баён қилинган қоидалар бўйича тузилади.

Бир босқичли ёзув кўп қисмли муסיқа асарининг алоҳида қисми учун тузилиши, кўп томли ҳужжатнинг алоҳида томи учун умумий сарлавҳа ёки томнинг хусусий сарлавҳаси остидаги (нашри, сонига) тузилиши мумкин.

Кўп қисмли ҳужжатнинг умумий сарлавҳаси остидаги ҳужжатнинг алоҳида қисмига ёзув тузишда кўп томли нашрнинг умумий сарлавҳаси, унинг сарлавҳасига тегишли бўлган барча маълумотлар, томнинг (қисмнинг) тартиб рақами ва унинг хусусий сарлавҳаси нуқта билан ажратилади.

Мисол

Война и мир. Опера в 13 карт. по роману Льва Толстого. Соч. 91. Т. 2. [Карт. 8–13] / С. С. Прокофьев ; перелож. для пения с фп. Л. Атовмьяна. – [Клавир]. – Москва : Музыка, 2003. – 326 с. ; 29 см. – 3100 экз. – Н. д. 74126 (в пер.) : 6 р. 57 к.

Алоҳида том (нашр, сон, қисм) учун унинг хусусий сарлавҳаси остида ёзув тузишда бутун асар (ҳужжат) тўғрисидаги маълумотлар сериялар соҳасида келтирилади.

Мисоллар

Антракт и большой марш индийцев [Ноты] / перелож. для фп. в 2 руки. – Москва : Композитор, 2008. – 13 с. ; 33 см. – (Африканка : опера в 5 д. / муз. Д. Мейербергера ; № 14-а). – Парал. рус., фр. – Н. д. 14074а.

Fuga N 3 à 3 voix [Ноты] : D-dur : [pour piano]. – Москва : у П. Юргенсона, [ок. 1894]. – 5 с. ; 34 см. – (Посмертные сочинения М. Глинки ; № 9). – Н. д. 6526.

Бир босқичли ёзув тугалланган кўп томли нотали нашр учун (асарлар тўплами, журнал ва бошқ.) тузилиши мумкин. Нотали матнни баён қилиш шакли тўғрисидаги мажбурий маълумотлар улар барча томлар учун хос бўлган ҳолларда махсус маълумотлар соҳасида келтирилади. Агар томларнинг бир қисмида улар мос келмаса, бу тўғрисидаги маълумотлар изоҳлар соҳасига жойлаштирилади. Рақамлаш соҳаси кўп босқичли ёзувнинг биринчи босқичидаги каби тўлдирилади. Чиқувчи маълумотлар соҳасида нашрнинг биринчи ва сўнгги йили кўрсатилади. Физик характеристика соҳасида фақат физик бирликлар сони ва нашр ўлчами кўрсатилади.

Мисоллар

Произведения для ансамблей деревянных духовых инструментов [Ноты]. – Партитура. – Вып. 1–2. – Москва : Музыка, 2004–2005. – 2 тетр. ; 29 см.

Собрание сочинений [Ноты] : в 20 т. / С. С. Прокофьев. – Москва : Музгиз, 2010–2015. – 32 т. ; 30 см.

Бир босқичли ёзув журналларга илова қилинган рақамланмаган нотали иловаларга тузилиши мумкин. Нашрнинг илова эканлиги тўғрисидаги маълумотлар иловалар соҳасида келтирилади.

Мисол

Песня [Ноты] : «Спасибо, жизнь!» : [для голоса с фп.] / сл. Р. Рождественский ; муз. М. Дунаевский – М.: [б. и.], 2000. – 4 с. ; 23 см. – Нот. прил. к журн. «Музыкальный круг», 2000, № 9(205).

5.4 Картографик материаллар

5.4.1 Библиографик ёзув объекти, ахборот манбалари, таркиби ва тузилиши

5.4.1.1 Библиографик ёзув объекти

Библиографик ёзув объекти сифатида бу бўлимда асосий қисм картографик тасвирлар, яъни айнан қуйидагилар бўлган картографик материаллар қаралади:

- карта – Ер сирти, бошқа осмон жисми ёки космик фазонинг математик аниқланган камайтирилган ва умумлаштирилган, уларда жойлашган объектларни қабул қилинган шартли белгиларда кўрсатувчи тасвири;

- атлас – умумий дастур бўйича, бутун асар каби, китоб ёки алоҳида варақлар тўплами кўринишида бажарилган карталарнинг тизимли тўплами;

- глобус – Ер, осмон жисми ёки осмон сферасининг картографик тасвирлар туширилган кичрайтирилган шарсимон модели;

- рельефли карта – рельефнинг картографик тасвир туширилган уч ўлчамли модели;

- анаглиф – махсус тарзда босиб чиқарилган (одатда босмахонада) карта, унга кўзойнаклар-ёруғлик филтрлари орқали қаралганда жойнинг рельефли тасвири вужудга келади.

Ушбу бўлимда бир қисмли ва кўп қисмли босма ва қўлёзмали ўзига хос асл картографик материаллар ва уларнинг репродукцияларига ёзувлар тузиш қоидалари кўриб чиқилади.

Бир қисмли картографик материаллар сифатида қуйидагилар кўриб чиқилади:

- бир варақли ёки бир неча варақларда нашр қилинган, ёпиштирилувчи карта, карта-схема, режа, бир томли атлас;

- кўп варақли атласнинг алоҳида варағи, кўп томли атласнинг алоҳида томи;

- карталар сериясининг алоҳида наشري (варағи), атласлар сериясининг алоҳида наشري (томи);

- картографик материаллар, китоблар ва серияли нашрларга илова қилинган карта ёки атлас.

Бир қисмли ҳажмли картографик материаллар сифатида қуйидагилар кўриб чиқилади:

- рельефли карталар ва анаглифлар;
- географик ва юлдузли глобуслар, планеталар глобуслари.

Картографик материаллар учун ёзувлар тузишда ушбу стандартнинг 5.4-бандида келтирилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда 4-бўлимида келтирилган ва картографик материаллар ва уларнинг алоҳида турларига хос хусусиятларга боғлиқ қоидаларга амал қилинади.

Эски босма картографик материаллар учун ёзувлар тузишда – ушбу стандартнинг 5.2-бандига мувофиқ эски босма нашрлар учун кўзда тутилган қоидалар бўйича картографик материалларга хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда.

5.4.1.2 Ахборот манбалари

Варақли картографик материал учун библиографик ёзув тузиш учун асосий ахборот манбаи бўлиб бутун картографик асар, жумладан картографик тасвир ва илова қилинган материаллар ҳисобланади. Атласлар учун асосий ахборот манбаи бўлиб титул саҳифаси ҳисобланади.

Ахборот манбаларининг рўйхати афзаллик тартибида.

а) карталар учун:

- титул саҳифаси (мавжуд бўлганда);
- картуш (махсус ҳошия);
- картанинг юқори, қуйи ён майдонларидаги маълумотлар;
- карта варақларининг орқа томони;
- муқова (папка, футляр, ўрама, манжетка ва ҳ.)
- нашр қачон ва қаерда чиқарилганлиги тўғрисидаги

маълумотлардан аввал;

- нашр қачон ва қаерда чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- картани жиҳозлаш элементлари (изоҳлар, жадваллар, матн, картографик тасвир банд қилмаган жойлардаги маълумотлар);
- картографик тасвир;
- картага иловалар;
- нашрдан ташқари манбалар;

б) атласлар учун:

- ушбу стандартнинг 5.1.1.2-бандида санаб ўтилган манбалар ва қўшимча равишда қуйидагилар:

- 1) атлас карталарига жойлаштирилган маълумотлар;
- 2) географик номлар кўрсаткичи.

Қўшимча ахборот манбаи бўлиб қуйидагилар хизмат қилиши мумкин: электрон ташувчилардаги картографик материаллар учун контейнер ёки футляр, глобус учун таглик ва бошқ.

Мавжуд маълумотларни аниқлаштириш ва етишмаган маълумотларни олиш учун нашрдан ташқари қуйидаги манбалардан фойдаланиш мумкин: библиографик қўлланмалар (масалан, «Картографик солнома»), кутубхона каталоглари, маълумотнома нашрлари – умумий ва

тематик энциклопедиялар, луғатлар ва маълумотномалар (географик номлар маълумотномалари, топономик, картография-геодезия ва ш.к).

Библиографик тавсифнинг ҳар бир соҳаси учун аввалдан белгиланган ахборот манбаидан фойдаланилади.

Асосий ва қўшимча ахборот манбалари сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси, нашр соҳаси, ўзига хос маълумотлар, чиқувчи маълумотлар ва серия соҳалари учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари ҳисобланади. Аввалдан белгиланган ахборот манбаидан эмас, балки нашрдан ташқари манбадан ўзлаштирилган маълумотлар квадрат қавсларга олинади. Бундай маълумотлар изоҳлар соҳасига ҳам жойлаштирилиши мумкин.

Физик характеристика, изоҳлар ва стандарт рақам соҳалари учун аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб исталган манба ҳисобланади.

5.4.1.3 Қисқартмалар

Картографик материаллар учун тузилган библиографик ёзувларда қўлланиладиган алоҳида сўзлар ва сўз бирикмаларининг қисқартмалари ГОСТ 7.11 ва ГОСТ 7.12 талабларига мос бўлиши керак.

Худудий (географик) номни шакллантиришда картографик материаллар учун тузиладиган библиографик ёзувларда қўлланиладиган, математик асослар соҳаси ва унга изоҳлардаги ва стандартларга кирмаган ўзига хос қисқартмаларни – В иловада келтирилган қисқартмалар рўйхатига қаранг.

5.4.1.4 Библиографик ёзув таркиби ва тузилишининг ўзига хос хусусиятлари

Тузилишига кўра ёзувлар бир босқичли ва кўп босқичли ёзувларга ажратилади. Бир босқичли библиографик ёзув бир қисмли картографик материалга тузилади ва у битта босқичдан иборат бўлади. Бир босқичли ёзув яна кўп қисмли картографик материалга ҳам тузилиши мумкин.

Кўп босқичли библиографик ёзув кўп қисмли картографик материалга тузилади ва у иккита (ёки ундан кўпроқ) иерархик боғлиқ босқичларни ўз ичига олади.

Бир босқичли ёзув соҳалари ва элементлари рўйхати ушбу стандартнинг 4.1.8.1-бандида, кўп босқичли ёзувнинг схемаси 4.1.10.1-бандида келтирилган.

5.4.2 Картографик материал учун бир босқичли библиографик ёзувни тузиш қоидалари

5.4.2.1 Асосий ва қўшимча фойдаланиш нуқталари

Картографик материал учун библиографик ёзув тузишда асосий ва қўшимча фойдаланиш нуқталари сифатида қуйидагилардан фойдаланилади:

- худудий (географик) ном;
- сарлавҳа;

- шахс исми қатнашган сарлавҳа;
- ташкилот номи қатнашган сарлавҳа.

Кўп қисмли картографик материаллар учун библиографик ёзув тузишда асосий фойдаланиш нуқтаси сифатида библиография қилувчи муассаса тилида ушбу стандартнинг 4.2.6-бандларида баён қилинган қоидалар бўйича келтириладиган ҳудудий (географик) сарлавҳа қўлланилади.

Ҳудудий (географик) сарлавҳа сифатида географик номларнинг қуйидаги асосий турларидан фойдаланиш мумкин:

- материклар ва улар қисмларининг физик-географик номлари, алоҳида континентлар ва давлатларнинг физик-географик регионлари, океанлар, денгизлар, уларнинг қисмлари, архипелаглар, ороллар ва ярим ороллар, тоғ массивлари, баландликлар ва пастликлар, дарёлар, кўллар, водийлар, сув чегаралари, алоҳида табиат объектларининг номлари ва ҳ.;

Мисоллар
Европа.

Восточная Сибирь.

Черное море.

Финский залив.

Кольский полуостров.

Дунайские страны.

Западно-Сибирская низменность.

Анды, горы.

Сахалин, остров.

Сахара, пустыня.

Байкал, озеро.

- мамлакатлар гуруҳи, алоҳида мамлакатлар ва уларнинг маъмурий бўлинмаларининг сиёсий номлари;

Мисоллар
СНГ.

Франция.

Мичиган, штат (США).

Московская область.

Кибрайский район (Ташкентская обл.).

– иқтисодий объектлар билан боғлиқ бўлган иқтисодий-географик номлар;

Мисоллар

Байкало-Амурская магистраль.

Канско-Ачинский угольный бассейн.

– шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган пунктларнинг номлари;

– тарихий жойлар номлари.

Мисоллар

Банат, историческая область (Европа, юго-восток).

Аквитания, историческая область (Франция, юго-запад).

Географик номни аниқлаб берувчи географик атамалар сифатида қуйидаги сўзлар қўлланилади: шаҳар, дарё, порт, атроф, кўл, тоғлар, тарихий жойлар.

Худуд (акватория) ёки объект жойлашган жойни аниқлаштирувчи сўзлар сифатида юқори (ўрта, қуйи) оқим, дельта, дарё боши, бассейн, жанубий, ғарбий каби сўзлар қўлланади, бунда «қисм» сўзи у номнинг ўзига кирмаган ҳолларда тушириб қолдирилади.

Сарлавҳада келтирилган географик номни аниқлаштириш учун қуйидаги ҳолларда бошқа географик номдан фойдаланилади:

– яхши маълум бўлмаган ҳудуд ёки объект учун;

Мисоллар

Минас-Жерайс, штат (Бразилия).

Мак-Кинли, гора (Аляска).

«Столбы», заповедник (Красноярский край).

– сарлавҳадаги географик номлар бир хил бўлганда;

Мисоллар

Брест, город (Белоруссия).

Брест, город (Франция).

Медведица, река (приток реки Волги).

Медведица, река (приток реки Дона).

– картографик материалда тасвирланган участкани аниқлаштиришда йўл, маршрут, сув йўли ва шу кабиларнинг бошланғич ва сўнгги нуқталарини кўрсатиш учун;

Мисоллар

Московско-Рязанская железная дорога (Коломна–Рязань).

Днепр, река (маршрут ; Киев–Одесса).

– сарлавҳада иккита тенг ҳуқуқли бир жойга қарашли ҳудудлар мавжуд бўлган ҳолларда ҳудудни умумлаштириб номлаш учун.

Мисол

Ильменский заповедник (Урал).

Агар ҳудудни битта умумлаштирувчи ном билан географик номлашда сарлавҳада бир нечта унга кирувчи ҳудудларнинг номлари кўрсатилган бўлса, сарлавҳада эса умумлаштирувчи ном келтирилса, чегарадош ҳудудларнинг номлари эса қўшимча фойдаланиш нуқталари бўлиб хизмат қилади.

Мисол

Ахборот манбаида:

Сарлавҳада:

Скандинавские страны. Швеция.

Финляндия

Скандинавские страны.

(Қўш. фойдаланиш нуқтаси: Швеция, Финляндия)

Ҳудудий (географик) сарлавҳада зарур бўлган ҳолларда қўшимча равишда тасвирланган ҳодисаларнинг, масалан, тарихий карталар, репродукциялар учун саналар (даврлар) келтирилади:

– саналар араб рақамлари билан «й.» (йил) сўзисиз келтирилади; давр йиллари ўртасига тире белгиси қўйилади; тахминий саналар «атр.» (атрофида), «кейин», «бошланиши», «ўртаси» ва шу каби сўзлар билан кўрсатилади;

Мисоллар

Ўзбекистан (1991–2000).

Мир (1640–1917).

– асрлар рим рақамларида «а.» (аср), «аа.» (асрлар), «эр. ав.» (эрамиздан аввалги) ва шу каби сўзлар билан кўрсатилади;

Мисоллар

Древний мир (IV в. до н. э.).

Россия (нач. XVIII в.).

– қадимий воқеалар учун давр тиредан кейин бўш жой қолдириб сўзлар билан ифодаланиши мумкин.

Мисол

Россия (с древнейших времен –).

Давлатларнинг номларида қисқартирилган шакл фақат камдан-кам ҳолатлардагина қўлланади:

– мамлакатлар учун – АҚШ, ЖАР ва МДХ;

– собиқ СССР республикаларининг номлари учун – РСФСР, УзССР ва бошқ.

Россиянинг (шунингдек, СССР, РСФСР) иккита катта қисмининг географик номлари қўшма ном кўринишида келтирилади, бунда қисм бутундан нуқта билан ажратилади.

Мисоллар

Россия. Азиатская часть.

СССР. Европейская часть.

Сарлавҳада алоҳида қисмлар, туманлар ва шаҳарларнинг объектлари шаҳар номи остида келтирилади ва қисм бутундан нуқта билан ажратилади.

Мисоллар

Москва, город. Метрополитен.

Санкт-Петербург, город. Невский проспект.

Худудий (географик) сарлавҳада тасвирланган худуднинг тенг ҳуқук асосида бир жойга қарашли бўлмаган нечта географик номи сарлавҳада кўрсатилишидан қатъи назар фақат биринчи ном келтирилади. Сарлавҳадан олинган қолган географик номлар қўшимча фойдаланиш нуқталари ҳисобланади.

5.4.2.2 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича картографик материалга хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади.

Карталар учун сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасининг аввалдан белгиланган ахборот манбалари бўлиб картуш (махсус ҳошия), картанинг юқори, қуйи, ён майдонлари, карта варағининг орқа томони, муқова ш.к.; атласлар учун – титул варағи ва унинг турлари, муқова ва ш.к. шрифтли ва рангли ажратиб кўрсатишлар ҳисобга олинган ҳолда хизмат қилади.

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар элементлари қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

- 1) асосий сарлавҳа умумий қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Ставропольский край

Атлас Узбекистана

The Times atlas of the world

Greater London

Агар картанинг асосий сарлавҳаси масштаб тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олса, ушбу маълумотлар тавсифда асосий сарлавҳа таркибида келтирилади.

Мисоллар

Карта мира 1:2 500 000

Vegetation map scale 1:3 000 000 of the consil of Europe member states

Topographische Karte 1:50 000

Аввалдан белгиланган ахборот манбаида сарлавҳа мавжуд бўлмаган ҳолларда у ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича ифодаланади.

Асарни таҳлил қилиш асосида ифодаланган сарлавҳада доимо тасвирланган ҳудуднинг географик номи, картографик материалнинг тематикаси (мазмун) ва тури кўрсатилади.

Мисоллар

[Ўзбекистон ҳудудининг географик комплект харитаси]

[Глобус звездного неба]

[Carta geologica d'Italia]

2) картографик материаллар учун материалнинг умумий белгиланиши сифатида [Карталар] атамаси ёки унинг бошқа тиллардаги эквивалентларидан фойдаланилади. Маълумотлар асосий сарлавҳадан кейинроқ квадрат қавсларга олинган ҳолда ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Схема железных дорог государств-участников СНГ, Латвии, Литвы, Эстонии [Карты]

Атлас мира [Карты]

3) параллел сарлавҳалар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Наукоград Дубна [Карты] = Science city Dubna

Moscow [Карты] : city map = Москва : план города

4) сарлавҳага тегишли бўлган маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Сарлавҳага тегишли бўлган маълумотлар ҳудудий камров ва тематика (мазмун) тўғрисидаги маълумотларни аниқлаштириши, картографик материал тури, у қайси ўқувчилар учун мўлжалланганлигини, манбалар рўйхати ва уни тузиш санаси, картографик тасвир элементлари ҳолати ва ўзгаришлари саналарини акс эттириши, нашрнинг таржима эканлигини кўрсатиши, иловалар мавжудлиги, бағишловлар, бошқа нашрлар билан боғлиқлигини акс эттириши мумкин.

Мисоллар
Краснодар. Черноморское побережье Краснодарского края [Карты] : пешеходу, автомобилисту

Атлас по истории России, XX век [Карты] : 9 кл.

Историко-этнографический атлас Кировской области [Карты] : использ. материалы фонда Кировского обл. краевед. музея

Ваш дом в Вологде [Карты] : атлас : посвящ. 850-летию г. Вологды

Сарлавхага тааллукли бўлган, худудий қамров, тематика (мазмун) ва картографик материал тури тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар сўзларни қисқартирмасдан келтирилади.

Мисоллар
Вологда [Карты] : туристская схема

Страны мира [Карты] : политическая карта : состояние – на 1 июля 2002 г.

Томская область, 2000 [Карты] : атлас автодорог : состояние местности – на 2000–2001 гг.

5) жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда аввал ташкилот (ёки муаллиф) номи, кейин эса шахсларнинг фамилиялари уларнинг асарни яратишдаги вазифалари кўрсатилган ҳолда келтирилади.

Мисоллар
Оренбургская область [Карты] : общегеографический региональный атлас / сост. и подгот. к изданию 433 ЦЭВКФ ; ред.: Ю. Кузнецов, Д. Трушкин

«Young» Rome [Карты] / publ. by Ente provinciale per il turismo di Rome ; text Andrea de Pacali

5.4.2.3 Нашр соҳаси

Нашр соҳаси элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.3-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

5.4.2.4 Ўзига хос маълумотлар соҳаси

Ўзига хос маълумотлар соҳасининг элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.4-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Ўзига хос маълумотлар соҳасига тааллукли маълумотлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) математик асослар соҳаси картографик материаллар учун ўзига хос маълумотлар соҳаси ҳисобланади. Соҳа такрорланиши мумкин.

Ушбу соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб тўлиқ картографик асар ҳисобланади.

Сон масштаби мажбурий элемент ҳисобланади.

Соҳа элементлари қуйидаги кетма-кетликда келтирилади:

сонли масштаб
, номланган масштаб
, график (чизикли) масштаб
; картографик проекция
() координаталар
; тенг кунлик
, замон

Карта (режа)нинг координаталар тўри, узунликнинг ҳисоб боши, йўналтирилган карталар ва шу каби математик асосдаги бундай элементлар изоҳлар соҳасида келтирилади.

2) математик асослар соҳасида маълумотлар ҳужжат тилида келтирилади. Маълумотларни транслитерация қилинган шаклда ёки библиография қилувчи муассаса тилида келтиришга йўл қўйилади.

а) сонли масштаб.

Сонли масштаб тавсифда сатрда келтирилади, «масштаб» сўзи тушириб қолдирилади.

Мисоллар

. – 1:400 000

. – 1:1 000 000

Агар картанинг алоҳида қисмлари турлича масштабларда берилган бўлса, тавсифда ҳар иккала масштаб ҳам келтирилади.

Мисол

. – 1:20 000, 1:100 000

Агар картада сонли масштаб мавжуд бўлмаса, у масштабнинг бошқа нашрда мавжуд бўлган шакллари ўтказиш, картографик тўр бўйича ёки картографик тасвир бўйича маълум масштабдаги ўлчовлар билан ўлчашлар йўли билан аниқланади. Бу ҳолда масштаб квадрат қавсларга олинади.

Мисол

. – [1:200 000]

Масштабни тахминан «атр.» ёки «са.» (сiгса) сўзлари билан келтиришга йўл қўйилади.

Мисол

. – [Ок. 1:2 800 000]

Агар масштабни аниқлаш учун маълумотлар мавжуд бўлмаса, квадрат қавсларга олинган ҳолда «М-б номаълум» (масштаб номаълум) ибораси келтирилади.

Схемалар, истикболли-режали тасвирлар ва шу кабилар учун масштабнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни келтирмасликка ёки квадрат қавсларга олинган ҳолда «М-б номаълум» (масштаб номаълум) ибораси шаклида кўрсатишга йўл қўйилади.

Сарлавҳада эсга олиб ўтилган картанинг сонли масштаби тўғрисидаги маълумотлар математик асослар соҳасида ҳам такрорланади.

Атласлар учун сонли масштаб фақат атласни ташкил қилувчи хариталар битта ёки иккита масштабда берилган ҳолларда йирикроғидан бошлаб келтирилади.

Мисол

. – 1:10 000, 1:200 000

Агар битта масштаб устунлик қилса, у квадрат қавсларга олинган «ва бошқ.» сўзлари билан келтирилади.

Мисол

. – 1:600 000 [и др.]

Агар барча масштаблар турлича бўлса, квадрат қавсларда «М-б турлича» (масштаблар турлича) ибораси келтирилади.

Бироқ атлас мазмунини очиб беришда унга кирувчи карталар рўйхати уларнинг сонли масштаблари билан берилса, турлича масштаблар тўғрисидаги иборани тушириб қолдириш мумкин.

Юлдузли карталарнинг масштаби у нашрда кўрсатилган кўринишда «М-б» (масштаб) сўзи ёки унинг бошқа тиллардаги эквивалентларини кўрсатиш билан келтирилади.

Мисоллар

. – М-б 2 час в 4 см

. – Scale 80 мм per 1°

. – М-б 1,5 мм = 1°

b) номланган масштаб

Номланган масштаб картада кўрсатилган ўлчов бирликларида сонли масштабидан кейин аввал вергул белгиси қўйилган ҳолда келтирилади.

Картада номли масштаб мавжуд бўлмаган ҳолларда у сонли ва график (чизиқли) масштаблар бўйича аниқланади ва квадрат қавсларга олинади.

Картадаги маълумотларда номланган масштаб келтирилгандан кейин ўлчов бирликларида думалоқ қавсларга олинган ҳолда метрик ўлчов тизимида номланган масштаб тўғрисидаги маълумотларни келтиришга йўл қўйилади.

Мисоллар

. – 1:1 000 000, 10 км в 1 см

. – 1:270 000, 5 миль в 1 дюйме (2,7 км в 1 см)

. – 1:21 000, 250 саж. в 1 дюйме (210 м в 1 см)

Картада унинг алоҳида қисмлари учун масштабнинг чекланиши тўғрисидаги мавжуд маълумотлар картада кўрсатилган шаклда номланган масштабдан кейин келтирилади.

Мисол

. – 1:20 000 000, 200 км в 1 см по экв.

Рельефли карталар учун сонли ва номланган масштаблардан ташқари вертикал масштаб картада кўрсатилган шаклда аввал вергул белгиси қўйилган ҳолда келтирилади.

Мисоллар

. – 1:220 000, 2,2 км в 1 см, вертик. м-б 1:1 000 000

. – 1:4 000 000, 40 км в 1 см, вертик. увелич. от 12,1 крат в горах до 64,0 крат на равнине

Глобуслар учун математик асослар элементларидан фақат сонли ва зарур бўлган ҳолларда номланган масштаблари кўрсатилади.

с) график (чизиқли) масштаб.

График (чизиқли) масштаб бошқа турдаги масштаблар мавжуд бўлмаган ягона бўлган ёки улар турли ўлчов бирликларида бир нечта бўлган ҳолларда келтирилади.

Мисол

. – [1:4 000 000, 40 км в 1 см], граф. м-б в км

Агар картада иккита график (чизиқли) масштаб берилган бўлса, иккаласи ҳам келтирилади.

Мисол

, граф. м-бы в верстах и км

Агар харитада бир нечта график (чизиқли) масштаб кўрсатилган бўлса, тавсифда уларнинг умумий сони ва дастлабки иккитасининг узунлик ўлчовлари «ва бош. ўлчовларда» сўзлари билан келтирилади.

Мисол

, 4 граф. м-ба в англ., нем. милях и др. мерах

3) картографик проекция масштаб тўғрисидаги маълумотлардан кейин аввал нуқта вергул бегиси қўйилган ҳолда картада кўрсатилган ифодада келтирилади. Картада проекция тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда у аниқланмайди ва йўқлиги кўрсатилмайди.

Мисол

. – 1:1 500 000, 15 км в 1 см ; пр-ция норм. равноуг. кон.

Картада бош масштаб сақланадиган марказий нуқта (ёки чизиқ) тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар проекция номидан кейин ҳужжатдаги ифода сақланган ҳолда келтирилади.

Мисоллар

; азимут. равнопроект. пр-ция, центр. точка 35°10' С, 33°22' В

; пр-ция кон. равнопр. с параллелями сечения 47° и 62°

Параметрлари бўйича проекция ҳисобланган эллипсоид тўғрисидаги маълумотлар аввал вергул белгиси қўйган ҳолда охирида келтирилади.

Мисоллар

. – 1:40 000 000, 400 км в 1 см ; Lambert conformal conical projection, standard parallel of 33° a. 45° N, ellipsoide de Clarke

. – 1:8 000 000, 80 км в 1 см ; равнопр. кон. пр-ция, эллипсоид Кра-совского

4) географик координаталар, яъни картографик тасвирнинг нолинчи Гринвич меридианидан бошлаб градуслар (°), дақиқалар (') ва сонияларда (") ифодаланган четки узунлик ва кенгликлари думалоқ қавсларга олинган ҳолда аввалдан белгиланган белгиларсиз қуйидаги тартибда келтирилади: F(W) – ғарбий узунлик, Ш(E) – шарқий узунлик, Шм(N) – шимолий кенлик, Ж(S) – жанубий кенлик. Четки узунлик ва кенгликлар тире орқали кўрсатилади, узунлик кенликдан қия чизиқ билан ажратилади.

Мисоллар

(15°B–17°30'45" B / 10°30'12" C–2°30'35" C)

(74°50'W–74°40'W / 45°05'N–45°00'N)

Юлдузлар карталари учун координаталар сифатида карта марказининг тўғри кўтарилиши ёки тасвирланаётган осмон қисми шарқий чегараларининг тўғридан-тўғри кўтарилиши ва карта маркази ёки тасвирланаётган осмон қисми шимолий ва жанубий чегараларининг оғиши кўрсатилади.

Тўғри кўтарилишни «ТК» ҳарфлари ёки уларнинг бошқа тиллардаги эквивалентлари (масалан, «RA» – right ascension) билан кейин соатни (с ёки hr) ва зарур бўлган ҳолларда дақиқа (дақ ёки min) ва сонияни (с ёки sec) 24 соат доирасида кўрсатган ҳолда белгиланади.

Оғиш «Оғ.» сўзи ёки унинг бошқа тиллардаги эквиваленти (масалан, «Decl.» – declination) билан градусларни (°) ва зарур бўлган ҳолларда дақиқа (') ва сонияни (") 360° доирасида шимолий ярим шар учун плюс (+) ва жанубий ярим шар учун минус (–) белгиси билан кўрсатган ҳолда белгиланади.

Тўғри кўтарилиш оғишдан қия чизиқ билан ажратилади. Агар картада иккита кўтарилиш ва (ёки) иккита оғиш мавжуд бўлса, «-га» (to) қўшимчаси билан ажратилган ҳолда иккаласи ҳам келтирилади.

Агар координаталар келтирилса, тенг кунлик тўғрисидаги маълумотлар доимо кўрсатилади, ундан олдин нуқта вергул ва «тк» (тенг кунлик) ёки унинг бошқа тиллардаги эквиваленти «eq.» (equinox) ва сана келтирилади.

Давр тўғрисидаги маълумотлар улар тенг кунликдан фарқ қилиши маълум бўлган ҳолларда келтирилади. Бу маълумотлар «эпоха» (epoch) сўзлари билан бирга келтирилади, улардан олдин вергул белгиси қўйилади.

Мисоллар

(ПВ 16 ч 30 мин к 19 ч 30 мин / Скл. – 16° к – 49° ; рд. 1950, эпоха 1948.0)

(RA 2 hr 00 min to 2 hr 30 min / Decl. – 30° to – 45° ; eq. 1950)

Қутб марказига эга карталар учун оғиш чегараси (limit) кўрсатилади.

Мисоллар

(Центр в Сев. полюсе / Скл. предел +20°)

(Centered at South Pole / Decl. limit – 60°)

Карталари оғиш зоналари бўйлаб жойлашган юлдузлар карталари тўплами ва атласлар учун ҳар бир зона учун оғиш чегаралари келтирилади, бунда тўғри кўтарилиш тўғрисидаги маълумотлар тушириб қолдирилади. Агар зоналар жуда кўп бўлса, дастлабки бир нечта зоналарнинг оғиш чегаралари келтирилади, кейин ўтказиб юбориш (кўп нуқта) белгиси қўйилган ҳолда сўнгги зонанинг оғиш чегараси кўрсатилади.

Мисоллар

(Зоны + 20° к + 70°, – 20° к + 20°, – 70° к – 20° ; рд. 1950.0)

(Zones + 90° to 81°, + 81° to + 63°, ... – 81° to – 90° ; eq. 1950)

5.4.2.5 Чиқувчи маълумотлар соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Карта учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари бўлиб карта варағининг қуйи майдони, унинг орқа томони, муқова, папка, конверт ва ш.к.; атласлар учун – титул варағи ва унинг орқа томони, муқованинг биринчи ва охирги саҳифалари ва безакнинг бошқа элементлари, жумладан атлас (варақ)нинг сўнгги саҳифаси хизмат қилади.

Мисоллар

. – Новгород : Новгородское АГП Роскартографии, 2009

. – Київ : Укргеодезкартография, 2000

. – Edinburg : Bartolomew, 2005

. – Wien : Freytag & Berndt, [2001?]

. – Санкт-Петербург : Книгопродавец Вольф, [186 –]

. – [Б. м., 185– ?]

. – Санкт-Петербург : Картогр. заведение А. Ильина, [между 1873 и 1877]

. – Москва : ДИК : Астрель, 2001 (Отпеч. в Италии)

. – Санкт-Петербург, 1792 (Тип. И. Сытина).

5.4.2.6 Физик характеристика соҳаси

Физик характеристика соҳаси элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Физик характеристика соҳасига тааллуқли маълумотлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) картографик материаллар учун ҳажм ва материалнинг ўзига хос белгиланиши тўғрисидаги маълумотларда карталар учун карталарнинг умумий сони келтирилади, думалоқ қавсларга олинган ҳолда эса, ҳужжатдаги варақларнинг умумий сони қуйидаги шакл бўйича кўрсатилади, бир варақли карта учун кўрсатиладигани бундан мустасно:

Мисоллар

. – 1 к.

. – 1 к. (4 л.)

. – 1 к. (16 л.)

. – 3 к. (1 л.)

Атласлар учун уларнинг сонидан кейин пагинация думалоқ қавсларга олинган ҳолда қуйидаги шакл бўйича кўрсатилади:

Мисоллар

. – 1 атл. (142 с.)

. – 1 атл. (V с., 115 л.)

Бошқа физик характеристикалар орасида биринчи навбатда картографик материалнинг рангдорлиги (рангли безалиши) тўғрисидаги маълумотлар аввал икки нуқта белгиси қўйилган ҳолда «рн.» (рангли) шаклида таъкидлаб ўтилади, ранглар сони учта ва ундан камроқ бўлган ҳолларда эса қуйидагилар кўрсатилади:

Мисоллар

: 1 цв.

: 2 цв.

: 3 цв.

Зарур бўлган ҳолларда картографик асар бажарилган материал (агар қоғоз бўлмаса) пластик, мато, чинни ва шу кабилар шаклида кўрсатилади ва вергул билан ажратилади;

2) қуйидагилар карталар учун қўшимча материаллар ва атласлар материалларининг рўйхати ҳисобланади: атласлар таркибидаги карталар, асосий картага қўшимча карталар (карталар учун), матн, жадваллар,

диаграммалар, графиклар, профиллар, кесимлар, расмлар, йиғиш схемалари ва жадваллар, географик номларнинг кўрсаткичлари ва бошқ.

Карталар учун қўшимча карталар, схемалар, жадвалларнинг умумий сони келтирилади, изоҳларда эса уларнинг сарлавҳалари кўрсатилади. Картографик материалда йиғма варақлар, жадваллар, карталарнинг жойлашиш схемаларининг мавжудлиги уларда кўрсатилган шаклда белгиланади. Географик номлар кўрсаткичлари учун думалоқ қавсларга олинган ҳолда географик номларнинг тахминий сони «атр.» (атрофида) ёки «-дан ортик» сўзлари билан келтирилади.

Агар нашрда қўшимча материалнинг бир неча турлари мавжуд бўлса, уларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар тавсифда юқорида кўрсатилган кетма-кетликда келтирилади, улардан олдин вергул белгиси қўйилади;

3) картографик материал ўлчами тўғрисидаги маълумотлар сантиметрларда карта варағи узунлигининг (атлас муқоваси баландлигининг) варақ кенглигига (муқова асосига) кўпайтмаси кўринишида келтирилади. Ўлчам тўғрисидаги маълумотлардан олдин нуқта вергул қўйилади.

Агар ўлчам сантиметр ва миллиметрларда ифодаланган бўлса, у сантиметрлардаги кейинги бутун сонгача яхлитланади.

Агар карта бир хил ўлчамдаги бир нечта варақларда нашр қилинган бўлса, битта варақнинг ўлчами кўрсатилади, агар турли ўлчамли варақларда нашр қилинган бўлса, энг катта варақнинг ўлчами квадрат қавсларда «ва бошқ.» сўзлари билан келтирилади.

Папкага (муқовага) солинган нашрлар учун иккита ўлчам: варақнинг ўлчами, вергулдан кейин эса муқованинг ўлчами кўрсатилади.

Буклетлар кўринишида нашр қилинган карталар учун бутун варақнинг ўлчами кўрсатилади, кейин эса вергул белгиси орқали картанинг тахланган кўринишдаги ўлчами «тахл.» (тахланган) сўзлари билан келтирилади.

Рельефли карталар учун ўлчамлар тўғрисидаги маълумотларда қўшимча равишда вертикал ўлчами, яъни рельефли картанинг баландлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Глобус учун ўлчамлари тўғрисидаги маълумотларда унинг айланаси узунлигини π сонига бўлиш йўли билан олинadиган диаметрининг узунлиги сантиметрларда келтирилади.

Мисоллар

. – 1 к. (6 л.) : цв., 3 доп. карты, ил. ; 30x60 см [и др.]

. – 1 к. (12 отд. л.) : цв., текст, табл., сб. схема ; 89x100 см

. – 1 к. : цв., 2 доп. карты, текст, ил., указ. (ок. 600 назв.) ; 66x44 см, слож. 22x11 см

. – 1 атл. (89 с.) : цв., карты, сб. табл., указ. (св. 1700 назв.) ; 30x22 см

. – 1 атл. (264 с., XV1 с.) : цв., карты, текст, табл., диагр., граф., ил., указ.
(ок. 28000 назв.)

. – 1 к. : цв., 8 доп. карт ; 64x118 см, в обл. 23x13 см + прил. (59 с. ; 22x12 см)

. – 1 рельеф. к. : цв. пластик, табл. ; 57x66x2 см

. – 1 глобус : 2 цв., пластик ; диам. 32 см

4) илова қилинган материаллар тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Географик номларнинг илова қилинган кўрсаткичлари учун номлар сони пагинациядан кейин ўлчамгача квадрат қавсларда келтирилади.

Иловалар ўлчами варақ (муқова) узунлиги (баландлиги)нинг кенглигига (асосига) кўпайтмаси кўринишида кўрсатилади.

Мисоллар

+ указ. (15 с. (ок. 2650 назв.) ; 20x11 см)

+ карта (1 л., пластик ; 50x75 см)

+ объясн. записка (55 с. ; 22x15 см)

5.4.2.7 Сериялар соҳаси

Сериялар соҳаси элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.7-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

. – (Люби и знай свой край)

. – (Карты мира. Европа)

. – (Места Узбекистана)

. – (Euro map)

. – (History of East Central Europe ; v.1)

. – (A Hildebrand’s Travel map ; 51)

. – (Le guide du Routard, ISSN 0768-2034)

5.4.2.8 Изоҳлар соҳаси

Изоҳлар соҳаси элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.8 ва 5.1.2.7-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Картографик материаллар учун яна қуйидаги изоҳлар ҳам берилиши мумкин:

- сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасига.

Карталарнинг асосий сарлавҳадан фарқ қилувчи хусусий сарлавҳалари тўғрисидаги изоҳ.

Мисоллар

Отечественная война 1812 г ... – 2 к. (2 л.) ...

Карты: Нашествие наполеоновской армии на Россию ; Изгнание наполеоновской армии из России

Валдай ... – 2 к. (1л.) ... – Двусторон. печать ...

Карты: Валдайский район : [общегеографическая карта] ; Валдай : [план города]

Картографик материални тузиш манбалари тўғрисидаги маълумотларга изоҳлар, агар улар иккитадан кўп бўлса.

Мисол

. – Исполъз. материалы также: отдела особо охраняемых природ. территорий Департамента охраны окружающей среды и экол. безопасности М-ва природ. ресурсов РФ

Агар ушбу маълумотлар асосий сарлавҳа ёки сарлавҳага тегишли бўлган маълумотлар билан грамматик жиҳатдан боғланмаган бўлса, изоҳларда юлдузлар карталари учун юлдузларнинг чегаравий катталиклари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Мисоллар

. – Пред. велич. звезд 3.5

. – Пред. велич. звезд 6.5

- математик асослар соҳасига изоҳлар тавсифнинг ушбу соҳасида акс эттирилмаган математик элементлар тўғрисидаги қўшимча маълумотларни ўз ичига олади.

Координата тўрлари (картографик, тўғри бурчакли координаталар, компас йўналишлари) тўғрисидаги изоҳлар қуйидаги шакл бўйича келтирилади:

Мисоллар

. – Картогр. сетка

. – Прямоуг. сетка

. – Компас. направления

Агар картада факат меридианлар ва параллелларнинг чиқишлари белгиланган ёки картографик тўрларнинг марказий чизиклари кўрсатилган бўлса, бу қуйидаги шакл бўйича кўрсатиб ўтилади:

Мисоллар

. – Выходы картогр. сетки

. – Центр. меридиан и параллель

Картографик тўрнинг йўқлиги қуйидаги шакл бўйича кўрсатиб ўтилиши мумкин:

Мисол

. – Без сетки

Схематик тасвирларга эга бўлган нашрлар учун ушбу изох келтирилмайди.

Узунлик саноғининг бошланиши (бошланғич меридианда) тўғрисидаги изох, агар у халқаро Гринвич меридианидан олиб борилмаган ҳолларда келтирилади.

Мисоллар

. – *Долг. от Ферро*

. – *Долг. от Пулкова*

Агар картада узунлик икки ва ундан кўпроқ бошланғич меридианлардан бошлаб кўрсатилган бўлса, ҳар иккаласи тўғрисидаги маълумотлар, жумладан Гринвич меридиани тўғрисидаги маълумотлар ҳам келтирилади.

Мисоллар

. – *Долг. от Гринвича и Стокгольма*

. – *Долг. от Ферро и Парижа*

Агар бошланғич меридиан картада белгиланмаган, бироқ уни картографик тўр бўйича аниқлаш мумкин бўлса, у тўғрисидаги изох «аниқл.» (аниқланган) сўзи қўшилган ҳолда келтирилади.

Мисол

. – *Установл. долг. от Пулкова*

Картадаги ориентирлаш тўғрисидаги изох фақат у шимол томонга ориентирланмаган ҳоллардагина келтирилади.

Мисоллар

. – *Ориент. по югу*

. – *Ориент. по востоку*

Картада таянч нукталарнинг (астрономик, триангуляцион, нивелир) мавжудлиги тўғрисидаги изох қуйидаги шакл бўйича келтирилади:

Мисоллар

. – *Астроном. пункты*

. – *Нивелир. пункты*

- физик характеристика соҳасига изохлар.

Картографик материаллар учун рангли безашнинг ўзига хос хусусиятлари, ижро (босиш) усуллари ва полиграфик безаш тўғрисидаги изохлар берилиши мумкин.

Мисоллар

. – *Без фоновой окраски*

. – *Контуры синим цветом*

. – *Грав.*

. – *Рельеф. тиснение (конгрев)*

. – *Двусторон. печать*

. – *Карты на одной стороне л.*

. – *Карты на обеих сторонах л.*

Карта ёки атласда кўшимча материалларнинг жойлашиши тўғрисидаги изоҳлар.

Мисоллар

. – *На обл.: схема московского метрополитена*

. – *На форзаце: сб. схема листов*

. – *На обороте л.: план г. Москвы*

. – *На обороте л.: указ. геогр. назв. и справ. сведения*

- тўлиқ асар ёки унинг алоҳида нусхасига тегишли бўлган умумий кўринишдаги изоҳлар орасида, шунингдек қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

1) карта (атлас)нинг бошқа асарлар билан боғлиқлиги тўғрисидаги изоҳ, яъни ушбу нашр бутунлигича ёки унинг алоҳида қисми бошқа асардан олинганлиги (таржимаси) ёки бошқа асар – картографик, китобий ёки серияли нашрга илова эканлиги; картографик асарнинг маҳаллий ва масофадан фойдаланиш мумкин бўлган электрон версияга эгаллиги тўғрисидаги изоҳ.

Мисоллар

. – *Карта для журнала «Вокруг света», № 4, 2003 г.*

. – *Прил. к книге: Бухара. Исторический очерк С. В. Хожжаева. Ташкент, 2013*

. – *Атлас доступен также на CD-ROM*

. – *Сведения доступны также по Интернету*

2) нашриёт индекси тўғрисидаги изоҳ. Зарур бўлган ҳолларда у нашрда берилган кўринишда келтирилади.

Мисоллар

. – *Г-4168*

. – *В-2611*

3) картографик асарни тарқатиш ва ундан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги изох.

Мисоллар

. – *Рассылается по списку*

. – *Продаже не подлежит*

. – *Для служеб. пользования: экз. № 7*

4) тираж тўғрисидаги изох.

Мисол

. – *2500 экз.*

- карталар ва атласларнинг мазмуни тўғрисидаги изохлар қисқа, кенгайтирилган ва тўлиқ бўлиши мумкин.

Картанинг мазмуни тўғрисидаги қисқача изох ушбу маълумотлар аввалроқ акс эттирилмаган ҳолларда картанинг асосий белгилари – худудий қамрови, тематикаси, кўриниши ва мақсади тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу изох янги сатрда келтирилади.

Мисоллар

Общегеографическая карта

Политико-административная карта

Бу ерда картографик тасвирлар ва асар безалишининг у ёки бу элементларининг қисқача характеристикаси ҳамда сарлавҳанинг таржимаси, асосий картага қўшимча карталар рўйхати уларнинг масштаблари билан келтирилиши мумкин. Масштаблар сарлавҳадан нуқта билан, қўшимча карталар тўғрисидаги маълумотлар эса, нуқта вергул билан ажратилади.

Картанинг мазмуни тўғрисидаги кенгайтирилган изох яна қўшимча материаллар – матнлар, жадваллар, диаграммалар ва шу кабилар тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади.

Барча қўшимча материаллар тўғрисидаги маълумотларни тавсифнинг барча соҳаларидан кейин янги сатрдан келтиришга йўл қўйилади.

Қўшимча картанинг сарлавҳаси картада берилган кўринишда келтирилади, сарлавҳа мавжуд бўлмаган ҳолларда у ифодаланади ва квадрат қавсларга олинган ҳолда кўрсатилади.

Мисоллар

Доп. карта: [Центральная часть города]

Доп. карты: [Окрестности Венеции]. 1:150 000 ; Murano. 1:15 000 ; [Италия]

Текст: [Краткая историческая справка]

Текст: [Информация о городе]

Табл.: [Республиканские и районные города]

Схема: [Автомобильные развязки]

Қўшимча карта учун жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар улар асосий картанинг ушбу маълумотларидан фарқ қилган ҳолларда тавсифда умумий қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Доп. карта: Геодинамическая эволюция территории современного Узбекистана / авт.: К. М. Каримов [и др.]. – 1:35 000 000

Доп. карта: Система бассейнов подземных вод территории Российской Федерации

Текст: Пушкинский район – жемчужина Подмосковья

Табл.: Автозаправочные станции Харьковской области

Табл.: Экологическое состояние геологической среды

Картанинг мазмуни тўғрисидаги тўлиқ изоҳ картографик тасвир, яъни харитадаги шартли белгилар тўғрисидаги маълумотлар қўшимча равишда очиб берилишини билдиради.

Атласнинг мазмуни тўғрисидаги қисқача изоҳ картага бўлган изоҳга ўхшаш бўлади ва атлас сарлавҳасида ҳамда сарлавҳага тегишли маълумотларда мавжуд бўлмаган маълумотлар билан тўлдиради.

Мисоллар

Комплексный атлас

Политический атлас

Атласнинг мазмуни тўғрисидаги кенгайтирилган изоҳ карталар масштабларининг хусусиятлари ва атлас таркиби тўғрисидаги қисқача, қўшимча маълумотлар (матнлар, расмлар, маълумотномали ва бошқа материаллар) ёки нашрнинг тузилиши тўғрисидаги умумий маълумотлардан ташкил топади.

Мисол

Общегеографический атлас со сведениями по полит. делению мира и его частей для широкого круга читателей

Атласнинг мазмуни тўғрисидаги тўлиқ изоҳ қисқача изоҳга қўшимча равишда атлас бўлимларини очиб бериш ёки карталар рўйхатини уларнинг масштаблари ва атласнинг қўшимча материаллари билан бирга ўз ичига олади.

5.4.2.9 Стандарт рақам (ёки унинг муқобиллари) ва фойдалана олишлик шартлари соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.9-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

. – ISBN 5-89832-004-0

. – ISBN 5-88590-885-0 (Русич). – ISBN 5-85576-004-9 (Роскартография)

5.4.3 Картографик материал учун тузилган кўп босқичли библиографик ёзувни шакллантириш қоидалари

5.4.3.1 Кўп босқичли библиографик ёзувнинг тузилиши ва боғлиқликлари

Кўп босқичли библиографик ёзув кўп қисмли картографик материал – барча қисмлари, қисмлар гуруҳи ёки бир қисми учун тузилади.

Кўп қисмли картографик материал сифатида кўп варақли карта, кўп томли атласнинг барча таркибий қисмлари тўплами, умуман карталар ёки атласлар сериялари; кўп варақли карта варақлари тўплами, кўп томли атласнинг томлари тўплами, серияли нашрдаги карталар ва атласларнинг нашрлари тўплами ҳамда кўп қисмли картографик материалнинг алоҳида физик бирлиги – кўп варақли каптанинг алоҳида варағи ёки кўп томли атласнинг алоҳида томи қаралади.

Кўп қисмли картографик материал учун кўп босқичли ёзув тузишда барча босқичдаги элементлар ушбу стандартнинг 5.1.3, 5.4.1–5.4.3-бандларига мувофиқ қоидалар бўйича келтирилади.

Сарлавҳа кўп босқичли ёзувнинг фақат биринчи босқичида тавсифдан олдин келиши мумкин. Ёзувнинг иккинчи босқичида сарлавҳа қўлланмайди.

Биринчи босқичда ёзувни тузишнинг умумий қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.10.2-бандида келтирилган.

Иккинчи босқичда ёзувни тузишнинг умумий қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.10.3-бандида келтирилган.

Мисол

O'zbek tilida dialektologik atlas [Kartalar] : xarita : 3 qismda / Toshkent Milliy un-ti tomonidan tayyorlangan muharrirlar tahririyati : Yu. M. Ahmedov, I. A. Usmanova. - 1 : 1:200 000. - Toshkent : Yergeodezkadastr Davlat Qo'mitasi, 2006. - 1 x. : rangli, jadval, ko'rsatkich (2.345 nomga yaqin) ; 40x60 sm. 30x15 papkada.- 5000 nusxa.

Q. 1 : Fonetika / maxsus mazmunini ishlab chiqqan R. S. Rustamov [va boshq.] ; qism muharriri: Yu.M. Ahmedov. – 2006. – 1 atl. (112 v.) – 2500 nusxa.

Q. 2 : Morfologiya / maxsus mazmunini ishlab chiqqan R.S. Rustamov [va boshq.] ; qism muharriri: Yu.M. Ahmedov. – 2006. – 1 atl. (120 v.) – 2500 nusxa.

5.4.3.2 Картографик материал учун тузилган кўп босқичли ёзувнинг биринчи босқичидаги элементлар таркиби ва уларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасида асосий сарлавҳа сифатида кўп варақли (кўп томли) картографик материалнинг умумий сарлавҳаси келтирилади.

Асосий сарлавҳа ва материалнинг умумий белгиланиши ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида келтирилган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Хоразм [Карталар]

Тошкент вилояти [Карталар]

Карелия [Карты]

Подмосковье [Карты]

[Топографическая карта России] [Карты]

Элементлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) параллел сарлавҳа ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисол

Общекарпатский диалектологический атлас [Карты] = Atlas dialectologique des Carpates

2) сарлавҳага тегишли бўлган маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.10.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича кўп қисмли картографик материалда берилган кетма-кетликда келтирилади. Қўшимча равишда кўп варақли карталар тўлиқ комплектидаги карталарнинг ёки кўп томли атлас томларидаги варақлар умумий сони тўғрисидаги мажбурий маълумотлар келтирилади. Агар нашрда ушбу маълумотлар мавжуд бўлмаса, улар нашрдан ташқари манбалардан ўзлаштирилади ва квадрат қавсларга олинган ҳолда ёзувда келтирилади.

Мисоллар

: туристский план : [комплект из 9 планов на районы города]

: туристик режа : [9та комплект шаҳар туманларининг режалари билан]

: [Самарқанд вилояти] : туристик харита : 15 варақда

: топографическая карта : [на 7 л.] : состояние местности – на 2000 г.

3) биринчи босқичдаги жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда кўп қисмли картографик материалнинг ҳамма қисмларини ёки кўп қисмини тайёрлашда иштирок этган ташкилотларнинг номлари (муаллифларнинг исмлари) ва шахсларнинг исмлари уларнинг материалларни тайёрлашдаги вазифаларини кўрсатган ҳолда ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

/ тузилган 2007 й. ; босмага тайёрланган ПКО «Картография» 2009 йида ; муҳаррир Н.А. Усмонов

/ Ўзб. ФА, Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти [ва бошқ.] ; муҳаррирлар: Т. Тожиёв, М. Саттарова

/ подгот. к печати Национальным географическим обществом в 2004 г.

/ сост. в 2005 г. ; подгот. к печати Уральским АГП в 2007 г. ; ред. М. И. Курепко

/ РАН, Ин-т славяноведения и балканистики [и др.] ; ред.: С. Б. Бернштейн, Г. П. Клепикова

4) кўп қисмли картографик материал учун математик асослар соҳасида биринчи босқичда кўп қисмли картографик материалнинг барча таркибий қисмлари учун сонли масштабда умумий бўлган маълумотлар келтирилади.

Агар кўп варақли карталар (кўп томли атласдаги карталар) варақларининг бир қисми бир масштабда, бошқаси эса тахминан шу билан бир хил бўлган бошқа масштабда нашр қилинган бўлса, ҳар иккала масштаб ҳам кўрсатилади.

Мисол

. – 1:50 000, 1:63 000

Агар кўп варақли карталар (кўп томли атласдаги карталар) варақларининг катта қисми бир масштабда, қолганлари эса бошқа масштабда берилган бўлса, устунлик қилувчи масштаб квадрат кавсларда «ва бошқ.» сўзлари билан келтирилади. Барча фарқлар иккинчи босқичдаги ёзувда кўрсатилади.

Мисол

. – 1:200 000 [и др.]

Агар кўп қисмли материалда устунлик қилувчи масштаб мавжуд бўлмаса, биринчи босқичда «Масштаблар турлича» сўзларини келтиришга, масштабларнинг ўзини эса иккинчи босқичда кўрсатишга йўл қўйилади.

Кўп варақли карта учун яна номланган ва график (чизиқли) масштаблар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда картанинг барча варақлари учун умумий бўлган картографик проекция ушбу стандартнинг 5.4.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисол

. – 1:200 000, 2 км в 1 см ; пр-ция Гаусса-Крюгера

5) чиқувчи маълумотлар соҳасида соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.10.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади;

6) физик характеристика соҳасида соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.10.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича қуйидаги ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади;

7) материалнинг махсус белгиланиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар.

Карта варақлари ва атласлар томларининг сони тўғрисидаги маълумотлар тугалланган кўп қисмли материаллар ёки варақлар (томлар) тўплами учун биринчи босқичда келтирилади.

Мисоллар

. – 244 к. (251 л.)

. – 2 атл.

. – 9 отд. к.

Кўп варақли (кўп томли) картографик материални нашр қилиш учун фойдаланилган материалнинг рангдорлиги (рангли безалиши) ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар кўпгина варақлар (кўп томлар) учун умумий бўлган ҳолларда биринчи босқичда келтирилади.

Мисоллар

: цв., ламинир. бумага

: ранг., ламинир. қозғоз

Йиғма схемалар (жадваллар)нинг, қўшимча карталар ва бошқа қўшимча материалларнинг барча варақларида кўп варақли карта учун умумий бўлган маълумотлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар ёки кўп томли атлас томлари таркибидаги материалларнинг хусусиятлари тўғрисидаги умумий маълумотлар биринчи босқичда келтирилади.

Мисоллар

: цв. : схема, текст, сб. табл.

: ранг, схема, матн, тўплам, жадвал

Ўлчам тўғрисидаги маълумотлар улар карталарнинг барча ёки кўпгина варақлари (атлас томлари) учун бир хил бўлган ҳолларда биринчи босқичда келтирилади. Бу ерда папка, конверт, муқова, тахланган ҳолатдаги карта варағи ёки атлас ғилофининг барча томлари учун умумий бўлган ўлчами белгилаб берилиши мумкин.

Агар кўп варақли картанинг варақлари (кўп томли атлас томлари) турли ўлчамга эга бўлса, ушбу маълумотлар тушириб қолдирилиши ёки «ва бошқ.» сўзлари билан энг катта варақнинг (томнинг) ўлчамини кўрсатиш, алоҳида варақлар (томлар) ўлчамларини эса иккинчи босқичда кўрсатиш мумкин;

8) изохлар соҳасида элементлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича берилган кетма-кетликда келтирилади.

Мисоллар

. – *Международ. изд. карты картогр. службами стран СЭВ*

. – *С 1991 г. загл.: Государственная геологическая карта Республики Узбекистан*

(харита учун: Государственная геологическая карта УзССР)

- . – *Загл. и вступ. статья парал. рус., пол. и фр.*
- . – *Загл. и усл. зн. парал. рус., англ.; геогр. назв. лат. шрифтом в нац. форме*
- . – *Описание сост. по обл.*
- . – *На каждом л. схема адм. деления*
- . – *На каждом л. схема расположения прилегающих листов*
- . – *На обл.: Схема расположения листов карты м-ба 1:500 000 на территории деятельности каждого АГП*
- . – *На карте представлена и информация для автотуристов: АЗС, кемпинги, достопримечательности*
- . – *На города Ангрэн и Бекабад предлагаются план-схемы в масштабах 1:20 000 и 1:22 000 соответственно*

5.4.3.3 Картографик материал учун тузилган кўп босқичли ёзувнинг иккинчи босқичидаги элементлар таркиби ва уларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Кўп босқичли ёзувнинг иккинчи босқичида соҳалар ва элементларни келтириш қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.10.3 ва 5.4.3-бандларида баён қилинган қоидаларга мувофиқ.

Кўп қисмли картографик материалларнинг иккинчи босқичидаги ёзувда сарлавҳа қўлланмайди.

Элементлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) картографик материал учун тузилган иккинчи босқичидаги ёзувнинг ўзига хос хусусиятлари.

Кўп варақли карта ҳар бир варағининг сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасининг бошида унинг номенклатураси ҳар бир карта варағида, рим рақамлари сақланган ҳолда кўрсатилган шаклда келтирилади.

Мисол

Л.15 ; Sh. SD/52-1 ; Bl. XXV-10 ; P-37, 38 ; N-39-XXI

Атласлар учун томларнинг рақами келтирилади. Кўп қисмли картографик материалда қисмлари рақамлаштирилмаган ҳолларда улар иложи борида бутун материални умуман таҳлил қилиш асосида ифодаланади ва квадрат қавсларга олинган ҳолда келтирилади.

Карта варағининг (атлас томининг) хусусий сарлавҳаси иккинчи босқичда асосий сарлавҳа ҳисобланади. Агар хусусий сарлавҳа мавжуд бўлмаса, тавсифнинг кейинги элементлари аввалдан белгиланган белгилар билан бирга келтирилади.

Математик асослар соҳасида ва барча кейинги соҳаларда картанинг ҳар бир варағи (атлас томининг) учун маълумотлар фақат улар биринчи

босқичдаги ёзувда кўрсатилган маълумотлардан фарқ қилган ёки у ерда берилмаган ҳоллардагина умумий қоидалар бўйича келтирилади.

Географик номлар умумий кўрсаткичининг алоҳида томи ёки шарҳлар, маълумотнома аппарати ва шу кабиларга эга бўлган иловалар кўринишида нашр қилинган кўп қисмли картографик материалга илова қилинган материалга кўп босқичли ёзувнинг иккинчи босқичи қоидалари бўйича алоҳида ёзув тузилади ва у ёзувнинг охирида келтирилади

Кўп қисмли картографик асар картасининг алоҳида варағига (атласнинг томига) иловалар тўғрисидаги маълумотлар унинг физик характеристикаси соҳасида келтирилади, илова сарлавҳаси эса зарур ҳолларда кўп қисмли картографик материалнинг тегишли варағига (томига) берилган изоҳларда кўрсатилади.

Иккинчи босқичдаги изоҳлар соҳасида кўп қисмли картографик материал асосий сарлавҳаси ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар ва биринчи босқичдаги маълумотлардан фарқ қилувчи, картанинг алоҳида варақларини (атлас томларини) тавсифловчи хусусий маълумотлар келтирилади.

Иккинчи босқичдаги ёзув қисқартирилган бўлиши, яъни фақат кўп варақли карта варақлари номенклатурасининг рўйхати (кўп томли атлас томлари тартиб рақамларини) кўринишидаги асосий маълумотларни ва (мавжуд бўлганда) нуқта билан ажратилган ҳолда уларнинг сараланган кўринишда келтиришга йўл қўйиладиган ISBN ни ўз ичига олиши мумкин. Варақлар номенклатурасининг (томлар рақамларининг) кейинги қатори тире белгиси билан бирлаштирилади.

Мисол

Атлас снежно-ледовых ресурсов мира [Карты] : [в 2 т.] / подгот. к изд. НПП «Картография» в 2008–2010 гг. ; отв. ред.: Г. Н. Кучеренко, Т. Н. Шульга ; работы по созданию: Ин-т географии РАН ; гл. ред. В. М. Котляков. – Москва : РАН, Ин-т географии, 2010. – 2 атл. : цв, карты, текст. – Загл., предисл. и содерж. парал. рус. и англ. – ISBN 5-89685-001-0.

Т. 1–Т. 2 (кн. 1–2).

2) картографик материал учун библиографик ёзув тузишнинг ўзига хос хусусиятлари

Кўп қисмли картографик материалнинг алоҳида қисми учун кўп босқичли ҳамда бир босқичли библиографик ёзув тузиш мумкин.

Кўп босқичли библиографик ёзув ушбу стандартнинг 5.1.3 ва 5.4.3-бандларида келтирилган қоидалар бўйича тузилади.

Бир босқичли ёзув кўп қисмли картографик материалнинг умумий сарлавҳа ёки хусусий сарлавҳа остидаги алоҳида қисми учун ва тўлиқ тугалланган кўп қисмли картографик материал учун тузилиши мумкин.

Кўп варақли картанинг алоҳида варағи (кўп томли атласнинг томи) учун кўп қисмли материалнинг умумий сарлавҳаси остида ёзув тузишда унинг умумий сарлавҳаси, варақлар номенклатураси (том рақами) ва унинг хусусий сарлавҳаси нуқталар билан ажратилади.

Мисол

O'zbek tilida dialektologik atlas [Kartalar]. Xarita. 3 qismda. Q. 1. Fonetika / Toshkent Milliy un-ti tomonidan tayyorlangan muharrirlar tahririyati : Yu. M. Ahmedov, I. A. Usmanova ; maxsus mazmunini ishlab chiqqan R. S. Rustamov [va boshq.] ; qism muharriri: Yu.M. Ahmedov. – 1:2 500 000. – Toshkent : Yergeodezkadastr Davlat Qo'mitasi, 2006. – 1 atl. (112 v.) : rang., jadv. ; 80x58 sm., 59x42 sm. papkada. – 2500 nussha.

Кўп варақли картанинг алоҳида варағи (кўп томли атласнинг томига) учун унинг хусусий сарлавҳаси остидаги ёзув тузишда умуман кўп қисмли картографик материал тўғрисидаги маълумотлар ва карта варақлари номенклатураси (атлас томлари рақамлари) сериялар соҳасида келтирилади. Агар картанинг алоҳида варағи (атлас томи) серия таркибига кирса, унда ушбу маълумотлар иккинчи серия сифатида келтирилади.

Мисол

Fonetika [Kartalar] / Toshkent Milliy un-ti tomonidan tayyorlangan muharrirlar tahririyati : Yu. M. Ahmedov, I. A. Usmanova ; maxsus mazmunini ishlab chiqqan R. S. Rustamov [va boshq.] ; qism muharriri: Yu.M. Ahmedov. – 1:2 500 000. – Toshkent : Yergeodezkadastr Davlat Qo'mitasi, 2006. – 1 atl. (112 v.) : rang., jadv. ; 80x58 sm., 59x42 sm. papkada. – (O'zbek tilida dialektologik atlas : xarita : 3 qismda ; q. 1). – 2500 nussha.

Тугалланган кўп қисмли картографик материал ёки карта варақлари тўплами (атласлар томлари) учун ёзув тузишда сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасида албатта кўп қисмли картографик материалнинг ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Математик асослар соҳасида бутун кўп қисмли материал учун умумий бўлган сонли масштаб кўрсатилади.

Чиқувчи маълумотлар соҳасида биринчи ва охириги нашр қилинган йили келтирилади.

Физик характеристика соҳасида картадаги (атласлар томидаги) албатта варақлар бирликларининг ҳақиқий сони, ранглилиги (рангли безалиши) ва кўп қисмли материалнинг барча бирлиги учун умумий бўлган ўлчам тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Сериялар соҳасида кўп қисмли материалга кирувчи биринчи ва сўнгги нашрларнинг рақамлари келтирилади.

Мисол

. – (...; тар 1436А–1454А)

Изоҳлар соҳасида умуман кўп қисмли материал учун энг кўп даражада характерли бўлган умумий ва хусусий кўринишдаги изоҳлар таъкидлаб ўтилади.

5.5 Тасвирий материаллар (тасвирий нашрлар ва бошқа графика)

5.5.1 Библиографик ёзув объекти, ахборот манбалари, таркиби ва тузилиши

5.5.1.1 Библиографик ёзув объекти

Варақли тасвирий материаллар (тасвирий нашрлар ва бошқа графика) библиографик ёзув объектлари ҳисобланади.

Тасвирий нашрларга нашр қилинган, маълумотлар белгиларининг хусусияти (визуал) ва материал тузилиши (варақ) бўйича исталган ахборот ташувчиларида бирлаштирилган варақли тасвирий нашрларнинг барча турлари, шунингдек, уларнинг таркибий қисмлари ва бир жинсли ва кўп жинсли турларининг қуйидаги тўпламлари киради:

- графика асарлари (эстап, лубок, плакат, амалий графика – экслибрис, этикетка ва бошқ.);
- оммавий визуал ахборот ва бадиий маданиятни (бадиий репродукция, тасвирий открытка, репродукцион фотография) оммалаштириш функциясини бажарувчи тасвирий материаллар;
- бадиий-ҳужжатли материаллар (тиражли ва оригинал муаллиф фотографияси).

Тасвирий нашрлар бир қисмли ва кўп қисмли бўлиши мумкин.

Библиографик ёзув объектлари сифатида нашр қилинмаган варақли тасвирий материаллар ҳам бўлиши мумкин.

Тасвирий материалларнинг ҳар бир тури бадиий ғоянинг график (гравюралар, литографиялар ва бошқ.), полиграфик ёки фотографик тимсолидан иборатдир

Муаллифлик ва тиражли босилган нусхалар кўринишидаги график тимсолни гравюралар ва литографиялар, гравюралар лубок, плакатлар, экслибрис ва турли график техника: литография, ёғоч, металл, линолеум, ипак графикасидаги гравюра ва бошқаларда бажарилган турли саноат ва амалий графика асарларидан олинади.

Ушбу тасвирий материаллар муаллифлик ғоясининг турли тимсоллари босма нусханинг ҳолатларидаги тахта ёки тошни тузатиш, тасвири битта ташувчидан бошқасига ўтказиш, рангли ечимнинг нозик фарқлари, бўяшлар ва шу қабилар томонидан вужудга келган вариантларда ифодаланади.

Босилган нусхалар кўринишидаги полиграфик тимсолни плакат, амалий графиканинг каттагина қисми, шунингдек - оммавий визуал ахборот ва бадиий маданиятни (бадиий репродукция, тасвирий открытка) оммалаштириш функциясини бажарувчи тасвирий нашрлар олади.

Графика жанрларида (плакат, график дизайннинг барча турлари) босилган нусха график оригинал муаллифи бадиий ғоясининг, репродукциялар ва открыткаларда эса – репродукция қилинаётган сюжет муаллифи (рассом, ҳайкалтарош, архитектор, декоратив-амалий санъат устаси, графика, плакатист, фотограф ва бошқ.) бадиий ғоясининг тимсоли ҳисобланади.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам муаллиф ғоясининг ёки полиграфик ғоянинг турли тимсоллари турли форматда, тиражини белгилаш турли техникаси, нашр шаклларида намоён бўлади.

Фотонусхалар кўринишидаги муаллиф ғоясининг тимсоли муаллифлик ва тиражга оид фотография томонидан олинади. Нусхалар

фрагментлаштириш, фотографика элементлари ва ҳ.дан фойдаланиш даражаси билан фарқ қилиши мумкин.

Графикага ёзув тузишда ушбу стандартнинг 4-бўлимидаги ва 5.1-бандида келтирилган умумий қоидаларга амал қилинади. 5.1-бандда умуман графика ва уларнинг алоҳида турларининг спецификасига боғлиқ библиографик ёзувни тузишнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилади.

Тасвирий нашрлар комплектлари ва альбомлар учун библиографик ёзув ушбу стандартнинг 5.1-бандида китоблар учун кўзда тутилган, эски босма комплектлар ва альбомлар учун ушбу стандартнинг 5.2-бандида эски босма нашрлар учун кўзда тутилган қоидалар бўйича тузилади.

5.5.1.2 Ахборот манбалари

Китоблар ва бошқа ҳужжатларга хос бўлган чиқувчи маълумотлар жойлаштирилган элементлар: титул варағи, шмүтцтитул, авантитул ва шу кабиларнинг йўқлиги варақли графиканинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Чиқувчи маълумотлар графиканинг олд ёки орқа томонида ёки унинг орқа томонига бириктирилган этикеткада жойлаштирилади.

Асосий ахборот манбаи бўлиб бутун графика, чиқувчи маълумотлар ва библиографик ёзувни тузиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар – полиграфик, нақш туширилган, литография усулида босилган, қўлёзма маълумотлари; варақнинг олд ёки орқа томонидаги унинг барча элементлари; дастхатлар ва монограммаларнинг факсимили; этикетка, наклеика, илова қилинган материалга жойлаштирилган маълумотлар ҳисобланади.

Типографик ва бошқа усулларда (гравюра, қўлёзма) келтирилган бир хил маълумотларни ўқишда фарқлар бўлган ҳолларда типографик усулда келтирилган маълумотлар афзал кўрилади. Батафсил маълумотларни аниқлаштириш учун муҳаррирлик, нашриёт, қўлёзма белгилари ҳамда эгалик ёзувларидан фойдаланиш мумкин.

Мавжуд маълумотларни аниқлаштириш ёки етишмаганларини олиш учун графикадан ташқаридаги манбалар: маълумотномали нашрлар, кутубхона каталоглари ва бошқа каталоглар, маълумотлар базалари ва шу кабилардан фойдаланиш мумкин.

Библиографик тавсифнинг ҳар бир соҳаси учун аввалдан белгиланган ахборот манбаидан фойдаланилади.

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси учун аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб асосий ахборот манбаи ҳисобланади. Нашрлар соҳаси, чиқувчи маълумотлар ва сериялар соҳалари учун аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб асосий ахборот манбаи, контейнер, илова қилинган материаллар ҳисобланади. Аввалдан белгиланган манбадан олинмаган маълумотлар, шунингдек графикани таҳлил қилиш асосида ифодаланган маълумотлар библиографик ёзувда квадрат қавсларга олинган ҳолда келтирилади. Шунга ўхшаш маълумотлар имтиёзли равишда изоҳлар соҳасига ҳам жойлаштирилиши мумкин.

Физик характеристика, изоҳлар ва стандарт рақам соҳалари учун аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб исталган манба ҳисобланади.

5.5.1.3 Қисқартмалар

Графика учун тузилган библиографик ёзувда қўлланадиган айрим сўзлар ва сўз бирикмаларининг қисқартмалари ГОСТ 7.11 ва ГОСТ 7.12 га мос келиши керак.

Графика учун тузилган библиографик ёзувда қўлланиладиган ўзига хос қисқартмалар В иловада келтирилган.

5.5.1.4 Библиографик ёзув таркиби ва тузилишининг ўзига хос хусусиятлари

Графикага библиографик ёзув тузишда ўзига хос маълумотлар соҳасидан фойдаланилмайди.

Тузилишига боғлиқ равишда ёзувлар бир босқичли ва кўп босқичли бўлади. Бир босқичли библиографик ёзув бир қисмли графика учун тузилади ва битта босқични ўз ичига олади. Бир босқичли ёзув яна кўп қисмли графика учун ҳам тузилиши мумкин.

Кўп босқичли библиографик ёзув кўп қисмли графика учун тузилади ва у иерархик боғлиқ икки (ёки ундан кўпроқ) босқични ўз ичига олади.

Бир босқичли ёзув соҳалари ва элементларининг рўйхати ушбу стандартнинг 4.1.8.1-бандида, кўп босқичли ёзув схемаси 4.1.10.1–бандида келтирилган.

5.5.2 Графика учун бир босқичли библиографик ёзувни тузиш қоидалари

5.5.2.1 Асосий ва қўшимча фойдаланиш нуқталари

Графика учун библиографик ёзувда асосий ва қўшимча фойдаланиш нуқталари сифатида қуйидагилардан фойдаланилади:

- шахс исмини ўз ичига олган сарлавҳа;
- бир хиллаштирилган сарлавҳани ўз ичига олган сарлавҳа;
- сарлавҳа.

Сарлавҳада интеллектуал ва (ёки) бадиий асарнинг муаллифи ҳисобланувчи шахс: рассом-гравер ёки литограф – босма шаклнинг бевосита яратувчиси, асл нусханинг муаллифи – рассом, графика, ҳайкалтарош, архитектор, амалий-безак санъати устаси, дизайнер, плакат, бадиий откритка, амалий графика асари муаллифи; фотографнинг исми келтирилади. Қўшимча фойдаланиш нуқтаси сифатида ёзувда графикани тайёрлашда иштирок этган исталган шахс: матн муаллифи, жумладан шеърлий матн муаллифи, бадиий муҳаррир, мавзу муаллифи, босувчи ва шу кабиларнинг исмлари келтирилиши мумкин. Шахс исми қатнашган сарлавҳа ушбу стандартнинг 4.2.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Шахс фамилияси унинг исмидан (тўлиқ исми, шарифидан) вергул билан ажратилади.

Графиканинг бир хиллаштирилган сарлавҳасини ўз ичига олган сарлавҳа ушбу стандартнинг 4.2.4-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

5.5.2.2 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича графика каби библиографик ёзув объектига хос бўлган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда келтирилади.

Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб тасвирий нашрнинг олд ва орқа томонида типографик усулда босилган чиқувчи ва нашр қачон ва қерда чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, вараққа ўйиб ёки литографик усулда босиб чиқарилган ёзувлар ёки имзолар ҳисобланади.

Асосий сарлавҳа қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) графиканинг муаллиф ёки ношир томонидан берилган, типографик усулда варақнинг олд ва орқа томонида (жумладан наклейкада) ўйиб, литографик усулда босиб чиқарилган ёки қўлда ёзилган ва шрифт ёки ранг билан ажратилган номи асосий сарлавҳа ҳисобланади.

Тасвирланаётган шахснинг исми, репродукция қилинаётган асарнинг номи, тарихий ҳодисанинг номи, тасвирланган жой ёки архитектура ёдгорлигининг номи, цитата, шиор, матн, жумладан шеърый матн, расмли асар муаллифининг номи, кўргазма, фильм, спектакль, цирк томошаси, ижодий жамоа, тасвирий нашр тури, тасвирий санъат жанрининг номи ва шу кабилар графиканинг асосий сарлавҳаси бўлиши мумкин.

Мисоллар

Пиримқул Қодиров 1957 йилда

Тошкент. А. Навоий номидаги катта Академик театр

Она пейзажи

Хазрат Имом комплекси

«Сунбул мушкин зулфини тоблади, бундай сил-силадан шайдо диллар бетоб бўлдилар»

«Қатагонлар хотираси музеи»

Маҳаллада дув-дув гап

«Дом, в котором нет книг, подобен телу, лишённому души». Цицерон

Пейзаж с мельницей

Ex-libris С. Вуля

Асосий сарлавҳа асарнинг номи, шиор, цитата ва ҳ. дан бири ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигидан қатъи назар тасвири нашлада берилган шаклда келтирилади.

Мисоллар
Ўзбекистон

Озод шоу!

«Давлат божхона қўмитаси»

Шоу 01; Шоу 01; Шоу 01

Вы их узнаете... Вам их покажут: М. В. Миронова, А. С. Менакер

2) шеърий матн кўринишидаги сарлавҳалар ҳар бир банди кичкина ҳарфлар билан бошланган ва матндаги тиниш белгилари билан биргаликда битта сатрга ёзилади.

Мисоллар
«Цветы последние милей Роскошных первенцев полей...»

Сказка о царе Салтане. «Ветер весело шумит; Судно весело бежит...»

3) графикада ном ёки қандайдир матнлар бўлмаган ҳолларда асосий сарлавҳа графикадан ташқаридаги манбалардан (маълумотномали ёки махсус адабиётлар, каталоглар ва бошқ.) ўзлаштирилади ёки графикани таҳлил қилиш асосида ифодаланади. Бу ҳолда сарлавҳа квадрат кавсларга олинади;

Мисоллар
[Женщины перед камином]
(Сарлавҳа маълумот нашири бўйича аниқланган, бу ҳақда изоҳ берилгане)

[Лесная дорога]
(Сарлавҳа гравюрани таҳлил қилиш асосида ифодаланган)

4) ўймакорлик ва литографик усулда босилган эски босма тасвирий нашлаларга ёзувлар тузишда изоҳларда улар ҳисобга олинган асосий маълумотнома нашлаларини ва библиографик нашлаларни кўрсатиш тавсия қилинади;

5) агар битта манба тасвирий нашла тўғрисидаги муфассал маълумотни ўз ичига олса, бошқа манбалар кўрсатилмайди. Агар битта манбадан олинган маълумотлар бошқасидан олинган маълумотларни тўлдирса, иккала манба ҳам кўрсатилади.

Агар бирорта ҳам манбада ушбу муайян нусха тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаса, бироқ ўша муаллиф ва ўша номдаги, бошқа ҳолатдаги тасвирий нашла тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлганда, бу маълумотлар қисқа шаклда манба билан биргаликда келтирилади;

6) агар графика умумий ном билан бишлаштирилган бир нечта имзоли тасвирий сюжетларни ўз ичига олса, асосий сарлавҳа сифатида

умумий номдан фойдаланилади. Биринчи тасвир остидаги матннинг биринчи сўзлари кўштирноққа олинган ҳолда сарлавҳага тегишли маълумотларда келтирилади. Қолган сюжетларнинг матни тўғрисидаги маълумотлар изоҳларда келтирилиши мумкин;

7) агар графика бир нечта имзоли тасвирий сюжетларни ўз ичига олса, бироқ умумий сарлавҳага эга бўлмаса, асосий сарлавҳа сифатида композицион ва масштаб усулида ажратилган тасвир матнидан, сюжетлар тенг кучли бўлган ҳолларда эса – уларнинг биринчисининг матнидан фойдаланилади;

8) агар номаълум муаллифнинг матнга эга бўлган графикаси учун ёзув ном остида эмас, балки сарлавҳа остида тузилса, асосий сарлавҳа сифатида матннинг биринчи сўзлари келтирилади. Намунавий сарлавҳа бундай ҳолларда сарлавҳага тегишли маълумотларда келтирилади.

Мисол

Лубокда:

*Романс. «Под вечер
осенью ненастной...»*

Ёзувда:

*«Под вечер осенью
ненастной...» [Графика]
: романс*

9) қуйидагилар графиканинг ҳар хил турлари учун асосий сарлавҳани келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади:

а) эстамплар ва лубоклар.

Сарлавҳаси мавжуд бўлмаган, фақат тасвири тушунтирувчи матни мавжуд бўлган гравюралар ва лубокларга библиографик ёзув тузишда асосий сарлавҳа сифатида лексик, грамматик ва синтактик хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда матн келтирилади;

б) плакатлар:

1) сиёсий (ижтимоий) плакат.

Бир хил даражада график ёки полиграфик усулда ажратиб кўрсатилган бир нечта шиорлар, матнлар, цитаталар мавжуд бўлган сиёсий плакатнинг асосий сарлавҳасини танлашда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

- агар шиорли (чақириқли) ва таъкидловчи матнлар мавжуд бўлса, асосий сарлавҳа сифатида шиорли матндан фойдаланилади;

Мисол

Плакатда:

*Соглом фарзанд ва соглом
оила – жамият таянчидир!
Соглом оила қурамыз*

Ёзувда:

*Соглом оила қурамыз [Гра-
фика] : Соглом фарзанд ва
соглом оила – жамият
таянчидир!*

- агар биттаси плакатнинг мустақил компоненти ҳисобланган, иккинчиси эса ёзув ёки изоҳ сифатида тасвир композицияси ёки унинг қисмига кирадиган иккита матн мавжуд бўлса, асосий сарлавҳа сифатида матн – плакатнинг мустақил компоненти танланади;

Мисол

Плакатда:

Ватанни мардлар

қўриқлайди

**(сўзлар ҳайкалдаги ёзувдан
олинган)**

«Миллий армиямиз –

мустақиллигимизнинг

мустаҳкам кафолати»

**(плакатнинг пастки қисмида
босмаланган)**

Ёзувда:

«Миллий армиямиз –

мустақиллигимизнинг

**мустаҳкам кафолати» [Графи-
ка] : Ватанни мардлар**

қўриқлайди

- агар «намунавий» шиор («Табиатни асрайлик» ва бошқ.) ва лўнда ибора ёки шиор мавжуд бўлса, асосий сарлавҳа сифатида кейингиси танланади, «намунавий» шиор сарлавҳага тегишли маълумотларда келтирилади;

Мисол

Плакатда:

Берегите природу! Природа

**– не игрушка. Сломать лег-
ко, восстановить – трудно!**

Ёзувда:

Природа – не игрушка.

**Сломать легко, восстановить –
трудно! [Графика] : Берегите
природу!**

- агар сиёсий плакат ғояси шиор ва матнларсиз фақат график тимсолда очиб берилса, асосий сарлавҳа сифатида плакат мазмунини очиб берувчи ва чиқувчи маълумотларда келтирилган матндан фойдаланилади;

Мисоллар

Реклама плакати

Қўриқлаш-ёнгин плакати

- агар чиқувчи маълумотларда бундай матнда мавжуд бўлмаса, у тасвирни таҳлил қилиш асосида ифодаланади ва квадрат кавсларга олинган ҳолда келтирилади.

Мисоллар

[Созлом оила қурамыз]

[Созлом фарзанд ва созлом оила – жамият таянчи]

[Охрана памятников старины]

2) маданий-манзаравий плакат:

- театр плакати.

Театр плакати матнининг турли ахборот берувчи маълумотлари (спектакл ёки концерт номи, пьеса муаллифининг исми, театр ёки концерт залининг номи, режиссер, композитор, спектакл рассомининг исми, пардалар сони, саналар ва бошқ.) орасидан театр плакатининг асосий

сарлавҳасига кўштирноқсиз келтириладиган спектакл номи киритилади. Театр ёки ижодий жамоа номи, пьеса муаллифи – драматург ёки композитор (опера, балет, оперетта) тўғрисидаги маълумотлар ва спектакл тўғрисидаги бошқа маълумотлар сарлавҳага тегишли маълумотларда келтирилади.

Мисоллар

Мирзо Улугбек [Графика] : М. Шайхзода романи асосида спектакль : Ўзбекистон Миллий театри

Мария Тюдор [Графика] : драма Виктора Гюго в 3 днях (4 карт.) : Моск. драмат. театр

Чудесная башмачница [Графика] : жестокий фарс в 2 д. по пьесе Ф. Г. Лорки : Моск. гос. цыган. театр «Ромэн»

Царь Эдип [Графика] : спектакли клас. трагедии Софокла : Сад Госнардома : массовое зрелище

Агар театр плакати спектаклни эмас, балки театр ёки ижрочини реклама қилса, асосий сарлавҳада матн у варақда берилган кўринишда келтирилади.

Мисоллар

Муқимий театр-студияси

Ўзбекистон Миллий театри. 2001 й. 15-апрельда Ўлмас Умарбековнинг ... юбилей тадбири

Государственный театр-студия Айседоры Дункан

Викторина Кригер

Концертлар, эстрада тақдимотлари ва шу кабиларни реклама қилувчи плакатларнинг асосий сарлавҳаси у варақда берилган кўринишда келтирилади. Муассаса номи – концерт, эстрада тақдимоти ва шу кабиларнинг ташкилотчиси у матнда кўрсатилган ҳолларда сарлавҳага тегишли маълумотларда келтирилади.

Мисоллар

«Божалар» гуруҳи [Графика] : бадий раҳбар Ж. Фозилжонов : Ўзбекистон филармонияси

Ансамбль «Лель» [Графика] : художеств. рук. Ю. Евтушенко : Моск. обл. филарм.

Николай Ерофеев. «Поединок» [Графика] : лит. композиция по повести А. Куприна : Москонцерт

- киноплакат.

Киноплакатнинг асосий сарлавҳаси сифатида фильмнинг номи (кўштирноқларсиз) ёзилади. Уни яратишда қатнашган шахслар –

режиссерлар, бадий манбанинг муаллифлари, киноасар жанри ва кабилар тўғрисидаги маълумотлар сарлавҳага тегишли маълумотларда келтирилади.

Мисоллар

Махаллада дув-дув гап [Тасвирий материал]: реж. Ш. Аббосов : «Ўзбекфильм» к/с

Королева арены [Графика] : сенсация экрана в 5 сер.

Когда я на почте служил ямщиком [Графика] : сильная бытовая драма в 4 ч. по извест. нар. песне : пост. Н. П. Ларина

Страна глухих [Графика] : реж. В. Тодоровский : к/с им. Горького, 1998

Чучело [Графика] : художеств. фильм в 2 сер. по мотивам одноимен. повести В. Железнякова : реж. Р. Быков : к/с «Мосфильм», 1983

Фильмнинг бошқа сарлавҳаси плакатда берилган шаклда уни асосий сарлавҳадан икки нукта билан ажратилган ҳолда кўрсатилади.

Мисоллар

Бобур [Графика] : (Юлдузли тунлар)

Сказка мира [Графика] : (Царь звуков)

Муқобил сарлавҳа ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисол

Замонавий совчилар, ёки Қудалар

Актёрлар, режиссёрлар ва шу кабиларни реклама қилувчи киноплакатларнинг асосий сарлавҳаси плакатда берилганидек келтирилади.

Мисоллар

Алишер Узаков «Тундан тонггача» фильмида

Любовь Орлова в фильме «Веселые ребята»

Мустақил номга эга бўлган кўп серияли фильм қисмларидан бирига чиқарилган киноплакатнинг асосий сарлавҳаси сифатида қисмнинг номидан фойдаланилади.

Мисол

Бобур [Графика] : П. Кодировнинг асари асосида бадий фильм «Юлдузли тунлар» : (биринчи сер.)

Бир нечта фильмларга (қисқа метражли, мультипликацион, илмий-оммабоп, бадий) чиқарилган киноплакатнинг асосий сарлавҳаси умумий сарлавҳага эга бўлмаган тўпламга библиографик ёзув тузиш ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисол

Мостик [Изоматериал] : художеств. фильм : авт. сценария и реж. Г. Воронин : к/с им. М. Горького. Доверие : художеств. фильм : авт. сценария и реж. К. Абеннов : учеб. к/с ВГИКа. Эй, на линкоре! : художеств. фильм : реж. С. Снежкин : Ленфильм

- цирк плакати.

Агар плакатда биринчи бўлиб кўрсатилган ва полиграфик усулда ажратилган «Цирк» сўзидан ташқари ижрочилар, номерлар, дастурлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам мавжуд бўлса, «Цирк» сўзи ва ижрочилар, номерлар ва шу кабилар тўғрисидаги маълумотлардан ташкил топган мураккаб асосий сарлавҳа келтирилади.

Мисоллар

Цирк. Ака-ука Тошкентбаевлар

Цирк. Клоун Енгибаров

Цирк. Скоро открытие

Цирк. Заккрытие сезона

- кўргазма плакати.

Кўргазма номи ёки кўргазма бағишланган шахсининг исми кўргазма плакатининг асосий сарлавҳаси ҳисобланади.

Мисоллар

27 та рассомларни кўргазма ишлари

Дж. Ўмарбеков бадиий кўргазмаси

«Бозбонлар етиштирган ноз-неъматлар» [Графика] : 10 чи халқаро саноат кўргазмаси

А. Дейнека

«Модный мир» [Изоматериал] : 1-я Междунар. художеств.-пром. выст.

«Кўргазма» сўзи намунавий сарлавҳа вазифасини бажарадиган плакатларда асосий сарлавҳа сифатида кўргазманинг тематик сарлавҳаси келтирилади, «намунавий» сарлавҳа эса сарлавҳага тегишли маълумотларда келтирилади:

Мисоллар

Замонавий ўзбек гравюраси [Графика] : кўргазма

Узбекский край [Изоматериал] : 5-я Респ. художеств. выст. : декоратив.-приклад. и нар. искусства

Санъат намоёндаларининг шахсий кўзгасмаларига оид плакатларнинг асосий сарлавҳасига экспонент (ҳаёт саналари, унвони ва

бошқ.) тўғрисидаги маълумотлар киритилади, агар улар варақда келтирилган бўлса.

Мисол

Рўзи Чориевич Чориев, ўзбек халқ рассоми, педагог [Графика] : туғилган кунининг 70 йиллигига

3) тижоратга оид (савдо) плакат.

Тижоратга оид плакатнинг асосий сарлавҳаси унинг шеърӣй матн, чақириқ ва шу кабилар бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар у варақда берилган шаклда ёзилади.

Мисоллар

Тўхтаниёз ота колбасалари!

Беҳили Дена соклари!

Агар буюм ёки товар бадий тимсол воситасида фақат визуал шаклда реклама қилинса ва матнда эсга олинмаса, унинг номи сарлавҳага тегишли маълумотларда квадрат қавсларга олинган ҳолда келтирилади.

Мисоллар

Мазали, тўйимли Тўхтаниёз ота колбасалари [Графика] : [зўйтли консерваларда]

«Каждый школьник знает четко Эту фразу назубок: Утром встал – зубная щетка, А за нею – порошок» [Графика] : [зуб. порошок «Гигиена»]

с) репродукциялар ва тасвирий откриткаларю

Санъат, графика, ҳайкалтарошлик, архитектура ва шу кабиларнинг асарларини тасвирлаган репродукциялар ва репродукцион откриткаларнинг асосий сарлавҳасига фақат асл нусханинг номи киритилади. Тасвирий нашрда келтирилган қолган маълумотлар (яратиш санаси, сақлаш, кўргазмага қўйиш жойи ва бошқ.) сарлавҳага тегишли маълумотлар ёки изоҳларда ёзилади.

Мисол

Суратларда акс этган дунё [Графика] : Фаргона шаҳар, Фаргона вилояти этюдлари, 2000 : Фаргона шахрининг бадий музейи

Ҳужжатли ва бадий портретларни тасвирловчи репродукциялар ва бадий откриткаларнинг асосий сарлавҳасига улар варақда келтирилган ҳолларда тасвирланаётган шахснинг ҳаёт саналари ва уларнинг асарларидан олинган цитаталар ёки фикрлар ҳам киритилиши мумкин.

Мисол

Алишер Навоий (1441-1501). «Китобдан яхши дўст йўқ»

Тасвирий репродукциялар ва бадий откриткаларнинг асосий сарлавҳасига улар варақда келтирилган ҳолларда архитектура ёки ҳайкалтарошлик ёдгорлигининг муаллифи ва унинг яратилиш санаси

тўғрисидаги маълумотлар киритилиши мумкин. Ушбу маълумотлар аввалги матндан вергул билан ажратилади.

Мисол

Мозийдан хабарлар. 2 чи аёллар гимназия уйи, архитектор Е. Дубровин, 1912

d) графиканинг бошқа турлари

- фронтиспис (ички бетли титул варағининг чап томонига ёки титул саҳифасидан олдин ёки кейин жойлаштирилган график тасвир).

Агар хусусий номга эга бўлган тасвирий нашр китоб фронтисписининг асл нусхаси сифатида бажарилган бўлса, бироқ бу тўғрисидаги маълумотлар варақда мавжуд бўлмаса, сарлавҳа сифатида ёзувда тасвирили нашрнинг хусусий сарлавҳаси келтирилади. Китоб номи «кит. фронт.» (китоб фронтисписи) кириш сўзлари билан иловада келтирилади.

Мисол

Константин Николаевич Батюшков [Изоматериал] : [эстамп] / грав. Галактионов ; рис. Кипренский. – [Санкт-Петербург : б. и., 1834]. – Грав. пунктиром ; 7х5 см. – Портр. поясной, ¾ вправо. – Фронт. кн.: Сочинения Константина Батюшкова. Санкт-Петербург, 1834

Агар тасвирий нашрда унинг фронтиспис эканлиги кўрсатилган бўлса, ёзув хусусий сарлавҳа учун тузилади, сарлавҳага тегишли маълумотларда эса унинг китоб билан варақда берилган шаклдаги боғлиқликка эгаллиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Агар фронтиспис ўз сарлавҳасига эга бўлмаса, асосий сарлавҳа сифатида одатда у қайси китоб учун бажарилган бўлса, ўша китобнинг сарлавҳаси келтирилади.

Фронтиспис-портретларнинг асосий сарлавҳаси сифатида тасвирланган шахснинг фамилияси ёки исми келтирилади.

- титул варағи ва муқова.

Агар тасвирий нашр китоб, альбом ёки даврий нашрнинг титул варағи ёки муқоваси кўринишида бажарилган бўлса, асосий сарлавҳа сифатида китоб сарлавҳаси келтирилади.

Тасвирий нашрнинг титул варағи ёки муқова эканлиги тўғрисидаги маълумотларни сарлавҳага тегишли маълумотларда келтириш тавсия қилинади.

Мисол

Навқирон Ўзбекистон [Графика] : китобдаги титул варақда А.Ваҳобов

Изоҳларда зарур бўлган ҳолларда тасвирий нашрнинг мазмуни очиқ берилади.

5.5.2.3 Материалнинг умумий белгиланиши

Материалнинг умумий белгиланиши сифатида [Графика] атамаси ёки унинг бошқа тиллардаги эквивалентларидан фойдаланилади. Маълумотлар

мотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар
«Модный мир» [Графика]

Замонавий ўзбек гравюраси [Графика]

Графика учун тузилган ёзувда материалнинг умумий белгиланиши, одатда, қўлланмайди, материалларнинг ҳар хил турлари учун тузилган ёзувларни ўз ичига оладиган аралаш ахборот массиви учун тузилган ҳоллар бундан мустасно.

5.5.2.4 Сарлавҳага тегишли маълумотлар

Графика мазмунини аниқлаштирувчи маълумотлар сифатида ёзувда қуйидагилар келтирилади:

- бошқа сарлавҳа.

Мисол
Машенька [Графика] : (Сестры наши)

- асосий сарлавҳада мавжуд бўлган маълумотларни аниқлаштирувчи маълумотлар. Ушбу маълумотлар:

а) тасвирланган шахс исмини очиб беради;

Мисол
Стрекоза [Графика] : портр. Веры Репиной

б) тасвирланган жой номини аниқлаштиради;

Мисоллар
La maison de Molière [Графика] : (rue de la Tonnellerie) : [Paris]

Регистон майдони [Графика] : [Самарқанд]

с) графика жанрини аниқлаштиради;

Мисоллар
«Ларчик» [Графика] : басня И. А. Крылова

«Зарбулмасал» [Графика] : Гулхани масали

д) цитата ёки матннинг биринчи сўзларини ўз ичига олади;

Мисоллар
Наврўз [Графика] : «Ассалом, наврўзим, наврўзи олам...» (О. Мадрохимова. Мехр чашмаси)

Чичиков у Ноздрева [Графика] : «Потом Ноздрев показал пустые стойла, где были прежде тоже хорошие лошади» (Н. В. Гоголь. «Мертвые души». Гл. IV)

е) томоша кўрсатиш санъати жанри, асарни яратишда қатнашган шахслар – режиссёр, бадиий манба муаллифи, дизайнер ва шу кабилар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади;

Мисол

Минг бир кеча [Графика] : балет Ф. Амиров мусиқаси : А. Навоий номидаги Катта Академик Давлат Театри

f) қандайдир тадбирни ўтказиш учун жавобгар ташкилотлар номларини кўрсатади;

Мисол

Книга художника [Изоматериал] : [выставка] : Гос. музей изобр. искусств им. А. С. Пушкина, отд. лич. коллекций

g) асосий сарлавҳага кирувчи аббревиатурани очиб беради;

Мисол

КАДТ [Графика] : Катта Академик Давлат Театри

- графиканинг бошқа нашрлар билан боғлиқлиги: бошқа нашрга қўшимча, илова, фронтиспис, титул варағи эканлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу графикада кўрсатилган бўлса;

Мисол

Ўзбек мақолалари ва маталлар [Графика] : [китоб варақаси]

- графиканинг хотира ёки юбилей санасига бағишланиши ёки тўғриланиши тўғрисидаги маълумотлар, агар бу графикада кўрсатилган бўлса;

Мисол

Ўзбекистон Адлия вазирлигига [Графика] : Адлия вазирлиги 70 йиллиги

- одатда графиканинг ўзида кўрсатилмаган ва уни таҳлил қилиш асосида ифодаланган графика тури тўғрисидаги маълумотлар. Графика тури тўғрисидаги маълумотлар сарлавҳага тегишли барча маълумотлардан кейин қуйидаги шакл бўйича ёзилади: [плакат]; [эстамп] (гравюралар ва литографийлар учун); [лубок]; [репродукция]; [открытка]; [фотография]; [эскиз]; [рўйхат-тақвим]; [тақвим. девор.]; [этикетка]; [нашр. маркаси]; [савдо маркаси]; [таклифнома].

5.5.2.5 Графика алоҳида турларининг сарлавҳасига тегишли маълумотларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Қуйидагилар графика алоҳида турларининг сарлавҳасига тегишли маълумотларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади:

а) сиёсий плакат

Бошқа сарлавҳа сифатида сиёсий плакатда график ёки полграфик жихатдан ажратиб кўрсатилмаган, бироқ плакатни идентификация қилиш учун муҳим бўлган шиор, матн, цитата келтирилади:

Мисол

Ҳар шанба тозалик куни [Графика] : Шаҳарни ободонлаштириш учун

Асосий сарлавҳада мавжуд бўлган маълумотларни аниқлаштирувчи маълумотлар, агар шиор плакатнинг мазмунини ифодалаб бера олмайдиган

ҳолларда келтирилади. Плакатни таҳлил қилиш асосида олинган ушбу маълумотлар квадрат қавсларга олинган ҳолда келтирилади.

Мисол

Йўл ҳаракатлар [Графика] : [йўл ҳаракати қоидаларига оид]

б) маданий-манзаравий плакат

Манзаравий плакатнинг сарлавҳасига тегишли маълумотларда реклама қилинаётган манзара тўғрисидаги тасвирий наشرни идентификация қилишга кўмаклашувчи маълумотлар келтирилади.

Киноплакат сарлавҳасига тегишли бўлган маълумотларда кино асарининг жанри тўғрисида, режиссер тўғрисида, бадиий манба (экранлаштириш учун) тўғрисида, киностудия ва фильм яратилган вақт тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Мисол

Кандидат [Изоматериал] : художеств. фильм по книге Фила Кэмпбелла : реж. Стивен Гилленхол : Votiv Films, 2012

Фильмнинг бошқа яратувчилари – операторлар, актёрлар, композиторлар ва ҳ. тўғрисидаги маълумотлар ҳам зарур бўлганда сарлавҳага тегишли маълумотларга киритилиши мумкин, айниқса улар плакатда ажратиб кўрсатилган бўлса.

Мисол

Ватан [Изоматериал] : (Родина): художеств. фильм по сценарию: Зульфикара Мусакова : реж. Зульфикар Мусаков, 2006 : в гл. роли Маннон Убайдуллаев

Театр плакати сарлавҳасига тегишли маълумотларда спектакл жанри, унинг яратувчилари (драматурглар, режиссёрлар, композиторлар), театр тўғрисидаги, яратиш вақти тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Мисоллар

Наша Майсара [Изоматериал] : Ташкентский государственный театр музыкальной комедии : пьеса Ариадна Васильева : композитор Анвар Эргашев : премьеры 4 сент. 2014 г.

Фарход ва Ширин [Графика] : В. А. Успенскийнинг операси [А. Навоийнинг «Фарход ва Ширин» асари асосида] : А. Навоий номидаги опера ва балет театри, 2006

Яккахон концертлар, кечалар, эстрада томошалари рекламаси сарлавҳасига тегишли маълумотларда дастур ёки ижрочилар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Мисоллар

«Мурод Ражабов. Ҳаёти ва ижоди» [Графика] : Гулчехра Жалилова гапириб беради : Узбекконцерт

Обид Усманов, засл. артист Узбекистана [Изоматериал] : юмор, сатира, конференс : Узбекконцерт

с) репродукции, тасвирий открыткалар, фотографиялар.

Репродукция, респродукция қилинган откриткалар ва фотографиялар сарлавҳасига тегишли маълумотларга репродукция қилинаётган асарнинг варақда келтирилган асл нусхаси тўғрисидаги маълумотлар киритилиши мумкин.

Мисол

*Мона Лиза [Изоматериал] : репрод. картинасы Леонардо да Винчи :
Лувр (Париж, Франция)*

5.5.2.6 Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар

Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда тасвирий нашрларнинг муаллифлари:

- рассомлар, ўймакорлар, литографлар, дизайнерлар, фотоаграфлар, босмаҳона ишчилари;
- ёзувчилар ва шоирлар – матнлар ва шеърларнинг муаллифлари;
- мавзу муаллифлари, бадий муҳаррирлар;
- компьютер вёрсткаси усталари;
- ижодий устаҳоналар, театрлар, ахборотга оид ва бошқа ёрдамни амалга оширувчи ташкилотлар ва муассасалар.

Аслидай тасвирланган асл нусхаларнинг яратувчилари рассомлик асарлари, график варақлар, ҳайкал, архитектура, халқ ва амалий санъат асарларини қайта тикловчи тасвирий нашрлар муаллифлари ҳисобланади.

Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича ёзилади.

Агар объектда муаллиф кўрсатилмаган, балки билвосита манбалардан аниқланган ёки полиграфик воситалар билан қайта тиклаш мумкин бўлмаган усулда кўрсатилган (мураккаб монограммалар) ҳолларда жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар келтирилмайди.

5.5.2.7 Нашр соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.3-бандида баён қилинган қоидалар бўйича, тасвири нашрга хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади.

Соҳа нашрнинг такрорланиши ва ушбу тасвири нашни ўша асарнинг бошқа нашрларидан: факсимиллик, қайта нашр қилиш, босилган нусхалар ҳолати, қайта гарвировка қилиш ва босма шаклини (гравюра, литография, лубок) тугатиш ва шу кабилардан фарқ қилувчи хусусиятлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Ҳолат – ушбу босилган нусха ёки литографиянинг тугалланган, тугалланмаган, ўзгартирилган, тўлдирилган, имзолашгача бўлган, ремаркали, чиқувчи маълумотларсиз ва шу каби шартли характеристикаси. Тартиб сон («3-ҳолат») ёки бошқа белги («Санасиз ҳолат», «Ремаркали ҳолат») билан белгиланади.

Соҳа учун аввалдан белгиланган маълумотлар манбаи бўлиб тўлиқ тасвири нашр ҳисобланади.

Мисоллар

. – *Переизд.*

. – [2-е сост.]

. – [До подписи]

. – [Проб. отт.]

5.5.2.8 Чиқувчи маълумотлар соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича тасвири нашрга хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади.

Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб тасвири нашрнинг олд ва орқа томонига ёзилган, нашр тўғрисидаги маълумотлар, тасвири нашрнинг исталган элементидаги гравюра ва литография қилинган маълумотлар ҳисобланади.

Асар яратилган жой муаллифлик гравюраларининг босилган нусхалари, литографиялар, плакатлар, лубоклар, фотографияларнинг (тасвирий нашр ҳисобланмаган) нашр қилиш, тарқатиш жойи ҳисобланади, агар у маълум бўлса. Агар у маълум бўлмаса, [ж. с.] қисқартмаси ёки унинг эквиваленти келтирилади.

Мисоллар

Солнце и песок [Графика] : [гравюра] / худож. Г. Ильсов. – Авт. отт. – 2008

Ибн Сино [Графика] : [эстамп] / грав. И. Илёсов. – [Тошкент : н-рсиэ], 2000

Агар эстамплар, лубоклар, плакатлар, фотографияларнинг (тасвирий нашр ҳисобланмаган) муаллифлик босилган нусхаларида ношир, тарқатувчининг исми (номи) мавжуд бўлмаса, ёзувда [ж. с.] қисқартмаси ёки унинг эквиваленти келтирилмайди.

Агар тасвирий нашрнинг асл нусхасини яратиш санаси у чиқарилган (босилган) санага мос келмаса, босиш ёки тиражини белгилаш санаси нашр қилиш санаси ҳисобланади.

Агар тасвирий нашр қайта босилган ёки дастлабки босма шаклнинг (гравюра, литографик, лубок, фотографиядаги) охирги босилган нусхаси бўлса, унда қайта босилган нашрнинг чиқувчи маълумотлари, шунингдек охирги босилган нусха олинган босма шакл санаси тўғрисидаги маълумотлар изоҳлар соҳасида келтирилади.

Тайёрловчининг исми тасвирий нашр учун тузилган ёзувда босма шакл (тахта ёки тош) битта ноширга тегишли бўлган, бироқ бошқа наشريёт ёки устахонада тиражи белгиланган ҳолларда кўрсатилади.

Мисол

. – Тошкент : А. Абдужалилов, 2001 (Литогр. Р. Султанова)

5.5.2.9 Физик характеристика соҳаси

Физик характеристика соҳаси тасвири нашрдаги варақлар сони, варақда жойлаштирилган тасвирлар сони, матннинг мавжудлиги ва

миқдори, тасвирий нашрнинг график ва полиграфик техникаси, тираж ёки босилган нусха туширилган материалнинг ўзига хос хусусиятлари, тасвири нашінинг ўлчамлари, қўшимча ва илова қилинган материаллар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Физик характеристика соҳасига тааллуқли маълумотлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) ҳажм ва материалнинг махсус белгиланиши тўғрисидаги маълумотлар.

Варақли тасвирий нашрлар битта ёки бир нечта варақлардан ташкил топиши мумкин. Ёзувда тасвирий нашр варақларининг ҳақиқий сони (тасвирилар, матн сатрлари ёки устунларининг сони) уни рақамлар билан белгилаб ҳисоблаш бирлиги (материалнинг махсус белгиланиши) – в. (варақлар) ни кўрсатган ҳолда библиография қилувчи муассаса тилида кўрсатилади.

Агар тасвирий нашр ёпиштирилиши керак бўлган бир нечта варақда босилган бўлса, ёзувда варақлар сони қуйидаги шакл бўйича кўрсатилади:

Мисоллар

. – *На 2 л.*

. – *На 8 л.*

. – *2 варақда*

Агар матн ёки шиор ёпиштирилиши керак бўлган алоҳида варақда нашр қилинган бўлса, матн варақларининг сони тўғрисидаги маълумотлар тасвири варақлар сони тўғрисидаги маълумотлардан кейин келтирилади.

Мисоллар

. – *На 3 л., 1 л. текста*

. – *На 1 л., 1 л. текста*

. – *2 варақда, матн 1 в.*

Матннинг мазмуни тўғрисидаги маълумотлар изоҳлар соҳасида келтирилади.

Буклет шаклида нашр қилинган тасвирий нашр тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги шакл бўйича кўрсатилади:

Мисоллар

. – *1 л. (слож. вдвое)*

. – *1 л. (слож. вчетверо)*

. – *1 л. (слож. в 8 раз)*

. – *1 в. (иккита тахланган)*

- агар тасвирий нашрда икки ёки ундан ортиқ мустақил тасвир (сюжет, кадр) мавжуд бўлса, уларнинг сони тўғрисидаги маълумотлар варақлар сони белгисидан кейин думалоқ қавсларга олинган ҳолда келтирилиши мумкин.

Мисоллар

. – 1 л. (2 изобр.)

. – 1 в. (2 расм.)

- агар тасвирий нашрда матн (типографик, гравюра ёки литография қилинган) мавжуд бўлса, зарур бўлган ҳолларда варақлар сони белгисидан кейин думалоқ қавсларга олинган ҳолда шеърий ва (ёки) прозаик матндаги сатрлар ёки устунлар сони тўғрисидаги маълумотлар келтирилиши мумкин:

Мисоллар

. – 1 л. (4 изобр., 4 строки текста)

. – 1 л. (5 строк текста)

. – 1 л. (3 стб. текста)

. – 1 в. (4 расм., 4 қатор расм)

. – 1 в. (5 қатор матн)

. – 1 в. (3 устунли матн)

Қўлёзма матнининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар изохларда келтирилади.

Агар тасвирий нашрда матн устунлар ва сатрлар бўйича босилган бўлса, зарур бўлган ҳолларда аввал устунлар сони, кейин эса сатрлар сони вергул билан ажратилган ҳолда келтирилади:

Мисоллар

. – 1 л. (1 стб., 6 строк текста)

. – 1 в. (1 устун, 6 қатор матн)

Варақдаги тасвирлар сони, матндаги сатрлар ёки устунлар сонини ёки илова қилинган материал мавжудлигини кўрсатиш зарур бўлмаган ҳолларда “1 в.” белгисини келтирмасликка йўл қўйилади.

2) босиб чиқариш техникаси

Тасвирий нашр бажарилган график ва полиграфик техника тўғрисидаги маълумотлар тасвирий нашрнинг қачон ва қаерда чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлари, маълумотнома адабиётлари асосида аниқланади ҳамда тасвирий нашрни таҳлил қилиш асосида ифодаланади.

Тасвирий нашрда келтирилган маълумотларни тасвирий нашрни таҳлил қилишда олинган маълумотлар билан тўлдиришга йўл қўйилади –

улар квадрат қавсларга олинган ҳолда келтирилади. Турли техникалар бир-бирларидан вергул билан ажратилган ҳолда кўрсатилади.

Мисоллар

: литогр. [офорт]

: офорт, акватинта

Эстампга библиографик ёзув тузишда қуйидаги график техникалар кўрсатилади:

- металлдаги гравюралар учун – ўйма гравюра, офорт, акватинта, қора манера, қаламли манера, пунктир, лавис ва бошқ.;
- линолеумдаги гравюралар учун – линогравюра;
- литографиялар учун – литография, рангли литография;
- ёғочдаги гравюралар учун – ёғочдаги гравюра, ксилография.

Полиграфиянинг техник воситалари ёрдамида бажарилган тасвирий нашр учун библиографик ёзув тузишда қуйидаги босиш техникалари кўрсатилади: автотипия, штрихли цинкография, чуқур босиш, гелиогравюра, фототипия, офсет, хромофотография, трафарет, шелкография ва бошқ. Уни «фотомеханик босиш» атамаси билан белгилаган ҳолда босиш техникасининг ушбу турларини фарқламасликка йўл қўйилади.

Агар тасвирий нашрнинг бутун тиражи қўлда бўялган бўлса, бўяш тўғрисидаги маълумотлар изоҳларда эмас, ушбу соҳада бевосита техника тўғрисидаги маълумотлар келтирилгандан кейин келтирилади. Бўяш тўғрисидаги маълумотлар вергул билан ажратилади.

Мисоллар

: грав. на дер., раскраш.

: дарахтдаги гравюра, бўялган

Агар тиражнинг бир қисми бўялган бўлса, бу тўғрисидаги маълумотлар изоҳларда келтирилади.

Фотография учун библиографик ёзув тузишда бажариш техникасини келтирмасликка йўл қўйилади, агар тасвирий нашр тури сарлавҳага тегишли маълумотларда келтирилган бўлса;

3) тираж ёки оттиск босилган материалнинг ўзига хос хусусиятлари.

Агар тасвирий нашр ностандарт қоғоз, ипак, пластик, фанера, махсус мато кабиларга босилган бўлса, соҳада бутун тираж ёки оттиск босилган материал тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Материал тўғрисидаги маълумотлар варақда берилган кўринишда квадрат қавсларга олинмасдан аввал вергул белгиси қўйилган ҳолда келтирилади.

Мисоллар

: цв. офсет, на спецткани ; 60x90 см

: ранг. офсет, махсус матода ; 90x60 см

4) графика ўлчами.

Графика ўлчами – баландлиги ва кенглиги сантиметрларда кўрсатилади.

Мисол

: шелкогр. ; 90x60 см

Ўпиштирилиши керак бўлган варақларда чиқарилган графика учун тузилган библиографик ёзувда ўпиштирилган кўринишда бўлиши керак бўлган варақнинг ягона ўлчами кўрсатилади.

Буклетлар кўринишидаги тасвирий нашрлар учун очиқ варақнинг ўлчами ва ундан кейин қавсларга олинган ҳолда – тахланган варақнинг ўлчами кўрсатилади:

Мисоллар

: глуб. печ. ; 92x64 см, слож. 12x9 см

: чуқур босма ; 92x64 см, тахланган 12x9 см

Гравюра техникасида бажарилган тасвирий нашрлар учун иккита ёки учта ўлчамни келтириш тавсия қилинади.

Гравюраланган металл тахталардан офорт техникаси, акватинт, ўйма гравюра ва бошқа чуқур босиш техникасида нашр қилинган тасвирий нашрлар учун тузилган библиографик ёзувда ўчта ўлчам: тасвир, тахта ва вараққа сиқиб шакл берилган ўлчамларини кўрсатиш тавсия қилинади. Улар бир-бирларидан нукта вергул билан ажратилади, ўлчов бирлиги (см) бир марта кўрсатилади.

Мисол

: офорт ; 10,5x14,5 ; 11,5x15 ; 26x29 см

Юқори ва текис босиш техникасида бажарилган тасвирий нашрлар (ёғочдаги гравюра, линогравюра, литография) учун икки ўлчам – тасвир ва бутун варақ ўлчами кўрсатилиши мумкин.

Мисоллар

: грав. на дер. ; 30x41,2 ; 80x58,4 см

: дарахтдаги гравюра ; 30x41,2 ; 80x58,4 см

Агар варақда бир нечта тасвир-оттисклар жойлаштирилган бўлса, зарур бўлган ҳолларда уларнинг ўлчамлари варақнинг умумий ўлчамидан кейин қавсларга олинган ҳолда келтирилади.

Мисол

. – 1 л. (2 изобр.) : офорт, конгрев. тиснение ; 62x40 (22x10, 10x10 см)

5) илова қилинган материал.

Варақли тасвирий нашрларда илова қилинган материал қуйидаги кўринишларда учрайди:

- алоҳида босилган типографик матн;
- қоғозли қўшимча варақ (матнли ёки матнсиз);

– тасвирий нашрни безаш элементи сифатидаги тасвирий нашр солинган конверт;

– тасвирий нашрга изох ҳисобланувчи қўлёзмали, гравюраланган ёки литография усулида босилган матн;

– цензура қўмитасининг бланки (революциядан аввалги нашрларда).

Илова қилинган материал тўғрисидаги маълумотларда унинг шакли (қўшимча варақ, матн, конверт) кўрсатилади, кейин эса думалоқ қавсларга олинган ҳолда унинг ўлчами кўрсатилиши мумкин:

Мисол

+ Конверт (10x15 см)

Илова қилинган материал характеристикаси изохда берилади.

5.5.2.10 Серия соҳаси

Соҳа таркибига тасвирий нашр - библиографик ёзув объекти кирадиган серияли нашр тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.7-бандига мувофиқ коидалар бўйича келтирилади.

5.5.2.11 Изоҳлар соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.8-бандида баён қилинган коидалар бўйича келтирилади. Графикага келтирилган изохлар ёзувининг ўзига хос хусусиятлари қуйида келтирилган:

1) соҳалар ва элементларга изохлар:

а) сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасига изохлар.

Тавсифнинг аввалги соҳаларига кирмаган прозаик ва шеърий матнлар, цитаталар, жадваллар ва шу кабилар тўғрисидаги изохлар.

Мисоллар

. – *С. Сайхун шеърлари варақда: «Тоглар осмонимга нарвон бўлгандай, Тунни ой кундуздек порлоқ қилгандай»*

. – *Матн в. . – Ўзбекистон гимни матни*

Тасвирий материал мақсади ва тематикаси тўғрисидаги маълумотларни тўлдирувчи изохлар.

Мисол

. – *Ўзбекистон мустақиллигининг 20-йиллигига бағишланган кўرғазманинг очилиши*

Агар тасвирий нашр сурат, расм, плакат, бошқа тасвирий нашр ва шу кабиларнинг қайта ишлангани ёки варианты бўлса, асл нусханинг муаллифи ва сарлавҳаси тўғрисидаги изохлар.

Мисоллар

. – *С рис. Ж. Умарбекова, опубл. в жур. «Искусство Узбекистана»*

. – *Использован мотив картины И. Е. Репина «Бурлаки на Волге»*

Тасвирий нашр-портретдаги тасвирланган шахс имзосининг факсимили тўғрисидаги изоҳлар.

Мисоллар

. – *Под изобр. факс. подписи Л. Толстого*

ёки

. – *Под изобр. факс. подписи изобр. лица*

Рассом, гравер, литографнинг монограммаси, факсимили ёки дастхатининг мавжудлиги ва жойлашиши тўғрисидаги изоҳлар.

Мисоллар

. – *Слева внизу подпись художника в зеркал. отражении*

. – *Справа внизу подпись карандашом рукою В. Матэ: «В. Матэ»*

. – *Под изобр. в центре монограмма: IWS*

b) нашр соҳасига изоҳлар

Графиканинг библиографик тарихи, унинг ўша асарнинг аввалги нашрлари билан боғлиқлигига берилган изоҳлар.

Мисол

. – *Репринт. изд. плаката 2004 г.*

Агар эстамплар, лубоклар ва бошқа тасвирий нашр босма шакллариининг санаси тасвирий нашрни чиқариш санасидан фарқ қилса, унинг санасини белгилаш тўғрисидаги изоҳлар.

Мисоллар

. – *Доскада 1860 й. литогр. бармоқ излари*

. – *Нашр тагида ой: 2007*

. – *Литогр. отт. с доски 1858 г.*

. – *Под изобр. дата: 2001*

Босма шакл (тахта, тош) қайта ишланадиган ҳолларда варақ маълум ҳолатининг фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги, жумладан ремаркаларнинг мавжудлиги тўғрисидаги изоҳлар.

Мисоллар

. – *Доска 1872 года перераб.: пейзаж упрощен, текст изменен*

. – *Перевод с доски 1889 г.*

. – *Доска пройдена резцом*

. – *На правом поле ремарка: эскиз жен. лица*

. – *4-е сост., изобр. в орнам. рамке*

с) физик характеристика соҳасига изоҳлар – бу график ва полиграфик техниканинг ўзига хос хусусиятлари, ташувчи-материал, ҳажми ва ўлчами, илова қилинган материал ва шу кабиларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги изоҳлар.

Мисоллар

. – *Подцвечен акварелью*

. – *По контурам закреплены засуш. цветы*

. – *Раскраш. гуашью*

. – *Тиснение золотом по контуру рамки*

. – *Правое и верхнее края имеют фигур. срез*

2) бутун графикага тегишли бўлган умумий характерга эга изоҳлар:

а) графиканинг маълум шахс, ҳодиса ёки машҳур санага бағишланганлиги тўғрисидаги изоҳлар, агар бу маълумотлар графика мазмуни билан боғланмаган бўлса.

Агар бағишлов графиканинг мазмуни билан боғлиқ бўлса, у одатда, сарлавҳага тегишли маълумотларда келтирилади.

Бағишлов тўғрисидаги маълумотлар тасвирий нашрда қандай берилган бўлса, шундай шаклда келтирилади. Агар «Бағишланган», «Бағишланади» сўзлари маълумотларга кирса, кириш ибораси келтирилмайди.

Мисол

. – *Посвящ.: «другу и патриоту Федору Алексеевичу Головину...»*

Узун бағишловлар ва хорижий тиллардаги бағишловлар библиограф томонидан шакллантирилган бўлиши мумкин.

Мисол

. – *Посвящ. Ф. А. Головину*

б) графика мазмуни тўғрисидаги изоҳлар.

Портретнинг худди шу шахснинг бошқа портретларидан ажратиб турувчи ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларни кўрсатади:

- портрет тури; (боши туширилган, ярим портрет, белдан юқори қисми туширилган, тиззагача туширилган, тўла портрет, отда ва бошқ.);
- юзнинг бурилиши (3/4 чапга, тўғрига, профиль ўнгга ва бошқ.);
- кийиниш хусусиятлари (парад мундирида, учувчи формасида ва бошқ.);
- тасвирланган шахснинг ёши ёки портрет яратилган вақт, агар у ушбу шахс иконографияси учун муҳим бўлса;
- агар у натурадан (гравюра, фотография ва шу кабилар) қилинмаган бўлса, портретнинг иконографик асоси;

- фон (ёзув столи олдида, табиат қўйнида, драпировкалар ва бошқ.);

- рамкага солиш (овал шаклида, безак рамасида ва бошқ.);

с) тасвирланган жой тўғрисидаги маълумотларни аниқлаштирувчи изоҳлар.

Мисол

Сарлавҳада:

Изоҳда:

*Тошкент. Софийский про-
спект*

*. – Кичик халқа йулидан катта
халқа йулигача*

д) сарлавҳаси графика жанри (пейзаж, натюрморт, кўриниши) ҳисобланган графика сюжетини қисқа ва муфассал аниқлаштирувчи изоҳлар.

Мисол

Сарлавҳада:

Изоҳда:

Натюрморт

*. – Цветы и фрукты на столе
ёки*

*. – На столе астры в вазе, яб-
локи, груши и виноград*

е) графиканинг бошқа нашрлар - альбомлар, китоблар, серияли, давомли нашрлар ва шу кабиларга боғлиқлиги тўғрисидаги изоҳлар, графика унга илова ҳисобланган ҳолларда.

Изоҳда нашр учун тузилган ёзув кириш ибораси билан келтирилади:

Мисоллар

. – Л. из изд.:

. – Фронт. кн.:

. – Тит. л. кн.:

. – Л. из альбома:

. – Прил. к кн.:

Агар графика бошқа нашрга илова эканлиги тўғрисидаги маълумотлар варақда келтирилган бўлса, улар ёзувда варақда берилган шаклда, уларнинг жойлашган ўрни кўрсатилган ҳолда келтирилади:

Мисоллар

. – Майдон ўнг юкори қисмида: «Шарқ Юлдузи» журнаliga илова

. – На правом поле сверху: «Прил. к журн. «Нива»

ф) графика ёки қайта тикланаётган асарнинг танлов, кўрик, кўргазма ва ҳ.ларда мукофотланганлиги тўғрисидаги изоҳлар.

Мисоллар

. – Тошкентда «Фотобиналия-2012» 1-халқаро кўргазма конкурси

. – *Сурат 1-даражали мукофот учун 2005 йилда сазовор бўлган*

g) ахборот манбаи тўғрисидаги изоҳлар.

Мисол

. – *Ровинский Д. А. Подробный словарь русских гравированных портретов. Санкт-Петербург, 1888. Т.3. №654*

3) тасвирий нашрнинг алоҳида нусхаси ёки бутун тиражининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги изоҳлар:

а) дасхат, экслибрис ва бошқа эгалик белгилари, ҳадя ёзувлари, кўлёзма белгилари, штамплар, наклеякалар ва шу кабиларнинг мавжудлиги тўғрисидаги изоҳлар.

Мисоллар

. – *Тушъ билан ёзилган табрик.: «Менинг ҳурматли ўқитувчим М. Иброҳимовага ўқувчиси С. Султоновдан эсдалик учун»*

. – *Рассомнинг автографи билан*

. – *Варақ айланасида – номаълум экслибрис шахси («R»)*

б) тасвирий нашрнинг келиб чиқиши, унинг аввалги эгалари ва сақловчилари тўғрисидаги изоҳлар.

Мисоллар

. – *Из собрания Н. И. Вышеславцева*

. – *Миллий кут-га топширилган муаллиф совгаси*

с) тасвирий нашрнинг кўргазмали тарихи тўғрисидаги изоҳлар.

Мисол

. – *Кўргазма экспонанти «Париж-Берлин», 2002*

д) графиканинг сақланиши тўғрисидаги изоҳлар.

Мисоллар

. – *В центре по вертикали перегиб*

. – *Утрачен правый ниж. угол*

. – *Поля загрязнены, желтые пятна*

. – *Реставрирован, накатан на спецткань*

. – *Марказда вертикал бўйича букилган*

. – *Ўнг томон бурчаги йиртилган*

. – *Майдон ифлосланган, сариқ доғлар*

. – *Реставрация қилинган*

е) тиражнинг алоҳида хусусиятлари ёки муаллифлик тиражидаги алоҳида босилган нусха рақами тўғрисидаги изоҳлар.

Мисоллар

. – *Коллекц. тираж (1000 экз.)*

. – *Экз. № 2/15*

5.5.2.12 Стандарт рақам (ёки унинг муқобиллари) ва фойдалана олишлик шартлари соҳаси

Соҳада мавжуд бўлган ҳолларда Халқаро стандарт рақами (ёки унинг муқобили) ҳамда фойдалана олишлик шартлари келтирилади. Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.9-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари бўлиб нашрнинг ўзидаги ҳамда ундан ташқаридаги маълумотлар ҳисобланади.

Фойдалана олишлик шартлари ушбу стандартнинг 4.1.8.9-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

. – *Не подлежит транспортировке*

. – *Фотосъемка с освещением запрещена*

. – *Работать только в белых перчатках*

. – *Транспортом тащить лийик эмас*

. – *Ёруғликда фотосъемка мумкин эмас*

. – *Фақат оқ перчаткаларда ишлаш мумкин*

5.5.3 Графика учун тузилган кўп босқичли библиографик ёзувни тузиш қоидалари

5.5.3.1 Кўп босқичли библиографик ёзувнинг тузилиши ва боғлиқлиги

Кўп босқичли библиографик ёзув тўлиқ кўп қисмли графика, сонлар (нашрлар, варақлар) гуруҳи, алоҳида сони учун тузилади.

Кўп қисмли графиканинг асосий турлари қуйидагилар ҳисобланади:

- давомли тасвирий нашрлар;

– серияли тасвирий нашрлар: эстамплар, репродукциялар, открыткалар, фотографиялар муаллифлик сериялари; эстамплар, лубоклар, репродукциялар, открыткалар, фотографиялар, амалий графика асарлари, сиёсий, ахборот-реклама, инструктив плакатларнинг тематик сериялари;

– даврий нашрлар: фотоахборот, газеталарга иловалар сонлари ва бошқалар.

Кўп қисмли графика учун умумий ном ва варақларнинг бир турли безалиши, маълум ёки номаълум вақт оралиқларида сони ва (ёки) санаси белгиланган нашрда чиқарилиши хосдир.

Тасвирий нашрларнинг тематик сериялари бир вақтда чиқарилиши, рақамлашга эга бўлмаслиги мумкин; умумий сарлавҳа тасвир – серия белгиси (портрет, имзо факсимили ва ш.к.), эмблема ва ш.к. билан алмаштирилиши мумкин.

Кўп қисмли графика учун кўп босқичли ёзув тузишда барча босқичдаги элементлар ушбу стандартнинг 5.1.3, 5.5.1–5.5.3-бандларида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. .

Сарлавҳа фақат кўп босқичли ёзувнинг биринчи босқичида тавсифдан олин келиши мумкин. Ёзувнинг иккинчи босқичида сарлавҳа қўлланмайди.

Биринчи босқичда ёзув тузишнинг умумий қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.10.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Иккинчи босқичда ёзув тузишнинг умумий қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.10.3-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

5.5.3.2 Кўп қисмли графика учун тузилган кўп босқичли ёзувнинг биринчи босқичидаги элементлар таркиби ва уларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.2, 4.1.10.2-бандида келтирилган қоидалар бўйича қуйидаги ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда келтирилади.

Биринчи босқичдаги ёзувда асосий сарлавҳа сифатида унинг олд ёки орқа томонига жойлаштирилган ва копозицион усулда, шрифт ёки ранг билан ажратилган графиканинг умумий сарлавҳаси келтирилади. Варақда серия номи кўрсатилмаган ҳолларда у мавзу ёки мазмун асосида ифодаланади ва квадрат қавсларга олинган ҳолда келтирилади.

Мисоллар

[Манзил : Тошкент]

[Илёмов И. Алишер Навоийнинг «Бақо гули» газалига расмлар]

Агар нашрлар турли нашриётлар томонидан чиқарилган, серия рақамига эга бўлмаса ва график ёки полиграфик безаш шакли бўйича фарқ қилса («Халқаро китоб йили», «Тошкент – 2000 ёшда» ва ҳ.), асосий сарлавҳа сифатида графиканинг, асосан – сиёсий ёки маданий воқеаларга, хотира ёки юбилей саналарга тўғриланган плакатларнинг шиорлари, матнлари, эмблемалари келтирилмайди.

5.5.3.3 Кўп қисмли графика учун тузилган кўп босқичли ёзувнинг иккинчи босқичдаги элементлар таркиби ва уларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Иккинчи босқичдаги ёзув тузишнинг умумий қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.10.3-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

5.5.3.4 Графикага библиографик ёзув тузишнинг ўзига хос хусусиятлари

Кўп қисмли графиканинг алоҳида қисмига кўп босқичли ҳамда бир босқичли библиографик ёзув тузилиши мумкин.

Кўп қисмли тасвирий материалнинг алоҳида қисми учун кўп босқичли ёзув ушбу стандартнинг 5.1.1, 5.1.2 ва 5.5.3.1–5.5.3.3-бандларида баён қилинган қоидалар бўйича тузилади.

Мисоллар

Независимый Узбекистан [Изоматериал] : плакаты / худож. рук. И. Улугбеков. – № 1 – 100. – Ташкент : Узбекплакат, 200–2005. – Трафарет.

№ 85. Цвети родной Узбекистан! / худож. В. Владимиров ; текст А. В. Ниязов. – 2004. – 102x80 см.

Кўп қисмли графиканинг алоҳида қисми учун бир босқичли ёзув кўп қисмли графиканинг умумий сарлавҳаси остида ҳам, томнинг хусусий сарлавҳаси остида ҳам тузилиши мумкин.

Алоҳида қисм учун кўп қисмли графиканинг умумий сарлавҳаси остида бир босқичли ёзув қуйидаги қоидалар бўйича тузилади: асосий сарлавҳа сифатида кўп қисмли графиканинг умумий сарлавҳаси, томлар сони, қисмлар рақами ва унинг хусусий сарлавҳаси (агар у мавжуд бўлса) нуқталар билан ажратилган ҳолда келтирилади. Қисм белгиси қисқартирилган шаклда келтирилади.

Мисоллар

Независимый Узбекистан [Графика]. Плакаты. № 85. Цвети родной Узбекистан! / худож. В. Владимиров ; текст А. В. Ниязов. – Ташкент : Узбекплакат, 2004. – Трафарет ; 102x80 см.

Ўзбек рассомларининг натюрморти [Графика]. Тошкентда ўтказилган кўргазма хотиралари : [открыткалар. сер. 2] : Мевалар / рассом С. Ф. Абдуллаев. 2005 й. – Тошкент, 2007.- ранг. офсет ; 9x14 см.

Алоҳида қисм учун хусусий сарлавҳа остида бир босқичли ёзув қуйидаги қоидалар бўйича тузилади: асосий сарлавҳа сифатида хусусий сарлавҳа келтирилади. Кўп қисмли графика тўғрисидаги маълумотлар сериялар соҳасида келтирилади.

Мисоллар

Владимиров, Валентин. Цвети родной Узбекистан! / худож. В. Владимиров ; текст А. В. Ниязов. – Ташкент : Узбекплакат, 2004. – Трафарет ; 102x80 см. – (Независимый Узбекистан : плакаты / худож. рук. И. Улугбеков ; № 85).

Абдуллаев, С. Ф. Мевалар : / рассом С. Ф. Абдуллаев. 2005 й. : [открытка]. – Тошкент, 2007.- ранг. офсет ; 9x14 см. – (Ўзбек рассомларининг натюрморти. Тошкентда ўтказилган кўргазма хотиралари ; [2]).

Кўп қисмли бутун тасвирий нашр ёки томлар гуруҳи учун кўп босқичли ёки бир босқичли библиографик ёзув тузилиши мумкин.

Кўп босқичли ёзув ушбу бобда баён қилинган қоидалар бўйича тузилади.

Мисоллар

Ўзбек рассомларининг натюрморти [Графика]. Тошкентда ўтказилган кўргазма хотиралари : [открыткалар. сер.] – Тошкент, 2007.- 6 в. ; ранг. офсет ; 9x14 см.

[2] : Мевалар / рассом С. Ф. Абдуллаев. 2005 й.

Бир босқичли ёзув ушбу стандартнинг 5.1.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Кўп қисмли бутун графика ёки томлар гуруҳи учун бир босқичли библиографик ёзув учун ҳажм – библиографик ёзув объекти ҳисобланган томлар сони тўғрисидаги маълумотлар мажбурий ҳисобланади.

Мисол

Ўзбек рассомларининг натюрморти [Графика]. Тошкентда ўтказилган кўргазма хотиралари : [открыткалар. сер.] – Тошкент, 2007.- 6 в. ; ранг. офсет ; 9x14 см.

5.6 Электрон ресурслар

5.6.1 Библиографик ёзув объекти, ахборот манбалари, таркиби ва тузилиши

5.6.1.1 Библиографик ёзув объекти

Библиографик ёзув объектлари сифатида электрон ахборот ресурслари, яъни фойдаланиш учун электрон қурилмалар талаб қилинадиган ресурслар кўриб чиқилади.

Электрон ресурслар электрон маълумотлар (сонлар, ҳарфлар, белгилар ёки уларнинг комбинацияси кўринишидаги маълумотлар), электрон дастурлар (маълум вазифаларни, жумладан маълумотларни қайта ишлашни таъминловчи операторлар ёки қисм-дастурлар тўплами) ёки битта ресурсда ушбу турларнинг бирикмасидан иборат бўлади.

Фойдаланиш режимига боғлиқ равишда электрон ресурслар маҳаллий (фойдаланувчи томонидан компьютерга жойлаштирилиши алоҳида физик ташувчида сақланган ахборотга эга бўлган) ва масофадан (масалан, Интернетда ёки ички тармоқларда тақдим этилган электрон ресурслар) фойдаланиш режимига эга бўлган электрон ресурсларга бўлинади.

Даврийлигига боғлиқ равишда электрон ресурслар тугалланган ва давомли ресурсларга бўлади.

Тузилиши бўйича электрон ресурслар бир қисмли ва кўп қисмли ресурсларга бўлинади.

Рўёбга чиқариш шаклига кўра электрон ресурслар қуйидаги турларга бўлинади: асл нусхадаги электрон ресурслар, босма нашрлар ўхшашлари ёки электрон шаклдаги бошқа ташувчилардаги ҳужжатлар.

Электрон ресурс учун ёзув тузишда ушбу стандартнинг 4 ва 5.1-бандида келтирилган қоидаларга амал қилинади. Ушбу бўлимда электрон ресурсларни тайёрлаш ва безашнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ библиографик ёзувни тузишнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб берилган.

Электрон ресурс учун библиографик ёзув тузишда рўёбга чиқариш шакли сифатида – электрон ресурс ҳамда унинг мазмуни эътиборга олинади.

Нотали, картографик, тасвирий, серияли ва бошқа давомли электрон ресурслар ҳамда китобли нашрларнинг аналоглари учун библиографик ёзув ушбу бўлимнинг қоидалари бўйича 5-бўлимнинг тегишли бўлимларида баён қилинган ҳужжатларнинг ҳар бир тури учун библиографик ёзув тузишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда тузилади.

5.6.1.2 Ахборот манбалари

Электрон ресурсга библиографик ёзув тузиш учун ахборот манбалари сифатида электрон ресурснинг ўзи ҳамда ресурсдан ташқаридаги манбалар бўлиши мумкин.

Электрон ресурснинг библиографик ёзув тузиш учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олувчи чиқувчи маълумотлар элементларидан қуйидаги кетма-кетликда фойдаланилади:

- титул экран;
- асосий меню;
- дастур тўғрисидаги маълумотлар;
- маълумотларнинг экранга биринчи чиқарилиши.

Библиографик ёзув тузиш учун асосий, энг тўлиқ ахборот манбаи бўлиб титул экран ҳисобланади.

Электрон ресурсда мавжуд бўлган ахборот манбалари барча қолганларидан афзал кўрилади. Агар юқорида эсга олиб ўтилган ахборот манбаларидан бир нечтасидан фойдаланилса, уларнинг комбинациясига ягона асосий ахборот манбаи сифатида қаралади.

Агар бутун ресурс учун умумий бўлган асосий ахборот манбаи мавжуд бўлмаса, ресурснинг алоҳида қисмлари эса ўзларининг ички манбаларига эга бўлсалар, ушбу манбаларга ҳам биргаликда ягона манба сифатида қаралади.

Ички манбалар етарли бўлмаган ҳамда уларни ўқиш мумкин бўлмаган ҳолларда бошқа манбалардан қуйидаги тартибда фойдаланилади:

- ресурснинг физик ташувчисидagi этикетка ёки маркировка;

- техник ҳужжатлар, бошқа илова қилинган материал ёки контейнер (кути, конверт, папка ва бошқ.);
- маълумотнома нашрлар ва электрон ресурсдан ташқаридаги бошқа манбалар.

Агар физик ташувчилардаги бир нечта ҳужжат контейнерга солинган ва фақат унда умумий сарлавҳа мавжуд бўлган ҳолларда асосий ахборот манбаи сифатида алоҳида ҳужжатлардаги маълумотлар эмас, балки контейнерда келтирилган маълумотлар танланади.

Ҳар бир соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари ва улардан фойдаланиш кетма-кетлиги ушбу стандартнинг 5-бўлимида кўриб чиқилади.

5.6.1.3 Қисқартмалар

Электрон ресурс учун библиографик ёзув тузишда қўлланиладиган сўз ва сўз бирикмаларининг қисқартмалари ГОСТ 7.11 ва ГОСТ 7.12 стандартларига мос бўлиши керак.

Электрон ресурсга библиографик ёзув тузишда қўлланиладиган қисқартмалар В иловада келтирилган.

5.6.1.4 Библиографик ёзув таркиби ва тузилишининг ўзига хос хусусиятлари

Бир босқичли библиографик ёзув бир қисмли электрон ресурс учун тузилади. Бир босқичли ёзув яна кўп қисмли электрон ресурс учун ҳам тузилиши мумкин.

Кўп босқичли библиографик ёзув кўп қисмли электрон ресурс учун тузилади, у икки (ёки ундан кўпроқ) иерархик боғлиқ босқичларни ўз ичига олади.

Бир босқичли библиографик ёзув соҳалари ва элементларининг рўйхати ушбу стандартнинг 4.1.8.1-бандида, кўп босқичли ёзувнинг схемаси 4.1.10.1-бандида келтирилган.

5.6.2 Электрон ресурс учун бир босқичли библиографик ёзув тузиш қоидалари

5.6.2.1 Асосий ва қўшимча фойдаланиш нуқталари

Электрон ресурс учун тузилган библиографик ёзувда асосий ва қўшимча фойдаланиш нуқталари сифатида қуйидагилардан фойдаланилади:

- шахс исмини ўз ичига олган сарлавҳа;
- ташкилот номини ўз ичига олган сарлавҳа;
- бир хиллаштирилган сарлавҳа;
- сарлавҳа.

5.6.2.2 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси электрон ресурс тўғрисидаги қуйидаги асосий маълумотларни ўз ичига олади:

муаллиф, тузувчи ёки ношир томонидан асарга берилган сарлавҳа, материалнинг умумий белгиланиши, сарлавҳани тўлдирувчи маълумотлар тўплами ва электрон ресурсни яратиш ва нашр қилишга тайёрлашда иштирок этган шахслар ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар.

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича электрон ресурсга хос бўлган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда келтирилади.

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси элементлари қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари бўлиб ички манбалар, этикетка, физик ташувчидаги маркировка, техник ҳужжатлар, бошқа илова қилинган материал ёки контейнер ҳисобланади;

2) асосий сарлавҳа ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

История чемпионатов мира по футболу

Графика и живопись

Юридический справочник для всех

Электронный рубрикатор

Большая энциклопедия Кирилла и Мефодия

Материалы ЮНЕСКО

Секреты Excel

Microsoft NSDN library

Асосий сарлавҳа манбаи тўғрисидаги маълумотлар албатта изоҳлар соҳасида келтирилади;

3) электрон ресурс учун тузилган ёзувда материалнинг умумий белгиланиши сифатида [Электрон ресурс] атамаси ёки унинг бошқа тиллардаги эквивалентларидан фойдаланилади. Маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Материалнинг умумий белгиланиши албатта келтирилади, ёзув фақат ушбу маълумот ташувчи тури учун ёзувларни ўз ичига олувчи бир хил массив учун тузилган ҳоллар бундан мустасно.

Мисоллар

Английский язык для общения [Электронный ресурс]

Lingua-match [Электронный ресурс]

Противостояние [Электронный ресурс] ; Опаленный снег

Суперинтеллект [Электронный ресурс]

4) параллел сарлавҳа ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Соҳада аввалдан белгиланган ахборот манбаига жойлаштирилган параллел сарлавҳалар келтирилади.

Мисол

Экология Аральского моря : история и современность [Электронный ресурс] = Aral Sea ecology : history and the present

5) сарлавҳага тегишли маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Энциклопедия классической музыки [Электронный ресурс] : композиторы, исполнители, произведения, инструменты, жанры и стили музыки, экскурсии, анимация, хронология, словарь терминов и викторина

Секреты красоты [Электронный ресурс] : мультимедийн. энцикл. : макияж, маникюр, прически, рецепты, ароматерапия, тесты и гороскопы

Снежная королева [Электронный ресурс] : интерактив. мультфильм для детей : [по мотивам сказки Г.-Х. Андерсена]

6) жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда ишлари бевосита электрон ресурсда мавжуд бўлган шахслар: ёзувчилар, дастурчилар, ихтирочилар, композиторлар, матн муаллифлари, рассомлар, муҳаррирлар, тузувчилар, таржимонлар, ишлов берувчилар, дизайнерлар, видеоматериал режиссёрлари, ҳуқуқ эгалари ва ҳ. тўғрисидаги маълумотлар уларнинг ҳужжатни яратишдаги вазифаларини аниқлаб берувчи сўзлар билан кўрсатилиши, шунингдек ишлари асосида ушбу ресурс яратилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши мумкин;

7) ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар, агар улар электрон ресурсни яратиш, тайёрлаш ёки сотишда иштирок этган бўлсалар, шунингдек ёзувга нисбатан муаллифлик ҳуқуқига эга бўлсалар, шу билан бирга ресурсдан ёки бошқа манбадан уларнинг ресурсни яратишдаги вазифаларини аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда ёзувга киритилади. Агар бу вазифаларни аниқлаб бўлмаса, ташкилот номи изоҳлар соҳасида кўрсатилади.

Агар ҳомий-ташкилот тўғрисидаги маълумотлар аввалдан белгиланган ахборот манбаида кўрсатилган ва ҳомий ҳамда ҳужжат ўртасидаги ўзаро боғлиқлик сўз ёки ибора билан яққол ифодаланган бўлса, бундай маълумотлар ҳам жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда келтирилади;

8) бир-бирлари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларни ёзувда маълум кетма-кетликда: аввал –

муаллифлар тўғрисидаги маълумотлар, кейин – бошқа шахслар (тузувчилар, муҳаррирлар, таржимонлар, дастурчилар ва бошқ.) тўғрисидаги маълумотлар, ундан кейин эса – ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни келтириш тавсия қилинади. Агар муаллифлар бўлмаса, биринчи ўринда ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни келтириш тавсия қилинади.

Мисоллар

/ авт. курса А. Сигалов

/ Т. Н. Смирнова ; разраб.: Диск-Т

/ авт. курса Родионова Е. И. ; разраб.: Кирилл и Мефодий, Asymetrix learning systems

/ by a team of programmers and teachers

/ Arden Wilson ; with graphics by the author

/ программирование – М. И. Беляев, С. М. Беляев

/ коллектив авт. под рук. Исакова Ю. Ф.

5.6.2.3 Нашр соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.3-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари: ички манбалар, этикетка, физик ташувчидаги маркировка, техник ҳужжатлар, бошқа илова қилинган материал ёки контейнер.

Мисоллар

. – 2-е изд.

. – Вып. I.A

. – Версия 6/6/01, послед. модификация 81/9/29

. – Версия 1 (2000 г.)

. – Новое изд.

. – Пересмотр. изд.

. – Новый вып.

. – New release

. – School ed.

. – Interactive ed. 2005 version

Тез-тез ва мунтазам равишда янгиланувчи масофадан туриб фойдаланиш ресурсларига тегишли бўлган нашр тўғрисидаги маълумотлар изоҳлар соҳасига жойлаштирилади.

Умумий сарлавҳага эга бўлмаган тўпламдаги алоҳида асарларга тегишли бўлган нашр тўғрисидаги маълумотлар нашр соҳасида келтирилмайди, балки сарлавҳа соҳасида улар тегишли бўлган асарлардан кейин жойлаштирилади ва аввалги маълумотлардан вергул билан ажратилади.

5.6.2.4 Ресурс тури ва ҳажми соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.4-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари бўлиб ресурс ичидаги ва ундан ташқарида жойлашган исталган манба ҳисобланади.

Электрон ресурснинг асосий хусусиятлари ресурс турининг белгиси ва унинг ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Ресурснинг бошқа хусусиятлари ҳамда ундан фойдаланишга боғлиқ бўладиган тизимга қўйиладиган талаблар изоҳлар соҳасида келтирилади.

Электрон ресурслар электрон маълумотлар ва электрон дастурларга бўлинади. Электрон маълумотларнинг қуйидаги турлари мавжуд: матнли, овозли, график, сонли, шрифтли, кўргазмали ва бошқалар. Электрон дастурлар тизимли, амалий ва сервис дастурлар орқали тақдим этилган.

Электрон маълумотлар ёки дастурлардан ҳар бири кейинги бўлиниш даражасига эга бўлиши мумкин: масалан, сонли маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари (демографик маълумотлар), ҳисобот маълумотлари ва ҳ. билан; тизимли дастурлар операцион тизимлар, қидириш дастурлари ва ҳ. билан ифодаланиши мумкин.

Битта электрон ресурсда турли кўринишлардаги электрон маълумотлар ва электрон дастурлар бирлашиши мумкин, масалан, интерактив мультимедиа ресурсларида.

Ресурс турининг белгиси ундаги мавжуд материалларнинг умумлашган тавсифини ўз ичига олади.

Мисоллар

- . – *Электрон. текстовые дан.*
- . – *Электрон. граф. дан.*
- . – *Электрон. журн.*
- . – *Электрон. картогр. дан.*
- . – *Электрон. прикладная прогр.*
- . – *Электрон. поисковая прогр.*
- . – *Electronic data*
- . – *Electronic progr.*

. – *Electronic interactive multimedia*

. – *Electronic online service*

Агар ресурснинг иккита белгиси берилган бўлса, иккинчисидан олдин «ва» боғловчиси ёки унинг бошқа тиллардаги эквивалентлари келтирилади.

Мисоллар

. – *Электрон. дан. и прогр.*

. – *Электрон. граф. дан. и прогр.*

. – *Electronic data and progr.*

Ушбу белгилар аввалдан белгиланган ахборот манбаида кўрсатилган бўлиши ёки ҳужжатни таҳлил қилиш асосида шакллантирилиши мумкин, улар квадрат қавсларга олинмаган ҳолда келтирилади. Агар белги материалнинг умумий белгиланишида мавжуд бўлса, «электрон» сўзини тушириб қолдириш мумкин.

Ресурс ҳажми – маълумотлар ва (ёки) дастурларнинг мазмунини ташкил қилувчи файллар сонининг кўрсаткичидан иборат библиографик тавсифнинг батафсилроқ тавсифлари қўшилган факультатив элементи. Ҳажм тўғрисидаги маълумотлар думалоқ қавсларда келтирилади.

Мисоллар

. – *Электрон. дан. (1 файл)*

. – *Электрон. прогр. (3 файла)*

. – *Электрон. дан. (5 файлов) и прогр. (2 файла)*

. – *Electronic data (1 file)*

. – *Electronic progr. (3 files)*

. – *Electronic data (5 files) and progr. (2 files)*

. – *Electronic text data (5 files) and retrieval progr. (1 file)*

Маълумотлар ресурслари учун яна ёзувлар ва (ёки) байтлар сони; дастурлар ресурси учун – матн элементлари, операторлар ва (ёки) байтлар (Кб – килобайт, Мб – мегабайт, Гб – гигабайт қисқартмаларини қўллашга йўл қўйилади) сони ҳам келтирилиши мумкин. Агар файллар сони келтирилса, қолган маълумотлар икки нуқта орқали кўрсатилади. Ушбу маълумотлар ичидаги аниқлаштирувчи маълумотлардан аввал вергул қўйилади.

Мисоллар

. – *Электрон. дан. (3 файла) и прогр. (2 файла)*

- . – *Электрон. дан. (2 файла : 70 тыс. записей)*
- . – *Электрон. прогр. (2 файла : 18650 байтов)*
- . – *Electronic text data (2 files : 1.6 Mbytes)*
- . – *Electronic data (800 records, 3150 bytes)*
- . – *Electronic data (1 file : 6210 bytes) and progr. (1 file : 2520 statements)*
- . – *Electronic system progr. (1 file : 997 statements)*
- . – *Электрон. прогр. (2 файла : 6000 команд, 18650 байтов)*

Бир нечта алоҳида қисмлардан ташкил топган электрон ресурс учун ёзувлар ва (ёки) байтлар сони ва операторлар ва (ёки) байтлар сони ҳар бир қисм учун алоҳида берилиши мумкин. Ёзувлар ва (ёки) байтлар сони тахминан берилиши мумкин. Агар сонини аниқлашнинг иложи бўлмаса, изоҳларда тегишли тушунтириш берилади.

Мисоллар

- . – *Electronic data (2 files : 2540 records each) and progr. (3 files : 7260, 3490, 5076 bytes)*
- . – *Electronic system progr. (3 files : ca. 35000 bytes each)*
- . – *Electronic text data (12 files)*
(Изоҳ соҳасида: Ресурс переменной длины)

5.6.2.5 Чиқувчи маълумотлар соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари: ички манбалар, этикеткалар, физик ташувчидаги маркировка, техник ҳужжатлар, бошқа илова қилинган материал ёки контейнер.

Чиқувчи маълумотлар соҳасида электрон ресурсни нашр қилиш, ишлаб чиқиш, тарқатиш, чиқариш ва сотиш бўйича барча фаолият турлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Ресурсни физик тайёрлашга тегишли бўлган маълумотлар соҳада келтирилади, агар юқорида эсга олиб ўтилган маълумотлар мавжуд бўлмаса.

Агар электрон ресурс босма нашрнинг электрон шаклдаги ўхшаши бўлса, соҳада электрон ресурснинг чиқувчи маълумотлари келтирилади, асл нусханинг чиқувчи маълумотлари эса нашр ёки изоҳлар соҳасида келтирилади.

Чиқувчи маълумотлар соҳасига тааллуқли маълумотлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

- 1) нашр қилиш жойи ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандда баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Турли аввалдан белгиланган манбаларда кўрсатилган нашр жойлари турлича ўқилган ҳолларда соҳада электрон ресурснинг ички манбаларидан олинган маълумотлар келтирилади, қолганлари эса – изохлар соҳасида келтирилади;

2) ношир, тарқатувчининг номи (исми) ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

. – *Ташкент : Софт-медиа*

. – *Москва : Изд-во МГУ*

. – *Санкт-Петербург : ASM*

. – *[Boston, (Mass.) ?] : SAWIC*

Тарқатувчининг вазифалари тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Ташкилотнинг нашр қилувчи эканлиги ёки фақат электрон ресурсни тайёрлаш ёки тарқатишни амалга оширганлиги аниқ бўлмаган ҳолларда у ношир сифатида келтирилади;

3) нашр қилиш, тарқатиш санаси ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади;

4) тайёрлаш жойи, тайёрловчининг исми ва тайёрлаш санаси физик ташувчилардаги электрон ресурслар учун библиографик ёзувлар тузишда ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

5.6.2.6 Физик характеристика соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб исталган манба ҳисобланади.

Соҳада маҳаллий фойдаланишга эга бўлган электрон ресурсга, яъни компьютер ёрдамида фойдаланиш учун мўлжалланган кассета, диск, картридж, магнит тасмаси каби физик ташувчидаги ресурсга тегишли бўлган маълумотлар келтирилади.

Фақат масофадан туриб фойдаланиш мумкин бўлган электрон ресурслар учун физик характеристика келтирилмайди.

Ушбу қоидалар битта турдаги физик ташувчиларга жойлаштирилган ҳужжатлар учун қўлланади. Агар битта ҳужжатдан турли физик ташувчиларда фойдаланиш мумкин бўлса ва битта тизимда фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса, ҳар бир физик ташувчи учун алоҳида ёзувлар тузилади.

Физик характеристика соҳасига тааллуқли маълумотлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

- соҳанинг биринчи элементи сифатида физик ташувчининг моддий тузилишини изохловчи материалнинг ўзига хос белгиси билан

тўлдирилган электрон ресурсни ташкил қилувчи физик бирликларнинг сони келтирилади.

Электрон ресурслар учун материалнинг ўзига хос белгиси сифатида қуйидаги атамалардан фойдаланиш мумкин:

- 1) электрон микропроцессорли картридж;
- 2) электрон диск;
 - а) электрон магнит диск:
 - қаттиқ магнит диск;
 - юмшоқ магнит диск (дискета);
 - б) электрон магнитли оптик диск (MD)
 - с) электрон оптик диск:
 - интерактив компакт-диск (CD-I);
 - доимий хотирага эга бўлган компакт-диск (CD-ROM);
 - кўп марта ёзиш учун мўлжалланган компакт-диск (CD-RW);
 - бир марта ёзиш учун мўлжалланган компакт-диск (CD-WORM, CD-R, CD-WO);
 - фото-компакт-диск (Photo-CD);
 - аудио маълумотларга эга бўлган компакт-диск (Audio CD);
 - видео маълумотларга эга бўлган компакт-диск (Video CD);
 - MP3 сиқиш форматида ёзилган аудиомаълумотларга эга бўлган компакт-диск (MP3);
- 3) магнит тасмали электрон кассета;
- 4) магнит тасмали электрон ғалтак;
- 5) электрон рақамли диск:
 - доимий хотирага эга бўлган рақамли диск (DVD-ROM);
 - бир марта ёзиш учун мўлжалланган рақамли диск (DVD+R, DVD-R);
 - кўп марта ёзиш учун мўлжалланган рақамли диск (DVD+RW, DVD-RW);
 - ихтиёрий тарзда фойдаланиш мумкин бўлган кўп марта ёзиш учун рақамли диск (DVD-RAM);
 - аудиомаълумотларга эга бўлган рақамли диск (DVD-Audio, DVD-A);
 - видеомаълумотларга эга бўлган рақамли диск (DVD-Video);
 - исталган турдаги маълумотларга эга бўлган рақамли диск (DVD-Data).

Агар бирорта ҳам атама мос келмаса, «электрон» тавсифи билан тегишли махсус атама кўрсатилади. Агар материалнинг умумий белгисидан фойдаланилса, «электрон» сўзини тушириб қолдириш мумкин.

Мисол

. – 1 электрон. диск

Оптик диск аниқ турининг номи материалнинг ўзига хос белгисидан кейин думалоқ қавсларда ёзилиши мумкин.

Мисоллар

- . – 1 электрон. опт. диск (CD-ROM)
- . – 3 электрон. опт. диска (Photo-CD)
- . – 1 электрон. опт. диск (CD-I)
- . – 1 электрон. опт. диск (CD-R)

- бошқа физик характеристикалар (товуш, ранг, томонлар сони, зичлик, сектордаги белги, йўлакчалар сони ва бошқ.) физик бирликлар сони ва материалнинг ўзига хос белгисидан кейин кўрсатилади ва икки нуқта билан ажратилади.

Товуш тўғрисидаги маълумотлар товуш жўрлигидаги ёки товуш ҳосил қилувчи ресурс учун келтирилади. Товушни эшиттиришга бўлган талаблар изоҳларда келтирилади

Мисоллар

. – 1 электрон. диск : зв.

. – 3 electronic disks : sd.

Ранг характеристикаси экранга икки ёки ундан кўпроқ рангларда чиқариш учун мўлжалланган ёки икки ва ундан кўпроқ ранглар ҳосил қилувчи ресурс учун берилади.

Мисоллар

. – 1 электрон. опт. диск (CD-R) : зв., цв.

. – 1 электрон. опт. диск (CD-I) : зв., цв.

. – 2 электрон. опт. диска (CD-ROM) : зв., цв.

. – 1 электрон опт. диск (CD-R) : товуш., ранг.

- ёзувда келтириладиган асосий ўлчамлар ўровнинг ташқи ўлчамларидан қатъи назар физик ташувчининг ўлчамларига тегишли бўлади. Ўлчам сантиметрларда («см») ёки бошқа тиллардаги эквивалентларида («sm» ва ҳ.) яхлитланган рақамларда келтирилади.

Юмшоқ ёки оптик диск ёки ғалтакли тасма учун диаметр келтирилади. Тасманинг кенлиги ва узунлиги ҳам кўрсатилиши мумкин. Агар ресурс турли ўлчамлардаги бир турдаги физик ташувчилардан ташкил топган бўлса, дефис орқали энг кичик ва энг катта физик ташувчининг ўлчамлари келтирилади. Картридж учун олд сиртининг узунлиги кўрсатилади.

Мисоллар

. – 3 электрон. опт. диска (CD-ROM) : зв., цв. ; 12 см

. – 3 электрон опт. диск (CD-ROM) : товушли, рангли ; 12 см

. – 3 electronic disks ; 4 3/4 in.

Қутига ўраб жойланган, электрон дисклар комплектига ўхшаш хужжатлар учун контейнернинг ўлчамларини келтириш мумкин.

Мисол

; в контейнере, 12x36x20 см

- илова қилинган материал тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Электрон ресурсга илова қилинган материал бўлиб китоблар, брошюралар, варақли нашрлар, исталган ташувчилардаги алоҳида нашр қилинган, бироқ ушбу электрон ресурс билан биргаликда фойдаланиш учун мўлжалланган бошқа асарлар бўлиши мумкин.

Илова қилинган материаллар бир нечта бўлиши мумкин, улардан ҳар бири қўшув белгиси билан белгиланади.

Мисоллар

. – 1 электрон. опт. диск (CD-ROM) : зв., цв. ; 12 см + конспект (81 с.)

. – 1 электрон. опт. диск (CD-ROM) : зв., цв. ; 12 см + Руководство пользователя (12 с.) + Методическое пособие (25 с.)

- агар ёзув масофадан фойдаланишга мўлжалланган ресурс учун тузилса, физик характеристика келтирилмайди, илова қилинадиган материал эса изоҳлар соҳасида акс эттирилади.

5.6.2.7 Сериялар соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.7-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари: ички манбалар, этикетка, физик ташувчилардаги маркировка, техник хужжатлар, бошқа илова қилинган материал ёки контейнердир.

Мисоллар

. – (Шедевры мировой культуры)

. – (Интерактивный мир)

. – (Мультимедийные обучающие серии) (История открытий)

. – (Большая автомобильная энциклопедия ; ч. 2)

. – (Talk now = Начните говорить прямо сейчас)

. – (New series : Museums and art collections in Russia)

. – (Computer simulation models : 2nd ed.)

. – (Elsevier's interactive anatomy, ISSN 0929-2225)

5.6.2.8 Изоҳлар соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.8-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари бўлиб исталган манба ҳисобланади.

Изоҳлар каталоглаштириш тилида келтирилиши мумкин. Зарур бўлган ҳолларда изоҳлар тили аралаш бўлиши мумкин.

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги соҳага тааллуқли маълумотлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) тизимга оид талаблар тўғрисидаги изоҳлар биринчи бўлиб изоҳлар соҳасида келтирилади. Маҳаллий фойдаланишга мўлжалланган ресурслар учун мажбурий. У қуйидаги тартибдаги бир нечта техник спецификацияларни ўз ичига олиши мумкин:

- компьютер номи, модели;
- бўш ва (ёки) тезкор хотира ҳажми;
- операцион тизим номи;
- дастурий таъминот (жумладан, зарур бўлган ҳолларда дастурлаш тиллари);
- периферия қурилмалари;
- техник воситалар.

Ушбу маълумотлар «Тизимга оид талаблар» ибораси ёки унинг бошқа тилдаги эквивалентидан («System requirements» ва ҳ.) олдин билдирилади. Турли маълумотлар бир-биридан нуқта вергул билан ажратилади.

Мисоллар

. – Систем. требования: Windows 2000sp4/XPsp1 ; Pentium/Athlon 1000Мгц ; 128 Мб ОЗУ (256 для WinXP), видеокарта GeForce2 или лучше, зв. карта ; 32хCD-ROM ; 1,8 Гб свободного места на жестком диске. – Не гарантируется работа на ноутбуках

. – Систем. требования: процессор Pentium 133 ; оператив. память 32 Мб ; SVGA VESA совместимая видеокарта, MS Windows совместимая зв. карта, 4х CD-ROM, мышь

. – Систем. требования: WinXP (рус.) ; Penrium III 500 Мгц ; 128 Мб ОЗУ ; 24х CD-ROM ; 16 Мб DirectX 7-совместимая 3D видеокарта, DirectX-совместимая зв. карта ; 1,6 Гб места на жестком диске

. – Тартиб талаби: WinXP (рус.) ; PenriumIII 500 Мгц ; 128 Мб ОЗУ ; 24х CD-ROM ; 16 Мб DirectX 7- бир-бирига тўғри келадиган 3D видеокарта, DirectX-товушли бир-бирига тўғри келадиган карта ; 1,6 Гб эгилган диск жойида

Алоҳида физик ташувчиларнинг тизимга оид талаблари тўғрисидаги умумий изоҳ объект икки ёки ундан кўпроқ физик ташувчидан иборат бўлганда (масалан, электрон диск ва видеодискни ўз ичига олувчи аралаш типдаги электрон ресурс) берилиши мумкин.

Мисол

. – Систем. требования: Macintosh ; at least 1 MB ; System 6.0.5 or later ; HyperCard version 1.0 or later ; hard disk drive ; videodisc player (Pioneer 2200, 4200, 6000A, 6010A, 8000) ; RS232 cable connector (from Macintosh to videodisc player)

Умумий изохнинг ўрнига муқобил вариант – электрон ресурсга кирувчи ҳар бир физик ташувчи ёки турли операцион тизимлар учун тизимларнинг бошқалардан фарқ қиладиган хусусиятларини ўз ичига оловчи алоҳида изохларга йўл қўйилади.

Мисоллар

. – Систем. требования для электронного диска: Macintosh ; at least 1 MB ; System 6.0.5 or later ; HyperCard version 1.0 or later ; hard disk drive ; cable connector (from Macintosh to videodisc player)

. – Систем. требования для видеодиска: Videodisc player (Pioneer 2200, 4200, 6000A, 6010A, 8000)

2) фойдаланиш режими тўғрисидаги изох (тизимга оид талаблар тўғрисидаги изохлар мавжуд бўлмаган ҳолларда биринчи бўлиб келтирилади). Бу изох масофадан фойдаланишга мўлжалланган электрон ресурс учун ёзув тузишда мажбурий ҳисобланади ва ундан олдин «Фойдаланиш режими» сўзлари ёки унинг бошқа тиллардаги эквивалентлари (масалан, «Mode of access» ва бошқ.) келтирилади.

Мисоллар

. – Режим доступа: Computer university network

. – Режим доступа: <http://www.un.org>

. – Режим доступа: <ftp://ftp.nevada.edu>

. – Mode of access: Mikenet

3) соҳалар ва элементларга бўлган қуйидаги изохлар уларнинг электрон ресурс учун тузилган ёзувдаги кетма-кетлигига мос келади:

а) асосий сарлавҳа манбаи тўғрисидаги изох мажбурий ҳисобланади.

Мисоллар

. – Загл. с титул. экрана

. – Загл. с контейнера

. – Загл. с этикетки видеодиска

. – Загл. из техн. документации DUA Labs ST-5

. – Загл. с папки

. – Загл. с домашней страницы Интернета

b) сарлавҳа вариантлари (асосий сарлавҳа сифатида танланган сарлавҳадан бошқа сарлавҳаларнинг) ҳамда параллел сарлавҳалар ва сарлавҳа соҳасида кўрсатилмаган сарлавҳага тегишли бўлган маълумотлар тўғрисидаги изоҳлар.

Мисоллар

. – *Загл. на контейнере: Spelling adventures*

. – *Загл. на экране: Personal finances and other applications*

c) жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларга изоҳ.

Мисоллар

. – *Систем. дизайнер Henry Letow ; зв. L F Acoustics*

. – *Данные сост. в соавт. с Christiane Klapish*

. – *Координатор прогр. Mary E. Shields*

. – *Координатор проекта: Леванова И. М.*

d) нашр тўғрисидаги маълумотлар манбаи тўғрисидаги изоҳ.

Мисоллар

. – *Сведения об изд. с буклета*

. – *Сведения об изд. с этикетки диска*

. – *Сведения об изд. из информ. в конце ресурса*

e) электрон ресурснинг библиографик тарихи тўғрисидаги изоҳлар масофадан фойдаланиш учун мўлжалланган электрон ресурснинг тез-тез ўзгарувчи мазмуни ёки унинг даврийлигининг кўрсаткичини ўз ичига олиши мумкин. Улар ушбу ресурснинг бошқа нашрларга боғлиқлигини ҳам кўрсатиши мумкин.

Мисоллар

. – *Корректируется еженедельно*

. – *Корректируется часто ; послед. корректировка: 2/18/07*

. – *Корректируется постоянно ; версия 7 датир.: май 7, 2007*

. – *Электрон. версия печ. публикации 2009*

. – *Основана на: Health interview survey 2006*

. – *Первый файл издан в 2008 г.*

. – *Данные скопир. из Вычисл. центра М-ва, окт. 2001 г.*

f) ресурс тури ва ҳажми соҳасига изоҳлар ресурс ўлчамлари тўғрисидаги маълумотларни, жумладан ўлчамларнинг аниқланмаганлиги

тўғрисидаги маълумотни, илова қилинган материал тўғрисидаги аниқлаштирувчи маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.

Мисоллар

. – *Размер ресурса не определен*

. – *Данные сопровождаются серией из 3 прогн. в PL/L*

г) физик характеристика соҳасига изоҳлар физик характеристика соҳасидаги маълумотларни тўлдирувчи ҳужжатнинг физик характеристики тўғрисидаги қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин: физик ташувчиларнинг вариантлари, битта ёзув объектидаги турли материал тоифалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар, бошқа ташувчидаги ўхшашининг мавжудлиги ва б. тўғрисидаги маълумотлар.

Мисоллар

. – *ФОРТРАН IV, уровень H*

. – *Сетевой аналог: www.km.ru*

. – *Сведения доступны также по Интернету*

. – *Имеется печ. аналог*

. – *Ўқув курси базасида яратилган: Табиий география : бошланғич курси : 5 синф / А. М. Ахмедов, Н. Ғ. Мурадов, Д. А. Исламов*

. – *Создано на базе курса учеб.: География : наш дом – Земля : материки, океаны, народы, страны : 7 кл. / Душина И. В., Коринская В. А., Щенева В. А.*

4) электрон ресурснинг машҳур сана ёки ҳодисага бағишланганлиги ёки тўғриланганлиги тўғрисидаги изоҳ ушбу маълумотлар унинг мазмуни билан боғлиқ бўлмаган ва сарлавҳага тегишли бўлган маълумотларга жойлаштирилмаган (ёзувда келтирилмайдиган шахсий кўринишдаги бағишловлардан ташқари) ҳолларда келтирилади. Маълумотлар уларнинг электрон ресурсда жойлашган ўрнини аниқлаштирувчи иборалардан кейин келтирилади.

Агар маълумотлар «Бағишланган», «Бағишланади» сўзларини ўз ичига олса, кириш иборалари келтирилмайди.

Мисоллар

. – *Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланади*

. – *Алишер Навоийнинг 550 йиллигига бағишланади*

. – *200-летию А. С. Пушкина посвящается*

Мазмун тўғрисидаги изоҳ.

Мисоллар

. – *Содерж.: 1. 2005–2009 ; 2. 2000–2007*

. – *Содерж.: CD-ROM data (1:29). The young person's guide to the orchestra (16:27). Extra audio examples (55:43)*

. – *Содерж. прил.: Руководство и схема (18 с.)*

. – *Содерж. все публ. «Финансовой газеты» и «Финансовой газеты. Региональный выпуск»*

. – *Содерж. материалы из книг: «Интернет как инструмент для финансовых инвестиций», «Справочник Web-брокеров 2009 г.»*

. – *Содерж. 1000 интерактив. ил., 50 видеофрагм. и компьютер. анимаций, 1000 тестов и задач, 30 мин диктор. текста*

. – *Содерж. авт.: И. Анненский, Ю. Балтрушайтис, К. Бальмонт, З. Гиппиус, В. Иванов, Д. Мережковский, П. Соловьев, К. Случевский, Ф. Соллогуб, В. Соловьев*

. – *Китобдаги материалларни ўз ичига олган: «AutoCAD 2009», «Web-дизайн нольдан бошлаб»*

. – *Интерактив расмларни ўз ичига олган, 50 видеофрагм. ва компьютерлар, анимация, 1000 масала ва тестлар, 30 дақиқа матн дикторлари*

Электрон ресурсда маълумотнома аппаратининг (библиографик рўйхат ёки кўрсаткич, ёрдамчи кўрсаткич ва бошқа материаллар) мавжудлиги тўғрисидаги изох. Маълумотномали материал сарлавҳаси алоҳида сўзлар қисқартирилган ҳолда келтирилади.

Мисоллар

. – *Библиогр., нотогр., дискогр.*

. – *Содерж. более 70 000 перекрест. ссылок и поисковую систему*

. – *Содерж.: List of figures, List of tables, Introduction, Methods and procedures, Appendix, Index, Comment sheet*

. – *Содерж. свыше 300 рентгенограмм и снимков, более 200 граф. рис. и анимац. ил., 70 мин ориг. видеоматериалов, ок. 50 диаграмм, схем и граф. и более 200 библиогр. справок*

Масофадан фойдаланишга мўлжалланган тез-тез янгиланувчи ресурс учун тузилган ёзув қандай маълумотлар асосида олинганлигини аниқлаштирувчи изох.

Мисоллар

. – *Описание основано на: vol. 3, No. 3 (May/June 2005)*

. – *Описание основано на версии, датир.: Oct. 4, 2007, 13:22:11*

. – *Description based on home page data: 09/06/06*

Электрон ресурсдан фойдаланиш мумкин бўлган мақсадлар, унинг кўзда тутилган ўқувчилари тўғрисидаги тавсиявий ёки эҳтимолий хусусиятларга эга бўлган маълумотларни ўз ичига олган изоҳ.

Мисоллар

- . – *Только для специалистов библиотеки*
- . – *Для 3–6-летнего возраста*
- . – *Для учащихся 8–9 кл.*
- . – *Предназначен для студентов вузов со знанием алгебры*

Рақамлар тўғрисидаги изоҳ ISBN ва ISSN дан ташқари электрон ресурсга тегишли бўлган барча рақамларни ўз ичига олади.

Мисол

Идентификац. №: 2AVA9B-56APK-57GAX-XXXXPN

Библиографик ташкилот учун зарур бўлган бошқа маълумотларни ўз ичига олган бошқа изоҳлар файлларнинг номлари, ресурсдаги маълумотларнинг бошқа манбадан ёки бошқа манбага кўчириш санаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.

5.6.2.9 Китобнинг стандарт рақами (ёки унинг муқобили) ва фойдалана олишлик шартлари соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.9-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб исталган манба ҳисобланади.

Стандарт рақам соҳаси ISBN ни ўз ичига олади, у электрон ресурсда кўрсатилган кўринишда келтирилади

Мисол

- . – *ISBN 5-201-09559-3*

Агар ISBN мавжуд бўлмаса, унинг ўрнига электрон ресурсда мавжуд бўлган давлат рўйхатидан ўтказиш рақами келтирилиши мумкин.

Мисол

- . – *№ гос. регистрации 0329900075*

Фойдалана олишлик шартлари ушбу стандартнинг 4.1.8.9-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

- . – *250 экз.*
- . – *Публичное пользование ограничено*

5.6.3 Электрон ресурс учун кўп босқичли библиографик ёзув тузиш қоидалари

5.6.3.1 Кўп босқичли библиографик ёзувнинг тузилиши ва боғлиқлиги

Кўп босқичли библиографик ёзув кўп қисмли электрон ресурс учун – барча қисмлар учун, қисмлар гуруҳи учун ёки битта қисми учун тузилади.

Кўп қисмли электрон ресурс учун кўп босқичли ёзув тузишда барча босқичлардаги элементлар ушбу стандартнинг 5.1.3, 5.6.1–5.6.3-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Сарлавҳа кўп босқичли ёзувнинг фақат биринчи босқичида тавсифдан олдин келиши мумкин. Иккинчи босқичда сарлавҳа қўлланилмайди.

Биринчи босқичдаги ёзувни тузишнинг умумий қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.10.2-бандида келтирилган.

Иккинчи босқичдаги ёзувни тузишнинг умумий қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.10.3-бандида келтирилган.

5.6.3.2 Электрон ресурс учун тузилган кўп босқичли ёзувнинг биринчи босқичидаги элементлар таркиби ва уларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Биринчи босқичда асосий сарлавҳа сифатида электрон ресурснинг умумий сарлавҳаси келтирилади, ундан кейин бутун электрон ресурс учун умумий бўлган бошқа маълумотлар жойлаштирилади.

Агар ресурснинг бир қисмини нашр қилишда давом эттириш кўзда тутилса, биринчи қисмининг чиқиш йили кўрсатилади ва ундан кейин тире белгиси қўйилади. Биринчи босқичдаги бошқа элементлар умумий қоидалар бўйича келтирилади.

5.6.3.3 Электрон ресурс учун тузилган кўп босқичли ёзувнинг иккинчи босқичидаги элементлар таркиби ва уларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Иккинчи босқичда ҳар бир алоҳида қисмга тегишли бўлган маълумотлар жойлаштирилади. Қисм белгиси ва (ёки) қисм рақамидан кейин икки нуқта қўйилади, ундан кейин аниқ бир қисмининг асосий сарлавҳаси келтирилади. Бошқа элементлар умумий қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Большая автомобильная энциклопедия [Электронный ресурс]. – Электрон. дан. – Москва : Xelana media group, 2008–

Систем. требования: Pentium 90 МГц ; RAM 8 Мб ; Windows 2000/XP ; SVGA high color ; CD-drive 8x. – Загл. с контейнера.

Ч. 1 : Элитные автомобили мира. – 1 электрон. опт. диск (CD-ROM). – 3000 экз. – № гос. регистрации 0329800025.

Ч. 2 : Рожденные побеждать. – 1 электрон. опт. диск (CD-ROM) + прил. (2 с.). – 3000 экз. – № гос. регистрации 0329800026.

Ч. 3 : Суперкары и прототипы. – 1 электрон. опт. диск (CD-ROM) + прил. (2 с.). – 3000 экз. – № гос. регистрации 0329800027.

Ўзбекистон тарихи [Электрон ресурс]. – Электрон маълумот. – Тошкент : Самарқанд, 2009 –

Тартиб талаби: Pentium 90 МГц ; RAM 8 Мб ; Windows 2000/XP ; SVGA high color ; CD-drive 8x. – Контейнер номи билан.

Қ. 1 : Самарқанд тарихи. – 1 электрон. опт. диск (CD-ROM). – 3000 нусха. – № дав. рақами 0425890030.

Қ. 2 : Тошкен тарихи. – 1 электрон. опт. диск (CD-ROM) + илова (2 б.). – 3000 нусха. – № дав. рақами 0425890031.

Қ. 3 : Амир Темур тузуклари. – 1 электрон. опт. диск (CD-ROM) + илова (2 б.). – 3000 нусха. – № дав. рақами 0425890032.

Электрон ресурс учун иловалар ёки қўшимча материаллар ҳисобланган алоҳида физик объектларга ёзув ҳам шунга ўхшаш усулда тузилиши мумкин.

Мисол

Learn to speak French. Module 1, Beginner level [Electronic resource]. – Electronic data and program. – Cleveland (Ohio) : Polyglot media, cop. 2004. – 1 electronic optical disc (CD-ROM) : sd., col. ; 12 cm. – System requirements: IBM-compatible PC ; DOS 5.0 or higher ; 1MB RAM ; hard disk with 10 MB free space ; CD-ROM player. – Title from disc label.

Learn to speak French. Module 1, Beginner level / Greg Clifton. – New York : Hyperglot publishers, [2004]. – 128 p. : ill ; 28 cm.

5.6.3.4 Электрон ресурс учун библиографик ёзув тузишнинг ўзига хос хусусиятлари

Умумий сарлавҳага эга бўлган бир нечта алоҳида қисмлардан ташкил топган электрон ресурс учун қуйида санаб ўтилган вариантлардан бири бўйича бир босқичли ёзув тузилиши мумкин.

Асосий сарлавҳа сифатида алоҳида қисмнинг сарлавҳаси келтирилади, умумий сарлавҳа эса сериялар соҳасида кўрсатилади.

Асосий сарлавҳа сифатида умумий сарлавҳа ва алоҳида қисм сарлавҳаларининг бирлашмаси олинади.

Асосий сарлавҳа сифатида умумий сарлавҳа келтирилади, алоҳида қисмларнинг сарлавҳалари эса мундарижада кўрсатилади.

5.7 Овозли ёзувлар

5.7.1 Библиографик ёзув объекти, ахборот манбалари, таркиби ва тузилиши

5.7.1.1 Библиографик ёзув объекти

Ушбу стандартнинг 5.6-бандида баён қилинган электрон ресурслардан ташқари исталган ташувчиларда (грампластинкалар, магнитофон ғалтакларидаги магнит тасмалар, компакт-кассеталар, мусикавий компакт-дисклар ва бошқ.) мавжуд бўлган овозли ёзувлар библиографик ёзув объектлари ҳисобланади.

Улар бир қисмли ёки кўп қисмли, нашр қилинган (овоз ёзиш фирмалари томонидан фабрика усулида тайёрланган) ёки нашр қилинмаган (хусусий шахслар томонидан овоз ёзиш аппаратурасида тайёрланган) бўлиши мумкин.

Овозли ёзувлар учун ёзув тузишда ушбу стандартнинг 4 ва 5.1-бандида келтирилган ҳужжатларнинг тавсифини тузишнинг умумий қоидаларига амал қилинади. Ушбу бўлимда бу қоидалар овозли ёзувларга нисбатан кўриб чиқилади, умуман овозли ёзув ва унинг алоҳида турларининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ хусусиятлар эслатиб ўтилади.

5.7.1.2 Ахборот манбалари

Овозли ёзув учун библиографик ёзув тузиш учун нашриёт беағи билан овозли ёзувнинг ўзи ҳам, ундан ташқаридаги манбалар (овозли ёзувлар каталоглари, библиографик ва дискографик қўлланмалар, маълумотномали нашрлар) ҳам ахборот манбалари бўлиши мумкин.

Библиографик ёзув тузиш учун овозли ёзув мавжуд бўлган ташувчи ўровидаги, ташувчининг ўзидаги ва илова қилинган матнли ҳужжатлардаги матнли маълумотлар асосий ахборот манбалари бўлиб ҳисобланади.

Асосий ахборот манбалари мавжуд бўлмаган ёки улардаги маълумотлар етарли бўлмаган ҳолларда овозли ёзув тингланади, тинглаш натижаларидан ушбу ҳолда ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандига мувофиқ библиографик ёзув тузиш учун ахборот манбаи сифатида фойдаланилади.

Библиографик тавсифнинг ҳар бир соҳаси учун ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандига мувофиқ аввалдан белгиланган ахборот манбаидан фойдаланилади. Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси, нашр, ўзига хос маълумотлар, чиқувчи маълумотлар ва серия соҳалари учун аввалдан белгиланган манба бўлиб асосий ахборот манбаи ҳисобланади. Аввалдан белгиланган манбадан эмас, балки нашрдан ташқари манбалардан ўзлаштирилган маълумотлар квадрат қавсларга олинади. Шунга ўхшаш тарзда бундай маълумотлар изоҳлар соҳасига жойлаштирилиши мумкин. Физик характеристика, изоҳлар ва стандарт рақам соҳалари учун ушбу нашрга алоқаси бўлган исталган манба аввалдан белгиланган ҳисобланади.

5.7.1.3 Библиографик ёзув таркиби ва тузилишининг ўзига хос хусусиятлари

Муסיқавий овозли ёзувлар учун библиографик ёзув ушбу стандартнинг 5.3-бандига мувофиқ наотали нашрлар учун библиографик ёзув тузишга ўхшаш жавобгарлик тўғрисидаги, ўзига хос маълумотлар соҳаси ва физик характеристика соҳаси маълумотларини келтиришдаги фарқлар ҳисобга олинган ҳолда тузилади.

Муסיқали ҳисобланмаган овозли ёзувлар учун библиографик ёзув ушбу стандартнинг 5.1-бандига мувофиқ китоблар ва брошюралар учун библиографик ёзув тузишга ўхшаш жавобгарлик тўғрисидаги ва физик

характеристика соҳаси маълумотларини келтиришдаги фарқлар ҳисобга олинган ҳолда тузилади.

5.7.2 Овозли ёзув учун бир босқичли библиографик ёзув тузиш қоидалари

5.7.2.1 Асосий ва қўшимча фойдаланиш нуқталари

Овозли ёзувлар учун фойдаланиш нуқталарини танлаш ва библиографик ёзувлар сарлавҳаларини тузиш ушбу стандартнинг 4.2 ва 4.3-бандларида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Овозли ёзув учун библиографик ёзувда асосий ва қўшимча фойдаланиш нуқталари сифатида қуйидагиларни ўз ичига олувчи сарлавҳалардан фойдаланилади:

- шахс исми (матнлар муаллифлари, композиторлар, аранжировкачилар, ижрочилар);
- ташкилотларнинг номлари (оркестрлар, ансамбллар, гуруҳлар, театрлар ва бошқа жамоалар);
- бир хиллаштирилган сарлавҳалар;
- шахс исми ёки юрисдикция номи ва ҳужжат белгиси ёки бир хиллаштирилган сарлавҳани ўз ичига олган сарлавҳалар.

Битта асарнинг (муסיқа, матн ва бошқ.) овозли ёзуви учун ушбу асарга мос келувчи асосий фойдаланиш нуқтаси тузилади. Қўшимча фойдаланиш нуқталари асосий ижрочиларнинг (масалан, қўшиқчи, ўқувчи, оркестр) исмларига тузилади.

Битта муаллифнинг (масалан, композитор) икки ва ундан ортиқ овозли ёзувлари учун ушбу асарларга (битта муаллифнинг асарлари тўплами сингари) мос асосий фойдаланиш нуқтаси тузилади. Қўшимча фойдаланиш нуқталари асарларнинг сарлавҳалари учун тузилади. Турли муаллифларнинг икки ва ундан ортиқ овозли ёзувлари учун асосий фойдаланиш нуқтаси асосий муаллиф ёки биринчи бўлиб кўрсатилган муаллиф учун тузилади. Қўшимча фойдаланиш нуқталари қолган асосий муаллифлар учун тузилади.

5.7.2.2 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси

Асосий сарлавҳа, параллел сарлавҳалар, сарлавҳага тегишли маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган умумий қоидалар бўйича келтирилади.

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасининг элементлари қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) агар сарлавҳа битта ёки бир нечта турдаги асарларнинг намунавий номларидан ташкил топган бўлса ва ижро воситалари, ҳамоҳанглик, асар санаси ва рақамини ўз ичига олса, ушбу маълумотларнинг барчаси асосий сарлавҳа сифатида келтирилади. Бошқа барча ҳолатларда ижро воситалари, ҳамоҳанглик, асар санаси ва (ёки) рақами тўғрисидаги маълумотлар сарлавҳага тегишли маълумотлар сифатида келтирилади;

2) овозли ёзувлар учун материалнинг умумий белгиланиши [Овозли ёзув] атамасидан фойдаланган ҳолда ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади;

3) овозли ёзувнинг асосий интеллектуал мазмуни учун жавобгар бўлган шахслар ёки ташкилотларга тегишли бўлган жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар, масалан, матнларнинг муаллифлари, ижро этилаётган мусиқа композиторлари, фонографик материалларнинг тўпловчилари, бадий ва (ёки) интеллектуал жавобгарликни ўз зиммасига олувчи продюсерлар тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Асосий ижрочилар тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги алоҳида ўзига хос хусусият ҳисобланади. Агар библиографик ёзув объектида бошқасининг жўрлигида чиқувчи ижрочи тақдим этилган бўлса, жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда буни кўрсатиш керак.

Мисоллар

/исполн.: Симф. орк. Всесоюзного радио, дир. Е. Светланов

/ ижро эт.: Симфоник оркестр, дир. М. Ашрафий

Агар библиографик ёзув объектида гуруҳ, ансамбл, труппа ва ҳ. аъзолари тақдим этилган бўлса, бу маълумотлар улар муҳим ҳисобланган ҳолларда изоҳлар соҳасида келтирилади.

Агар ижрочи-жамоа номи қатнашган сарлавҳадан фойдаланилса, уни аниқлаш учун овозли ёзувнинг ўзидан ҳамда албатта ундан ташқаридаги манбалардан фойдаланган ҳолда ташкилотнинг умумқабул қилинган номини кўрсатиш лозим. Агар ижрочи шахс исми қатнашган сарлавҳадан фойдаланилса, унинг мутахассислигини (масалан, дирижёр, скрипкачи, кўшиқчи (тенор, баритон) ва ш.к.) аниқ умумқабул қилинган тарзда кўрсатиш учун шунга ўхшаш процедурадан фойдаланиш керак.

Агар ижрочи шахс исми қатнашган сарлавҳадан фойдаланилса, овозли ёзувнинг сарлавҳаси эса мавжуд бўлмаса, библиография қилувчи муассаса сарлавҳа сифатида ижрочи исмидан олдин квадрат қавсларга олинган қуйидаги сўзларни қўшган ҳолда ундан фойдаланиши мумкин: [Ижро этади]; [Қуйлайди]; [Дирижёрлик қилади]; [Чалади]; [Гапириб беради] ва ҳ.к.

Мисоллар

[Дирижурует] Кароль Стрия

[Дирижерлик қилади] М. Ашрафий

[Поёт] Мария Пахоменко

[Қуйлайди] М. Юлчиева

[Играет] Ицхак Перлман

[Чалади] А. Икрамов

[Рассказывает] Ираклий Андроников

[Гапириб беради] И. Бердиев

Агар муаллиф исми қатнашган сарлавҳадан фойдаланилса, овозли ёзувнинг сарлавҳаси эса мавжуд бўлмаса, библиография қилувчи муассаса

сарлавҳа сифатида куйидаги сўзлардан фойдаланиши мумкин: [Асарлар]; [Ҳикоялар] ва ш.к.

Мисоллар

Сильвестров, Валентин Васильевич (1937-).

[Произведения]

Чехов, Антон Павлович (1860–1904).

[Рассказы]

Малик, Тохир (1946-).

[Ҳикоялар]

5.7.2.3 Нашр соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган умумий қоидалар бўйича келтирилади.

5.7.2.4 Ўзига хос маълумотлар соҳаси

Овозли ёзувлар учун ушбу соҳадан фойдаланилмайди.

5.7.2.5 Чиқувчи маълумотлар соҳаси

Чиқувчи маълумотлар соҳасининг элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган умумий қоидалар бўйича келтирилади.

Асосий ахборот манбаларида мавжуд бўлган нашр қилиш (тарқатиш) жойига тегишли бўлган аниқлаштирувчи маълумотлар думалоқ қавсларга олинган ҳолда кўрсатилади. Библиографик маълумотларнинг ташқи манбаларидан кўчирилган тафсилотларини квадрат қавсларга олинган ҳолда келтириш керак.

Агар тайёрловчи жойи, исми (номи) ва тайёрлаш санаси тавсиф объектида кўрсатилган бўлса ва ношир жойи, номи ва эълон қилиш санасидан фарқ қилса ёки библиография қилувчи муассаса уларни муҳим деб ҳисобласа, тайёрловчи жойи, исми (номи) ва тайёрлаш санаси факультатив равишда келтирилади. Агар аввалдан белгиланган ахборот манбаида тавсиф объектини эълон қилиш билан боғлиқ бўлган саналар мавжуд бўлмаса, назарда тутилган нашр қилиш санаси зарур ҳолларда тегишли тушунтиришлар билан келтирилади. «Йилсиз» белгиси келтирилмайди.

Мисоллар

. – *Тошкент : O'zbekiston milliy teleradiokompaniyasi , [2009]*

. – *Москва : Мелодия, 2005 (Апрелевка : 3-д грп.)*

. – *Москва : Мелодия, [20--] (Москва : ВСГ ; Ленинград : 3-д грп.)*

. – *Prague : Supraphon, [20--]*

. – *Austria : Grammofon, [2011]*

Чикувчи маълумотлар соҳасида эълон қилинмаган овозли ёзувлар учун нашр қилиш, тарқатиш жойи ва шу кабилар тўғрисидаги маълумотлар келтирилмайди.

5.7.2.6 Физик характеристика соҳаси

Физик характеристика соҳасидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Бунда 2-жадвалда келтирилган материалнинг ўзига хос белгиланишидан фойдаланилади.

2-жадвал

Ташувчи	Ёзувда
Грампластинка	грп.
Компакт-кассета	ов. кассета
Компакт-диск	ов. диск
Бобиндаги магнит тасма	магн. фонограмма
Бобиндаги магнит тасма	магн. фонограмма

Физик характеристикалар сифатида янграш вақти, чалиш тезлиги, ёзиш усули (моно/стерео, йўлакчалар сони), ўривлаш контейнерининг мавжудлиги ва тавсифи ва шу кабилар келтирилади.

Мисоллар

- . – 1 зв. диск (45 мин), в футл.
- . – 1 овозли диск (45 дақиқа), футлярда
- . – 1 грп. (41 мин) : 33 об/мин, стерео ; 30 см, в конверте
- . – 1 грп. (10 мин.) : 45 об/мин, моно ; 17,5 см, в конверте
- . – 1 грп. (7 мин) : 78 об/мин, моно ; 25 см, в кор.
- . – 1 зв. кассета (60 мин.) : 4,72 см/с, стерео, в футл.
- . – 1 магн. фонограмма (120 мин.) : 4,72 см/с, стерео, в кор.

Шунингдек, маҳсулот ва стандартлар тоифаларига қўйиладиган талабларни белгилаб берувчи техник хужжатлар - техник шартлар ва овозли ёзувни тайёрлаш стандартлари (одатда ТШ ёки ГОСТ) ҳам келтирилади.

Мисол

- . – 1 грп. [ГОСТ 5289–88]

Агар зарур бўлса, масалан, грампластинкалар учун ўлчамлар келтирилади:

Мисоллар

- ; 30 см

; 25 см

; 17,5 см

5.7.2.7 Сериялар соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.7-бандда баён қилинган умумий қоидалар бўйича келтирилади.

5.7.2.8 Изоҳлар соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.8-бандида баён қилинган умумий қоидалар бўйича келтирилади. Изоҳлар соҳасида ижро тили, сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасига кирмаган ижрочилар таркиби, ёзув санаси, ёзувларнинг архив қиммати, ушбу овозли ёзув нусхаси ҳисобланган асл ёзув тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Мисоллар

. – *Ижро этади: Р. Авазов, Б. Тураев, Т. Мўминов, Т. Ишантураева, А. Турдиев, Н. Рахимов, С. Табибуллаев.- 2000 йилдаги ёзув*

. – *Солистлар: О. Отажонов, Ш. Лутфуллаев, У. Махмудов, С. Сафоев, Н. Садыков, Х. Тохтасинов*

. – *Арх. записи 1913, 1914, 1921, 1924, 1932 гг.*

. – *Перезапись с пластинок 1930-х годов*

. – *Перезапись со зв. диска: Ариэль. Старая пластинка. Москва : Арех, 2005. AXCD 3-0015*

. – *Исполн.: L. Guttler, Trompete, K.-H. Passin, Flöte, K.-P. Gutz, Oboe, E. Palm, Violine, M. Pfaender, Violoncello, H.-J. Schmidt, Kontrabass, F. Kircheis, Cembalo. – Запись 1987 г.*

. – *Солисты: К. Ковач, Э. Комлошии, Ш. Шойом-Надь, Е. Андор, Й. Грегор, Л. Миллер, Д. Бордаш, Д. Туринич, Э. Крайчирова. – Исполн. нем.*

. – *Солисты: К. Kovats, E. Farcas, S. Solyom-Nagy, E. Marton, J. Gregor, I. Gati, S. Szabo, E. Szalay. – Исполн. нем., латин.*

Мундарижа тўғрисидаги изоҳларда алоҳида сарлавҳаси қўйилган асарлар ёки тавсиф объектига киритилган қисмлар рўйхати келтирилади. Ҳар бир сарлавҳага сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасига киритилмаган жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар қўшилади.

Мисоллар

. – *Мундарижа: Гуллар водийси ; Ўзбекистоним ; Қўлда раъноси билан ; Кўринг ; Тоғжик рақси ; Афғонча ; Севмасдан бўлурми ; Омон яшанг.*

. – *Содерж.: Золушка ; Белый снег ; Белой акации гроздь душистые ; Белый танец ; Всегда и снова ; Лето ; Черемуха ; День рождения ; Шербургские зонтики ; Ты дожждись меня ; Песня о нежности ; Прощальный вальс ; Прощание с морем ; Полевые цветы.*

. – *Codepж.: Konzertfantasie uber Motive aus der Oper «Carmen» : op. 25 / P. Sarasate. Poeme : fuer Violine u. Orc. : op. 25 / E. Chausson. Havanaise : fuer Violine u. Orc. : op. 83 ; Introduktion und rondo capriccioso : fuer Violine u. Orc. : op.28 / C. Saint-Saens. Tzigane : Konzertrhapsodie : fuer Violine u. Orc. / M. Ravel.*

. – *Содерж.: 1–7. То было раннею весной ; Скажи, о чём в тени ветвей ; Хотел бы в единое слово ; Страшная минута ; Зачем? ; Средь шумного бала ; Средь мрачных дней / П. И. Чайковский. 8–16. В молчаньи ночи тайной ; Здесь хорошо ; Давно в любви ; Я был у ней ; Они отвечали ; Как мне больно ; Отрывок из Мюссе ; Я опять одинок ; Весенние воды / С. В. Рахманинов.*

5.7.2.9 Стандарт рақам (ёки унинг муқобиллари) ва фойдалана олишлик шартлари соҳаси

Стандарт рақам (ёки унинг муқобиллари) ва фойдалана олишлик шартлари соҳасида фирма (ишлаб чиқариш) рақами келтирилади. У тўғрисидаги маълумотлар Халқаро стандарт рақамидан кейин келтирилади.

Мисоллар

. – 7 20 157

. – D-07341-2

. – LP 1559

. – C 10 07639-40

5.7.3 Овозли ёзув учун кўп босқичли библиографик ёзув тузиш қоидалари

5.7.3.1 Кўп босқичли библиографик ёзув тузилиши ва боғлиқлиги

Кўп босқичли библиографик ёзув кўп қисмли овозли ёзув учун – барча қисмлар, қисмлар гуруҳи ёки битта қисми учун тузилади.

Кўп қисмли овозли ёзув учун кўп босқичли ёзувни тузишда барча босқичларда элементлар ушбу стандартнинг 5.1.3, 5.6.1–5.6.3–бандларига мувофиқ қоидалар бўйича келтирилади.

Сарлавҳа кўп босқичли ёзувнинг фақат биринчи босқичида тавсифдан олдин келиши мумкин. Ёзувнинг иккинчи босқичида сарлавҳа қўлланмайди.

Биринчи босқичда ёзув тузишнинг умумий қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.10.2-бандида келтирилган.

Иккинчи босқичда ёзув тузишнинг умумий қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.10.3-бандида келтирилган.

5.7.3.2 Овозли ёзув учун кўп босқичли ёзувнинг биринчи босқичида элементлар таркиби ва уларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Биринчи босқичда асосий сарлавҳа сифатида овозли ёзувнинг умумий сарлавҳаси келтирилади, ундан сўнг бутун овозли ёзув учун умумий бўлган бошқа маълумотлар жойлаштирилади.

Агар ресурсларнинг бир қисми нашр қилинишда давом этиши кўзда тутилса, унда биринчи қисмнинг чиқарилган йили кўрсатилади, ундан кейин тире қўйилади. Қолган элементлар биринчи босқичда умумий қоидалар бўйича келтирилади.

5.7.3.3 Овозли ёзув учун кўп босқичли ёзувнинг иккинчи босқичида элементлар таркиби ва уларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Иккинчи босқичда ҳар бир алоҳида қисмга тегишли маълумот жойлаштирилади. Қисм белгиланганидан ва (ёки) қисм рақамидан кейин икки нукта қўйилади, ундан кейин муайян қисмнинг асосий сарлавҳаси келтирилади. Қолган элементлар умумий қоидалар бўйича келтирилади.

Musol

Footnotes to jazz [Sound recording] / edited and with notes by Frederic Ramsey. – New York : Folkways Records, 2010– . – (Jazz history series).

Vol. 2: Jazz rehearsal / with the Art Tatum Trio. – 2011. – 1 sound disc (ca. 25 min.) : digital ; 4 3/4 in. + Descriptive notes (4 p.). – Digitally restored and remastered.

5.7.3.4 Овозли ёзув учун библиографик ёзув тузишнинг ўзига хос хусусиятлари

Умумий сарлавҳага эга бўлган, бир нечта алоҳида қисмлардан ташкил топган овозли ёзув учун қуйида келтирилган вариантлардан бири бўйича бир босқичли ёзув тузилиши мумкин.

Сарлавҳа сифатида алоҳида қисмнинг сарлавҳаси келтирилади, умумий сарлавҳа эса сериялар соҳасида кўрсатилади.

Асосий сарлавҳа сифатида умумий сарлавҳа ва алоҳида қисм сарлавҳасининг қўшилгани олинади.

Асосий сарлавҳа сифатида умумий сарлавҳа келтирилади, алоҳида қисмларнинг сарлавҳаси эса мундарижада кўрсатилади.

5.8 Кинофильмлар ва видеоёзувлар

5.8.1 Библиографик ёзув объекти, ахборот манбалари, таркиби ва тузилиши

5.8.1.1 Библиографик ёзув объекти

Кинофильмлар ва видеоёзувларнинг барча турлари, жумладан тўлиқ метражли фильмлар ва такдимотлар, компиляциялар, кинофильм тўғрисидаги анонслар (трейлерлар), сўнгги янгиликлар ва кинорепортажлар, фильмотека кинокадрлари ва монтаж қилинмаган материаллар библиографик ёзув объекти ҳисобланади. Тасвирий нашрлар

ва бошқа графика каби визуал материаллар ушбу стандартнинг 5.5-бандида, микрошакллар 5.9-бандида келтирилган. Овозли йўлакчага (фонограммага) эга бўлган, визуал материал илова қилинмаган киноленталар ушбу стандартнинг 5.7-бандига мувофиқ овозли ёзувларга тегишли.

5.8.1.2 Ахборот манбалари

Кинофильмлар ва видеоёзувларни тавсифлаш учун тавсиф объектида ёки ундан ташқарида тақдим қилинган маълумотлар ахборот манбалари бўлиши мумкин.

Ахборот манбалари бўлган кинофильм ва видеоёзув элементлари:

- титул кадрлар (яъни, одатда таъриф объекти бошида жойлашувчи, тўлиқ сарлавҳани ва одатда тавсиф объектининг чиқувчи маълумотларини ўз ичига оловчи кадрлар);

- тавсиф объектининг қолган қисми;

- тавсиф объектининг ажралмас қисми ҳисобланган кассета ва кассета этикеткалари;

- объектли кассеталар, дисклар жойлаштирилган ғилоф, контейнер ёки кути (объектнинг ажралмас қисми ҳисобланмайди);

- аппаратура қўлланмаган ҳолда ўқиладиган илова қилинган материал.

Кинофильмлар ва видеоёзувлар учун асосий ахборот манбаи бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (афзаллик тартибида):

- титул кадрлар (яъни, одатда, тавсиф объекти бошида жойлашувчи, тўлиқ сарлавҳани ва одатда тавсиф объектининг чиқувчи маълумотларини ўз ичига оловчи кадрлар);

- тавсиф объектининг қолган қисми

- тавсиф объектининг ажралмас қисми ҳисобланган кассета ва кассета этикеткалари;

Агар асосий манбада керакли маълумотлар мавжуд бўлмаса ёки улар етарли бўлмаса, қуйидаги манбалардан фойдаланилади (афзаллик тартибида):

- илова қилинган матнли материал (масалан, киносценарий, кино олиш режаси, реклама материали);

- ғилоф, контейнер, кути (объектнинг ажралмас қисми ҳисобланмайди);

- бошқа манбалар.

Бироқ агар сарлавҳа бош манбада қисқартирилган шаклда берилган бўлса, тўлароқ шаклда эса, илова қилинган материал ёки контейнерда кўрсатилган бўлса ва аппаратурасиз ўқилса, асосий манба сифатида ушбу илова қилинган материал ёки контейнердан фойдаланилади; бунда ушбу стандартнинг 4.1.8.8-бандига мувофиқ изоҳ тузилади. Агар одатда титул кадрларда тақдим этиладиган маълумотлар кейинги кадрларда жойлашган бўлса, асосий ахборот манбаи сифатида ушбу кадрлардан фойдаланилади.

Кинофильмлар ва видеоёзувлар тавсифининг ҳар бир соҳаси учун қоидалар билан аввалдан белгиланган ахборот манбалари 3-жадвалда келтирилган. Бошқа манбалардан ўзлаштирилган маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича квадрат қавсларга олинади.

3-жадвал

Соҳа	Аввалдан белгиланган ахборот манбаи
Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси	Асосий ахборот манбаи
Нашр соҳаси	Асосий ахборот манбаи, контейнер
Чиқувчи маълумотлар соҳаси	Асосий ахборот манбаи, контейнер
Физик характеристика соҳаси	Исталган манба
Сериялар соҳаси	Асосий ахборот манбаи, контейнер
Изоҳлар соҳаси	Исталган манба
Стандарт рақами (ёки унинг муқобиллари) ва фойдалана олиш-лик шартлари соҳаси	Исталган манба

5.8.1.3 Библиографик ёзув таркиби ва тузилиши

Тузилишига кўра ёзув бир босқичли ва кўп босқичли бўлади.

Бир босқичли библиографик ёзув бир қисмли кинофильм ёки видеоёзув учун тузилади ва у битта босқични ўз ичига олади. Бир босқичли ёзув, шунингдек кўп қисмли кинофильм ёки бутун видеоёзув учун, кўп қисмли кинофильм ёки видеоёзувнинг алоҳида қисми ёки бир нечта қисми учун тузилиши мумкин.

Кўп босқичли библиографик ёзув умуман кўп қисмли кинофильм ёки бутун видеоёзув учун ёки кўп қисмли кинофильм ёки бутун видеоёзув учун, кўп қисмли кинофильм ёки видеоёзувнинг алоҳида қисми ёки бир нечта қисми учун тузилиши мумкин. Кўп босқичли ёзув икки (ёки ундан кўпроқ) иерархик боғлиқ бўлган босқичларни ўз ичига олади.

Бир босқичли ёзув соҳалари ва элементларининг рўйхати ушбу стандартнинг 4.1.8.1-бандида, кўп босқичли ёзувнинг схемаси 4.1.10.1-бандида келтирилган.

5.8.1.4 Пунктуация

Умуман тавсифда ва тавсиф элементларида қўлланадиган пунктуация қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.4-бандида келтирилади.

5.8.1.5 Библиографик тавсиф тили ва графикаси

Умуман тавсифда ва тавсиф элементларида қўлланадиган тил ва графикани танлаш қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.6-бандида келтирилади.

5.8.1.6 Қисқартмалар

Кинофильм ёки видеоёзув учун тузилган библиографик ёзувда қўлланадиган айрим сўзлар ва сўз бирикмаларининг қисқартмалари ГОСТ 7.11 ва ГОСТ 7.12 стандартларига мос бўлиши керак. Кинофильм ёки видеоёзув учун тузилган библиографик ёзувда қўлланиладиган ўзига хос қисқартмалар В иловада келтирилган.

5.8.2 Кинофильм ва видеоёзув учун бир босқичли библиографик ёзув тузиш қоидалари

5.8.2.1 Асосий ва қўшимча фойдаланиш нуқталари

Кинофильм ёки видеоёзув учун библиографик ёзув тузишда асосий ва қўшимча фойдаланиш нуқталари сифатида ушбу стандартнинг 4.2-бандида баён қилинган барча турдаги сарлавҳалардан ва номлардан фойдаланилади.

5.8.2.2 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси

Соҳа элементларининг рўйхати ушбу стандартнинг 4.1.8.1-бандида келтирилган. Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича библиографик ёзувнинг кинофильм ёки видеоёзув каби объектларига хос бўлган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олинган ҳолда келтирилади.

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасининг элементлари қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) асосий сарлавҳа ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандда баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. .

Мисоллар

Юность Петра

В начале славных дел

Белые ночи

Chicago

Асосий сарлавҳани тавсиф объектидаги бирорта манба бўйича аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолларда у ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича қуйидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олинган ҳолда тузилади:

а) реклама кўрсатувлари.

Қисқа метражли реклама фильми учун реклама қилинаётган маҳсулот, хизмат ва шу кабиларнинг номи ва «реклама» сўзидан ташкил топадиган сарлавҳа тузилади.

Мисол

[Тайота, автомобиль, реклама]

б) монтаж қилинмаган материал ва кинорепортаж.

Монтаж қилинмаган материал, фильмотека кадрлари ва кинорепортаж учун каталогизатор томонидан тузилган сарлавхага картинада тақдим этилган барча асосий элементлар улар манбада берилган тартибда (масалан: эпизод жойи, санаси, суратга олиш санаси (агар улар фарқ қилса), шахслар ва тематика) киритилади;

2) асосий сарлавхадан кейин материалнинг мос келадиган белгиси ҳисобланган «Кинофильм» ёки «Видеоёзув» ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Юность Петра [Видеозапись]

Юность Петра [Кинофильм]

Белые ночи [Видеозапись]

Белые ночи [Кинофильм]

Балтийское небо [Видеозапись]

Балтийское небо [Кинофильм]

Агар тавсиф объекти материал тури бўйича икки ёки ундан кўпроқ тоифаларга кирувчи қисмлардан ташкил топган бўлса ва қисмлардан бирортаси ҳам тавсиф объектининг устувор қисми ҳисобланмаса, соҳада материалнинг умумий белгиланиши сифатида «Мультимедиа» ёки «Комплект» келтирилади.

Овоз йўлакчаси (тавсиф объекти билан физик жиҳатдан бирлашган ёки синхронланган ва у билан биргаликда ижро этиладиган ёзилган овоз) кинофильм ёки видеоёзувнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва материал тегишли белгиси фақат кинофильм ёки видеоёзув учун келтирилади;

3) параллел сарлавҳалар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисол

Гарри Поттер и философский камень [Видеозапись] = Harry Potter and the Philosopher's Stone

4) сарлавхага тегишли маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

В начале славных дел [Видеозапись] : по роману Алексея Толстого «Петр Первый» : 2 серии

Белые ночи [Видеозапись] : экранизация sentimentalного романа Ф. М. Достоевского

Петербург Достоевского [Видеозапись] : научно-популярный фильм

Агар тавсиф объекти бўлиб фильмдан парчалар мавжуд бўлган анонс ҳисобланса, сарлавҳага тегишли маълумотлар сифатида [анонс] атамаси қўшилади;

5) шахслар ёки ташкилотларга тегишли жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар сифатида фильмни сахналаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган шахслар ёки ташкилотларга (масалан, продюсер, режиссёр, сценарист, рассом-мультипликатор) тегишли бўлган маълумотлар келтирилади. Бошқа барча маълумотлар (жумладан, ижрочиға тегишли бўлган маълумотлар ҳам) изоҳларда келтирилади.

Мисоллар

Юность Петра [Кинофильм] : по роману Алексея Толстого «Петр Первый» : 2 серии / [сцен. С. Герасимова, Ю. Кавтарадзе ; пост. С. Герасимова ; гл. оператор: С. Филиппов, Х. Хардт ; гл. худож.: Б. Дуленков и др. ; муз. В. Мартынова]

Белые ночи [Видеозапись] : экранизация сентиментального романа Ф. М. Достоевского / [сцен. и пост. И. Пырьева ; оператор: В. Павлов ; худож.: Ст. Волков ; муз. из произведений А. Глазунова, А. Скрябина, С. Рахманинова, Д. Россини, Р. Штрауса ; муз. оформл. А. Ройтмана]

Агар сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда кўрсатилган шахс (шахслар) ёки ташкилот (ташкилотлар) ўртасидаги боғлиқликлар аниқ бўлмаса, жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларга уни изоҳловчи сўз ёки қисқача ибора қўшилади.

Агар сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда кинокартина ёки видеоёзувни сахналаштириш учун жавобгар бўлган агентлик ҳам, сахналаштириш учун буюртма берган агентлик ҳам айтиб ўтилса, маълумотлар манбада кўрсатилган шаклда ёзилади.

Мисол

Гарри Поттер и философский камень [Видеозапись] = Harry Potter and the Philosopher's Stone : [based on the novel by J. K. Rowling] / сцен.: Стив Кловз ; реж.: Крис Коламбус ; комп.: Джон Уильямс ; Warner Bros. Pictures presents

6) агар кинотасма ёки видеоёзув умумий сарлавҳаси мавжуд бўлмаган икки ёки ундан кўпроқ асарларни ўз ичига олувчи тўплам ҳисобланса, тавсиф объекти ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида келтирилган умумий қоидалар бўйича каталоглаштирилади.

Мисоллар

Белые ночи [Видеозапись] : экранизация сентиментального романа Ф. М. Достоевского / [сцен. и пост. И. Пырьева ; оператор: В. Павлов ; худож.: Ст. Волков ; муз. из произведений А. Глазунова, А. Скрябина, С. Рахманинова, Д. Россини, Р. Штрауса ; муз. оформл. А. Ройтмана]. Петербург Достоевского : научно-популярный фильм / авт. сцен.: Н. Дунаева, Г. Шабельская ; реж.: Б. Шрейбер ; оператор: З. Якобсон ; худож.: О. Виноградов ; комп.: Д. Толстой]

Шинель [Видеозапись] : экранизация повести Н. В. Гоголя / [сцен. Л. Соловьева ; пост. А. Баталова ; оператор: Г. Маранджян ; худож.: Б. Маневич, И. Каплан]

; комп.: Н. Сидельников]. *Гоголь в Петербурге : научно-популярный фильм* / [авт. сцен.: А. Степанов ; реж.: Н. Береснев ; оператор: М. Ротинов ; худож.: Д. Платонов ; комп.: А. Чернов]

5.8.2.3 Нашр соҳаси

Соҳа элементлари рўйхати ушбу стандартнинг 4.1.8.3-бандида келтирилган. Кинофильм ёки видеоёзув ушбу нашрининг ушбу фильм ёки видеоёзувнинг бошқа нашрларидан фарқлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар ёки нашрга тегишли бўлган қўшимча маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.3-бандида баён қилинган қоидалар бўйича кинофильм ёки видеоёзув каби библиографик ёзув объектига хос бўлган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда келтирилади.

Мисоллар

. – 2-е изд.

. – *Восстановл. версия*

. – *Модифицир. ориг. версия, отформатир. для вашего экрана*

. – [3-е изд.]

Агар тавсиф объекти нашр тўғрисидаги ўзларининг маълумотларига эга бўлган икки ёки ундан кўпроқ асарларни ўз ичига олувчи умумий сарлавҳага эга бўлмаган тўплам ҳисобланса, бундай маълумотлар улар тегишли бўлган сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлардан кейин нукта билан ажратилган ҳолда келтирилади.

5.8.2.4 Чиқувчи маълумотлар соҳаси

Эълон қилинган кинофильмларни нашр қилиш, тарқатиш ва шу каби фаолиятларининг барча турлари учун жойи, номи, санаси тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган умумий қоидалар бўйича келтирилади. Соҳа элементларининг рўйхати ушбу стандартнинг 4.1.8.1-бандида келтирилган.

Мисоллар

. – *Тошкент : Ўзбекфильм, 2005*

. – [Ж. н.] : «O'zbekkino» milliy agentligi, 2003

. – *Москва : Киновидеообъединение «Крупный план», 2002*

. – [Б. м.] : Warner Home Video, 2002

Эълон қилинмаган кинофильмлар ва видеоёзувлар учун нашр қилиш, тарқатиш жойи ва ш.к. тўғрисидаги маълумотлар келтирилмайди. Бундай ҳолатда Ж.с (S .I.) сўзлари ҳам келтирилмайди.

Эълон қилинмаган кинофильмлар ва видеоёзувлар учун ношир, тарқатувчи ва шу кабиларнинг исми (номи) келтирилмайди. Бундай ҳолларда и.с. (исмсиз) сўзи ҳам келтирилмайди.

Монтаж қилинмаган ёки чиқарилмаган фильм ёки видеоматериал ва фильмотека кинокадрлари учун соҳада уларни олиш (ёзиш) саналари келтирилади.

Видеоёзув ёки кинофильмда тақдим қилинган асарнинг, нашр қилиш, тарқатиш санасидан фарқ қилувчи оригинал саҳналаштириш санаси изоҳлар соҳасида келтирилади.

Агар тайёрловчи жойи, исми (номи) ва тайёрлаш санаси тавсиф объектида кўрсатилган ва нашр қилиш жойи, ношир номи ва нашр қилиш санасидан фарқ қилса ҳамда библиография қилувчи муассаса уларни муҳим деб ҳисобласа, улар факультатив равишда келтирилади.

5.8.2.5 Физик характеристика соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. Соҳа элементлари рўйхати ушбу стандартнинг 4.1.8.1-бандида келтирилган.

Физик характеристика соҳасига тааллуқли маълумотлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) ҳажм тўғрисидаги маълумотларда (жумладан материалнинг ўзига хос белгиланиши) кинофильм ёки видеоёзувга кирувчи физик бирликлар сони, қисмлар сони араб рақамлари билан кўрсатилган ҳолда материалнинг ўзига хос белгиланиши сифатида қуйидаги атамалардан биридан фойдаланиб келтирилади: картридждаги кинотасма, кассетадаги кинотасма, ҳалқадаги кинотасма, бобиндаги кинотасма, видеокартридж, видеокассета, видеодиск, видеобобина.

Мисоллар

. – 1 кинолента в кассете

. – 3 киноленты в бобинах

. – 2 видеодиска

. – 1 видеодиск

. – 2 видеокассеты

Ҳажм тўғрисидаги маълумотларда кинофильм ёки видеоёзувни (видеодискдан ташқари) кўрсатиш (намойиш қилиш, кўриш) вақти қуйидаги тарзда кўрсатилади:

- агар кўрсатиш вақти объектда кўрсатилган бўлса, тавсифда у шу шаклда келтирилади.

Мисол

. – 1 кинолента в отрезке (3 мин 23 с)

- агар кўрсатиш вақти объектда кўрсатилмаса, бироқ осонгина аниқлаш мумкин бўлса, у тавсифда келтирилади.

Мисол

. – 1 видеобобина (30 мин)

- агар кўрсатиш вақти объектда кўрсатилмаса ва уни осонгина аниқлаш мумкин бўлмаса, тавсифда тахминий кўрсатиш вақти келтирилади.

Мисол

. – 2 киноленты в бобинах (ок. 90 мин)

- агар объект бир хил ёки тахминан бир хил кўрсатиш вақтлари кўрсатилган бир нечта қисмларда нашр қилинган бўлса, тавсифда битта қисмнинг кўрсатиш вақти келтирилади, кейин эса ҳар бири сўзи келади. Агар қисмларнинг кўрсатиш вақтлари турлича бўлса, умумий кўрсатиш вақти кўрсатилади.

Мисоллар

. – 2 киноленты в кассетах (ок. 20 мин каждая)

. – 3 киноленты в бобинах (ок. 50 мин)

Видеодискни кўрсатиш вақти қуйидаги қоидаларга мувофиқ келтирилади:

- ҳаракатланувчи тасвирларга эга бўлган видеодисклар. Кўрсатиш вақти юқорида баён қилинган қоидаларга мувофиқ келтирилади.

Мисоллар

. – 1 видеодиск (148 min.)

. – 1 видеодиск (ок. 120 min.)

. – 4 видеодиска (ок. 60 мин каждый)

- ҳаракатсиз тасвирларга эга бўлган видеодисклар. Агар кўрсатиш вақти тавсиф объектида кўрсатилган бўлса, кўрсатилган вақт келтирилади.

Мисол

. – 1 видеодиск (80 мин)

Агар кўрсатиш вақти тавсиф объектида кўрсатилмаган бўлса, давомийлик тўғрисидаги маълумотлар келтирилмайди. Кадрлар сони факультатив равишда келтирилади, агар ушбу сонни осонгина аниқлаш мумкин бўлса,

Мисол

. – 1 видеодиск (45876 кадров)

- ҳаракатланувчи ва ҳаракатсиз тасвирларга эга бўлган видеодисклар. Агар кўрсатиш вақти тавсиф объектида кўрсатилган бўлса, кўрсатилган вақт келтирилади.

Тавсиф объектида кўрсатиш вақти кўрсатилганлиги ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар изоҳларда ҳаракатсиз тасвирдаги кадрлар сони ва ҳаракатланувчи тасвир вақти келтирилади.

Агар тавсиф кинофильмнинг алоҳида сарлавҳаланган қисми ёки умумий сарлавҳага эга бўлмаган видеоёзув учун тузилса, ҳажм тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги шаклда келтирилади: кинолентанинг учта бобинидан 2-бобинида, учта кассетадан 1-кассетада (агар қисмлар ягона кетма-кетликда рақамланган ёки ҳарфлар билан белгиланган бўлса); ёки кинофильмнинг учта бобинидан 1-да, бешта кассетадан 1-да (агар кетма-кет рақамлаш мавжуд бўлмаса). Бундай маълумотларга ушбу қисмни кўрсатиш вақти қўшилади.

Мисоллар

. – *На бобине 1 из двух бобин киноленты (13 мин)*

. – *На 2 из четырех видеокассет (50 мин)*

2) физик характеристика соҳасида бошқа физик характеристикалар қуйидаги тартибда келтирилади:

- кинофильм проекциясининг кенглиги ва баландлигининг нисбати ва махсус хусусиятлари;

- овоз тавсифи;

- ранглилиги;

- кинофильм проекцияси тезлиги.

Кинофильм проекциясининг кенглиги ва баландлигининг нисбати ва махсус хусусиятлари. Агар кинофильм проекция бўйича махсус талабларга эга бўлса, улар қисқа шаклда келтирилади: Cinerama, Panavision, мульти-проекцион ёки анаморф, технископ, стереоскопик.

Мисол

. – *14 кинолент в бобинах (175 мин) : Panavision*

Овоз тавсифлари. Овоз йўлакчасининг мавжудлиги ёки йўқлигини кўрсатиш учун «ов.» (овозли) ёки «овозсиз» сўзлари келтирилади. Агар овозсиз фильм овозли фильм тезлигида олинганлиги маълум бўлса, «овоз тезлигидаги овозсиз» келтирилади.

Мисоллар

. – *1 видеобобина (15 мин) : зв.*

. – *1 видеодиск (148 min.) : зв.*

Ранглилик. Фильмнинг ранглилигини кўрсатиш учун ранг. (рангли) ёки о.-қ. (оқ-қора) тавсифи келтирилади. «О.-қ.» тавсифи сепияли кинофильм нусхаси учун ҳам келтирилади.

Мисоллар

. – *1 кинолента в бобине (10 мин) : зв., цв.*

. – *1 видеодиск (148 min.) : зв., цв.*

. – *1 videodisc (ca. 122 min.) : sd., col.*

Агар тавсиф объектида рангли ва оқ-қора тасвирлардан биргаликда фойдаланилса, бу тўғрисида қисқача маълумотлар келтирилади.

Мисоллар

- . – 1 кинолента в бобине (30 мин) : зв., цв. с ч.-б. эпизодами
- . – 1 видеокассета (24 мин) : зв., ч.-б. с цв. вступ. эпизодами
- . – 1 видеодиск (148 min.) : зв., ч.-б. с цв. вставками
- . – 1 видеодиск (58 min.) : зв., цв. с ч.-б. вставками
- . – 3 videodiscs : sd., b&w and col.
- . – 1 videodisc (118 min.) : sd., b&w
- . – 1 videodisc (ca. 196 min.) : sd., b&w with col. sequences

Проекция тезлиги. Агар бу маълумотлар муҳим ҳисобланса, бир сонияда кадрлар сониди ифодаланган фильм проекцияси тезлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Мисол

- . – 1 кинолента в бобине (1 мин 17 с) : немой, цв., 25 кадров/с

Агар проекция тезлиги тавсиф объекти учун стандарт бўлса (овозли фильм учун сониясига 24 та кадр; овозсиз фильм учун сониясига 16 та кадр), у кўрсатилмайди.

3) кинофильм ёки видеоёзув ўлчамлари тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги қоидалар бўйича келтирилади.

Агар кинофильм ёки видеоёзув ўлчамлари бўйича фарқ қиладиган бир нечта қисмларда нашр қилинган бўлса, тавсифда энг кичик ва энг катта ўлчамлар дефис орқали кўрсатилади.

Киноплёнка кенглиги тўғрисидаги маълумотлар миллиметрларда келтирилади. 8 mm ли плёнка учун тавсифлар қуйидаги атамаларда келтирилади: оддий, стандарт, супер.

Мисоллар

- . – 1 кинолента в бобине (12 мин) : зв., ч.-б. ; 16 мм
- . – 2 киноленты в кассетах (21 мин каждая) : зв., цв. ; стандарт 8 мм
- . – 2 киноленты в бобинах (ок. 30 мин каждая) : ч.-б. ; 16–35 мм

Видеотасма кенглиги тўғрисидаги маълумотлар дюймларда келтирилади.

Мисол

- . – 1 видеобобина (30 мин) : зв., ч.-б. ; 1/2 д.

Видеодиск диаметри тўғрисидаги маълумотлар дюймларда келтирилади.

Мисоллар

. – 1 *видеодиск (ок. 20 мин) : зв., ч.-б. ; 4 3/4 д.*

. – 1 *видеодиск (38 мин) : зв., цв. ; 4 3/4 д.*

. – 2 *videodiscs (ca. 180 min.) : sd., col. ; 4 3/4 in.*

4) илова қилинган материал тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандида баён қилинган умумий қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

. – 1 *кинолента в кассете (21 мин) : зв., цв. : стандарт 8 мм + 1 пособие для учителя*

. – 2 *videodiscs (227 min.) : sd, col. ; 4 3/4 in. + 1 booklet ([10] p. : col. photos. ; 17 cm)*

. – 2 *videodiscs (ca. 154 min.) : sd., col. ; double sided ; 4 3/4 in. + 1 booklet (15 p. : col. photos. ; 18 cm)*

5.8.2.6 Сериялар соҳаси

Кинофильм ёки видеоёзувга тегишли бўлган серия тўғрисидаги ҳар бир маълумот ушбу стандартнинг 4.1.8.7-бандида баён қилинган умумий қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

. – (*«Ўзбеккино» фильмлари тўплами*)

. – (*Modern Classics*)

5.8.2.7 Изоҳлар соҳаси

Изоҳлар ушбу стандартнинг 4.1.8.8-бандида баён қилинган умумий қоидалар бўйича қуйидаги қоидаларни ҳисобга олган ҳолда ва ушбу қоидаларда уларни санаб ўтиш тартибига мос келувчи кетма-кетликда келтирилади. Бироқ айрим ҳолларда биринчи бўлиб энг муҳим деб топилган изоҳ келтирилиши мумкин.

Изоҳ соҳасига тааллуқли маълумотлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) тури, хусусиятлари ёки бадиий шакли тўғрисидаги изоҳларда кинофильм ёки видеоёзув тури/хусусиятларини ёки асар шаклини белгилаб берувчи сўз ёки қисқача ибора улар тавсифнинг бошқа соҳаларида келтирилмаган ҳолларда келтирилади.

Мисоллар

. – *Документальный фильм*

. – *Телевизионный спектакль*

2) кинофильм ёки видеоёзувда тақдим қилинган асар тили тўғрисидаги изоҳ титрлар, кинофильм ёки видеоёзувнинг матнли ёки

шеърый мазмуни тили тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.

Мисоллар

. – *Диалог фр., субтитры рус.*

. – *Дублир. на рус.*

. – *English and French language soundtracks with optional subtitles in English or French ; closed-captioned in English for the hearing impaired.*

. – *In English with optional English subtitles for the deaf and hard of hearing and optional English video description.*

. – *In English with optional English or Spanish subtitles ; English closed-captions for the hearing impaired.*

. – *In English and French language soundtracks ; closed-captioned in English for the hearing impaired.*

3) асосий сарлавҳа манбаи тўғрисидаги изоҳ у асосий ахборот манбаидан бошқа манбадан ўзлаштирилган ҳолларда тузилади.

Мисол

. – *Загл. сценария.*

4) тавсиф объектида мавжуд бўлган сарлавҳа вариантлари тўғрисидаги изоҳда кинофильм ёки видеоёзувда кўрсатилган, лекин асосий сарлавҳа ҳисобланмаган сарлавҳалар келтирилади.

Мисол

. – *Загл. на контейнерах частей 3, 5–6 разные.*

5) зарур бўлган ҳолларда изоҳда сарлавҳа ва сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасида келтирилмаган сарлавҳага тегишли бўлган маълумотлар бошқа тилларда келтирилади.

6) изоҳда бош ролларнинг ижрочилари, артистлар, муаллиф номидан матнларни ўқувчи актёрлар ёки фильмни тақдим қилувчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасига киритилмаган жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Асар билан боғлиқ бўлган шахслар ва ташкилотлар тўғрисидаги ёки аввалги нашрлар билан боғлиқ бўлган, бироқ тавсифнинг бошқа соҳаларида кўрсатилмаган шахслар ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Зарур бўлган ҳоллада изоҳларда бошқа ижрочиларнинг исмлари кўрсатилади, масалан, актёрларни танлаш (кастинг).

Мисоллар

. – *В ролях: Дмитрий Золотухин, Тамара Макарова, Наталья Бондарчук, Николай Еременко, Олег Стриженов, Вадим Спиридонов, Михаил Ножкин, Петер Ройсе, Ульрике Кунце, Любовь Германова и др.*

. – *В ролях: Arnold Schwarzenegger, Tony Goldwyn, Michael Rapaport, Michael Rooker, Sarah Wynter, Wendy Crewson, Rod Rowland, Terry Crews, Ken Pogue, Colin Cunningham, Robert Duvall.*

Изоҳда кинофильм ёки видеоёзувни бадий ва (ёки) техник саҳналаштиришда қатнашган ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда эсга олиб ўтилмаган шахслар (ижрочилар таркибидан ташқари) тўғрисидаги маълумотлар (оператор, монтажёр, композитор ва х.). келтирилади. Ассистентлар, продюсернинг ёрдамчилари ёки қатнашиши унчалик муҳим бўлмаган исталган бошқа шахсларнинг исмлари келтирилмайди. Ҳар бир исм ёки исмлар гуруҳи уларнинг функциялари тўғрисидаги маълумотлардан олдин қўшилади.

Мисол

. – *Production credits: director of photography, Pierre Mignot ; editing, Mak Conte, Dominique Fortin, Michael Arcand ; music, Trevor Rabin.*

7) изоҳда тавсиф объектининг ушбу нашри тўғрисидаги ёки кинофильм ёки видеоёзув тарихи тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Мисол

. – *Краткая версия кинофильма 2009 г. с тем же названием.*

8) чиқувчи маълумотлар тўғрисидаги изоҳларда чиқувчи маълумотлар соҳасига киритилмаган маълумотлар киритилади, масалан: асл саҳналаштириш санаси, агар у нашр қилиш, тарқатиш санасидан фарқ қилса; фильмни экранга чиқарган мамлакат тўғрисидаги маълумотлар, агар бу кўрсатилмаган ёки тавсифнинг бошқа соҳаларида назарда тутилмаган бўлса.

Мисоллар

. – *Совместн. пр-во с киностудией «ДЕФА»*

. – *Дистрибьютор: ООО «Мост-Видео»*

. – *Снято в 2007 г.*

. – *Originally released as a motion picture in 2000*

. – *Originally produced as a documentary in 2010*

. – *Videodisc release of the 2007 motion picture*

. – *DVD release of the 2009 motion picture*

. – *Columbia Pictures Industries, Inc., c2000 [distributor]*

. – *Distributed by Buena Vista Home Entertainment*

9) изохда аудио шарҳлар, синов саҳналари, актёрлар биографиялари, режиссёр, актёр билан интервью, реклама трейлерлари ва «Қўшимча равишда», «Ўз ичига олади» сўзлари ёки уларнинг бошқа тиллардаги эквивалентларидан сўнг санаб ўтиладиган қўшимча хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Мисоллар

. – *Дополнительно: рекламные ролики ; фотогалерея ; фильмографии актеров и режиссера.*

. – *Special features include: Audio commentary by Trevor Rabin with isolated music score ; RePet informercial and TV spot ; theatrical trailers ; production notes ; talent files ; animated menus ; scene selections.*

10) изохда бирин-кетин санаб ўтиладиган қуйидаги физик характеристикалар келтирилади:

- видеодиск тури

Мисоллар

. – *Blu-ray диск*

. – *DVD (двухсторонний)*

. – *DVD-9 (2 слоя)*

. – *DVD-R*

. – *DVD, dual-layers, double-sided, copy-protected*

. – *DVD (2-sided)*

. – *DVD, dual-layer format*

- видеодиск регионинг коди.

Мисоллар

; region 1

; регион 5

; region 1 encoding

; produced for region 1 (North America)

- видеоёзув тизими.

Мисоллар

; PAL

; Beta

; NTSC

- видеоёзув проекциясининг формати.

Мисоллар

; standard format

; widescreen presentation (aspect ratio 2.35:1)

; aspect ratio 2.35:1

; anamorphic widescreen format (aspect ratio 2.35:1)

; widescreen (1.85:1 matted, 16:9 enhanced) presentation

; letterbox widescreen presentation

- видеоёзув овози ва овозли йўлакчаларининг хусусиятлари.

Мисоллар

; Dolby digital 5.1

; Dolby Digital 5.1 Surround & Mono

; Dolby Digital Surround 5.1 or mono

; Dolby Digital stereo

; DTS 5.1 digital surround sound, 5.1 Dolby digital

; Dolby Digital 5.1 Surround (English, French and Spanish) and 2.0 stereo. Surround (English)

; Dolby Digital surround (English 5.1, French 5.1, Spanish 5.1)

- видеоёзув овоз жўрлигининг стандартлари.

Мисол

; THX-certified

- ранглилик. Аралаш ёки рангли ёзиш тизими тўғрисидаги маълумотлар ёки ранг тўғрисидаги бошқа маълумотлар келтирилади.

Мисоллар

; Техникolor

; Система записи цвета: SECAM

11) зарур бўлган ҳолларда илова қилинган материалнинг жойлашган ўрни тўғрисида изоҳ тузилади. Изоҳда физик характеристикалар соҳасига ҳам, материалнинг алоҳида тавсифига ҳам киритилмаган илова қилинган материал тўғрисидаги бошқа маълумотлар ҳам келтирилиши мумкин.

Мисоллар

. – *На коробке: Состав исполнителей и благодарности*

. – *С планом съемки*

. – *С пособием пользователя*

12) изоҳда сериялар соҳасига киритилиши мумкин бўлмаган сериялар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. .

Мисол

. – *Оригинальное издание в серии: Disney classics*

13) ким учун мўлжалланганлиги (аудитория) тўғрисидаги изоҳ - контейнер ёки матнли илова қилинган материалда кинофильм ёки видеоёзувнинг назарда тутилган томошабинлари (ёки фойдаланувчиларнинг интеллектуал даражаси) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлса, тавсиф объекти мўлжалланган томошабинлар (фойдаланувчилар) тоифаси тўғрисидаги изоҳ тузилади.

Мисоллар

. – *Для учеников начальных классов*

. – *Не рекомендуется для просмотра лицам моложе 14 лет*

. – *No public performance rights. Classroom instruction and home use permitted*

. – *Video recordings for the hearing impaired*

. – *Video recordings for people with visual disabilities*

14) изоҳда кинофильм ёки видеоёзув мазмуни чиқарилган бошқа форматларнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилади.

Мисол

. – *Выпущен также в кассете (VHS или Sony U-Matic)*

15) агар тавсифнинг бошқа соҳаларида етарлича маълумотлар мавжуд бўлмаса, изоҳда тавсиф объекти мазмунининг қисқача баёни (резюме) келтирилади.

Мисол

. – *Содержит несколько докладов по проблемам семейного, делового и школьного общения с анализом и рекомендациями по коррекции межличностных отношений.*

16) изоҳда кинофильм ёки видеоёзувга (мазмуни тўғрисидаги изоҳ) киритилган алоҳида сарлавҳа қўйилган асарлар ёки қисмларнинг рўйхати келтирилади. Ҳар бир сарлавҳага сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасига киритилмаган жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар ҳамда у маълум бўлган ҳолларда кўрсатиш давомийлиги тўғрисидаги маълумотлар қўшилади. Изоҳ ушбу стандартнинг 4.1.8.8-бандига мувофиқ мазмунни тўлиқ ёки қисман очиқ бериши мумкин.

Мисол

. – *Содерж.: Men in black II (84 мин). – The pursuit of happiness (113 мин). . – Men in black II / Columbia Pictures presents an Amblin Entertainment production, in association with MacDonald/Parkes productions ; producers, Walter F. Parkes and Laurie*

MacDonald ; story by Robert Gordon ; screenplay by Robert Gordon and Barry Fanaro ; directed by Barry Sonnenfeld. . – The pursuit of happiness / Overbrook Entertainment ; Escape Artists ; Columbia Pictures Corporation ; Relativity Media ; produced by Todd Black, Jason Blumenthal, James Lassiter, Will Smith, Steve Tisch, Teddy Zee ; written by Steven Conrad ; directed by Gabriele Muccino.

Монтаж қилинмаган материал ва кинорепортаж учун мазмун тўғрисидаги изоҳда воқеа тўғрисидаги (стандарт қисқартмалардан фойдаланган ҳолда) маълумотлар ва монтаж қилинмаган материал, кинорепортаж ёки фильмотека кадрлари ҳар бир эпизодининг давомийлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилади;

17) рақамлар тўғрисидаги изоҳ. Изоҳда ISBN ва ISSN дан ташқари, тавсиф объектида кўрсатилган муҳим рақамлар келтирилади;

18) нусха, кутубхона фондлари ва фойдаланишдаги чекланишлар тўғрисидаги маълумотлар - изоҳ ушбу стандартнинг 4.1.8.8-бандида баён қилинган умумий қоидаларга мувофиқ келтирилади.

Мисол

. – В библиотечном комплекте отсутствует третья часть

5.8.2.8 Стандарт рақам (ёки унинг муқобиллари) ва фойдалана олишлик шартлари соҳаси

Кинофильм ёки видеоёзувга берилган китобнинг ISBN ёки ISSN ушбу стандартнинг 4.1.8.9-бандида баён қилинган умумий қоидалар бўйича келтирилади.

Исталган бошқа рақам изоҳларда келтирилади.

Тавсиф объектининг фойдалана олишлик шартлари тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.9-бандида баён қилинган умумий қоидалар бўйича келтирилади.

5.8.3 Кинофильм ва видеоёзув учун кўп босқичли библиографик ёзув тузиш қоидалари

Кўп босқичли библиографик ёзув кўп қисмли (кўп серияли) кинофильм ёки видеоёзув учун – барча қисмлари, қисмлар гуруҳи ёки битта қисми учун тузилади. Кўп қисмли кинофильм ёки видеоёзув сифатида аввалдан белгиланган микдордаги алоҳида физик бирликларда (қисмларда) чиқарилган умумий сарлавҳа ва безак остида бирлаштирилган объект қаралади. Битта ташувчида чиқарилган кўп серияли кинофильм учун ва видеоёзувдаги кўп серияли телевизион фильм учун бир босқичли ёзув тузилади. Сарлавҳа фақат кўп босқичли ёзувнинг биринчи босқичида тавсифдан олдин келиши мумкин. Ёзувнинг иккинчи босқичида сарлавҳа қўлланилмайди.

Кўп қисмли кинофильм ёки видеоёзув учун кўп босқичли ёзув тузишда барча босқичлардаги элементлар ушбу стандартнинг 4.1.10.2, 4.1.10.3-бандларида баён қилинган умумий қоидалар бўйича келтирилади.

Кинофильмлар ва видеофильмлар учун библиографик ёзув тушишга мисоллар А иловада келтирилган.

5.9 Микрошакллар

5.9.1 Библиографик ёзув объекти, ахборот манбалари, таркиби ва тузилиши

5.9.1.1 Библиографик ёзув объекти

Матн ёки фақат махсус аппаратура мавжуд бўлган ҳоллардагина фойдаланиш мумкин бўлган бошқа визуал материалнинг микроёзуви ёзилган микрошакллар библиографик ёзув объектлари ҳисобланади.

Микрошаклларга қуйидагилар киради:

- микрофильм – рулон шаклидаги фотоплёнкадаги микротасвирлар;
- микрофиша – шаффоф картадаги микротасвирлар;
- микроопак – шаффоф бўлмаган плёнкадаги микротасвирлар;
- апертурали карта – монтаж қилинган кадр ёки микрофильм парчасига эга бўлган карта.

Микрошакллар бир қисмли ва кўп қисмли, нашр қилинган ёки нашр қилинмаган бўлиши мумкин. Микрошакллар тўлиқ ҳужжат ёки унинг қисмлари тасвирларини ўз ичига олиши мумкин. Микрофишалар битта ёки бир нечта қисми анъанавий босма шаклда, қолганлари фақат микрофишада чиққан турли ташувчилардаги тўплам ёки комплект таркибига кириши мумкин.

Гавдалантириш шакли бўйича микрошакллар мавжуд матнли ёки график материални ёки аввал ҳеч қаерда нашр қилинмаган асл босма материалнинг қайта тикланишидан иборат бўлади. Асл материалларни ўз ичига олувчи микрошакллар қўлёзмадан, ҳужжатнинг машинада ёзилган нусхасидан ёки магнит тасмасидан тайёрланган бўлиши мумкин.

Микрошаклга библиографик ёзувни тузишда ушбу стандартнинг 4 ва 5.1-бўлимларида келтирилган ҳужжатларни тавсифлаш қоидаларига амал қилинади. Ушбу бўлимда бу қоидалар микрошаклларга нисбатан кўриб чиқилади, микрошаклларни тайёрлаш ва безашга хос хусусиятлар билан белгиланувчи ўзига хос хусусиятлар кўрсатиб берилади.

Микрошаклга библиографик ёзув тузишда гавдалантириш шакли ҳамда унинг мазмуни эътиборга олинади.

Ноталар, картографик материаллар, серияли ва бошқа давомли ресурслар, графика ва шу кабиларга микрошакллар кўринишидаги библиографик ёзув ушбу бўлимда баён қилинган қоидалар бўйича 5-бўлимнинг тегишли бўлимларида баён қилинган ҳар бир ҳужжат турига библиографик ёзув тузишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда тузилади.

5.9.1.2 Ахборот манбалари

Микрошаклга библиографик ёзув тузиш учун микрошаклнинг ўзи ҳам, ундан ташқаридаги манбалар ҳам ахборот манбалари бўлиши мумкин.

Микрошаклнинг библиографик ёзув тузиш учун зарур бўлган маълумотларни ўзи ичига олувчи элементларидан қуйидаги кетма-кетликда фойдаланилади:

- титул кадри (яъни одатда тавсиф объектининг бошида жойлашадиган, тўлиқ сарлавҳа ва одатда чиқувчи маълумотларни ўз ичига олувчи кадр);

- бош апертура картаси;

- тавсиф объектининг қолган қисми;

- контейнер;

- аппаратура қўлланмаган ҳолда ўқиладиган илова қилинган материал.

Микрофильм, микрофиша, микроопакка библиографик ёзув тузиш учун асосий, энг тўлиқ ахборот манбаи бўлиб апертура картаси учун титул кадри – бевосита картанинг ўзи (тавсиф объекти сифатида битта карта бўлган ҳолларда) ёки ёки бош карта (тавсиф объекти сифатида карталар комплекти бўлган ҳолларда) ҳисобланади.

Агар маълумотлар, одатда титул кадри ёки титул картасида тақдим этиладиган маълумотлар кейинги кадрлар ёки карталарда жойлашган бўлса, асосий ахборот манбаи сифатида ушбу кадрлар ёки карталардан фойдаланилади.

Агар асосий ахборот манбаида керакли маълумотлар мавжуд бўлмаса ёки улар етарли бўлмаса, юқорида келтирилган бошқа манбалардан ўрнатилган кетма-кетликда фойдаланилади.

Манба сифатида микрошаклнинг юқори қисмида босилган ва аппаратура қўлланмаган ҳолда ўқиладиган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Ушбу маълумотлар одатда микрошаклда қайта тикланган ҳужжатни қисқача тавсифловчи библиографик маълумотларни ўз ичига олади.

Микрошаклга библиографик ёзув тузиш учун қўшимча маълумотлар библиографик ва маълумотномали нашрлардан олинishi мумкин.

Микрошакл библиографик тавсифининг ҳар бир соҳаси учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари ва улардан фойдаланиш кетма-кетлиги 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Соҳа	Аввалдан белгиланган ахборот манбалари
Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси	Титул кадри, бош карта (карта)
Нашр соҳаси	Титул кадри, бош карта (карта), тавсиф объектининг қолган қисми, контейнер
Чиқувчи маълумотлар соҳаси	Титул кадри, бош карта (карта), тавсиф объектининг қолган қисми, контейнер
Ўзига хос маълумотлар соҳаси	Умуман микрошакл
Физик характеристикалар соҳаси	Умуман микрошакл
Сериялар соҳаси	Титул кадри, бош карта (карта), тавсиф объектининг қолган қисми, контейнер
Изоҳлар соҳаси	Исталган манба
Стандарт рақам (ёки унинг муқобиллари) ва фойдалана олиш-лик шартлари	Исталган манба

Аввалдан белгиланган ахборот манбаидан ўзлаштирилган библиографик маълумотлар афзал кўрилади, айниқса бир хил маълумотлар микрошаклнинг турлича элементларида турлича ўқилган ҳолларда. Аввалдан белгиланган ахборот манбаи мавжуд бўлмаган ҳолларда у энг тўлиқ маълумотларга эга бўлган бошқаси билан алмаштирилади. Аввалдан белгиланмаган ахборот манбаидан ўзлаштирилган ҳамда библиограф томонидан шакллантирилган маълумотлар квадрат қавсларга олинган ҳолда келтирилади.

5.9.1.3 Библиографик ёзув таркиби ва тузилишининг ўзига хос хусусиятлари

Тузилишига кўра бир босқичли ва кўп босқичли ёзув фарқланади. Бир босқичли библиографик ёзув бир қисмли микрошакл учун тузилади ва у битта босқични ўз ичига олади. Бир босқичли библиографик ёзув яна кўп қисмли микрошакл, кўп қисмли микрошаклнинг алоҳида қисми ёки бир нечта қисмлари учун ҳам тузилиши мумкин.

Кўп босқичли библиографик ёзув бутун кўп қисмли микрошакл, кўп қисмли микрошаклнинг алоҳида қисми ёки бир нечта қисмлари учун ҳам тузилиши мумкин. Кўп босқичли ёзув иккита (ёки ундан кўпроқ) иерархик боғланган босқичларни ўз ичига олади.

Бир босқичли ёзув соҳалари ва элементларининг рўйхати ушбу стандартнинг 4.1.8.1-бандида, кўп босқичли ёзув схемаси 4.1.10.1-бандида келтирилган.

5.9.2 Микрошакл учун бир босқичли библиографик ёзув тузиш қоидалари

5.9.2.1 Асосий ва қўшимча фойдаланиш нуқталари

Микрошакл учун библиографик ёзув тузишда асосий ва қўшимча фойдаланиш нуқталари сифатида қуйидагилар қўлланади:

- шахс исми қатнашган сарлавҳа;
- ташкилот номи қатнашган сарлавҳа;
- бир хиллаштирилган сарлавҳа қатнашган сарлавҳа;
- сарлавҳа;

5.9.2.2 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси

Соҳа микрошакл тўғрисидаги қуйидаги асосий маълумотларни: унга муаллиф, тузувчи ёки ношир томонидан берилган сарлавҳани, материалнинг умумий белгиланиши, сарлавҳани очиб берувчи ва тўлдирувчи маълумотлар гуруҳини ва микрошаклни яратиш ва нашр қилишда иштирок этган шахслар ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича микрошаклга хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади.

Титул кадри соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади. Агар титул кадрида керакли маълумотларнинг кўпи мавжуд бўлмаса, аввалдан белгиланган ахборот манбаи ўзгартирилади. Аввалдан белгиланган ахборот манбаининг ўзгарганлиги изоҳларда айтиб ўтилади. Ахборот манбаларидан фойдаланиш кетма-кетлиги ушбу стандартнинг 5.9.1.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасининг элементлари қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) микрошаклнинг асосий сарлавҳаси у титул кадрида берилаган шаклда, у мавжуд бўлмаган ҳолларда бошқа ахборот манбаида берилган шаклда ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Микрошакл юқори қисмида қисқартирилган кўринишда ва илова қилинган материал ёки контейнерда тўлиқ шаклда берилган асосий сарлавҳа турлича ўқилган ҳолларда аввалдан белгиланган ахборот манбаи сифатида илова қилинган материал ёки контейнердан фойдаланилади; бунда асосий сарлавҳа манбаи тўғрисида изоҳ ушбу стандартнинг 4.1.8.8-бандида баён қилинган қоидалар бўйича тузилади;

2) материалнинг умумий белгиланиши сифатида микрошакл учун тузилган ёзувда «Микрошакл» атамасидан фойдаланилади. Маълумотлар асосий сарлавҳадан кейиноқ бош ҳарфлар билан квадрат қавсларга олинган ҳолда ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Das Flume-Buch, 2005–20010 [Микроформа]

Critical essays on Kate Chopin [Микроформа]

Агар тавсиф объекти материал тури бўйича икки ёки ундан кўпроқ тоифаларга тегишли бўлган қисмлардан ташкил топган бўлса ва ушбу қисмлардан бирортаси ҳам тавсиф объектида устувор қисм бўлмаса, соҳада материалнинг умумий белгиланиши сифатида [Мультимедиа] ёки [Комплект] атамалари келтирилади;

3) микрошаклнинг параллел сарлавҳаси асосий сарлавҳа каби бир хил шакл ва келтириш қоидаларига эга бўлади. Параллел сарлавҳа ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Немецко-русский диалог в филологии [Микроформа] = Deutsch-russischer Dialog in den Philologien

Deutschland [Микроформа] = Allemagne = Germany

4) микрошаклни очиб берувчи ва тушунтирувчи сарлавҳага тегишли бўлган маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Рамна и жизнь [Микроформа] : воспоминания и встречи

A Collection in the making [Микроформа] : works from the Phillips collection

5) жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар микрошаклни яратиш ва нашр қилишга тайёрлашда иштирок этган шахслар ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Улар ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Исповеди актера [Микроформа] / Б. С. Глаголин

The Dark side of close relationships [Микроформа] / ed. By Brian H. Spitzberg, William R. Cubach

Selections from the permanent collection [Микроформа] / Whitney museum of Amer. Art

6) микрошаклда умумий сарлавҳа мавжуд бўлмаган ҳолларда у бир бутун сифатида ёки ҳар битта сарлавҳа қўйилган қисм учун мустақил тавсиф объекти сифатида каталоглаштирилади.

Умумий сарлавҳага эга бўлмаган микрошаклга бир бутун сифатида тавсиф тузишда алоҳида қисмларнинг сарлавҳалари соҳада ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Don Juan [Микроформа] ; and Childe Harold / Lord Byron

The Wilson papers [Микроформа]. The Cole-Hatt papers

Микрошаклга киритилган ҳар бир алоҳида сарлавҳа қўйилган асар учун таҳлилий тавсиф тузилиши мумкин.

Асарлари турли ташувчиларда жойлаштирилган умумий сарлавҳага эга бўлмаган тўплам учун тавсиф тузишда сарлавҳа соҳаси ушбу стандартнинг 4.1.8.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

5.9.2.3 Нашр соҳаси

Соҳа микрошаклнинг аввалги нашрига нисбатан ушбу нашрнинг ўзгаришлари ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олади. Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.3-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Титул кадри, тавсиф объектининг қолган қисми, контейнер соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари ҳисобланади.

Нашр тўғрисидаги маълумотлар ахборот манбаида мавжуд бўлган ва ифодаларда ва кетма-кетликда келтирилади, араб рақамларида келтириладиган нашрнинг тартиб рақами бундан мустасно. Рақамга грамматика қоидаларига мувофиқ тарзда тегишли қўшимча ёки нукта қўшилади.

Мисоллар

. – 2-е изд.

. – New ed.

. – Micro ed.

Агар микрошаклда нашр тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаса, бироқ бошқа нашрлардан анчагина фарқ қилиши маълум бўлса, асосий сарлавҳа тили ва графикасида тегишли қисқача маълумотлар шакллантирилади ва квадрат қавсларга олинган ҳолда келтирилади.

Мисоллар

. – [New ed.]

. – [3rd ed.]

Тўпламдаги умумий сарлавҳага эга бўлмаган алоҳида асарларга тегишли бўлган нашр тўғрисидаги маълумотлар сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасида улар тегишли бўлган асардан кейин улар вергул билан ажратилган ҳолда келтирилади.

Мисол

Finnegans wake [Микроформа], 2nd ed. ; Ulysses / James Joyce

Микрорепродукцияларни тавсифлашда репродукция қилинаётган асар нашри тўғрисидаги маълумотлар изоҳларда келтирилади.

5.9.2.4 Ўзига хос маълумотлар соҳаси

Соҳа репродукция қилинган нотали нашрлар, картографик материаллар, серияли ва бошқа давомли ресурслар, графика ва шу кабиларни ўз ичига оловчи микрошакллар учун ёзувлар тузишда қўлланади. Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.4-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Микрошаклда ноталарни физик тақдим этиш ушбу стандартнинг 5.3.2.4-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Картографик материалларнинг математик маълумотлари ушбу стандартнинг 5.3.2.4-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Серияли ресурсларнинг рақамли ва (ёки) ҳарфли, хронологик ёки бошқа белгиси 5.10.2.4-бандда баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

Library resources & technical services [Микроформа]. – Vol.16, no. 1 (winter 2002)–

The Yellow book [Микроформа] : an illustrated quarterly. – Vol. 1 (Apr.2004)–v. 13 (Apr.2007)

5.9.2.5 Чиқувчи маълумотлар соҳаси

Соҳа микрошаклларни тайёрлаш жойи ва вақти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни тайёрлаган ташкилот номини ўз ичига олади. Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Микрорепродукцияларни тавсифлашда соҳада микрошаклнинг қачон ва қаерда чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилади, репродукция қилинган ҳужжатнинг қачон ва қаерда чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар эса изоҳлар соҳасида келтирилади.

Титул кадри, тавсиф объектининг қолган қисми, контейнер соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади.

Нашр қилинган микрошаклни тайёрлаш жойи ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича, ахборот манбаида кўрсатилган шакл ва келишида зарур бўлган ҳолда изоҳлар қўшилган ҳолда келтирилади.

Нашр қилинмаган микрошакллар учун нашр қилиш жойи тўғрисидаги маълумотлар келтирилмайди. Бундай ҳолларда «Ж.с» («S. l.») сўзи ҳам келтирилмайди.

Титул кадрида кўрсатилган тайёрлаш жойи бошқа аввалдан белгиланган ахборот манбаларидаги кўрсатилган номдан фарқ қилган ҳолларда титул кадридаги маълумотлар соҳада, бошқа маълумотлар эса – изоҳлар соҳасида келтирилади.

Нашр қилинган микрошаклнинг ношири, тарқатувчиси ва шу кабиларнинг номи (исми) ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

. – *Los Angeles : Univ.of Southern California*

. – *London : Grossman*

. – *New York : Readex microprint*

Нашр қилинмаган микрошакл учун ношир, тарқатувчи ва шу кабиларнинг исми (номи) келтирилмайди. Бундай ҳолларда «н.с» («s. n.») сўзи ҳам келтирилмайди.

Нашр қилинган микрошаклнинг нашр қилиш, тарқатиш ва шу кабилар санаси ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

. – *London : Challon, 2009*

. – *Ann Arbor (Mich.) : Xerox univ. microfilms, 2003–*

. – *Chicago : Libr. resources, cop.2000*

Нашр қилинмаган микрошакллар учун бундай маълумотларни ўқиш мумкин бўлган ҳолларда тайёрлаш санаси келтирилади. Буни аниқлаш қийин бўлган ҳолларда санаси келтирилмайди.

Мисол

[Victorian literary letters from the Morgan-Krane Collection] [Микроформа]. – 2001

(Титул varaқда: Filmed in 2001 кўрсатилган)

Микрошаклни тайёрлаш жойи, тайёрловчининг номи (исми) ва тайёрлаш санаси ушбу стандартнинг 4.1.8.5-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

5.9.2.6 Физик характеристика соҳаси

Соҳа микрошакл тақдим этилган физик шакл белгисини унинг ҳажми ва ўлчами, расмлар ва илова қилинган материалларнинг мавжудлигини кўрсатган ҳолда ўз ичига олади. Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) агар микрошакл репродукция бўлса, соҳада микрошаклнинг физик характеристикаси келтирилади, репродукция қилинган ҳужжатнинг физик характеристикаси эса изоҳлар соҳасида келтирилади.

Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб умуман микрошакл ҳисобланади;

Ҳажм тўғрисидаги маълумотларда қисмлар сони араб рақамлари билан кўрсатилган ҳолда микрошаклни ташкил қилувчи физик бирликлар сони келтирилади. Материалнинг ўзига хос белгиси сифатида қуйидаги

атамалардан қисқартирилган шаклда фойдаланилади: апертура картаси (апертур. карта); микрофиша (мфиша); микрофильм (мф.); микроопак.

Микрофильм атамасига зарур бўлган ҳолларда қуйидагилар қўшилади: картриджада, кассетада, рулонда ёки бобинда. Микрофиша атамасига зарур бўлган ҳолларда кассетада қўшилади.

Мисоллар

. – 25 *апертур. карт*

. – 1 *мф. в кассете*

. – 2 *рулона МФ.*

. – 3 *мфиши*

. – 10 *микроопак*

Микрофиша ёки микрофишалар комплектидаги кадрлар сони ушбу сонни осонгина аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда келтирилади.

Мисоллар

. – 2 *мфиши (147 кадров)*

. – 1 *мфиша (120 кадров)*

. – 3 *мфиши (ок. 120 кадров каждая)*

Агар тавсиф умумий сарлавҳага эга бўлмаган микрошаклнинг сарлавҳаси қўйилган алоҳида қисми учун тузилса, қисм ҳажми тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги шаклда келтирилади: микрофильм 3 та бобинидан иккита бобинида, 5 та микрофишадан 4-сон микрофишада ва ҳ. (агар қисмлар рақамланган ёки ягона кетма-кетликда ҳарфлар билан белгиланган бўлса); ёки микрофильмнинг учта бобинидан 1 бобинида, 5 та микрофишадан 1 тасида ва ҳ. бўлса (кетма-кет рақамлаш мавжуд бўлмаса).

Мисоллар

. – В № 3 из 4 *кассет МФ.*

. – В 3 из 5 *микроопак*

Микрошаклнинг бошқа физик характеристикалари физик бирликлар сони ва материалнинг ўзига хос белгисидан кейин ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Микрошакл негатив бўлган ҳолларда негатив тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Мисол

. – 1 *рулон МФ. : негатив*

Расмлар тўғрисидаги маълумотлар.

Мисоллар

. – 1 *мф. в кассете : ил.*

- . – 1 мфиша : ил.
- . – 1 мфиша : ил., ноты
- . – 1 мфиша : преимущественно ноты
- . – 1 рулон мф. : негатив, ил.

Тўлиқ ёки қисман рангли бўлган микрошакл учун ранглилик хусусиятиларида ранг. (расмларсиз рангли микрошакл учун) ёки рас. билан ранг. (фақат рангли расмлар тақдим этилган микрошакллар учун) ва шу кабилар келтирилади.

Мисоллар

- . – 1 рулон мф. : цв.
- . – 1 рулон мф. : цв. с ил.
- . – 1 рулон мф. : цв. ил., цв. карты

Микрошаклнинг кичрайтириш карралилиги тўғрисидаги маълумотлар соҳада келтирилмайди. У қабул қилинган 16х–30х стандартига мос келмаган ҳолларда ушбу маълумотлар изохлар соҳасида келтирилади;

2) микрошаклнинг ўлчамлари тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандида баён қилинган қоидалар бўйича қуйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда келтирилади:

- агар кўп қисмли микрошаклнинг алоҳида қисмлари турлича ўлчамларга эга бўлса, энг кичкина ва энг катта микрошаклларнинг ўлчамлари тире белгиси билан бирлаштирилган ҳолда кўрсатилади:

а) апертурали кадрлар учун апертура картаси тағлигининг баландлиги ва кенглиги сантиметрларда кўпайтириш белгиси (х) орқали келтирилади.

Мисол

- . – 20 апертур. карт ; 9х19 см

б) агар микрофишанинг ўлчами 10,5х14,8 см дан каттароқ бўлган ҳолларда микрофишалар учун микрофиша баландлиги ва кенглиги сантиметрларда кўпайтириш белгиси (х) орқали келтирилади.

Мисоллар

- . – 1 мфиша ; 12х17 см
- . – 2 мфиши ; 11х15 см – 12х17 см

с) микрофильмлар учун микрофильм (микрофильм плёнкаи) кенглиги миллиметрларда келтирилади.

Мисоллар

- . – 1 рулон мф. ; 16 мм

. – 1 мф. в картридже ; 35 мм

d) микроопаklar учун микроопаk баландлиги ва кенглиги сантиметрларда келтирилади.

Мисол

. – 5 микроопаков ; 8·13 см

3) илова қилинган материал тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.6-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Мисоллар

. – 1 рулон мф. ; 16 мм + 1 пособие

. – 1 рулон мф. ; 16 мм + 1 т. (30 с. : ил. ; 20 см)

5.9.2.7 Сериялар соҳаси

Соҳа таркибига микрошакл кирувчи серияли нашр тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.7, 4.1.10.2, 4.1.10.3-бандларида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Агар ёзув микрошаклнинг хусусий сарлавҳаси остида алоҳида том (қисм, нашр) учун тузилса, сериялар соҳасида микрошаклнинг кўп қисмли наشري тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилиши мумкин.

Агар микрошакл репродукция бўлса ва асл нусха серияда нашр қилинган бўлса, бу тўғрисида изоҳ тузилади.

Титул кадри, объектнинг қолган қисми, контейнер соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбаи ҳисобланади.

Мисоллар

. – (*Studies in Slavic literature and poetics*, ISSN 0619-0175 ; vol. 21)

. – (*Piccola biblioteca Einaudi ; 603. Filologia. Linguistica. Critica letteraria*)

. – (*The Medieval Mediterranean : peoples, economics and culture, 400-1453*, ISSN 0928-5520 ; vol. 20)

. – (*Bibliotheca Asiatica ; vol. 9*)

. – (*Wright American fiction ; рулон А-4*)

5.9.2.8 Изоҳлар соҳаси

Изоҳлар микрошакл хусусиятларининг тавсифнинг бошқа соҳаларида тақдим этилмаган исталган жиҳатига: безаш, мазмуннинг ўзига хос хусусиятлари, бошқа асарлар ёки унинг бошқа ташувчиларидаги нашрлари билан боғлиқлиги ва ҳ. га тегишли бўлиши мумкин. Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.8-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб исталган (микрошакл ичидаги ҳамда ундан ташқаридаги) манбалар ҳисобланади.

Изоҳлар ушбу стандартнинг 4.1.8.8-бандида баён қилинган қоидалар бўйича ва уларни ушбу қоидаларда санаб ўтиш тартибига мос бўлган кетма-кетликда келтирилади. Бироқ айрим ҳолларда биринчи бўлиб энг муҳим деб ҳисобланган изоҳ келтирилиши мумкин.

Изоҳлар соҳасига тааллуқли маълумотлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) таржима қилинган ёки мослаштирилган асл нусха ёки нашр сарлавҳаси, микрошаклда мужассам бўлган асар тили тўғрисидаги ҳамда у титул кадрига жойлаштирилмаган ҳолларда асосий сарлавҳа манбаи тўғрисидаги изоҳлар.

Мисоллар

. – *Текст нем. и лат.*

. – *Рез. нидерл.*

. – *Текст фр., с пер. на англ.*

. – *Загл. с контейнера*

Титул кадридан ташқари микрошаклнинг бошқа элементларида мавжуд бўлган сарлавҳа вариантлари тўғрисидаги изоҳ.

Мисол

. – *Также известно как: NICEM index to educational slides*

Сарлавҳа соҳасида кўрсатилмаган параллел сарлавҳалар ва сарлавҳага тегишли бўлган маълумотлар тўғрисидаги изоҳ.

Мисоллар

. – *Парал. загл. яп. и кит.*

. – *Подзаг. также англ.: An analysis of world trends*

Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда кўрсатилган шахслар ёки ташкилотлар номларининг вариантлари тўғрисидаги изоҳлар, агар улар идентификация қилиш учун зарур бўлса,

Мисоллар

. – *Авт. также на пол. яз.*

. – *Предыдущее изд. мфиши: 2001*

Чиқувчи маълумотлар, тарқатиш ва шу кабилар тўғрисидаги изоҳлар.

Мисол

. – *Дистрибьютор в США: MicroFilm Imports*

Физик характеристика тўғрисидаги изоҳлар:

- кичрайтириш карралилиги. Кичрайтириш карралилиги 16х-30х га мос бўлмаган ҳолларда у тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Қуйидаги атамалардан биридан фойдаланилади:

а) кичрайтиришнинг паст даражадаги карралилиги (карралик 16х дан кам бўлганда);

б) кичрайтиришнинг юқори даражадаги карралилиги (31х–60х карраликлар учун);

с) кичрайтиришнинг жуда юқори даражадаги карралилиги (61х–90х карраликлар учун);

д) кичрайтиришнинг ўта юқори даражадаги карралилиги (90х дан катта карраликлар учун); кичрайтиришнинг ўта юқори даражадаги карралилиги учун унинг қиймати ҳам келтирилади, масалан,

Мисоллар

. – *Сверх высокая кратность уменьшения, 150х*

. – *Кратность уменьшения варьируется*

- ўқиш учун аппарат. Агар тавсиф объектдан фойдаланишда аппарат номи керак бўлса, кассетали ёки картрижли микрофильмларни ўқиш учун аппарат номи ҳам келтирилади;

Мисол

. – *Для Information Design reader*

- плёнка. Плёнка хусусиятлари келтирилади;

Мисол

. – *Пленка на серебряной основе*

- бошқа физик характеристикалар.

Мисол

. – *Изображение напечатано на тонкой бумаге*

Илова қилинган материал тўғрисидаги изоҳ. Зарур бўлган ҳолларда илова қилинган материалнинг жойлашган ўрни тўғрисида изоҳ тузилади. Изоҳда физик характеристика соҳасига ҳам, алоҳида тавсифга ҳам киритилмаган илова қилинган материал тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Мисоллар

. – *С краткими заметками (3 с.)*

. – *В контейнере с факсимильными репродукциями с. 1–8 оригинала*

Серия тўғрисидаги изоҳ ушбу микрошакл нашр қилинган микрошакл серияси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Мисоллар

. – *Ориг. изд. в сер.: Disney classics*

. – *Ориг. изд. в сер.: The Afro-American experience*

(Микрошакл аввал серияда нашр қилинган)

Нашрнинг бошқа шакллари ва форматлари тўғрисидаги изоҳ. Изоҳда тавсиф объектининг мазмуни нашр қилинган бошқа форматларнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилади.

Мисол

. – Издано также на 16 мм микрофильме

Рақамлар тўғрисидаги изоҳ ISBN ва ISSN дан ташқари, микрошаклга тегишли бўлган барча рақамларни ўз ичига олади.

2) бутун микрошаклга изоҳ:

а) бағишлов тўғрисидаги изоҳ;

б) мазмун тўғрисидаги изоҳ. Изоҳда зарур бўлган ҳолларда танлов асосида ёки тўлиқ равишда тавсиф объекти мазмуни очиб берилади: тавсифнинг бошқа соҳаларида кўрсатилмаган материалнинг мавжудлигини кўрсатиш; тавсиф объектларининг алоҳида муҳимлигини таъкидлаш; ёки тўплам таркибий қисмларини санаб ўтиш. Сарлавҳаларни санаб ўтишда уларнинг ифодаланишини мундарижадан кўра улар тегишли бўлган қисмлар сарлавҳасидан ўзлаштирган мақбулроқдир.

Мисоллар

. – Содерж.: 1. Alphabetical author-title catalogue (IDC no: R-18,497) ; 2. Geographical catalogue (IDC no: R-18,498) ; 3. Periodicals catalogue (IDC no: R-18,499).

. – Содерж.: General Sherman / M. Force. – Life and campaigns of Major-General J.E.B. Stuart / H. McClennan. – General Butler in New Orleans / J. Parton. – Life and public services of Ambrose E. Burnside / B. Poore. – Life of General George G. Meade / R. Bache.

с) маълумотнома аппаратининг (библиографик рўйхатлар, ёрдамчи кўрсаткичлар ва бошқа материаллар) мавжудлиги тўғрисидаги изоҳ.

Мисоллар

. – Библиогр. в конце докл.

. – Библиогр. и указ.

д) бошқа нашрлар билан алоқалари тўғрисидаги изоҳ. Изоҳ репродукция қилинган ва факсимил асл нашрлари тўғрисидаги изоҳларни келтириш қоидалари бўйича тузилади.

Мисоллар

. – Микрорепрод. изд.: Altenburg : Lit. Cempteier, 2005–2006

. – Микрорепрод. изд.: Endymion / by the Author of Lothair. London : Longmans, Green, 2000. 3 т. ; 20 см

. – Микрорепрод. изд.: 2nd ed. London : Royal Geographic Society, 2004. 1 атлас (5 т.) : 450 карт ; 31 см (Atlases of the Western world ; no. 1)

е) полиграфик безашнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги изоҳ;

f) тарқатиш ва фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги изох.

Мисоллар

. – Доступно только для научных работников по письменному разрешению владельца авторских прав

. – Доступно также в виде компьютерного файла

g) нусханинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги изох.

Мисол

. – Основная страховая копия

5.9.2.9 Стандарт раками (ёки унинг муқобиллари) ва фойдалана олишлик шартлари соҳаси

Соҳа ISBN ёки ISSNни ўз ичига олади. Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.9-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Соҳа учун аввалдан белгиланган ахборот манбаи бўлиб исталган манба ҳисобланади.

Исталган бошқа ракам изохларда ушбу стандартнинг 4.1.8.9-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

5.9.3 Микрошакл учун кўп босқичли библиографик ёзув тузиш қоидалари

5.9.3.1 Кўп босқичли библиографик ёзувнинг тузилиши ва боғлиқликлари

Микрошакл учун кўп босқичли библиографик ёзув тузишда барча босқичлардаги элементлар ушбу стандартнинг 5.9.1, 5.9.2-бандларида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Сарлавҳа асосий фойдаланиш нуқтаси сифатида кўп босқичли ёзувнинг фақат биринчи босқичида тавсифдан олдин келиши мумкин. Иккинчи босқичдаги ёзувда сарлавҳа қўлланмайди.

Биринчи босқичдаги ёзувни тузишнинг умумий қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.10.2-бандида, иккинчи босқичдаги ёзувни тузишнинг умумий қоидалари 4.1.10.3-бандида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

5.9.3.2 Кўп қисмли микрошакл учун кўп босқичли ёзувнинг биринчи босқичидаги элементлар таркиби ва уларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Асосий сарлавҳа сифатида кўп қисмли микрошаклнинг умумий сарлавҳаси келтирилади.

Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда биринчи босқичдаги ёзувда муаллифлар ва кўп қисмли микрошаклни тайёрлашда иштирок этган бошқа шахсларнинг исмлари келтирилади.

Агар кўп қисмли микрошакл, битта ношир томонидан битта нашр қилиш жойида чиқарилса, чиқувчи маълумотлар соҳасида нашр қилиш жойи, ноширнинг номи ёзувда биринчи босқичда келтирилади.

Агар кўп қисмли микрошакл битта ношир томонидан чиқарилса, бироқ унинг номи ўзгарган бўлса, биринчи босқичда ушбу янги ном келтирилади.

Физик характеристика соҳасида биринчи босқичда, одатда, фақат ўлчам тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Кўп қисмли микрошаклнинг алоҳида қисмлари турлича ўлчамларга эга бўлган ҳолларда тире белгиси билан бирлаштирилган энг кичик ва энг катта микрошаклнинг ўлчамлари кўрсатилади.

Умуман кўп қисмли микрошаклга илова қилинган материалга алоҳида том сифатида қаралади ва у тўғрисидаги маълумотлар биринчи босқичда келтирилмайди.

Агар кўп қисмли микрошаклнинг барча қисмлари қандайдир серия таркибига кирса, серия (кичик серия) тўғрисидаги маълумотлар ёзувда биринчи босқичда келтирилади.

Серияни (кичик серияни) нашр қилиш сони у умуман кўп қисмли микрошакл учун умумий бўлган ҳолларда биринчи босқичда кўрсатилади.

Агар кўп қисмли микрошакл қисмлари турли сериялар қисмига кирса, биринчи босқичда фақат серия тўғрисидаги маълумотлар келтирилади, кичик серия тўғрисидаги маълумотлар эса иккинчи босқичда келтирилади.

Бутун кўп қисмли микрошаклга тегишли бўлган изоҳлар биринчи босқичда изоҳлар соҳаси учун қабул қилинган кетма-кетликда келтирилади.

5.9.3.3 Кўп қисмли микрошакл учун кўп босқичли ёзувнинг иккинчи босқичидаги элементлар таркиби ва уларни келтиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Қисм белгиси ва (ёки) рақами, одатда, сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасининг биринчи элементи ҳисобланади.

Қисмнинг хусусий сарлавҳаси унинг асосий сарлавҳаси бўлиб ҳисобланади. Агар қисмнинг асосий сарлавҳаси мавжуд бўлмаса, ёзувнинг кейинги элементи унга аввалдан белгиланган белги билан биргаликда келтирилади.

Кўп қисмли микрошаклнинг алоҳида қисмлари турлича ўлчамларга эга бўлган ҳолларда ҳар бир қисмнинг ўлчами тегишли қисмнинг иккинчи босқичидаги маълумотларда кўрсатилади.

Бутун кўп қисмли микрошаклга илова қилинган материалга алоҳида қисм сифатида қаралади ва у тўғрисидаги маълумотлар иккинчи босқичда сўнгги қисмдан кейин кўп қисмли ёзувнинг иккинчи босқичини тузиш учун қабул қилинган қодалар бўйича келтирилади.

Иккинчи босқичда сериялар соҳасида қуйидагилар келтирилади:

а) кўп қисмли микрошаклнинг ҳар бир қисми сериянинг (кичик сериянинг) алоҳида нашри бўлган ҳолларда серия (кичик серия)нинг нашр қилиш рақами. Рақамдан олдин кўп нуқта ва нуқта вергул қўйилади;

б) кичик серия тўғрисидаги маълумотлар, агар улар ҳар бир қисм учун турлича бўлса;

с) агар серияга кўп қисмли микрошаклнинг фақат алоҳида қисмлари кирса, серия тўғрисидаги барча маълумотлар.

Иккинчи босқичдаги изоҳлар соҳасида биринчи ўринда асосий сарлавҳа ёки асосий сарлавҳа ва кўп қисмли микрошакл муаллифларининг ўзгариши тўғрисидаги изоҳ келтирилади.

Агар кўпчилиқ қисмларда ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлса, битта ёки қисмларнинг кам сонидан улар мавжуд (умуман ёки қисман) бўлмаса, ташкилот номларининг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотлар иккинчи босқичда тегишли қисмнинг изоҳлар соҳасида келтирилади.

Иккинчи босқичдаги маълумотларни қисқартирилган шаклда ёзишга йўл қўйилади. Бунда қисм (қисмлар) тўғрисидаги маълумотларнинг барчаси ёки бир қисми тушириб қолдирилади, қисм (қисмлар) рақамлари ва қисм (қисмлар)нинг ISBN бундан мустасно.

Мисоллар

Т. 1. – ISBN 5-7842-0146-8

Т. 2. – ISBN 5-7842-0147-6

Кетма-кет келувчи томлар сони тире белгиси билан бирлаштирилади.

Мисоллар

Т. 1–8

Сб. 1–5

5.9.3.4 Кўп қисмли микрошаклнинг алоҳида қисми ва умуман кўп қисмли микрошаклга ёзув тузишнинг турли усуллари

Кўп қисмли микрошаклнинг алоҳида қисми учун бир босқичли ёзув ҳам, кўп босқичли ёзув ҳам тузиш мумкин.

Алоҳида қисм учун кўп босқичли ёзув ушбу стандартнинг 5.1-5.3-бандларида келтирилган қоидалар бўйича келтирилади.

Кўп қисмли микрошаклнинг алоҳида қисми учун бир босқичли ёзув кўп қисмли микрошаклнинг умумий саравҳаси остида ёки қисмнинг хусусий сарлавҳаси остида тузилиши мумкин.

Қисм учун кўп қисмли микрошаклнинг умумий саравҳаси остида бир босқичли ёзув қуйидаги қоидалар бўйича тузилади: асосий сарлавҳа сифатида кўп қисмли микрошаклнинг умумий саравҳаси, қисм рақами ва унинг хусусий сарлавҳаси (агар у мавжуд бўлса) нуқталар билан ажратилган ҳолда келтирилади.

Қисм учун унинг хусусий сарлавҳаси остида бир босқичли ёзув қуйидаги қоидалар бўйича тузилади: асосий сарлавҳа сифатида қисмнинг

хусусий сарлавҳаси келтирилади. Умуман кўп қисмли микрошакл тўғрисидаги маълумотлар серия соҳасида келтирилади.

Умуман кўп қисмли микрошакл ёки қисмлар гуруҳи учун бир босқичли библиографик ёзув ушбу стандартнинг 5.1-5.3-бандларига мувофиқ тузилиши мумкин.

Бу ҳолда ҳажм – ҳужжатдаги томлар сони тўғрисидаги маълумотлар мажбурий ҳисобланади.

Микрошакллар учун библиографик ёзувларга мисоллар А иловада келтирилган.

5.10 Серияли ва бошқа давомли ресурслар

5.10.1 Библиографик ёзув объекти, ахборот манбалари, таркиби ва тузилиши

5.10.1.1 Библиографик ёзув объекти

Исталган ташувчилардаги даврий, давомли ва серияли ҳужжатлар (матнда бундан кейин - серияли ҳужжатлар) ҳамда бирлаштириладиган ресурслар библиографик ёзув объекти ҳисобланади.

Библиографик ёзувни тузишда ушбу стандартнинг 4-бўлимида келтирилган қоидаларга амал қилинади. Ушбу бўлимда серияли ҳужжатлар ва бирлаштириладиган ресурсларнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланган ўзига хос хусусиятлар кўрсатиб берилган.

Ушбу бўлимда серияли ҳужжатлар учун баён қилинган қоидалар алоҳида айтиб ўтилган ҳоллардан ташқари ҳолларда бирлаштириладиган ресурсларга ҳам қўлланади.

Серияли ҳужжатларнинг асосий турлари:

- газета;
- журнал;
- рақамланган ёки санаси қўйилган тўплам;
- рақамланган ёки санаси қўйилган бюллетень;
- серия;
- тақвим.

Серияли ҳужжатнинг асосий белгиси бўлиб давомийлиги аввалдан аниқланмаган вақт давомида маълум ёки номаълум вақт оралиқларида, рақамланган ва (ёки) санаси қўйилган нашрлар билан чиқарилиши ҳисобланади. Бир серияга эга ҳужжатнинг нашрлари битта сарлавҳага ва одатда бир хил безакка эга бўлади, уларнинг мазмуни такрорланмайди.

Бирлаштириладиган ресурсларнинг асосий турлари:

- янгиланувчи варақли ҳужжат;
- веб-саҳифа.

Бирлаштириладиган ресурсларнинг асосий белгиси бўлиб алоҳида нашр қилинмайдиган, балки бирлаштирилувчи ва ягона бир бутунга айланувчи

ўзгариш (алоҳида қисмларини олиш, қўйиш ёки алмаштириш) ҳисобланади.

Қуйидагилар ёзувни тузиш объектлари бўлиб ҳисобланади:

– умуман серияли ҳужжат, нашрлар гуруҳи (маълум нашр қилиш давридаги нашрлар, битта серияли ҳужжатнинг тарқоқ нашрлари), алоҳида нашр;

– бирлаштириладиган ресурс (бутун нашр қилиш муддати давомида, маълум нашр қилиш даврида).

5.10.1.2 Ахборот манбалари

Серияли ҳужжатнинг библиография қилувчи муассасага биринчи бўлиб тушган наشري ёки серияли ҳужжатнинг мавжуд нашрларидан энг аввалгиси (агар библиография қилувчи муассасага бир вақтнинг ўзида бир нечта нашр тушган бўлса) серияли ҳужжат тавсифи учун асос ҳисобланади.

Серияли ҳужжатлар учун ахборот манбалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Соҳа	Ахборот манбаи
1 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси	Биринчи ёки мавжуд нашрлардан энг аввалгиси
2 Нашр соҳаси	Биринчи ёки мавжуд нашрлардан энг аввалгиси
3 Ўзига хос маълумотлар соҳаси	Биринчи ёки мавжуд нашрлардан энг аввалгиси (нашр қилиш саналари учун – биринчи ва (ёки) сўнгги нашрлар)
4 Чиқувчи маълумотлар соҳаси	Биринчи ёки мавжуд нашрлардан энг аввалгиси
5 Физик характеристика соҳаси	Барча нашрлар
6 Сериялар соҳаси	Барча нашрлар
7 Изоҳлар соҳаси	Барча нашрлар ва исталган бошқа манбалар
8 Стандарт рақам (ёки унинг муқобиллари) ва фойдалана олиш-лик шартлари соҳаси	Барча нашрлар ва исталган бошқа манбалар

Бирлаштирилувчи ресурс таъвсифининг асоси бўлиб унинг сўнгги итерацияси ҳисобланади, нашр қилишни бошлаш санаси бундан мустасно.

Итерация – бирлаштирилувчи ресурснинг биринчи марта нашр қилинган ёки янгилангандан кейинги ҳолати.

Бирлаштирилувчи ресурслар учун ахборот манбалари 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Соҳа	Ахборот манбаи
1 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси	Сўнгги итерация
2 Нашр соҳаси	Сўнгги итерация
3 Ўзига хос маълумотлар соҳаси	Фойдаланилмайди
4 Чиқувчи маълумотлар соҳаси	Сўнгги итерация (нашр қилиш саналари учун – биринчи ва (ёки) сўнгги итерация)
5 Физик характеристика соҳаси	Сўнгги итерация
6 Сериялар соҳаси	Сўнгги итерация
7 Изоҳлар соҳаси	Барча итерациялар ва бошқа исталган манбалар
8 Стандарт рақам (ёки унинг муқобиллари) ва фойдалана олиш-лик шартлари соҳаси	Барча итерациялар ва бошқа исталган манбалар

Библиографик ёзув тузиш учун зарур бўлган босма кўринишда нашр қилинадиган серияли ҳужжат элементларидан қуйидаги афзаллик тартибида фойдаланилади:

1) асосий ахборот манбаи бўлиб тавсиф тузиладиган нашрнинг титул варағи, шунингдек унинг турлари бирлаштирилган, параллел, ички бетли титул варағи; биринчи ва сўнгги саҳифалари (газеталар учун) ҳисобланади;

2) муқова;

3) авантитул;

4) титул варағининг орқа томони;

5) шмуцтитул;

6) колонтитул;

7) колофон;

8) сигнатура;

9) нашр қачон ва қаерда чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, нашрни чиқариш тўғрисидаги маълумотлардан олдин бериладиган маълумотлар;

10) ҳужжатнинг қолган қисмлари (мундарижа, сўз боши, кириш, биринчи ва сўнгги саҳифалар, матн, жумладан матн олди маълумотлар, иловалар ва бошқ.);

11) супермуқова, ўрама, манжетка ва ҳ.;

12) муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш белгисидан (копирайтдан) олинган маълумотлар.

Қўшимча равишда бошқа нашрлардан, ҳужжатга илова қилинган манбалардан олинган библиографик маълумотлардан ва ҳужжатдан ташқари манбалардан фойдаланиш мумкин.

Босма кўринишдан бошқа шаклда нашр қилинадиган ресурслар учун библиографик ёзув тузиш учун зарур бўлган элементлар ва улардан

фойдаланиш кетма-кетлиги 5-бўлимнинг тегишли бандларида келтирилган баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Босма кўринишда нашр қилинадиган серияли ҳужжат учун тавсиф соҳалари учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Соҳа	Аввалдан белгиланган ахборот манбаи
1 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғриси-даги маълумотлар соҳаси	Нашрнинг титул варағи ва унинг турлари, биринчи ва сўнгги полосалар (газеталар учун) У мавжуд бўлмаган ҳолларда нашрнинг бошқа элементларидан белгилаб берилган тартибда (юқорида санаб ўтилган) фойдаланилади
2 Нашр соҳаси	Тўлиқ нашр
3 Ўзига хос маълумотлар соҳаси	Тўлиқ нашр ва исталган бошқа манбалар
4 Чиқувчи маълумотлар соҳаси	Тўлиқ нашр
5 Физик характеристика соҳаси	Тўлиқ нашр
6 Сериялар соҳаси	Тўлиқ нашр
7 Изоҳлар соҳаси	Тўлиқ нашр ва исталган бошқа манбалар
8 Стандарт рақам (ёки унинг муқобиллари) ва фойдалана олиш-лик шартлари соҳаси	Тўлиқ нашр ва исталган бошқа манбалар

Босма кўринишдан бошқа шаклда нашр қилинадиган ресурслар учун аввалдан белгиланган ахборот манбалари ушбу стандарт 5-бўлимининг тегишли бандларида келтирилган қоидаларда белгилаб берилган.

Ҳужжатдан ташқаридан ўзлаштирилган ёки библиограф томонидан шакллантирилган маълумотлар квадрат қавсларга олинган ҳолда келтирилади.

5.10.1.3 Библиографик ёзув таркиби ва тузилишининг ўзига хос хусусиятлари

Серияли ҳужжатлар учун ўзига хос маълумотлар соҳаси бўлиб рақамлаш соҳаси ҳисобланади.

Бирлаштирилувчи ресурслар учун рақамлаш соҳаси қўлланмайди.

Серияли ҳужжат учун ушбу стандартнинг 4.1.10-бандига мувофиқ икки ёки ундан кўпроқ иерархик босқичларнинг ўзаро боғлиқ ёзувлари тўпламидан иборат бўлган кўп босқичли библиографик ёзув тузилади.

Босқичлар даражаси серияли ҳужжатнинг тузилишига боғлиқ бўлади.

Биринчи босқичдаги ёзувда ушбу стандартнинг 5.10.2-бандида баён қилинган библиографик ёзувларни тузиш қоидаларига мувофиқ доимо серияли ҳужжатнинг барча ёки кўп нашрлари учун умумий бўлган маълумотлар (умумий қисм) келтирилади.

Алоҳида нашрларга тегишли бўлган маълумотлар иккинчи босқичдаги ёзувда ушбу стандартнинг 5.10.3-бандида баён қилинган библиографик ёзувларни тузиш қоидаларига мувофиқ келтирилади.

Ўзининг рақамларига эга бўлган сериялар қисмларига (бўлимларга, бўлинмаларга ва ҳ.) бўлинадиган серияли ҳужжатни тавсифлашда умуман серияли ҳужжат ва ҳар бир кичик серия учун (бўлимларга, бўлинмаларга ва ҳ.) кўп босқичли ёзувлар тузилади.

Биринчи босқичдаги ёзувда барча нашрлар учун (умумий қисм) ва ҳар бир кичик серияни (бўлимни, бўлинмани ва ҳ.) ташкил қилувчи нашрлар учун (кичик сериянинг умумий қисми) умумий бўлган маълумотлар ушбу стандартнинг 5.10.2-бандида баён қилинган библиографик ёзувларни тузиш қоидаларига мувофиқ келтирилади.

Алоҳида нашрларга тегишли бўлган маълумотлар иккинчи босқичдаги ёзувда ушбу стандартнинг 5.10.3-бандида баён қилинган библиографик ёзувларни тузиш қоидаларига мувофиқ келтирилади.

Электрон каталогда ўз рақамларига эга бўлган кичик серияларга (бўлимларга, бўлинмаларга ва ҳ.) бўлинувчи серияли ҳужжат учун машинада ўқиладиган ёзув тузишда иккинчи босқичдаги ёзувда кичик серияга (бўлимга, бўлинмага ва ҳ.) кирувчи барча нашрлар учун умумий бўлган маълумотлар (кичик сериянинг умумий қисми) ушбу стандартнинг 5.10.2-бандида баён қилинган библиографик ёзувларни тузиш қоидаларига мувофиқ келтирилади.

Алоҳида нашрларга тегишли бўлган маълумотлар иккинчи босқичдаги ёзувда ушбу стандартнинг 5.10.3-бандида баён қилинган библиографик ёзувларни тузиш қоидаларига мувофиқ келтирилади.

Бирлаштириладиган ресурс учун бир босқичли ёзув ушбу стандартнинг 5.10.2-бандида баён қилинган библиографик ёзувларни тузиш қоидаларига мувофиқ тузилади.

5.10.1.4 Чиқувчи маълумотлардаги ўзгаришлар

Ёзув битта сарлавҳа остида чиқадиган серияли ҳужжат учун тузилади.

Сарлавҳа ўзгарганда ёки ушбу стандартнинг 4.2-бандида санаб ўтилган чиқувчи маълумотлардаги бошқа ўзгаришларда ўзгарган ҳужжат учун янги ёзув тузилади.

Ҳар иккала ёзувда ҳам уларнинг боғлиқлиги тўғрисидаги мажбурий изоҳ ушбу стандартнинг 5.10.2.8-бандига мувофиқ келтирилади.

Серияли ҳужжатнинг барча ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотлар изоҳлар соҳасида акс эттирилади.

Чиқувчи маълумотлардаги ўзгаришларга тааллуқли маълумотлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

а) янги ёзув тузишни талаб қилувчи ўзгаришлар:

1) серияли ҳужжатнинг ўзгаришлари:

– иккита ёки кўпроқ серияли ҳужжатларнинг бирлашиши натижасида янги серияли ҳужжатнинг ҳосил бўлиши;

– битта серияли ҳужжатнинг иккита ёки кўпроқ серияли ҳужжатларга бўлиниши натижасида янги серияли ҳужжатнинг ҳосил бўлиши, янги ҳужжат бўлинган ҳужжатнинг рақамланишини давом эттириши ёки эттирмаслигидан қатъи назар;

– серияли ҳужжатнинг бошқаси билан алмаштирилиши;

– серияли ҳужжатни бошқасидан ажралиб чиқиши;

– серияли ҳужжатни бошқалари билан қўшилиши.

2) серияли ҳужжат сарлавҳасининг ўзгариши:

а) тематик сарлавҳанинг ўзгариши:

– тематик сарлавҳанинг дастлабки бешта сўзининг ўзгариши (қўшиш, олиб ташлаш, ўзгартириш, янги тартиб) (агар биринчи сўз ар- тикль бўлган биринчи олтита сўзда).

Мисол

Высшая и средняя специальная школа за рубежом

алмаштирилди:

Высшая и средняя профессиональная школа за рубежом

– тематик сарлавҳанинг биринчи бешта сўздан кейинги (агар биринчи сўз ар- тикль бўлса, биринчи олтита сўздан кейинги), сарлавҳа ёки кўриб чиқиладиган мавзунинг бошқа маъносини кўрсатувчи ўзгаришлар (қўшиш, олиб ташлаш, ўзгартириш, янги тартиб);

Мисол

Геология, методы поисков, разведки и оценки месторождений нефти и газа

алмаштирилди:

Геология, методы поисков, разведки и оценки месторождений топливно- энергетического сырья

– тематик сарлавҳанинг намунавий сарлавҳага ўтиши.

Мисол

Ўзбекистон Давлат Санъат музейлари

алмаштирилди:

Материаллар ва тадқиқотлар / «Ўзбекистон санъати» давлат тарихий- маданий музей қўриқхонаси

3) намунавий сарлавҳанинг ўзгариши:

– намунавий сарлавҳадаги биринчи сўзнинг ўзгариши.

Мисол

ТДПИ илмий ишлари тўплами / Тошкент давлат политехника ин-ти

алмаштирилди:

ТДПИ илмий ишлари / Тошкент давлат политехника ин-ти

– намунавий сарлавҳага кирувчи, ёзув сарлавҳасидаги ўзгаришларга олиб келувчи ташкилот номидаги (тўлиқ номи ёки

аббревиатурасидаги) ўзгаришлар (қўшиш, олиб ташлаш, ўзгартириш, янги тартиб);

Мисол

Вятский государственный педагогический университет. Вестник Вятского государственного педагогического университета

алмаштирилди:

Вятский государственный гуманитарный университет. Вестник Вятского государственного гуманитарного университета

– намунавий сарлавҳанинг тематик сарлавҳага ўтиши.

Мисоллар

Ёш китобсеварлар жамиятининг альманахи

алмаштирилди:

Китобсевар минбари

Хабарлар / Бухоро давлат тарихий-бадиий музей қўриқхонаси

алмаштирилди:

Бухоро музей қўриқхонаси : хабарлар

Альманах Мурманского родословного общества

алмаштирилди:

Кольский родословец

Сообщения / Сергеево-Посад. гос. ист.-худож. музей-заповедник

алмаштирилди:

Сергеево-Посадский музей-заповедник : сообщения

4) тузилиши бўйича мураккаб сарлавҳадаги ўзгаришлар:

– умумий тематик сарлавҳанинг ўзгаришлари (тематик сарлавҳа учун ҳам).

Мисол

Нефтяная промышленность. Серия «Нефтегазовая геология и геофизика»

алмаштирилди:

Нефтяная и газовая промышленность. Серия «Нефтегазовая геология и геофизика»

– умумий намунавий сарлавҳанинг ўзгаришлари (намунавий сарлавҳа учун ҳам);

Мисоллар

Илмий ишлар тўплами. «Механика» серияси / Қариш давлат техника ун-ти

алмаштирилди:

Қариш давлат техника университетининг хабарлари. «Механика» серияси

Сборник научных трудов. Серия «Право» / Сев.-Кавказ. гос. техн. ун-т

алмаштирилди:

Вестник Северо-Кавказского государственного технического университета. Серия «Право»

– боғлиқ сарлавҳанинг ўзгаришлари (тематик сарлавҳа учун ҳам).

Мисол

Вопросы атомной науки и техники. Серия «Атомное материаловедение»

алмаштирилди:

Вопросы атомной науки и техники. Серия «Материаловедение и новые материалы»

б) серияли ҳужжатдаги янги ёзув тузишни талаб қиладиган бошқа ўзгаришлар:

– ёзув сарлавҳасига кирган ташкилот номидаги ўзгаришлар;

Мисол

Тошкент ҳарбий-денгиз институти. Илмий-услубий тўплами

алмаштирилди:

Сирдарё Жанубий денгиз корпуси – Тошкент ҳарбий-денгиз институти. Илмий-услубий тўплами

- ҳужжат чиқувчи маълумотлари тилининг ўзгариши.

Мисол

Autoshop

алмаштирилди:

Автошоп

с) бирлаштирилувчи ресурсдаги янги ёзув тузилишини талаб қилувчи ўзгаришлар:

– нашр тўғрисидаги маълумотлардаги ўзгариш;

– физик ташувчининг ўзгариши;

– ушбу стандартнинг 4.2.1-бандида санаб ўтилган ўзгаришлар;

д) янги ёзув тузилишини талаб қилмайдиган ўзгаришлар:

- серияли ҳужжат сарлавҳасининг ўзгаришлари:

1) сўз ёки сўзларнинг ёзилишидаги ўзгаришлар (ёзишнинг турли шакллари);

Мисол

Про100 дизайн

алмаштирилди:

Просто дизайн

2) – сўз ёки сўзларни қисқартириш, белги билан алмаштириш.

Мисол

Реклама и жизнь

алмаштирилди:

Реклама & жизнь

3) рим рақамларини араб рақамлари билан алмаштириш ва аксинча;

Мисол

20th century and world peace

алмаштирилди:

XXth century and world peace

4) сонлар ёки саналарнинг ҳарфлар билан ёзилишини рақамлар билан алмаштириш ва аксинча.

Мисол

Das XX Jahrhundert und der Frieden

алмаштирилди:

Das zwanzigste Jahrhundert und der Frieden

5) сўзларни ёзишда дефис белгисининг олиб ташланиши ёки пайдо бўлиши.

Мисол

Бизнесключ

алмаштирилди:

Бизнес-ключ

6) мураккаб сўзни иккита сўз билан алмаштириш ва аксинча.

Мисол

Бизнес-класс Архангельск

алмаштирилди:

Бизнес класс Архангельск

7) сарлавҳанинг тўлиқ шаклини қисқа шаклга алмаштириш ва аксинча (ҳужжатда иккала шакли ҳам мавжуд бўлганда).

Мисол

НМТ : Новые медицинские технологии

алмаштирилди:

Новые медицинские технологии : НМТ

8) сарлавҳанинг исталган ерига артикль қўшиш, артиклни исталган еридан олиб ташлаш ёки ўзгартириш;

Мисол

Le Coiffure de Paris

алмаштирилди:

Coiffure de Paris

9) сарлавҳанинг исталган ерига пунктуация белгилари ёки бошқа белгиларни қўшиш, уларни олиб ташлаш ёки ўзгартириш.

Мисоллар

Фантастика. Приключения

алмаштирилди:

Фантастика, приключения

Интерьер & дизайн

алмаштирилди:

Интерьер + дизайн

10) битта ташкилот номидаги, сарлавҳанинг исталган ерида эсга олиб ўтилган ўзгаришлар (ёзув сарлавҳасида келтирилган ташкилот номланиши шаклининг ўзгармаслиги шарт билан).

Мисоллар

Тихоокеанский научно-исследовательский рыбохозяйственный центр (Владивосток). Известия Тихоокеанского научно-исследовательского рыбохозяйственного центра

алмаштирилди:

Тихоокеанский научно-исследовательский рыбохозяйственный центр (Владивосток). Известия ТИНРО

11) параллел сарлавҳаларни келтириш тартибидаги ўзгаришлар (аввал асосий сарлавҳа сифатида танланган сарлавҳа ҳали ҳам ёзувда параллел сарлавҳа сифатида келтирилиши шарти билан).

Мисоллар

Ўзбекистонда ижтимоий фанлар = Общественные науки в Узбекистане

алмаштирилди:

Ўзбекистонда ижтимоий фанлар = Общественные науки в Узбекистане = Social Sciences in Uzbekistan

Ижтимоий фикр ва инсон ҳуқуқлари = Общественное мнение и права человека = Public Opinion And Human Rights

алмаштирилди:

Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари = Public opinion. Human Rights = Общественное мнение. Права человека

12) боғлиқ сарлавҳанинг ҳарфли ва (ёки) рақамли белгисининг қўшилиши, олиб ташланиши ёки ўзгариши.

Мисоллар

Вестник Волгоградского государственного университета. Серия «Математика. Физика»

алмаштирилди:

Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 1, Математика. Физика

Вестник Новосибирского государственного университета. Социально-экономические науки

алмаштирилди:

Вестник Новосибирского государственного университета. Серия: социально-экономические науки

е) ушбу стандартнинг 5.10.1.4 с) кичик бандида кўрсатилмаган ўзгаришлар янги ёзув тузилишини талаб қилмайди. Ёзувга ресурс тўғрисидаги янги маълумотларни акс эттирадиган ўзгаришлар киритилади. Ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар янгиланган ёзувнинг изоҳлар соҳасида келтирилади.

5.10.2 Биринчи босқичдаги ёзувни тузиш қоидалари (умумий қисм)

5.10.2.1 Асосий ва қўшимча фойдаланиш нуқталари

Фойдаланиш нуқталарини танлаш ва сарлавҳаларни тузиш ушбу стандартнинг 4 ва 5-бўлимларига мувофиқ қуйидаги ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Серияли ҳужжат учун тузилган биринчи босқичдаги ёзувга асосий фойдаланиш нуқтаси сифатида қуйидагилар қўлланилади:

- ташкилот номи қатнашган сарлавҳа;
- юрисдикция ва бир хиллаштирилган қилинган шаклдаги материал турининг белгиланишини ўз ичига олган сарлавҳа;
- асосий сарлавҳа.

Қўшимча фойдаланиш нуқталари сифатида турлича сарлавҳалар ва номлар қўлланади:

- ташкилот номи қатнашган сарлавҳа;
- юрисдикция номи ва бир хиллаштирилган шаклдаги материал турининг белгиси қатнашган сарлавҳа;
- ҳужжатда мавжуд бўлган, бироқ асосий сарлавҳадан фарқ қилмайдиган сарлавҳа вариантлари;
- шахс исмини ўз ичига олган сарлавҳа.

5.10.2.2 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.2, 4.1.10.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича қуйидаги ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади.

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси элементлари қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) асосий сарлавҳа сифатида серияли ҳужжатнинг умумий сарлавҳаси келтирилади.

Серияли ҳужжатнинг асосий сарлавҳаси хусусиятларига кўра – тематик ёки намунавий, тузилишига кўра – содда ва мураккаб бўлиши мумкин.

Тематик сарлавҳа сўз ёки иборадан, бир нечта сўз ёки иборалардан ташкил топиши мумкин.

Мисоллар
Капитал

У солнечных часов

Ты – лидер

Обзоры по клинической фармакологии и лекарственной терапии

Меди@льманах

Команда+

Бухоро вилояти. Иқтисод ва инвестициялар

Тематик сарлавҳа аббревиатуралар, акронимлар, сонлар, ташкилот номларидан ташкил топиши ёки уларни ўз ичига олиши мумкин.

Мисоллар

625

222 : *Аскарнинг эркин фикрлаш варақаси*

7 *мўъжиза*

ЎЯОЖ : Ўзбекистон Ярим Ой жамияти

130 *aastat eesti laulupidusid*

? [*Вопросительный знак*]

Намунавий сарлавҳа ҳужжат тури номини белгиловчи намунавий сўздан (сўзлардан) ташкил топади. Бундан ташқари, у тўлиқ ёки қисқартирилган ташкилот номини ўз ичига олиши мумкин.

Мисоллар

Хабарнома

Йилнома

Илмий ёзувлар

Илмий-услубий тўплам

ТДТУ Фарғона шаҳридаги филиалининг илмий ишлари

Ўзбекистон Миллий университети Ҳуқуқшунослик факультети талабаларининг илмий ишлари альманахи

Бюллетень

Вестник

Ежегодник

Ученые записки

Научно-методический сборник

Труды Филиала МГЮА в г. Вологде

Альманах студенческих научных работ Юридического факультета Санкт-Петербургского государственного университета

Газета Ивановского энергетического университета

Известия Медицинского университета

Мустақил тарзда нашр қилинадиган кичик серия (бўлим, илова) бўлган серияли ҳужжатнинг асосий сарлавҳаси тузилиши бўйича мураккаб бўлиши ва икки ёки ундан кўпроқ қисмлардан: барча кичик сериялар учун умумий бўлган сарлавҳа (умумий сарлавҳа) ва кичик сериянинг сарлавҳасидан (боғлиқ сарлавҳа) ташкил топиши мумкин. Кичик сериянинг сарлавҳаси ҳам рақамли ёки ҳарфли белгига эга бўлиши ёки фақат ундан иборат бўлиши мумкин.

Мисоллар

Вестник Воронежского государственного университета. Химия, биология

Рыбное хозяйство. Серия «Корма и кормление в аквакультуре»

Серияли ҳужжатнинг асосий сарлавҳасини танлаш ушбу стандартнинг 4.1.8.2, 4.1.10.2-бандларида баён қилинган қоидалар бўйича қуйидаги ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади:

- мустақил тарзда нашр қилинадиган кичик серия (бўлим, илова) ҳамда серияли ҳужжатга илованинг асосий сарлавҳасини танлашда кичик серия (бўлим, илова) хусусий сарлавҳаси қандай хусусиятга эга бўлиши кераклиги ҳисобга олиниши керак;

- кичик сериянинг сарлавҳаси барча кичик сериялар (бўлимлар, иловалар) учун умумий бўлган сарлавҳадан бошланиши, ундан кейин кичик сериянинг умумий сарлавҳага боғлиқ бўлган (рақамли ёки ҳарфли белгига эга бўлган ёки эга бўлмаган) хусусий сарлавҳаси келиши мумкин. Бундай ҳолларда кичик сериянинг асосий сарлавҳаси умумий сарлавҳа ва кичик сериянинг хусусий сарлавҳасидан ташкил топади.

Мисоллар

Известия СПбГЭТУ (ЛЭТИ). Серия «Гуманитарные и социально-экономические науки»

Железнодорожный транспорт. Серия 2, Подвижной состав. Локомотивное и вагонное хозяйство

Bulletin de l'Institut royal des sciences naturelles de Belgique. Sciences de la terre

Nuclear instruments & methods in physics research. Section A, Accelerators, spectrometers, detectors and associated equipment

- агар ҳужжатда «Янги серия», «NewSeries», «NeueFolge» каби маълумотлар мавжуд бўлса, уларнинг ҳужжат мазмунини ёки рақамлашга тегишли эканлигини фарқлаш лозим;

- агар ушбу маълумотлар ҳужжат мазмунига тегишли бўлса, улар боғлиқ сарлавҳа сифатида келтирилади.

Мисол***Известия Саратовского университета. Новая серия. Серия Физика***

- агар уларнинг рақамлашга тегишли эканлиги аниқланган бўлса, улар ўзига хос маълумотлар соҳаси ва физик бирлик учун тузилган ёзувда ушбу стандартнинг 5.10.2.4, 5.10.3–бандларига мувофиқ келтирилади;

- кичик серия полиграфик усулда ажратиб кўрсатилган, умумий сарлавҳа билан боғланмаган мустақил тематик сарлавҳага эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда асосий сарлавҳа сифатида кичик сериянинг хусусий сарлавҳаси танланади. Серияли ҳужжатнинг умумий сарлавҳаси сериялар соҳасида келтирилади.

Мисол***Экономика и управление нефтегазовой промышленности – (Нефть и газовая промышленность)***

- илова ўзининг тематик сарлавҳасига эга бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда унинг асосий сарлавҳаси сифатида серияли ҳужжатнинг асосий сарлавҳаси танланади, кейин илованинг ўз белгиси келтирилади.

Мисоллар***PM Magazine. Приложение******Белые снегири. Приложение к журналу***

- агар илованинг хусусий сарлавҳаси тематик бўлса, у асосий сарлавҳа сифатида танланади. Асосий серияли ҳужжат сарлавҳаси тўғрисидаги маълумотлар сарлавҳага тегишли бўлган маълумотларда (агар ҳужжатда ушбу маълумотлар аввалдан белгиланган маълумотларда келтирилган бўлса) ёки изоҳлар соҳасида (агар улар бошқа манбаларда кўрсатилган бўлса) келтирилади.

Мисоллар***Степной бюллетень : приложение к Сибирскому экологическому вестнику******Здоровье : тематическое приложение к газете «Новые известия»***

- агар асосий сарлавҳа доимий қисмдан ва ҳар бир нашрда ўзгарувчи тартибини кўрсатувчи ёки хронологик белгидан ташкил топса, серияли ҳужжатнинг асосий сарлавҳаси сифатида доимий қисми келтирилади. Ўзгарувчи тартибини кўрсатувчи ёки хронологик белги иккинчи босқичдаги ёзувда ҳамда ўзига хос маълумотлар соҳасида келтирилади. Маълумотлардаги тушириб қолдиришлар кўп нукта билан белгиланиши мумкин, улар 8-жадвалга мувофиқ сарлавҳанинг бошида бўлган ҳоллар бундан мустасно.

8-жадвал

Манбада	Биринчи босқичдаги ёзувда	Иккинчи босқичдаги ёзувда
2003 йилги археоло- гик топилмалар	Археологик топилмалар ...	... 2003 йил
Маданиятшунослик тадқиқотлари’ 01	Маданиятшунослик тадқиқотлари ...	... 2001
2003 йилги архео- график тўплам	Археографик тўплам ...	... 2003 йил учун
Tagungsbericht der Gesellschaft für Gefässchirurgie	Tagungsbericht der Gesell- schaft für Gefässchirurgie	3

Асосий сарлавҳани келтириш қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.8.2, 4.1.10.2-бандларида баён қилинган.

Аввалдан белгиланмаган манбада (муқова, корешок, колонтитул ва бошқ.) келтирилган асосий сарлавҳа ва (ёки) уни ёзиш вариантлари изоҳларда ушбу стандартнинг 5.10.2.8–бандига мувофиқ белгиланади. Сарлавҳанинг ушбу шакллариға қўшимча фойдаланиш нуқталари ташкил этилиши мумкин;

2) материалнинг умумий белгиланиши ушбу стандартнинг 4.1.8.2, 4.1.10.2-бандларида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади.

Материалнинг умумий белгиланиши [Матн] ни келтирмасликка йўл қўйилади, ёзув материалнинг ҳар хил турлари учун тузилган ёзувларни ўз ичига олувчи аралаш ахборот массиви учун тузилган ҳоллардан ташқари.

Мисоллар

Деловой квартал [Текст]

Medline.ru [Электронный ресурс]

3) параллел сарлавҳалар ушбу стандартнинг 4.1.8.2, 4.1.10.2-бандларида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. .

Мисоллар

Сибирский Колизей = Siberian Coliseum

Добыча, обработка и применение природного камня = Recovery, processing and application of natural stone = Estrazione, lavurazione e uso della pietra naturale

Polska = Poland = Polen

Библиография қилувчи муассаса тилидаги параллел сарлавҳа серияли ҳужжатнинг исталган жойидан ўзлаштирилади.

Мисол

Terra vitae = Территория жизни

4) сарлавҳага тегишли бўлган маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2, 4.1.10.2-бандида баён қилинган қоидалар бўйича қуйидаги ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

- сарлавҳага тегишли бўлган маълумотларнинг бир нечта гуруҳлари мавжуд бўлган ҳолларда уларда қандай маълумотлар мавжудлигига боғлиқ равишда уларни маълум кетма-кетликда келтириш тавсия қилинади:

а) сарлавҳага тегишли маълумотлар турлари ва уларни келтириш кетма-кетлиги.

Сарлавҳанинг бошқача шакли (агар асосий сарлавҳа сифатида тўлиқ шакли танланган бўлса, қисқартирилган шакли ёки агар асосий сарлавҳа сифатида қисқартирилган шакли танланган бўлса, тўлиқ шакли). Сарлавҳанинг тўлиқ шакли қисқартиришларсиз келтирилади.

Мисоллар

Мурманский берег : МБ

Северное измерение плюс : СИ+

АНКО : Актуальное национально-культурное обозрение

AW : Авто & woman

ELT : English language teaching

Ахборотнинг тематикаси, жанри, тури, мақсади ва фойдаланувчининг вазифалари, хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар ва бошқ.

Мисоллар

Ҳимоячи амалиёти : амалий ва ахборот наشري

Марказий Осиёдан номалар : нотижорат ташилотлар учун нашир

Сихат-дармон : доришунолик борасида чиқарилаётган дориларнинг дармони ҳақидаги республиканинг ойлик журнали : фармацевтик нашир

Адвокатская практика : практическое и информационное издание

Записки с Дальнего Востока : издание для некоммерческих организаций

Авикон-Информ : всероссийский ежемесячный журнал для активных участников фармацевтического рынка : фармацевтическое издание

Ҳужжат тўғрисидаги бошқа маълумотлар билан грамматик жиҳатдан боғлиқ бўлган даврийлик тўғрисидаги маълумотлар.

Мисоллар

Муסיкий ускуналар : тезкор ва мустақил ахборот : ойлик нашир

Музыкальное оборудование : оперативная и независимая информация : ежемесячное издание

AUS : Australasia : ежемесячный иллюстрированный игровой журнал путешественников

Бакинский вечер : ежедневная вечерняя общественно-экономическая и литературная газета

Хужжатнинг бошқа хужжатга илова эканлиги тўғрисидаги маълумотлар (агар улар хужжатда кўрсатилган бўлса).

Мисоллар

Библиотечное дело – XXI век : научно-практический сборник : приложение к журналу «Библиоковедение»

Новая военная литература : ежемесячный информационно-библиографический бюллетень книг, журналов и газетных статей : приложение к «Вестнику военной информации»

Journal of neurosurgery. Pediatrics : a supplement to the Journal of neurosurgery

Хужжат тўғрисидаги бошқа маълумотлар билан грамматик жиҳатдан боғлиқ бўлган «орган», «журнал», «газета» ва хужжат турини кўрсатувчи бошқа сўзларга ҳамда «нашр», «биргаликдаги нашр», «расмий нашр» сўзларига эга бўлган жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар. Фақат «нашр қилинади», «чиқарилади» ва ҳ. феъллари билан кўрсатилган ташкилот номи жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар сифатида келтирилади.

Мисоллар

Академиячи : студентларнинг Бутуниттифоқ академик органи

Абитуриент : Ўзбекистон олий ўқув юртларига кирувчилар органи

Туркистон : Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ташкилоти органи

Таълим хабарномаси : Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг маълумотли-ахборот наشري

Қалқон : ижтимоий-ҳуқуқий журнал : Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг расмий наشري

Адвокат : илмий-оммабон журнал : Ўзбекистон Республикаси Ад-вокатлар уюшмасининг расмий наشري

Мозийдан садо: Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадиий академияси ва Матбуот ахборот агент-ликларининг қўшма наشري

Хужжатнинг таржима эканлиги тўғрисидаги, хужжат тили тўғрисидаги, тарқатиш жойи бўйича белгиланиши тўғрисидаги маълумотлар.

Мисол

Нефть, газ и нефтехимия за рубежом : ежемесячный журнал : перевод журналов США «World oil», «Pipe line industry», «Hydrocarbon processing»

б) умумий ва боғлиқ сарлавҳалардан ташкил топган сарлавҳага тегишли маълумотлар сарлавҳадан кейин келтирилади.

Асосий сарлавҳанинг фақат умумий қисмига тегишли бўлган маълумотлар сарлавҳадан ва (ёки) кичик серия белгисидан олдин келтирилади.

Мисол

Bibliothèque française et romane : publication par le Centre de philologie romane de la Faculté des lettres de Strasbourg. Série C, Études littéraires

Фақат кичик сериянинг сарлавҳасига тегишли бўлган маълумотлар ундан кейин келтирилади.

Мисол

Таълим хабарномаси : Ўзбекистон Республикаси фани ва Халқ таълими вазирлигининг буйруқ ва йўриқномалари тўплами. Илова : РЎММ(ЎРХТВ) лойиҳаси

с) агар сарлавҳага тегишли маълумотлар ҳар бир нашрда ўзгарувчи тартиб ёки хронологик белгини ўз ичига олса, ушбу ўзгарувчи белги иккинчи босқичдаги тавсифда ҳамда ўзига хос маълумотлар соҳасида келтирилади. Маълумотларнинг тушириб қолдирилиши 9-жадвалга мувофиқ кўп нукта билан белгиланади.

9-жадвал

Манбада	Биринчи босқичдаги ёзувда	Иккинчи босқичдаги ёзувда
ESPRIT : proceedings of the 4 Annual conference	ESPRIT : proceedings of the ... Annual conference	... 4 ... или 4
Musica antiqua : acta scientiarum : materiały nauk z 8 Międzynarodowej muzykologicznej pod nazwa Musica Antiqua Europae orientalis	Musica antiqua : acta scientiarum : materiały nauk z ... Międzynarodowej muzykologicznej pod nazwa Musica Antiqua Europae orientalis	... 8 ... или 8
Мумтоз мусиқа: шашмақом : Шарқ мумтоз мусиқаси йўналиши бўйича ўтказилаётган 5-Халқаро танлов материаллари	Мумтоз мусиқа : шашмақом : Шарқ мумтоз мусиқаси йўналиши бўйича ўтказилаётган ... Халқаро танлов материаллари	... 5 ... ёхуд 5

d) агар сарлавҳага тегишли маълумотлар бир нечта тилларда келтирилган бўлса, асосий сарлавҳа тилига мос келадиганлари ёки биринчи кўрсатилганлари танланади;

- параллел сарлавҳалар ва сарлавҳага тегишли параллел маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда сарлавҳага тегишли ҳар бир параллел маълумотлар ўша тилдаги параллел сарлавҳадан кейин келтирилиши мумкин.

Агар сарлавҳага тегишли маълумотлар фақат асосий сарлавҳа тилидан фарқ қилувчи тилда кўрсатилган бўлса, улар умумий қоидалар бўйича келтирилади;

Мисоллар

Алеф = Alef : weekly magazine in Russia

Капитан-клуб : marine magazine

5) жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар ушбу стандартнинг 4.1.8.2, 4.1.10.2-бандларида баён қилинган қоидалар бўйича келтирилади. .

Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар серияли ҳужжат номидан нашр қилинган ёки серияли ҳужжатни нашр қилишда қатнашган, серияли ҳужжатнинг интеллектуал ёки бадиий мазмуни учун асосий жавобгарликни ўз зиммасига олган ташкилотларнинг номларини (муаллиф, муҳаррир, тузувчи, қайта ишловчи ва бошқ.) ўз ичига олиши мумкин.

Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар ташкилотларнинг номларини ва уларнинг ҳужжатни яратиш ва нашр қилишдаги вазифаларини аниқлаштирувчи сўзларни («тайёр.» (тайёрланди), «ишлаб ч.» (ишлаб чиқилди), «нашр қилинади», «...билан ҳамкорликда нашр қилинади», «таъсисчи», «by», «publ. by» (publishedby), «publ. par» (publiepar), «prep. by» (preparedby), «hrsg.» (herausgegeben), «unterMitarbeit» ва бошқ.) ўз ичига олиши мумкин.

Мисоллар

Тўқимачилик муаммолари : илмий-техникавий журнал / Тошкент давлат тўқимачилик ва енгил саноат ин-ти чиқаради

Транспорт Урала : научно-технический журнал / учредитель: Урал. гос. ун-т путей сообщ.

Правовой вопрос : журнал – практическое пособие / издается специализир. группой «Лаб. Маркетинга»

Автоальянс : магнитогорский журнал для тех, кто идет вперед / подготовлен ГИБДД и МРЭО УВД г. Магнитогорска, Магнитогор. фондом поддержки правовой информ.

Жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар сифатида яна шахслар – муҳаррирлар ва асосчиларнинг исмларини уларнинг ҳужжатни тайёрлашдаги ролини аниқловчи сўзлар ёки иборалар («муҳ.» (муҳаррир),

«Hrsg.» (Herausgeber), «ed.» (editor), «асос.» (асосчи), «Begr.» (Begründer) ва бошқ.) билан келтириш мумкин.

Мисол

Ойна : илмий-оммабон журнал / асосчи—муҳаррир Маҳмудхўжа Бехбудий

Бироқ агар асосчи тўғрисидаги маълумотлар манбада асос солиш санаси билан биргаликда келтирилган бўлса, ушбу маълумотлар изохлар соҳасида ушбу стандартнинг 5.10.2.8–бандига мувофиқ келтирилади.

Жавобгарлик тўғрисидаги параллел маълумотлар параллел намунавий сарлавҳалар мавжуд бўлган ҳолларда келтирилади. Жавобгарлик тўғрисидаги параллел маълумотларнинг ҳар бир гуруҳи ўша тилдаги параллел сарлавҳадан кейин келтирилади.

Мисоллар

Жайхун – ТерДУ хабарлари / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Термиз давлат ун-ти = Жайхун – вестник ТерГУ / М-во Высш. и сред. спец. образования, Термезский гос. ун-т

Труды / Рос. акад. наук, Дальневост.отд-ние, Тихоокеан. ин-т географии, Камч. ин-т экологии и природопользования = Proceedings / Rus. acad. of sciences, Far Eastern branch, Pasific inst. of geography, Kamchatka inst. of ecology and nature management

Агар параллел сарлавҳа мавжуд бўлмаса, жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар эса манбада турли тилларда келтирилган бўлса, ёзувда жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар асосий сарлавҳа тилида келтирилади.

5.10.2.3 Нашр соҳаси

Соҳа серияли ҳужжатнинг ушбу нашрининг худди шу ҳужжатнинг бошқа нашрларига нисбатан ўзгаришлари ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.3, 4.1.10.2-бандларида келтирилган қоидалар бўйича келтирилади. .

Нашр соҳасида қуйидагилар келтирилади:

– серияли ҳужжатни такроран нашр қилиш тўғрисидаги маълумотлар (такроран, стереотип, тўлиқ бўлмаган, тузатилган, тўлдирилган, қайта кўриб чиқилган нашр; шарҳларга, ёрдамчи аппарат, иловаларга эга бўлган нашр ва ҳ.).

Мисоллар

. – 1-е изд.

. – Переизд.

. – Новое изд.

– қайта тиклаш шакли тўғрисидаги маълумотлар.

Мисоллар

. – Репр. воспр.

. – *Факс. изд.*

– физик шакли тўғрисидаги маълумотлар.

Мисоллар

. – *Braille ed.*

. – *Large print ed.*

– тарқатиш жойи бўйича белгиланиши тўғрисидаги маълумотлар, агар улар сарлавҳага тегишли маълумотларга киритилмаган бўлса.

Мисол

. – *Рос. версия*

– нашр тили тўғрисидаги маълумотлар, агар улар сарлавҳага тегишли маълумотларга киритилмаган бўлса,

Мисол

. – *Рус. изд.*

Нашр соҳасида ёзувнинг бошқа соҳаларига тегишли маълумотлар келтирилмайди, масалан:

– ахборотнинг мақсадли ва фойдаланувчига оид белгилари, хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар, масалан: илмий-оммабоп, реклама, ахборот, техникавий-ишлаб чиқариш нашри, профессионаллар учун нашр ва бошқ. (сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси – сарлавҳага тегишли маълумотлар);

– ҳужжат тегишли бўлган материалнинг кенг туркуми тўғрисидаги ёки материалнинг ўзига хос белгиланиши тўғрисидаги маълумотлар (сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси – материалнинг умумий белгиланиши ёки физик характеристика соҳаси);

– даврийлиги (сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси – сарлавҳага тегишли маълумотлар ёки изоҳлар соҳаси), мунтазам кўриб чиқилиши (янгиланиши) (изоҳлар соҳаси) тўғрисидаги маълумотлар;

– ҳужжатнинг фото-, ксеро, микронусха эканлиги тўғрисидаги маълумотлар (изоҳлар соҳаси).

5.10.2.4 Рақамлаш соҳаси

Серияли ҳужжатлар учун ўзига хос маълумотлар соҳаси бўлиб рақамлаш соҳаси ҳисобланади.

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.4, 4.1.10.2-бандларида келтирилган қоидалар бўйича келтирилади.

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасига тааллуқли маълумотлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) соҳада биринчи ва сўнгги нашр қилинган нашрлар ёки умуман серияли ҳужжатни нашр қилишни бошлаш ва тўхтатиш саналари тўғрисидаги маълумотлар, ҳамда ҳужжатни нашр қилишдаги узилишлар,

рақамлашдаги ўзгаришлар ва қайта тиклашлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Серияли ҳужжатнинг битта сарлавҳа остида чиққан қисми учун ёзув тузишда соҳада ушбу сарлавҳа остида чиққан биринчи ва охириги нашрлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Рақамлаш соҳаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

– нашр қилиши тўхтатилган серияли ҳужжатни тавсифлашда - биринчи ва сўнгги нашрларнинг сонлари ва уларни нашр қилиш саналари ёки ҳужжатни нашр қилишни бошлаш ва тўхтатишнинг тире белгиси билан бирлаштирилган саналари;

– нашр қилиниши давом эттирилаётган серияли ҳужжатни тавсифлашда - биринчи нашрнинг сони ва уни нашр қилиш санаси ёки нашр қилишни бошлаш санаси, ундан кейин тире белгиси қўйилади ва тўртта бўш жойдан иборат оралиқ қолдирилади.

Агар биринчи ҳамда сўнгги нашрларни рақамлаш ва нашр қилиш саналари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаб бўлмаса, рақамлаш соҳаси ёзувда келтирилмайди.

2) ҳарфли белгилар қисқартирилган («н.» (нашр), «т.» (том), «vol.» (volume), «Bd.» (Band), «кв.» (квартал), «Н.» (Heft), «янв.» (январь), «февр.» (февраль) ва бошқ.) шаклда келтиришга йўл қўйилади, агар бу мумкин бўлса.

Сонлар ва йиллар араб рақамлари билан белгиланади.

Григориан календаридида бўлмаган саналар улар ҳужжатда келтирилган шаклда келтирилади. Саналарнинг григориан календаридидаги эквивалентлари улардан кейин квадрат қавсларга олинган ҳолда келтирилади.

Ҳужжатда тартиб бирлиги белгиси мавжуд бўлмаган ҳолларда тавсифда фақат тартиб рақами келтирилади.

Хато маълумотлар олдин «яъни» сўзи ёки лотин тилидаги унинг эквиваленти «i. e.» билан биргаликда квадрат қавсларга олинган ҳолда тўғрилири билан тўлдирилади.

Мисол

Вып. 11 [т. е. 1] (2005) –

Серияли ҳужжатни рақамлаш усулига кўра ёзув соҳада сон билан (нашрнинг рақамли ва (ёки) ҳарфли белгиси) ёки йил (хронологик белги) билан бошланиши мумкин.

Рақамли ва (ёки) ҳарфли рақамлашда нашр белгиси ва сони ҳамда уни нашр қилиш йили думалоқ қавсларга олинган ҳолда келтирилади.

Биринчи ва сўнгги нашрларнинг нашр қилиш йиллари улар чиқувчи маълумотлар соҳасида келтирилган маълумотларга мос бўлган ҳолларда тушириб қолдирилиши мумкин.

Мисоллар

. – 1 (1980) – 21 (2001)

. – *Вып. 1 – 13*

. – *Т. 1, вып. 1 –*

. – *Vol. 1, № 1 –*

. – *Bd. 1, H. 1 –*

... *за 2003 год –*

... *2001 года (2002) –*

Хронологик рақамлашда маълумотлар 10-жадвалда берилган тартибда келтирилади.

10-жадвал

Келтириш тартиби	Мисоллар	
йил	. – 2008 –	. – 2012 –.
йил, номер	. – 2009, № 1 –	. – 2005, № 5 –.
йил, ой	. – 2000, кв. 1 – . – 2005, янв.-фев. – . – 2001, янв. –	. – 2005, чор. 1 – . – 2005, янв.-фев. – . – 2001, янв. –.
йил, сана, ой	. – 2003, 23 мая –	. – 2003, 23 май –.
йилнинг тартиб рақами йил, сон	. – Г. 1 2002, вып. 1 –	. – 1 й. 2005, чиқ. 1 –.
йилнинг тартиб рақами йил, ой	. – Г. 1 2004, 1 –	. – 1 й. 2007, 1 –.

Иккиланган, учланган ва ш.к. сонлар ва йиллар қия чизиқ орқали келтирилади.

Мисоллар

. – № 1/3

. – Чиқ. 1/2

. – Вып. 1/2

. – 2003/2004

2008, № 12 / 2009, № 1 –

2005/2006, дек./янв. –

Умумий сон тартиб рақамидан кейин думалоқ қавсларга олинган ҳолда кўрсатилади.

Мисоллар

2004, окт. (1) – 2006, дек. (27)

2008, окт. (28) – 2010, дек. (54)

Агар нашр қилиниши тўхтатилган серияли ҳужжатнинг биринчи нашрини сони ва (ёки) нашр қилиш санаси номаълум бўлса, соҳада фақат сўнгги нашр тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Мисол

. – – 2009, № 4

Агар биринчи сони иккинчисидан ёки бошқа кейинги сонидан кейин нашр қилинган бўлса, аввал биринчи бўлиб нашр қилинган сони, кейин эса – тартиб бўйича биринчиси кўрсатилади.

Мисоллар

. – *Чиқ.* 2 (2009), 1 (2010) –

. – *Вып.* 2 (2000), 1 (2001) –

Агар ҳужжатни нашр қилиш тўхтатилган ёки рақамлаш шакли ўзгарган бўлса, рақамлашнинг барча қаторлари келтирилади. Улар орасига нуқта вергул қўйилади.

Мисоллар

. – 2000 – 2005 ; 2011 – 2015

. – *Вып.* 1 (2000) – 9 (2009) ; *Т.* 1 (2012) – 5 (2015)

. – *Чиқ.* 1 (2000) – 5 (2005) ; *Ж.* 1 (2008) – 6 (2013)

. – *Т.* 1 (2002) – 3 (2004) ; 2005 –

. – *Ж.* 1 (2004) – 3 (2006) ; 2007 –

Рақамлашга тегишли бўлган «Я. С» (Янги серия), «N. S.» (New Serie), «N. F.» (Neue Folge) ва шу каби белгиси рақамлашнинг янги қаторидан олдин кўрсатилади ва вергул билан ажратилади.

Мисоллар

. – *Т.* 1 – 12 ; *Н. С., т.* 1 –

. – *Ж.* 1 – 12; *Я. С., ж.* 1 –

. – *Т.* 1 (2006) – 22 (2025) ; *Н. С., вып.* 1 (2036) –

. – *Ж.* 1 (2006) – 22 (2025) ; *Я. С., чиқ.* 1 (2036) –

. – *Bd.* 1 – 2008 ; *N. F., Bd.* 1 (2009) –

Vol. 1 (2000) – 30 (2030) ; *2a época, Vol.* 1 (2031) –

Ўзига хос маълумотлар соҳасининг такрорланишини талаб қилувчи маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда рақамлаш соҳаси охирида келтирилади.

Бирлаштирилувчи ресурслар учун рақамлаш соҳаси қўлланмайди.

5.10.2.5 Чиқувчи маълумотлар соҳаси

Соҳада элементлар ушбу стандартнинг 4.1.8.5, 4.1.10.2-бандларида баён қилинган қоидалар бўйича ушбу кичик бўлимда келтирилган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади.

Чиқувчи маълумотлар соҳасига тааллуқли маълумотлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

1) нашр қилиш, тарқатиш жойи – ноширнинг юридик манзилида кўрсатилган шаҳар ёки бошқа аҳоли яшайдиган пункт, ушбу маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда эса – серияли ҳужжатни чиқарувчи ташкилот жойлашган жой ёки ҳужжат чиқарилган ёки тарқатилган жой.

Агар бир нечта нашр қилиш жойи кўрсатилган бўлса, ёзувда иккинчи ва кейингилари келтирилиши мумкин. Агар иккинчи ва кейинги нашр қилиш жойлари тўғрисидаги маълумотлар тушириб қолдирилса, бу квадрат қавсларга олинган [ва бошқ.] қисқартмаси билан белгиланади. Тушириб қолдирилган маълумотлар зарур бўлган ҳолларда изоҳларда келтирилади;

2) агар ноширнинг бир нечта исмлари (номлари) кўрсатилган бўлса, ёзувда иккинчи ва кейингилари келтирилиши мумкин. Агар иккинчи ва кейинги ношир исмлари (номлари) тушириб қолдирилса, бу квадрат қавсларга олинган [ва бошқ.] қисқартмаси билан белгиланади. Тушириб қолдирилган маълумотлар зарур бўлган ҳолларда изоҳларда келтирилади;

3) нашр қилиш, тарқатиш саналари ва шу кабилар – маълумотлари ёзувга киритилган серияли ҳужжатнинг биринчи ва (ёки) сўнгги нашрларини чиқариш, тарқатиш йиллари.

Нашр қилиш, тарқатиш саналари ва шу кабилар рақамлаш соҳасида келтирилган саналар серияли ҳужжатга асос солиш ва (ёки) уни нашр қилишни тўхтатиш саналари билан мос келиши ҳам, мос келмаслиги ҳам мумкин.

Нашр қилиниши давом эттирилаётган серияли ҳужжатни тавсифлашда биринчи нашр чиқарилган йили ва тире келтирилади, ундан кейин тўртта бўш жойга тенг оралиқ қолдирилади.

Мисол

, 2000 – 2007, 2011 –

Нашр қилиниши тўхтатилган ҳужжатни ҳамда нашрлар тўпламини тавсифлашда маълумотлари ёзувга киритилган биринчи ва сўнгги нашрларни чиқариш йиллари тире белгиси билан бирлаштирилган ҳолда келтирилади.

Нашр қилишда узилишлар бўлган серияли ҳужжатни тавсифлашда ҳужжат нашр қилинган йиллар келтирилади.

Бирлаштириладиган ресурслар учун нашр қилишни бошлаш санаси – биринчи итерацияни нашр қилиш йили, ресурсдан илк марта фойдаланиш мумкин бўлган йил. Бирлаштириладиган ресурсни якунлаш санаси – сўнгги итерацияни нашр қилиш йили, ресурс якунланган йил.

5.10.2.6 Физик характеристика соҳаси

Соҳадаги элементлар ушбу стандартнинг 4.1.8.6, 4.1.10.2-бандида ва 5-бўлимнинг тегишли кичик бўлимларида баён қилинган қоидалар бўйича серияли ҳужжатнинг физик шаклига боғлиқ равишда келтирилади.

Материалнинг ўзига хос белгиланиши серияли ҳужжат тақдим этилган физик шаклини (том, нашр, қисм, микрофиша, микрофильм ва бошқ.) кўрсатади.

Босма шаклда нашр қилинадиган бирлаштириладиган ресурсни тавсифлашда материалнинг ўзига хос белгиси тегишли шаклда келтирилади:

Мисоллар

. – 1 т. (сменные листы)

. – 1 ж. (алмашинув вараги)

Ҳажм (физик бирликлар сони) тўғрисидаги маълумотлар нашр қилиниши тўхтатилган серияли ҳужжатни тавсифлашда келтирилади.

Мисоллар

. – 120 вып.

. – 115 чиқ.

Серияли ҳужжатни нашр қилиш давомида физик характеристика, ўлчамлар ўзгарган ҳолларда уларнинг энг кичик ва энг катта қийматларини тире билан ажратиб келтиришга йўл қўйилади.

Мисоллар

. – 30 – 47 с.

. – 12 – 16 полос

. – 29 – 40 см

5.10.2.7 Сериялар соҳаси

Соҳада элементлар ушбу стандартнинг 4.1.8.7, 4.1.10.2-бандларида келтирилган қоидалар бўйича келтирилади.

5.10.2.8 Изоҳлар соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.8, 4.1.10.2-бандларида баён қилинган қоидалар бўйича ушбу бўлимда келтирилган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади.

Изоҳлар соҳасига тегишли маълумотлар қуйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади:

а) изоҳлар соҳасида серияли ҳужжат тўғрисидаги ёзувнинг бошқа соҳаларида акс эттирилмаган қуйидаги қўшимча маълумотлар келтирилади: серияли ҳужжат тарихи тўғрисидаги маълумотлар; серияли ҳужжатнинг тузилишига оид ва бошқа ўзига хос хусусиятлар тўғрисидаги маълумотлар; тавсиф соҳалари ва элементларига тегишли бўлган

маълумотлар, жумладан ёзув элементларидан исталганининг ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотлар.

Изоҳларга киритилган исталган сарлавҳа қисқартиришларсиз тегишли ISSN рақами билан бирга келтирилади.

б) изоҳларнинг турлари ва уларни келтириш кетма-кетлиги:

1) нашрларни чиқариш ёки бирлаштирилувчи ресурсларни янгилаш даврийлиги тўғрисидаги изоҳ, агар улар сарлавҳага тегишли маълумотларга киритилмаган бўлса:

- изоҳ ахборот манбаида берилган шаклда ёзилади ёки ифодаланади;

- сонлар араб рақамларида келтирилади.

Мисоллар

<i>Ахборот манбаида:</i>	<i>Ёзувда:</i>
<i>Выходит один раз в три месяца</i>	<i>. – Выходит 1 раз в 3 месяца</i>
<i>Периодичность 6 раз в год</i>	<i>. – Периодичность 6 раз в год</i>
<i>Чоракда бир марта чиқади</i>	<i>. – Чоракда 1 марта чиқади</i>
<i>Даврийлиги йилда 6 марта</i>	<i>. – Даврийлиги йилда 6 марта</i>

2) даврийликнинг ўзгаришлари даврийлик тўғрисидаги маълумотлардан кейин аввал нуқта вергул белгиси қўйилган ҳолда белгиланади. Тегишли саналар вергул орқали келтирилади.

Мисол

. – Выходит ежемесячно, 2006 – 2008, № 8 ; издается 4 раза в год, 2008, дек. –

3) асос солиш санаси ва (ёки) асосчи тўғрисидаги изоҳ.

Мисоллар

. – Основан в 2007 г.

. – Основан в 2002 в г. Твери

. – Издается с октября 2009

Сарлавҳаси ўзгарган серияли ҳужжатни таасифлашда асос солиш санаси тўғрисидаги маълумотлар асос солиш вақтидаги ҳужжат сарлавҳаси тўғрисидаги маълумотлар билан бирлаштирилиши мумкин;

4) ҳужжатни нашр қилишдаги узилишлар, уни янгилаш, тўхтатиш тўғрисидаги изоҳ;

Мисоллар

. – Прекр. на ...

. – ... да тўхтат

- . – *Перерыв в изд.: ...*
- . – *Босишдаги танаффус: ...*
- . – *Возобновлен с ...*
- . – *... дан тикланган*

5) бошқа ҳужжатларга боғлиқлиги тўғрисидаги изоҳ мажбурий ҳисобланади ва ҳужжатнинг бўлиниши, қўшилиши, бирлашиши, қўшиб олиниши тўғрисидаги маълумотларни, ушбу серияли ҳужжатнинг бошқа ҳужжат ўрнига чиқиши ёки ушбу ҳужжат ўрнига бошқасининг чиқиши тўғрисидаги; ушбу ҳужжатнинг бошқа ҳужжатга илова эканлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Серияли ҳужжатнинг бошқа ҳужжатларга боғлиқлик хусусиятларига кўра изоҳлар қуйидаги шакл бўйича келтирилади:

- . – Бирлашиш натижасида ташкил этилган: ..., ISSN ва ... , ISSN;
- . – Ажратилиш натижасида ташкил этилган: ..., ISSN ва ... , ISSN;
- . – Ажратилиш натижасида ташкил этилган: ..., ISSN ва унинг рақамланишини давом эттиради;
- . – ..., ISSN ўрнига чиқади;
- . – ..., ISSN дан ажралиб чиққан;
- . – ... йилда ... билан бирлашди, ISSN ва қуйидаги сарлавҳа остида чиқади: ...;
- . –...йилда ажралиб: ..., ISSN ва ... , ISSN;
- . –... йилда нашрдан ажралиб чиқиб: ..., ISSN;
- . – йилда қўшилди: ..., ISSN ва ... , ISSN;
- . –... да тўхтатилди. ..., ISSN ўрнига чиқмоқда;
- . –... йилда серияга кирган: ...;
- . – Танаффусда газеталар чиққан.: ...;
- . –...га илова: ...;

6) тавсифнинг алоҳида соҳалари ва элементларига изоҳлар тавсиф соҳалари ва элементлари учун ўрнатилган кетма-кетликда келтирилади. Улар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- асосий сарлавҳа манбаи тўғрисидаги маълумотларни, агар у аввалдан белгиланмаган ахборот манбаидан олинган бўлса;
- аввалдан белгиланган ахборот манбаида келтирилган асосий сарлавҳанинг ҳужжатнинг бошқа ерларида (муқова, корешок, колонтитул ва бошқ.) кўрсатилган сарлавҳа билан ўқилиши ва (ёки) ёзилишидаги фарқлар тўғрисидаги маълумотларни;
- параллел сарлавҳалар тўғрисидаги маълумотлар ва сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасига киритилмаган жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларни;
- нашр соҳаси, ўзига хос маълумотлар (масалан, рақамлашнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги), чикувчи маълумотлар (нашр қилиш,

тарқатиш жойи тўғрисидаги, ношир тўғрисидаги нашрни чиқариш маълумотлари соҳасига киритилмаган маълумотлар), физик характеристика, серия, стандарт рақам ва фойдалана олишлик шартлари (масалан, хато ISSN) соҳаларига тегишли бўлган қўшимча маълумотлар;

7) нашр қилиш даври давомида элементларнинг ўзгариши тўғрисидаги изоҳлар тўпланиши ва барча изоҳларнинг охирида келтирилиши мумкин. Битта элементнинг ўзгариши тўғрисидаги изоҳ тегишли кириш сўзи (масалан: «Сарлавҳа», «Нашр қилиш жойи», «Серия сарлавҳаси») билан бошланади.

Мисоллар

. – *Заглавие: 2000–2006 Вестник Московского университета. Серия 14, Востоковедение ; 2007– Вестник Московского университета. Серия 13, Востоковедение*

. – *Сарлавҳа: 2000–2006 Тошкент давлат университети хабарлари. Серия 6, Филология ; 2007– Тошкент давлат университети хабарлари 6, Филология*

. – *Заглавие: 2009–2011, вып. 7 Вопросы радиоэлектроники. Серия 7, Электронная вычислительная техника ; 2012, вып. 1 – Вопросы радиоэлектроники. Серия «Электронная вычислительная техника»*

. – *Место издания: № 1 (2005) Москва ; Обнинск ; № 2 (2010) – Москва*

. – *Чиқиш жойи: № 1 (2008) Тошкент ; Чирчиқ; № 2 (2012) – Тошкент*

. – *Место издания: 2003, № 2 (окт./нояб.) Санкт-Петербург ; 2004, № 1 (3)(март) – Санкт-Петербург ; Царское Село*

. – *Чиқиш жойи: 2006, № 6 (нояб./дек.) Самарқанд ; 2007, № 1 (4)(апрель) – Самарқанд ; Зиёвуддин*

. – *Издательство: № 2 (2000)–12 (2010) Энергоатомиздат ; № 13 (2011)– ИАТЭ*

. – *Нашиёт: № 2 (2001) – 12 (2011) Ўздавадабнашр ; № 13 (2012)– ЎДАН*

8) матн тили, матн қисмлари, чиқувчи маълумотлар тўғрисидаги изоҳ, агар у ёзув тилига мос бўлмаса;

Мисоллар

. – *Текст рус. и укр.*

. – *Матн ўзб. ва тож.*

9) бошқа тиллардаги параллел нашрларнинг мавжудлиги тўғрисидаги изоҳ;

Мисоллар

. – *Выходит также на англ. и нем. яз.*

. – *Яна ингл. ва итал. тилида чиқади*

10) кўрсаткичлар ва (ёки) иловаларнинг мавжудлиги тўғрисидаги изох, агар улар барча ёки кўпчилик нашрларда мавжуд бўлса;

Мисоллар

. – *Прил. к каждому вып.*

. – *Ҳар бир чиқишга илова*

. – *Указ. в последнем вып. года*

. – *Кўрсаткич йил охирида чиқади*

11) жамланган кўрсаткичлар ва (ёки) алоҳида нашр қилинган иловалар тўғрисидаги изохлар гуруҳларга ажратилиши ва барча изохларнинг охирида ушбу стандартнинг 5.10.4–бандига мувофиқ келтирилиши мумкин;

12) ҳужжатнинг тузилишига оид ва бошқа ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги изох.

Мисоллар

. – *Печатается на страницах журн.: ..., ISSN*

. – *Журн. саҳифаларида босилади: ..., ISSN*

. – *Выходит в общ. обл. с журн.: ..., ISSN*

. – *Журн. б-н умуммуқовада чиқади: ..., ISSN*

. – *С ... на страницах изд. печатается журн. в журн.: ...*

. – *... дан журн. журн. нашири саҳифаларида босилмоқда: ...*

. – *С ... изд. в форме журнала*

. – *... дан журнал тарзида чиқади*

. – *С ... по ... печатается на страницах газ. «Правда Востока»*

. – *... дан ... гача «Тошкент оқиоми» газ. саҳифаларида босилмоқда*

13) тавсифланаётган нашр (ёки бирлаштирилувчи ресурс итерацияси) тўғрисидаги изох, агар ёзув биринчи бўлмаган нашр (итерация) бўйича тузилса;

Мисоллар

. – *Описан по:*

. – *Тавсифланиши:*

14) ўзгарган ҳужжат учун тузилган ёзувларнинг боғлиқликлари тўғрисидаги изох мажбурий ҳисобланади.

Мисоллар

. – *Продолжается как:*

. – *Қандай давом этмоқда:*

. – *Ранее выходил как:*

. – *Илк қандай чиққани:*

5.10.2.9 Стандарт рақам (ёки унинг муқобиллари) ва фойдалана олишлик шартлари соҳаси

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.8.9, 4.1.10.2-бандларида баён қилинган қоидалар бўйича ушбу кичик бўлимда келтирилган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади.

Соҳада ISSN, ISBN, электрон ресурсларни давлат рўйхатидан ўтказиш рақами ёки маълум ҳужжат турига ўрнатилган тартибда берилган стандарт рақам келтирилади.

Боғлиқ сарлавҳага эга бўлган кичик серия ҳисобланувчи серияли ҳужжат тавсифида соҳа такрорланади. Биринчи бўлиб сериянинг стандарт рақами мавжуд бўлган соҳа келтирилади.

Стандарт рақам ҳужжатда кўрсатилган шаклда келтирилади.

Агар тавсифланаётган нашрда стандарт рақам нотўғри кўрсатилган бўлса, ёзувда тўғри рақам (агар уни аниқлаш мумкин бўлса) келтирилади ва нотўғри рақам думалоқ қавсларда «хато» изоҳи билан келтирилади.

Асосий сарлавҳа, у ҳужжатнинг бош сарлавҳасига айнан ўхшаш бўлишидан қатъи назар, тегишли ISSN мавжуд бўлганда келтирилади.

5.10.3 Иккинчи ва кейинги босқичлардаги ёзувларни тузиш қоидалари

5.10.3.1 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси

Иккинчи ёки кейинги босқичлардаги библиографик ёзув (физик бирлик) серияли ҳужжатнинг айрим нашрлари ҳамда унинг кўрсаткичлари ва иловалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Тавсиф элементлари тўплами ушбу стандартнинг 4.1.10.1-бандида келтирилган. Иккинчи ва кейинги босқичларда келтириладиган маълумотларнинг энг қисқа шакли бўлиб асосий тартиб бирликларини кўрсатиш ҳисобланади.

Иккинчи ёки кейинги босқичлардаги ёзувларда маълумотларни келтиришнинг умумий қоидалари ушбу стандартнинг 4.1.8.3-бандида келтирилади.

Соҳа элементлари ушбу стандартнинг 4.1.10.3-бандида баён қилинган қоидалар бўйича ушбу кичик бўлимда келтирилган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда келтирилади.

Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасига тааллуқли маълумотлар қуйидаги талабларни ҳисобга олган ҳолда келтирилади:

1) асосий тартиб бирлиги ва унинг бўлинмаларини келтириш қоидалари.

Соҳанинг биринчи элементи бўлиб асосий тартиб бирлиги ҳисобланади.

Асосий тартиб бирлиги сифатида рақамлаш усулига боғлиқ равишда нашр, том, сон ва шу кабилар (кетма-кет рақамлаш) ёки нашрга киритилган материал белгиланган йил (йил бўйича рақамлаш) бўлиши мумкин.

